1 гуруҳ асосий гуруҳ бўлиб, бу гуруҳга кесарча кесиш операцияси билан туғилган 38 та бола, иккинчи гуруҳ назорат остидаги гуруҳ бўлиб, унга физиологик усулда туғилган 40 та бола олинди. Тадқиқот учун янги туғилган чақалоқларнинг нажаси олинди. Нажасни йиғиш бола туғилганининг биринчи суткасидан бошланди. Шунингдек, тадқиқотлар давомида акушер-гинекологик анамнез, кесарча кесиш операциясига кўрсатмалар, иккала гуруҳдаги чақалоқларнинг соғлиқ ҳолати кўрсаткичлари, жисмоний ва нейропсихологик ривожланиши ўрганилди. Акушер-гинекологик анамнезни ўрганиш чоғида аниқланилган экстрагенитал касалликлар: тана пастки қисми варикоз касаллиги, жигар касалликлари, буйрак касалликлари, миопия ва юрак нуқсонлари. Иккала гуруҳдаги аёлларда ҳам бу касалликлар бир хил частотада учради. Бироқ кесарча кесиш операцияси билан туғилган болаларнинг оналарида бола тушиш хавфи, боланинг ривожланишдан ортда қолиши, бола вазнининг меъёрга нисбатан камлиги, бачадондан ташқари ҳомиладорлик, аднексит, қин аномалиялари назорат гуруҳига нисбатан 2 баравар кўп қайд этилди. Физиологик ва кесарча кесиш операцияси билан туғилган болалар гуруҳида болалар жинси, гестация муддати (37,7–39,2 ҳафталик), жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, Апгар шкаласи бўйича сезиларли ўзгаришлар аниқланилмади. Биз асосий эътиборни ичак микробиоценозига қаратганимиз туфайли, бошқа патологияларни чуқур таҳлил этмадик. Физиологик ва кесарча кесиш операцияси билан туғилган болаларнинг оналарида лактация шаклланиш муддати ўрганилди. Асосий гуруҳдаги болалар оналарининг аксариятида кесарча кесиш операциясидан сўнг лактациянинг пасайиши натижасида гипогалактия ҳолатлари қайд этилди. Биринчи ҳафта давомида бу гуруҳдаги болаларнинг 76,5% сунъий овқатлантиришда бўлишган.

Гипогалактия сабабли янги туғилган чақалоқларни сунъий озиқлантириш билан болалар ичак микробиоценози бузилиши орасида ўзаро боғлиқлик аниқланилди. Иккала гуруҳдаги чақалоқларнинг оғирлиги ҳар куни ўлчаб турилди. Кесарча кесиш операцияси билан туғилган болаларда нормал биоценоз шаклланиш жараёнининг бузилиш сабабларини аниқлаш мақсадида, туққан аёлларнинг овқатланиш тартиби ва лактация ривожланиш хусусиятларини ҳам ўргандик. Кесарча кесиш операцияси билан туғилган болалар оналарида антибактериал терапия ўтказилиши, операциядан сўнг оналарнинг ўзларини нохуш сезиши, психоэмоционал зўриқишлар, эмизикли онада кундалик режим ва овқатланишнинг бузилиши, операциядан сўнгги ноқулайликлар боис, она кўкрагига анча кечроқ, иккинчи куннинг охирида еки учинчи куннинг бошида берилган еки тўлиғинча сунъий овқатлантиришда бўлишди. Кесарча кесиш операциясидан сўнг она сути суткалик секрецияси физиологик туғруққа нисбатан кам ажратилиши кузатилди. Назорат гуруҳидаги аёлларда туғруқнинг 5-куни 78% ҳолда сутнинг етарли даражада секрецияси қайд этилган, кесарча кесиш операцияси билан туғилган болаларнинг жавоб берилиши кунида сутнинг етарлича секрецияси 28% аёлларда кузатилган. Шунингдек, иккала гуруҳдаги болаларда ҳам ичак микробиоценози ҳолати ўрганилди. Таҳлиллардан маълум бўлдики, асосий гуруҳдаги болаларда Clostridium spp, St. epidermidis, Candida albicans миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ ажратилиши аниқланилди. Таҳлиллар натижасида бу ҳолат ушбу гуруҳдаги болаларнинг эрта болалик даврида сунъий озиқлантириши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Адабиётлардан маълумки, кесарча кесиш йўли билан туғилган чақалоқларда мослашиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларига операция вақтида қўлланилган фармакологик моддалар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, онага буюрилган антибиотикотерапия нафақат болаларнинг турғун микрофлораси бузилишига, балки шартли патоген флора микроорганизмлари кўпайишига ҳам таъсир кўрсатади. Баъзи муаллифлар тадқиқотларида антибиотиклар янги туғилган чақалоқларда антибиотик билан боғлиқ диарея ривожланиш хавфини оширадиган омиллардан бири эканлиги қайд этилган [2,5,6]. Назорат гуруҳидаги болаларда *St. aureus, Klebsiella pneumoniae* умуман учрамади. Маълумки, янги туғилган чақалоқларнинг ичак микрофлорасига озиқлантириш характери ва тартиби ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Иккала гуруҳдаги болаларда ҳам 5-7 кун давомида тана вазни ўлчаб борилди. Болаларда физиологик вазн йўқотилишини таҳлил қилиш чоғида асосий гуруҳдаги болаларда бу кўрсаткич 10% дан зиёдни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги болаларда физиологик тана масса йўқотилиши тикланиши 50% изида туғилганининг 4-5 кунлари юз берди. Бу ҳолатнинг асосий гуруҳдаги болаларда чўзилиши кузатилди. Назорат гуруҳидаги болаларнинг туғруқхонадан жавоб берилаётган куни деярли 78,5 % изида физиологик йўқотилган тана массаси тикланиши юз берган. Кесарча кесиш операцияси билан туғилган болаларда физиологик тана массаси тикланиши туғилганининг 8-9 кунларига келиб, 50 % чақалоқларда қайд этилди. Шу боис, бу гуруҳдаги чақалоқларнинг туғруқхонадан жавоб берилиш муддати ҳам узайди. Эрта даврда кесарча кесиш операцияси билан туғилган болаларда физиологик тана массасининг нисбатан кўп йўқотилиши ва тикланиш жараёнининг нисбатан кеч юз бериши кузатилди. Адабиётларга мурожаат этсак, кесарча кесиш операцияси билан туғилган болаларда мослашиш жараёнлари табиий йўллар билан туғилган болаларга нисбатан секин юз бериши аниқланилган. Ҳомилада компенсатор-адаптив реакцияларни ишга туширилишини таъминловчи табиий туғруқ йўлларидан ташқари кесарча кесиш операцияси орқали боланинг дунё юзини кўриши эрта болалик даврида адаптив реакцияларнинг бузилишига олиб келади [2,4, 5].

Болалар жавоб берилиш муддати келганда назорат гуруҳидаги 80 % болалар табиий овқатлантиришда, аралаш– 16%, сунъий– 4%, асосий гуруҳдаги болаларнинг 48% табиий, 35% эса сунъий, 17% болалар аралаш овқатлантиришда эди. Шундай қилиб, кесарча кесиш операцияси турли даражада бола ривожланишига таъсир кўрсатади. Шу боис, нафақат эрта чақалоқлик даврида, балки бола маълум муддатга етгунча бу омил ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Кесарча кесиш операцияси билан туғилган чақалоқлардаги мослашиш ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда уларни алоҳида диспансер назорат остига олиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса. Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, кесарча кесиш операцияси билан туғилган болаларда туғилишининг биринчи кунларидан ичак микробиоценози бузилиши келажакда ўткир юқумли ичак инфекцияларига чалиниш хавфини оширади. Шу боис, кесарча кесиш операцияси билан туғилган болалар эрта чақалоқлик даврида ичак инфекциялари касалликларига чалиниши мумкин бўлган хавф гуруҳига киритилиши ва уларда ичак микробиоценози таркибини коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни талаб қилади. Кесарча кесиш йўли билан туғилган болаларни туғруқдан

кейинги даврда парваришлаш бўйича мезонларни ишлаб чиқиш ва диспансер кузатувини ўз ичига оладиган норматив ҳужжатлар тайёрлашни тақозо қилади.

Адабиётлар:

1. Ахмадеева Э.Н., Амирова В.Р., Брюханова О.А. Особенности микробного пейзажа новорожденных в зависимости от способа родоразрешения. Российский вестник перинатологии и педиатрии2006; 5: 19-21.
2. Вафокулов С.Х., Рустамова Ш.А., Вафокулова Н.Х., «Самарқанд вилоятида кесарча кесиш йўли билан туғилган болаларда ўткир ичак инфекциялари муаммоларини таҳлил қилиш». Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. Ежеквартальный научно-практический журнал №1 (Том 2) 2021 год. С. 16-18.
3. Вафокулова Н.Х. «Клинико эпидемиологические особенности норовирусной инфекции у детей грудного возраста» Биология ва тиббиет муаммолари илмий амалий журнал. №3 (128) 2021 С.19-23.
4. Вафокулова Н.Х. «Клинико эпидемиологические особенности норовирусной инфекции у детей грудного возраста» Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. Ежеквартальный научно-практический журнал №1 (Том 2) 2021 год. С. 19-20.
5. Ризаев Ж.А., Бекжанова О.Е., Ризаев Э.А. Оценка эндогенной интоксикации у детей с герпетическим стоматитом по спектральному составу веществ низкой и средней молекулярной массы // Клиническая стоматология. – 2017. – №. 4. – С. 15-17.
6. Ризаев Ж. А. и др. Проявления коронавирусной инфекции SARS-COV-2 в полости рта // Журнал биомедицины и практики. – 2022. – Т. 7. – №. 2.
7. Рустамова Ш.А., Вафокулова Н.Х. «Сравнительный анализ проблемы острой кишечной инфекции у детей раннего возраста по годам в Самаркандской области». Тошкент тиббиет академияси ахборотномаси. № 5 2021, С. 148-152.
8. Рустамова Ш.А., Вафокулова Н.Х. «Самарқанд вилоятида эрта ёшдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари муаммоларини йиллар кесимида солиштирма таҳлил қилиш». Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. Ежеквартальный научно-практический журнал №1 (Том 2) 2021 год. С. 101-104.
9. Рустамова Ш.А. «Республикамизда болаларда ўткир юқумли ичак касалликларининг иқлимий ўзгаришлар билан боғлиқлигини таҳлил қилиш (Самарқанд вилояти миқёсида)». Биология ва тиббиет муаммолари илмий амалий журнал. №3 (128) 2021 С.102-107.
10. Anvarovna Y. N. et al. Clinical and Epidemiological Characteristics of Shigellosis in Adults at the Contemporary Stage //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 311-318.

ВЛИЯНИЕ СПОСОБА РОДОРАЗРЕШЕНИЯ НА КИШЕЧНЫЙ МИКРОБИОЦЕНОЗ У НОВОРОЖДЕННЫХ

Вафокулов С.Х., Рустамова Ш.А., Вафокулова Н.Х.

Резюме. *В данной статье рассматриваются адаптационные особенности раннего детского возраста у детей, рожденных путем кесарева сечения. Описаны особенности адаптации к внешней среде по способу родоразрешения в раннем детском возрасте у наблюдаемых больных. Кроме того, подробно изучено прибавка массы тела, формирование кишечного микробиоценоза, показатели лактации у матерей основной и контрольной группы. По результатам исследования дети, рожденные путем кесарева сечения, должны быть отнесены к группе риска по кишечным инфекциям в раннем грудном возрасте и требуют разработки и внедрения методов коррекции состава кишечного микробиоценоза.*

Ключевые слова: *операция кесарева сечения, ранний детский возраст, микробиоценоз кишечника.*

УДК: 61.(001.11+004.11)

COVID-19 ЎТКАЗГАН ВА ЎТКАЗМАГАН ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИДА ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР АНИҚЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ КЛИНИК ВА АЙРИМ ЛАБОРАТОР – АСБОБИЙ ТЕКШИРИШЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИ СОЛИШТИРМА ЎРГАНИШ

Гадаев Абдигаффор Гадаевич[1], Исмоилова Муаззамхон Исроиловна[2], Эшонқулов Сардор Синдарович[1]
1 - Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.;
2 - Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона ш.

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ КЛИНИЧЕСКИХ И НЕКОТОРЫХ ЛАБОРАТОРНО-ИНСТРУМЕНТАЛЬНЫХ ТЕСТОВ У ПАЦИЕНТОВ ПЕРЕНЕСШИХ И НЕ ПЕРЕНОСИВШИХ COVID-19, У КОТОРЫХ БЫЛИ ПАТОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОМ ТРАКТЕ

Гадаев Абдигаффор Гадаевич[1], Исмоилова Муаззамхон Исроиловна[2], Эшонкулов Сардор Синдарович[1]
1 - Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистон, г. Ташкент;
2 - Ферганский медицинский институт общественного здравоохранения,
Республика Узбекистон, г. Фергана

COMPARATIVE STUDY OF CHANGES IN CLINICAL AND SOME LABORATORY AND INSTRUMENTAL TESTS IN PATIENTS WITH AND WITHOUT COVID-19 WHO HAD PATHOLOGICAL CHANGES IN THE GASTROINTESTINAL TRACT

Gadaev Abdigaffor Gadaevich[1], Ismoilova Muazzamkhon Isroilovna[2], Eshankulov Sardor Sindarovich[1]
1 - Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent;
2 - Fergana Medical Institute of Public Health, Republic of Uzbekistan, Fergana

e-mail: Gadaev.abdugaffar@gmail.com

Резюме. *Мақолада COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган ошқозон-ичак тизимида патологик ўзгаришлар аниқланган беморларнинг клиник ва айрим лаборатор –асбобий текширишларидаги ўзгаришлари солиштирма таҳлил қилинган. Унда коронавирус ўтказган беморларда ошқозон – ичак тизимида шикоятлар ишончли кўплиги, эзофагогастрофиброскопик манзара яққолроқ намоён бўлганлиги, ичак микрофлорасида сапрофитлар (бифидо ва лактобактериялар) камайиб патоген микрофлора (лактоза манфий E.coli ва стафилококклар) кўпайганлиги кўрсатилган. Олинган маълумотлар ушбу гуруҳ беморлари реабилитация чора – тадбирларига муҳтож эканлигини кўрсатади.*

Калит сўзлар: *COVID -19, бифидобактерия, лактобактерия, E.coli.*

Abstract. *The article compares the changes in clinical and some laboratory-instrumental examinations of patients with and without COVID-19 who had pathological changes in the gastrointestinal system. It is shown that in patients with coronavirus, there is a reliable number of complaints in the gastrointestinal system, the esophagogastrofibroscopic picture is more clearly manifested, the number of saprophytes (bifido and lactobacteria) in the intestinal microflora decreases, and the pathogenic microflora (lactose-negative E.coli and staphylococci) increases. The obtained data show that patients of this group need rehabilitation measures.*

Keywords: *COVID-19, bifidobacteria, lactobacteria, E.coli.*

Кириш. Олиб борилаётган тадқиқотлар тасдиқлашича, коронавирус инфекцияси, нафақат респиратор балки ошқозон - ичак тизимида ҳам патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Covid-19 да ошқозон ичак – тизимидаги симптомлар умумий клиник белгиларнинг 15 % ва ундан ортиқ ҳолатларини ташкил қилади. L.Lin ва ҳаммуаллифлар томонидан 95 нафар Covid-19 билан касалланган беморлар текширилганда уларнинг 58 нафарида ошқозон – ичак тизимида ўзгаришлар аниқланган [6].

Қатор кузатувларда Covid-19 да касалликнинг биринчи тўлқинида кўпроқ респиратор тизим, иккинчи тўлқинида эса

ошқозон-ичак тизими зарарланиш белгилари хос деган фикрлар олдинга сурилган [8, 11].

2019 йилда АҚШда кўнгил айниш, қайт қилиш, кейинги куни диареяга шикоят билан келган 35 ёшли бемор нажасидан биринчи маротаба коронавирус РНКси касалликнинг 7 кунида ажратилган [4].

Айрим маълумотларга кўра Covid-19 РНКси касалликнинг 5 кунидан бошлаб аниқланади ва унинг юқори чўққиси 11 кунга тўғри келади. Баъзи беморлар нажасида РНК респиратор белгилар йўқолиб нафас аъзоларидан олинган тегишли синамалар мусбат бўлгандан кейин ҳам сақланади [14, 16, 9, 15, 2, 13].

Қатор тадқиқотчилар Covid-19 РНКни нажасда топилишини инфекцияни ошқозон-ичак тизимида узоқ сақланишини белгиси эмас деб қарашса ҳам [10] бошқа унга қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Маълумки, коронаровирус организмга ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ 2) рецепторлари орқали киради. ААФ 2 рецепторларининг юқори экспрессияси нафақат ўпка альвеолалари ҳужайраларида балки ошқозон, ўн икки бармоқ ҳамда тўғри ичак безсимон эпителиал ҳужайраларида ҳам кузатилади [7, 17, 5] ва бу ўз навбатида ушбу инфекцияда ошқозон-ичак тизимида белгилар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин [13].

Айрим кузатувларда Covid-19 билан оғриган беморларда гастроэнтерологик шикоятларни учраш даражаси таҳлил қилинган. Хитойда олинган маълумотларга кўра 1099 Covid-19 ташхиси тасдиқланган беморларнинг 5-6% қайт қилиш ва 3-8% да диарея кузатилган [3]. У аниқланган 204 беморларнинг (ўртача ёши 54,9±15,4 йил) клиник манзараси таҳлил қилинганда энг кўп кузатиладиган гастроэнтерологик белги анорексия (83,8%) бўлган. Диарея 29,3%, қайт қилиш 0,8%, қоринда оғриқ 0,4% беморларда қайд этилган. Санаб ўтилган белгилар кузатилган беморлар шифохона шароитида улар бўлмаганларга нисбатан узоқроқ даволанганлар (P=0,02). Бунда гастроэнтерологик шикоятлари бўлган беморларнинг 53,4%нинг нажасида Covid-19 вируси РНКси аниқланган [8]. Қоринда оғриқ кўпроқ Covid-19ни оғир кечиш ҳолларида учраган [12].

Бошқа муаллифларнинг таъкидлашларича Covid-19 билан кузатувда бўлган ва гастроэнтерологик белгилар аниқланган беморларда энг кўп диарея (24,2%), ундан сўнг анорексия (17,9%) ва кўнгил айниши (17,9%) кузатилган [6]. Муаллифлар диарея кўпроқ беморлар шифохонага ётқизилганларидан кейин аниқланганлигини, бу эса антибиотиклар қабул қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатишган.

Covid-19 аниқланган ва гастроэнтерологик белгилар учраган беморларнинг 52,4% нажасида инфекция РНКси топилган, ошқозон-ичак тизимидан шикоятлар бўлмаганларда эса бу кўрсаткич 39,1% тенг бўлган. Кузатувдагиларнинг олтитасида эзофагогастродуоденоскопия ўтказилган. Касаллик иккита оғир клиник кўринишда кечган беморларнинг қизилўнгачи, ошқозони, 12 бармоқ ва тўғри ичаги шиллиқ қаватида Covid-19 РНКси, касаллик енгил кечган 4 кишида эса фақат дуоденумнинг шиллиқ қаватида топилган. Ушбу маълумотларга асосланган ҳолда муаллифлар инфекцияни фекал-орал юқиш йўли коронавирусда муҳим аҳамиятга эга деган хулосага келишган [1]. Унда гастроэнтерологик белгилар респиратор ўзгаришлардан анча олдин кузатилгани кўрсатилган. Лекин биз ўрганган мавжуд адабиётларда турли ички аъзолар, шу жумладан, ошқозон – ичак тизими касалликлари негизида Covid-19 ўтказиб «нисбий соғлом» беморларда кузатиладиган ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар жуда кам. Ваҳоланки уларни ўз вақтида аниқлаш иккиламчи профилактика муолажаларини ўтказиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Ушбу нуқтаи назардан биз ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари билан Covid-19 ўтказган ва «нисбий соғлом» беморларни овқат ҳазм қилиш аъзолари ҳолатини ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқот мақсади: COVID - 19 ўтказган ва ўтказмаган беморларнинг шикоятлари, эзофагогастрофиброскопиядаги ўзгаришлар ва ичаклар микрофлорасини солиштирма ўрганиш.

Тадқиқот материали ва услублари: Олдимизга қўйилган мақсаддан келиб чиқиб ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари аниқланган 100 нафар беморлар кузатилдилар. Уларнинг 42 нафари (42 %) эркаклар ва 58 (58 %) аёллар ташкил қилдилар. Беморлар дастаб 2 гуруҳга ажратилдилар. Уларнинг биринчи гуруҳини Covid -19 ўтказган ҳамда иммуноглобулин М аниқланмаган “нисбий соғлом” аммо ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари мавжуд бўлган 60 та, ўртача ёши 55.06 ± 2.1 бўлган 27 нафар эркаклар ва 33 нафар аёллар ташкил қилдилар.

Иккинчи, яъни назорат гуруҳ Covid -19 ўтказмаган лекин ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари мавжуд бўлган 40 та, ўртача ёши 63.4 ± 1.5 бўлган 15 нафар эркаклар ва 25 нафар аёллардан иборат бўлди.

Кузатувдаги беморларнинг шикоятлари синчиковлик билан ўрганилди ва солиштирма таҳлил қилинди.

Жадвал 1. Кузатувдаги асосий (Covid 19 ўтказган гастроэнтерологик касаллик белгилар мавжуд) ва назорат (Covid -19 ўтказмаган гастроэнтерологик касаллик белгилар мавжуд) гуруҳидаги беморларнинг шикоятлари

№	Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ n=60	Назорат гуруҳ n=40	P
1	Қоринда оғриқ	27 (45%)	12 (30%)	p>0.05
2	Ич қотиши	42 (70%)	20 (50%)	p<0.05
3	Ич кетиши	18 (30%)	7 (17,5%)	p<0.05
4	Кўнгил айниши	44 (73,3%)	24 (60%)	p<0.05
5	Иштаҳа йўқолиши	52 (86,6%)	19 (47,5%)	p<0.001
6	Таьм сезмаслик	15 (25%)	2 (5%)	p<0.05
7	Қайт қилиш	48 (80%)	19 (47,5%)	p<0.05
8	Эпигастрал соҳада оғирлик ҳисси	40 (66,67%)	16 (40%)	p<0.05
9	Қорин дам бўлиши	50 (83,33%)	18 (45%)	p<0.05
10	Жиғилдон қайнаши	24 (40%)	11 (27.5%)	p>0.05

Эзофагогастродуоденоскопия “PENTAX Europe, Япония” аппаратида ўтказилди. Беморларда текширишдан 1 кун олдин тозаловчи ҳуқна қилинди. Кейинги кун наҳорда оч қорингa лидокаин билан махаллий оғриқсизлантириб эзофагогастродуоденоскопия текшируви ўтказилди.

Бунда қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар диққат билан ўрганилиб хулосалар чиқарилди.

Бактериологик текшириш учун нажас олиниши биланоқ стерил флаконларда лабораторияга етказилди. Текширишда А.З.Смолянская ва Н.М.Грачева ҳаммуаллифларнинг модифицирланган услубий тавсиялари таҳлил учун асос қилиб олинди. Текширишлар Фарғона шаҳридаги «PRIMUS» диагностика марказининг бактериологик лабораторияда ўтказилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2016) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари (M±m) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишонч-лилиги Стюдент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили. Беморларнинг ошқозон – ичак тизимидаги шикоятлари солиштирма таҳлил қилинганда асосий, яъни Covid -19 ўтказган гуруҳда деярли барча ҳолатларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли юқори эканлиги тасдиқланди. Улар тўғрисидаги маълумотлар 1- жадвалда келтирилган.

Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг мос равишда 86,6% ва 47.5% иштаҳа йўқолишига шикоят қилдилар. Бунда Covid -19 ўтказган беморлар билан назорат гуруҳидагилар орасида фарқ ишончли бўлди (p<0.001). Шунингдек, қорин дам бўлиши (мос равишда 83,33% ва 45%), кўнгил айниши (мос равишда 80% ва 47,5%) каби шикоятлар ҳам шифохонага турли ошқозон ичак тизими касалликлари билан даволанаётган ва Covid -19 ўтказган беморларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли кўп аниқланди (p<0.05). Санаб ўтилган шикоятларни Covid -19 ўтказган беморларда кўп учраши улар организмида яширин яллиғланиш жараёнлари сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Ундан ташқари асосий гуруҳдагиларнинг 80 % қайд қилиш, 70 % ич қотиши, 66.67% эпигастрал соҳада оғирлик ҳисси каби шикоятлар билдирдилар. Назорат гуруҳида эса ушбу шикоятлар мос равишда 47.5%, 50% ва 40 % ни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар солиштирилганда барча санаб ўтилган шикоятлар асосий яъни Covid -19 ўтказган беморларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли кўп учраши аниқланди (p<0.05). Юқоридагилар билан бир қаторда ҳар иккала гуруҳ беморлари таъм сезмаслик ва ич кетишига шикоят қилдилар. Ушбу шикоятлар асосий гуруҳда мос равишда 15% ва 30%, назорат гуруҳида эса 5 % ва 17.5 % тенг бўлиб улар орасидаги фарқлар ҳам ишончли бўлди (p<0.05). Асосий гуруҳдаги беморларнинг 40 % жиғилдон қайнашига, 45% қоринда оғриқларга шикоят билдирган бўлсалар, бу кўрсаткичлар назорат гуруҳида мос равишда 27,5 ва 30 % га тенг бўлди. Улар ўртасидаги фарқлар солиштирилганда кўрсаткичлар бир биридан ишончли фарқ қилмаслиги аниқланди (p>0.05).

Ошқозон-ичак тизимида патологик ўзгаришлар аниқланган Covid-19 ўтказган ва қонда иммуноглобулин М аниқланмаган “нисбий соғлом” беморларда назорат гуруҳидагиларга (Covid-19 ўтказмаган лекин ошқозон-ичак тизимида патологик ўзгаришлар аниқланган) нисбатан қатор шикоятларнинг ишончли кўп учраши ва уларда яллиғланиш жараёнларининг узоқ давом этишини кўрсатади ва реабилитация муолажаларини ўтказиш зарурлигини тасдиқлайди.

Жадвал 2. Кузатувдаги асосий (Covid 19 ўтказган гастроэнтерологик касаллик белгилар мавжуд) ва назорат (Covid -19 ўтказмаган гастроэнтерологик касаллик белгилар мавжуд) гуруҳидаги беморларнинг эзофагогастродуоденоскопия манзараси

№	Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ n=60	Назорат гуруҳ n=40	P
1	Катарал зофагит	9 (15%)	7 (17,5%)	P>0.05
2	Эрозив эзофагит	16 (26,67%)	4 (10%)	P<0.05
3	Катарал гастрит	20 (33,33%)	6 (15%)	P<0.05
4	Эрозив гастрит	26 (43,33%)	8 (20 %)	P<0.001
5	Эрозив ва катарал дуоденит	19 (31,66 %)	6 (15%)	P=0.08
6	Ошқозон яраси	21 (35%)	7 (17,5%)	P<0.05
7	12 бармоқ ичак яраси	12 (20%)	5 (12,5%)	P=0.33
8	Диафрагма чурраси	7 (16,7%)	5 (12,5%)	P>0.05
9	Гастроэзофагал рефлюкс касаллиги	19 (31,6%)	6 (15 %)	P<0.05

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида беморларда ошқозон – ичак тизими ҳолатини баҳолаш мақсадида эзофагогастрофиброскопия текширувини ўтказдик. Қуйидаги 2 - жавалда унда аниқланган ўзгаришлар келтирилган.

Жадвалда келтирилганидек асосий гуруҳдаги беморларнинг 9 нафари яъни 15% нинг қизилўнгачида катарал ва 16 (26,67%) - эрозив эзофагит аниқланди. Назорат гуруҳида эса ушбу ўзгаришлар мос равишда 7 (17,5%) ва 4 (10%) нафар беморларда кузатилди (P>0.05; P<0.05). Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, Covid -19 ўтказган беморларда қизилўнгач жарохатланиши Covid -19 ўтказмаган беморларга нисбатан 2 маротаба, шу жумладан унинг эрозив зарарланиши 4 маротаба кўп учради.

Гастрит Covid -19 ўтказган ва «нисбий соғлом» беморларнинг 20 (33,33%), ўтказмаган беморларнинг 6 (15%) нафарида, яъни 3,3 маротаба кам кузатилди. Гуруҳлар ўртасида ўзаро солиштирганда фарқлар ишончли (P<0.05) бўлди. Эрозив гастрит асосий ва назорат гуруҳида мос равишда 43,33% ва 20 % беморларда аниқланди ва ишончли (P<0.001) фарқлар қайд этилди. Шунингдек, ошқозон шиллиқ қаватининг чуқур ўзгариши ҳисобланган яра касаллиги асосий гуруҳда 35 % ва назорат гуруҳида 17,5 % беморларда аниқланди (P<0.05). Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ошқозонда катарал ва эрозив гастрит ҳамда яра касаллигининг учраши касаллик ўтказмаганларга нисбатан деярли 3 маротаба юқори бўлди. Ушбу гуруҳ беморларда ошқозон шиллиқ қаватида шикастланишларининг кўп учраши нафақат вируснинг шиллиқ қаватларга бевосита цитопатик таъсири, эхтимол цитокинлар ажралиши ва яллиғланиш жараёнларининг кучайиши, шунингдек, антиагрегант ҳамда антикоагулянтларни кўп миқдорда қабул қилиш натижасида ривожланадиган гастропатия билан ҳам боғлиқ. Маълумки, Covid – 19 билан касалланган беморлар тромбоэмболияинг олдини олиш мақсадида ушбу гуруҳ дориларни узоқ вақт қабул қилишга мажбур бўладилар.

Дуоденит Covid -19 ўтказган ва «нисбий соғлом» беморларнинг 19 (31.67%) нафарида, уни ўтказмаган беморларнинг 6 (15%) нафарида кузатилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ўзаро солиштирганда улар ишончли (P>0.05) бўлмади. 12 бармоқ ичак яра касаллиги асосий ва назорат гуруҳи беморларининг мос равишда 20% ҳамда 12,5 % да кузатилиб кўрсаткичлар унда ҳам ишочли бўлмади (P=0.33). Шунингдек, гастроэзофагал рефлюкс касаллиги 19 (31.6%) нафар асосий гуруҳ беморларида ва 6 (15%) нафар назорат гуруҳидаги беморларда аниқланди (P<0.05). Коронавирус билан касалланган ва «клиник соғайган» беморларда гастроэзофагал рефлюкс касаллиги уни ўтказмаганларга нисбатан 3 баробар кўпроқ кузатилган. Бу қизилўнгач ва ошқозон шиллиқ қаватининг ўтказувчанлигини ва ҳимоя фаолиятини таъминлайдиган шиллиқ ишлаб чиқарилишининг камайиши билан боғлиқ. Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак коронавирус инфекцияси нафақат нафас олиш балки овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларида ҳам патологик ўзгаришлар келтириб чиқаради.

Коронавирус инфекциясининг ичакнинг меъёрий микрофлорасига таъсирини ўрганиш мақсадида тадқиқотга жалб қилинган беморларда нажас экмаси ўтказилди. Қуйидаги 3-жадвалда кузатувдаги беморларнинг нажас экмаси таҳлили келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Covid – 19 билан касалланган ва «нисбий соғлом» беморларда ичак микрофлорасида яққол ўзгаришлар кузатилган. Маълумки, бифидобактериялар организмни патоген микроорганизмлардан ҳимоя қилади ва метаболизмнинг якуний маҳсулоти сут ҳамда сирка кислоталари ҳисобланади. Бу кислоталар ичакларда pH даражасини камайтириб антибактериал таъсир кўрсатади ва шу орқали патоген микроорганизмлар кўпайишига тўсқинлик қилади.

Жадвал 3. Кузатувдаги асосий (Covid 19 ўтказган) ва назорат (Covid -19 ўтказмаган) гуруҳлардаги беморларнинг нажас экмаси натижалари

№	Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ n=60	Назорат гуруҳ n=40	P
1	Бифидобактерия	4,5±0.98 $x10^6$	8,2±1,6$x10^7$	P<0.05
2	Лактобактерия	8,6±1,8$x10^6$	1,6±0,3$x10^7$	P<0.05
3	E.Coli лактоза манфий	7,7±2,0$x10^6$	4,7±2,6$x10^6$	P<0.01
4	E.Coli лактоза мусбат	8,8±1,7$x10^5$	10,9±5,4$x10^6$	P>0,05
5	Энтерококк	6,5±1,7$x10^6$	3,1±2,2$x10^5$	P<0.01
6	Сапрофит стофилакок	1,1±0,2$x10^5$	3,1±2,1$x10^4$	P>0,05
7	Замбуруғлар	3,7±0,2$x10^5$	2.8±1,0$x10^4$	P>0,05

3-жадвалда келтирилганидек асосий гуруҳ беморларда ичакда бифидобактериялар миқдори 4,5±0.98 $x10^6$ та ва назорат гуруҳида 8,2±1,6$x10^7$ тани ташкил этиб, фарқлар ишончли бўлди (P<0,05).

Ичакдаги муҳим бактериялардан яна бири – лактобактериялар ҳисобланади. Улар организмда йиринглаш ва чириш жараёнларига сабаб бўладиган патоген бактерияларни кўпайишига қаршилик қилади. Шунингдек, ичакларга ташқи муҳитдан тушган патоген бактерияларни ҳам зарарсизлантиришга ёрдам беради. Кузатувдаги беморларнинг иккала гуруҳида лактобактериялар миқдори мос равишда 8,6±1,8$x10^6$ ва 1,6±0,3$x10^7$ бўлиб, кўрсаткичлар гуруҳлар ўртасида солиштирилганда фарқлар ишончли бўлди (P<0,05).

Ичак дизбактериозининг муҳим ташхисий мезони лактоза манфий Escherichia coli сони ҳисобланади. Маълумки, уларнинг кўплиги йўғон ичакларнинг мотор - эвакуатор фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Covid – 19 ўтказган ва «нисбий соғлом» гуруҳ беморларда уни ўтказмаган беморларга нисбатан лактоза манфий Escherichia coli сони юқори бўлди (мос равишда 7,7±2,0$x10^6$ ҳамда 4,7±2,6$x10^6$). Кўрсаткичлар иккала гуруҳ ўртасида ўзаро солиштирилганда юқори ишончли фарқ аниқланди (P<0.01). Лактоза мусбат Escherichia coli сони асосий ва назорат гуруҳида мос равишда 8,8±1,7$x10^5$ ҳамда 10,9±5,4$x10^6$ ни ташкил қилиб, фарқлар ишончли бўлмади (P>0,05).

Энтерококлар сони Covid – 19 ўтказган ва «нисбий соғлом» ҳамда уни ўтказмаган гуруҳ беморларда мос равишда 6,5±1,7$x10^6$ ва 3,1±2,2$x10^5$ ни ташкил этди. Иккала гуруҳ кўрсаткичлари ўзаро солиштирилганда фарқлар юқори ишончли бўлди (P<0.01). Энтерококлар В лимфоцитларни фаоллаштириш ва иммуноглобулин А синтезини ошириш орқали иммунитетни рағбатлантиради ҳамда эркин интерлейкин 1β ва 6 ни ишлаб чиқарилиши кўпайтириш билан антиаллергик ҳамда антибактериал таъсир кўрсатади.

Тадқиқотга жалб этилган беморларда стафилококлар ва замбуруғлар ҳам ўрганилди. Асосий гуруҳ беморларда сапрофит стафилококлар аниқланган бўлиб улар 1,1±0,2$x10^5$ ни ва назорат яъни Covid -19 ўтказмаган гуруҳда эса 3,1±2,1$x10^4$ ни ташкил этди (P>0,05). Бундан ташқари нажасда Covid -19 ўтказган ва «нисбий соғлом»гуруҳ беморларда замбуруғлар сонининг назорат гуруҳига нисбатан (мос равишда 3,7±1,0$x10^4$ ҳамда 2,8±1,0$x10^4$) юқори бўлди (P>0,05).

Патоген микроорганизмлар сонининг кўпайиши ошқозон – ичак тизимининг зарарланиши билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Хусусан антибиотикларнинг қўлланилиши патоген ва патоген бўлмаган бактерияларнинг кўпайишини тўхтатиши орқали патоген микрофлоранинг хусусиятларини олиши мумкин бўлган сапрофит микрофлоранинг кўпайишига шароит яратиб берган.

Юқоридаги таҳлил натижалари Covid – 19 билан касалланган ва «нисбий соғлом» беморларда йўғон ичак дизбактериози, бифидо ва лактобактерияларнинг етишмовчилиги, лактоза манфий таёқчалар ҳамда энтерококкларнинг сонининг ошишини кўрсатди.

Хулоса. 1. Covid -19 ўтказган ва қонида иммуноглобулин М аниқланмаган “нисбий соғлом” беморларда назорат гуруҳидагиларга нисбатан қатор шикоятларнинг ишончли кўп учраши уларда яллиғланиш жараёнларининг узоқ давом этишини тасдиқлайди;

2. Ўтказилган гастрофиброскопия текшируви коронавирус инфекцияси нафақат нафас олиш балки ошқозон – ичак тизимини ҳам зарарлашини ва жараён узоқ давом этишини кўрсатади;

3. Ичаклар микрофлорасини ўрганиш натижаси асосий гуруҳда яққол дисбактериоз ривожланганлигини тасдиқлайди;

4. Аниқланган ўзгаришлар Covid -19 ўтказиб клиник соғайган беморлар реабилитация муолажаларига муҳтож эканлигини тасдиқлайди.

Адабиётлар:

1. Ивашкин В.Т., Шептулин А.А., Зольникова О.Ю., Охлобыстин А.В., Полуэктова Е.А., Трухманов А.С., Широкова Е.Н., Гоник М.И., Трофи-

мовская Н.И. Новая коронавирусная инфекция (COVID-19) и система органов пищеварения. *Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии, колопроктологии*. 2020;30(3):7-13. https://doi.org/10.22416/1382-4376-2020-30-3-7.
2. Ризаев Ж.А., Гадаев А.Г., Абдуллаев Д.Ш. Параллели патогенеза заболеваний пародонта и хронической сердечной недостаточности // Dental Forum. – Общество с ограниченной ответственностью" Форум стоматологии", 2017. – №. 4. – С. 70-71.
3. Ризаев Ж.А., Гадаев А.Г., Абдувакилов Ж.У. Иммунологические аспекты патогенеза патологии пародонта у больных с хронической сердечной недостаточностью // Journal of biomedicine and practice. – 2016. – Т. 1. – №. 1. – С. 6-10.
4. Ризаев Ж.А., Гадаев А.Г., Абдувакилов Ж.У. Состояние стоматологического здоровья у больных с хроническим болезням почек // Теоретические и практические проблемы образовательной системы при подготовке высококвалифицированных стоматологов. Ташкент. – 2017. – С. 779-780.
5. Ризаев Ж.А., Гадаев А.Г., Абдуллаев Д.Ш. Заболевания пародонта и их взаимосвязь с сердечно сосудистой патологией // Теоретические и практические проблемы образовательной системы при подготовке высококвалифицированных стоматологов. Ташкент. – 2017. – С. 780-781.
6. Lin L., Jiang X., Zhang Z., Huang S., Zhang Z., Fang Z., et al. Gastrointestinal symptoms of 95 cases with SARS-CoV-2 infection. Gut. 2020; 69(6):997-1001 https://doi.org/10.1136/gutjnl-2020-321013.
7. Lu R., Zhao X., Li J., Niu P., Yang B., Wu H., et al. Genomic characterization and epidemiology of 2019 novel coronavirus: implications for virus origins and receptor binding. Lancet 2020; 395(10224):565-74. https://doi.org/1016/S0140-6736(20)30251-8.
8. Pan L., Mu M., Ren H. G., Yang P., Sun Y. Wang R., et al. Clinical characteristics of COVID-19 patients with digestive symptoms in Hubei, China: a descriptive, cross-sectional, multicenter study. Am J Gastroenterol, 2020;115(5):766-73. https://doi.org/10.14309/ajg.0000000000000620.
9. Tang A., Tong Z.D., Wang H.L., Dai Y.X., Li K.F., Liu J.N., et al. Detection of novel coronavirus by RT-PCR in stool specimen from asymptomatic child, China. Emerg Infect Dis. 2020;26(6):1337-39. https://doi.org/10.3201/eid2606.200301.
10.To K.K.W., Tsang O.T.Y., Yip C.C.Y., Chan K.H., Wu T.C., Chan J.V.C., et al. Consistent detection of 2019 novel coronavirus in saliva. Clin Infect Dis. 2020; 12:149. https://doi.org/10.1093/cid/ciaa149.
11.Ungaro R.C., Sullivan T., Colombel J.-F., Patel G. What should gastroenterologists and patients know about COVID-19? Clin Gastroenterol Hepatol. 2020;18(7):1409-11. https://doi.org/10.1016/j.cgh2020.03.02.
12.Wang D., Hu B., Hu C., Zhu F., Liu X., Zhang J., et al. Clinical characteristics of 138 hospitalized patients with 2019 novel coronavirus-infected pneumonia in Wuhan, China. JAMA. 2020;323(11):1061-69. https://doi.org/10.1001/jama.2020.1585.
13.Wu Y., Guo C., Tang L., Hong Z., Zhou J., Dong X., et al. Prolonged presence of SARS-CoV-2 viral RNA in faecal samples. Lancet Gastroenterol Hepatol 2020;5(5):434-35. https://doi.org/10.1016/S2468-1253(20)30083-2.
14.Xiao F., Tang M., Zheng X. Liu Y., Li X., Shan H. Evidence for gastrointestinal infection of SARS-CoV-2. Gastroenterology. 2020; 158(6):1831-33. https://doi.org/10.1053/j.gastro.2020.02.055.
15.Young B.E., Ong S.W.X., Kalimuddin S., Low J.G., Tan S.J., Loh J., et al. Epidemiologic features and clinical course of patients infected with SARS-CoV-2 in Singapore. JAMA. 2020;323(15):1488-94. https://doi.org/10.1001/jama.2020.3204.
16.Zhang W., Du R.H., Li B., Xu D., Wang J., Li Z., Lin J. Molecular and serological investigation of 2019-nCoV infected patients: implication of multiple shedding routes. Emerg Microbes Infect 2020;9(1):386-9. https://doi.org/10.1080/22221751.2020.1729071.
17.Zhou P., Yang X.L., Wang X.G., Hu B., Zhang L., Zhang W., et al. A pneumonia outbreak associated with a new coronavirus of probable bat origin. Nature 2020; 579(7798):270-273. https://doi.org/10.1038/s41586-020-2012-7.

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ КЛИНИЧЕСКИХ И НЕКОТОРЫХ ЛАБОРАТОРНО-ИНСТРУМЕНТАЛЬНЫХ ТЕСТОВ У ПАЦИЕНТОВ ПЕРЕНЕСШИХ И НЕ ПЕРЕНОСИВШИХ COVID-19, У КОТОРЫХ БЫЛИ ПАТОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОМ ТРАКТЕ

Гадаев А.Г., Исмаилова М.И., Эшанкулов С.С.

Резюме. *В статье сравниваются изменения клинических и некоторых лабораторно-инструментальных обследований пациентов перенесших и не переносивших COVID-19, у которых были выявлены патологические изменения в желудочно-кишечной системе. Показано, что у больных коронавирусом отмечается достоверное количество жалоб со стороны желудочно-кишечной системы, более отчетливо проявляется эзофагогастрофиброскопическая картина, снижается количество сапрофитов (бифидо- и лактобактерий) в кишечной микрофлоре, количество патогенной микрофлоры. (лактозоотрицательные E.coli и стафилококки) увеличивается. Полученные данные свидетельствуют о том, что больные этой группы нуждаются в реабилитационных мероприятиях.*

Ключевые слова: *COVID-19, бифидобактерия, лактобактерия, E.coli.*

УДК: 615.099.036.2[616.311.2-002+616.716.85]

ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ ВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ ПАРОДОНТА

Джавадова Луиза Муродалиевна, Зойиров Тулкин Элназарович
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ПАРОДОНТ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ ДАВО УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Джавадова Луиза Муродалиевна, Зойиров Тулкин Элназарович
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

OPTIMIZATION OF METHODS OF TREATMENT OF PATIENTS WITH INFLAMMATORY PERIODONTAL DISEASES

Javadova Luiza Murodalievna, Zoyirov Tulkin Elnazarovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. *Кириш. Охирги вақтларда беморларни стоматологга мурожаат қилишининг асосий сабаби пародонт касалликлари бўлиб, тишларнинг эрта тўкилиши, оғиздан нохуш ҳид келиши сабабли ҳаёт сифатининг пасайиши, милкларнинг қонаши ва тишлар гиперэстезиясига олиб келади. Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқот ўтказишга асос қилиб, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникасининг ортопедик стоматология бўлимида 2015 йилдан 2021 йилгача текширувдан ўтган 200 нафар беморларнинг даволаш натижалари киритилган. Парадонт яллиғланиш касалликларини (ПЯК) даволаш усулини танлашга кўра беморлар икки гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳни 56% ва таққослаш гуруҳини 44% ПЯК билан беморлар ташкил этган. Тадқиқот натижалари. Сурункали тарқалган пародонтитни комплекс даволашда Prozone қурилмасини махсус бир маротаба ишлатиладиган Perio учи билан 18 сония эквивалентлигида, пародонтал чўнтакларни гипохлорит натрийнинг озонлаштирилган эритмаси билан биргаликда қўлланилиши узоқ муддатли, ҳамда турғун ремиссияга эришиш имконини беради. Хулосалар. Сурункали тарқалган пародонтитни даволашга анъанавий ёндашув касалликнинг 3 – 6 ойга ремиссиясини таъминлайди, буни клиник маълумотлар, пародонтал индекслар, рентгенологик ва цитобактериоскопик тадқиқотлар исботлайди.*

Калит сўзлар: *пародонт касалликлари, сурункали тарқалган пародонтит, озонлаштириш, гипохлорит натрий эритмаси.*

Abstract. *Introduction. Recently, periodontal diseases have become an increasingly common reason for visiting a dentist, due to premature loss of teeth, a decrease in the quality of life due to bad breath, bleeding gums and hyperesthesia of teeth. Materials and research methods. The study is based on the results of treatment of 200 patients with CDD examined in the orthopedic department of the Samarkand Regional Dental Clinic from 2015 to 2021. Depending on the choice of treatment for patients with IBD, patients were divided into two groups. The main group consisted of 56.0% of patients with IBD. The comparison group consisted of 44.0% of patients. Research results. The use of the Prozone apparatus, a specialized disposable Perio nozzle, in a mode equivalent to 18 sec. and simultaneous antiseptic treatment of the periodontal pocket with ozonated sodium hypochlorite solution in the complex treatment of chronic generalized periodontitis allows achieving stable and prolonged remission. Conclusions. The traditional approach to the treatment of chronic generalized periodontitis provides remission of the disease for 3-6 months, which is confirmed by clinical data, periodontal indices, radiological and cyto-bacterioscopic studies.*

Key words: *periodontal disease, chronic generalized periodontitis, ozonation, sodium hypochlorite solution.*

Введение. В последнее время все чаще причиной обращения к стоматологу становятся заболевания пародонта, в связи с преждевременной потерей зубов, снижением качества жизни из-за неприятного запаха изо рта, кровоточивости десен и гиперостезии зубов. Поэтому воспалительные заболевания пародонта (ВЗП) привлекают все большее внимание врачей [2, 5, 6]. Высокая их распространённость у населения, превышающая по сведениям различных авторов 85 – 98%, существенные дегенеративные трансформации в челюстно-зубодесневой системе требуют оптимизации и улучшения методов выявления и терапии этой патологии. Хронический генерализованный пародонтит – самая частая форма заболеваний пародонта, выявляемая у пациентов старше 40 лет [1, 3, 5, 9]. Ее высокая распространенность во многом обусловлена отсутствием не-

обходимого мониторинга в отношении лиц молодого возраста (19-24 лет), у которых чаще всего возникают начальные стадии воспалительных поражений пародонта, не вызывающие серьезных жалоб и полного понимания проблемы [1, 4, 7, 8]. Большинство пациентов среднего возраста обращаются к стоматологу с жалобами на появление крови при чистке зубов и отечность десен, раскачивание зубов и другие явные признаки, которые характеризуют воспалительно-деструктивные изменения. Всё это побудило нас к разработке нового метода лечения именно для данного контингента населения.

Материалы и методы исследования. В основу исследования включены результаты лечения 200 больных с ВЗП обследованных в ортопедическом отделении Самаркандской областной стоматологической поликлиники с 2015 по 2021 гг. В зависимости от выбора лечения больных с ВЗП пациенты были распределены на две группы. Основную группу составили 112 (56,0%) пациентов с ВЗП. Группу сравнения составили 88 (44,0%) пациентов. По результатам наших исследований, больные хронический генерализованный пародонтит преобладали в возрастной группе 30-39 лет – 78 человек (39,0%), т.е. больные трудоспособного возраста, о чем диктует актуальность исследования. При анализе данных распределения пациентов по гендерному признаку и возрастным группам в каждой группе примерно одинаковое количество мужчин и женщин. Обследования состояния здоровья полости рта основывались на рекомендациях ВОЗ. Нами были использованы алгоритмы клинического обследования пациентов с воспалительными заболеваниями пародонта. Обследование состояния тканей пародонта проводилось путем оценки показателей индексов. Больным основной группы проводили комплексное лечение, в том числе антисептическая обработка ложных карманов антисептической смесью озонированного раствора гипохлорита натрия, генерируемой аппаратом австрийской компании W&H Prozone (рис. 1), специализированной одноразовой насадкой Perio (рис. 2), режимом, эквивалентным 18 сек. и одновременной антисептической обработкой пародонтального кармана озонированным раствором гипохлорита натрия (рис. 3).

Антисептическая обработка ложных карманов аппаратом W&H Prozone способствовала устранению мягких и твёрдых над– и поддесневых зубных отложений. Для антисептической обработки полости рта использовали озонированный раствор гипохлорита натрия. Пациентам в группе сравнения после профессиональной гигиены полости рта назначали только курс фармакотерапии, включающий антибактериальные препараты, антигистаминные средства и витамины. Далее полировали поверхности зубов и реставраций щеточкой с помощью мелкодисперстной пасты (рис. 4).

Результаты исследования. Результаты лечения пациентов в группе сравнения были тщательно проанализированы на протяжении всего периода наблюдения (табл. 1).

Анализируя данные таблицы 1 можно сделать следующие выводы: индекс гигиены у пациентов группы сравнения при первичном осмотре был достаточно высок – 1,7 (1,1; 2,1), что соответствовало неудовлетворительной гигиене полости рта. Традиционное лечение способствовало стабилизации патологического процесса в пародонте, переводя среднюю степень хронического генерализованного пародонтита в легкую на протяжении 3-х месяцев. По истечении этого периода воспаление начинает нарастать, что подтверждается данными объективного осмотра, индексной оценкой и цито-бактериоскопическим исследованием. При осмотре через 6 месяцев значения этих показателей снова соответствуют пародонтиту средней степени, а через год – приближаются к данным первичного осмотра, что свидетельствует о недостаточной эффективности проводимой пациентам данной группы противовоспалительной и антимикробной терапии.

Рис. 1. Аппарат Prozone (W&H)

Рис. 2. Одноразовая насадка Prozone (W&H) (пародонтологическая)

Рис. 3. Антисептическая обработка озонированным 0,06% раствором гипохлорита натрия десневой борозды в области 3.2 зуба с использованием аппарата Prozone и пародонтологической насадки Perio

Рис. 4. Полирование поверхностей зубов щеткой с пастой

Таблица 1. Медианы, 25-й и 75-й квантили индексов, оценивающих состояние пародонта у пациентов группы сравнения (n=88).

Показатели	Первичный осмотр	Через 7 дней	Через 14 дней	Через 3 месяцев	Через 6 месяцев	Через 1 год
ИГ	1,7 (1,1; 2,1)	0,6 (0,4;0,7)	0,4 (0,3;0,6)	0,6 (0,4;0,6)	0,6 (0,6;0,8)	0,7 (0,6;1,0)
РМА	38,7 (32,4; 43,8)	8,2 (4,6;9,8)	2,1 (1,4;3,1)	19,2 (9,2;20,9)	24,1 (19,9;26,8)	30,4 (22,4;31,9)
ИК	2 (2; 2)	0 (0; 0)	0 (0; 0)	1 (1; 1)	1 (1; 1)	1 (1; 2)
ПИ	3,2 (2,8; 3,6)	2,3 (2,0;2,7)	2,0 (1,3;2,1)	2,1 (1,7;2,7)	2,3 (1,9;2,7)	2,5 (2,0;3,0)
Стоматоскопия	3 (2; 3)	1 (0; 1)	0 (0; 0)	2 (2; 2)	2 (2; 2)	2 (2; 2)

Таблица 2. Медианы, 25-й и 75-й квантили индексов, оценивающих состояние пародонта у пациентов основной группы (n=112)

Показатели	Первичный осмотр	Через 7 дней	Через 14 дней	Через 3 месяцев	Через 6 месяцев	Через 1 год
ИГ	1,8 (1,2; 2,1)	0,6 (0,5;0,8)	0,4 (0,4;0,6)	0,4 (0,4;0,6)	0,6 (0,5;0,6)	0,7 (0,7;0,6)
РМА	39,4 (32,8; 44,9)	8,2 (4,5;7,2)	2,1 (1,4;3,1)	3,1 (2,4;4,2)	7,3 (5,2;10,8)	8,2 (8,1;10,8)
ИК	2 (2; 3)	0 (0; 0)	0 (0; 0)	0 (0; 0)	0 (0; 0)	1 (1; 0)
ПИ	2,7 (2,1; 3,1)	1,5 (1,2;1,9)	1,2 (1,1;1,5)	1,2 (1,1;1,5)	1,4 (1,2;1,6)	1,5 (1,4;1,6)
Стоматоскопия	3 (2; 3)	1 (1; 1)	0 (0; 0)	0 (0; 0)	0 (0; 0)	1 (1; 0)

Эффективность разработанного способа в основной группе больных также оценивали с помощью индексов гигиены и цитобактериоскопического исследования (табл. 2).

Исходя из данных таблицы 2 в основной группе наблюдения получен выраженный клинический эффект. Таким образом, применение аппарата Prozone, специализированной одноразовой насадкой Perio, режимом, эквивалентным 18 сек. и одновременной антисептической обработкой пародонтального кармана озонированным раствором гипохлорита натрия в комплексном лечении хронического генерализованного пародонтита позволяет достигнуть стойкой и продолжительной ремиссии. Однако через 1 год после лечения у 3-х пациентов (2,7%) был выявлен рецидив заболевания, что могло быть обусловлено изменением культуры питания или места жительства пациентов, снижением их иммунного статуса, развитием сопутствующих или обострением хронических заболеваний, а также несоблюдением гигиенических рекомендаций врача стоматолога по уходу за полостью рта. Значения индексов гигиены, индекса кровоточивости по Муллеману, папиллярно-маргинально-альвеолярного индекса, пародонтального индекса были достоверно ниже,

чем те же показатели в одинаковые периоды после лечения у пациентов контрольных подгрупп. Данные цито-бактериоскопического исследования так же подтверждают снижение и купирование воспаления, оптимизацию регенераторных процессов в тканях десны, сопровождающихся усилением пролиферации эпителия на протяжении 6 месяцев и 1 года у пациентов основной группы, тогда как у пациентов группы сравнения воспаление нарастает до исходного уровня через 3 и 6 месяцев после окончания стандартного лечения. Рентгенологически подтверждена регенерация костной ткани до 3 мм в основной группе, тогда как в группе сравнения регенерация кости не зарегистрирована.

Выводы:

1. Традиционнный подход лечения хронического генерализованного пародонтита обеспечивает ремиссию заболевания на 3-6 месяцев, что подтверждается клиническими данными, пародонтальными индексами, рентгенологическим и цито-бактериоскопическим исследованиями.

Применение аппарата Prozone, специализированной одноразовой насадкой Perio, режимом, эквивалентным 18 сек. и одновременной антисептической обработкой пародонтального кармана озонированным раствором гипохлорита натрия в лечении хронического генерализованного пародонтита обеспечивает ремиссию заболевания до 1 года, указывая на возможность снижения медикаментозной нагрузки на пациента, способствует стимулированию и поддержанию процессов регенерации пародонтальных структур по сравнению со стандартными методами лечения. Через год в основной группе количество рецидивов заболевания составило у 3 (2,7%) больных, в группе сравнения – у 25 (28,4%).

Литература:

1. Азимов М., Ризаев Ж.А., Азимов А.М. К вопросу классификации одонтогенных воспалительных заболеваний // Вісник проблем біології і медицини. – 2019. – №. 4 (1). – С. 278-282.
2. Жегалина Н. М., Светлакова Е. Н. Оптимизация консервативного лечения заболеваний пародонта с применением физиотерапевтических методик // Проблемы стоматологии. – 2010. – №. 3. – С. 6-12.
3. Иманалиева А. Ж., Куттубаева К. Б., Бакиев Б. А. Современные аспекты комплексной терапии воспалительных заболеваний пародонта //Вестник КГМА им. ИК Ахунбаева. – 2017. – №. 6. – С. 117-123.
4. Мамедов Р. М. О., Садыгова Н. Н. К., Ибрагимова Л. К. К. Оптимизация методов профилактики и лечения воспалительных заболеваний пародонта //Проблемы стоматологии. – 2019. – Т. 15. – №. 2. – С. 114-121.
5. Мозговая Л. А. и др. Оптимизация методов комплексного лечения воспалительных заболеваний пародонта с использованием низкоинтенсивного лазерного излучения //Пермский медицинский журнал. – 2017. – Т. 34. – №. 2. – С. 37-44.
6. Ризаев Ж., Рахимбердиев Р., Назарова Н. Пути совершенствования организации стоматологического обслуживания работников химической промышленности //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 49-55.
7. Ризаев Ж., Юнусходжаева М. Особенности течения агрессивных форм пародонтитов //Stomatologiya. – 2019. – Т. 1. – №. 2 (75). – С. 24-26.
8. Ризаев Э., Бекжанова О. Современные подходы к организации лечения заболеваний пародонта //Stomatologiya. – 2019. – Т. 1. – №. 3 (76). – С. 70-76.
9. Ризаев Ж.А., Адилова Ш.Т., Пулатов О.А. Обоснование комплексной программы лечебно-профилактической стоматологической помощи населению республики Узбекистан //Аспирант и соискатель. – 2009. – №. 4. – С. 73-74.

ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ ВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ ПАРОДОНТА

Джавадова Л.М., Зойиров Т.Э.

Резюме. *Введение. В последнее время все чаще причиной обращения к стоматологу становятся заболевания пародонта, в связи с преждевременной потерей зубов, снижением качества жизни из-за неприятного запаха изо рта, кровоточивости десен и гиперостезии зубов. Материалы и методы исследования. В основу исследования включены результаты лечения 200 больных с ВЗП обследованных в ортопедическом отделении Самаркандской областной стоматологической поликлиники с 2015 по 2021 гг. В зависимости от выбора лечения больных с ВЗП пациенты были распределены на две группы. Основную группу составили 56,0% пациентов с ВЗП. Группу сравнения составили 44,0% пациентов. Результаты исследования. Применение аппарата Prozone, специализированной одноразовой насадкой Perio, режимом, эквивалентным 18 сек. и одновременной антисептической обработкой пародонтального кармана озонированным раствором гипохлорита натрия в комплексном лечении хронического генерализованного пародонтита позволяет достигнуть стойкой и продолжительной ремиссии. Выводы. Традиционнный подход лечения хронического генерализованного пародонтита обеспечивает ремиссию заболевания на 3-6 месяцев, что подтверждается клиническими данными, пародонтальными индексами, рентгенологическим и цито-бактериоскопическим исследованиями.*

Ключевые слова: *заболевания пародонта, хронический генерализованный пародонтит, озонирование, раствор гипохлорита натрия.*

УДК: 616.24-002.5-007;616.24-002.5-008

РАЗНОВИДНОСТЬ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ, СЛОЖНОСТИ ДИАГНОСТИКИ И НЕДОСТАТКИ ПРИ ЛЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВЫХ ФОРМ ТУБЕРКУЛЁЗА ЛЕГКИХ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Жумаев Мухтор Фатуллаевич[1], Усмонов Исомиддин Хайдарович[2]
1- Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара;
2- Бухарский областной центр фтизиатрии и пульмонологии, Республика Узбекистан, г. Бухара

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЎПКАНИНГ ТУРҒУН ШАКЛЛИ ТУБЕРКУЛЁЗИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИДАГИ РАНГБАРАНГЛИК, ТАШХИСЛАШНИНГ МУРАККАБЛИГИ ВА ДАВОЛАШДАГИ КАМЧИЛИКЛАР

Жумаев Мухтор Фатуллаевич[1], Усмонов Исомиддин Хайдарович[2]
1- Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.;
2- Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

A VARIETY OF CLINICAL COURSE, DIAGNOSTIC DIFFICULTIES AND SHORTCOMINGS IN THE TREATMENT OF RESISTANT FORMS OF PULMONARY TUBERCULOSIS IN MODERN CONDITIONS

Jumaev Mukhtor Fatullayevich[1], Usmonov Isomiddin Khaydarovich[2]
1 - Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara;
2 - Bukhara Regional Center for Phthisiology and Pulmonology, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: info@bdti.uz

Резюме. *Илмий изланишга 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларидан бўлган 244 беморнинг текширув натижалари асос қилиб олинди. Беморларнинг ёши 18-86 ёш оралиғида бўлиб, ўртача ёш 52,1±2,9 ни ташкил қилди. Беморлардан қишлоқ аҳолиси - 185(75,8%), шаҳар аҳолиси – 56(23,0%) ва аниқ яшаш манзили бўлмаган беморлар – 3(1,2%) ҳолатда учради. Таҳлил қилиб кўрилганда касаллик қишлоқ аҳолиси орасида 3,3 марта кўп учради. Диагностик усулларнинг натижаларини нотўғри талқин қилиш нофтизиатрик касалхоналарда - 63,5% ҳолатда, поликлиникада – 29,5% ва фтизиатрия клиникасида бу кўрсаткич – 4,5% холатни ташкил қилди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатаяптики, умумий клиник касалхоналарда беморлар юзаки текширилган бўлиб, диагностик услублар тўлиқ қўлланилмаган ва шунга кўра, адекват бўлмаган даво қўлланилган бўлиб, бунинг оқибатида туберкулёз жараёнинг кучайиши, ҳамда бу тоифадаги беморларнинг умумий ҳолатининг ёмонлашуви кузатилган.*

Калит сўзлар: *ўпканинг дориларга турғун туберкулёзи, ташхислаш, даволаш.*

Abstract. *Scientific work is based on examination data of 244 patients from the southern regions of the Republic of Uzbekistan who received treatment in the centers of phthisiology and pulmonology in the period from 2016 to 2020. The age of the patients varied from 18 to 86 years, the mean age was 52.1±2.9 years. Sick rural population was observed - in 185 (75.8%), urban population - in 56 (23.0%) and homeless people - in 3 (1.2%) cases. The analysis noted that the disease was 3.3 times more common in rural populations. Incorrect interpretation of the results of diagnostic methods of research occurred in non-phthisiatric hospitals - in 63.5% of cases, and in polyclinics - in 29.5%, and in phthisiatric hospitals this figure was - in 4.5% of cases. The analysis of the results obtained indicates that in general clinical institutions, patients are examined superficially, the full scope of the examination of patients is not performed and inadequate treatment is carried out, which leads to the progression of the tuberculosis process and the deterioration of the general condition of patients in this category.*

Key words: *drug-resistant pulmonary tuberculosis, diagnosis, treatment.*

Актуальность: распространение туберкулеза с множественной лекарственной устойчивостью (МЛУ-ТБ) во всем мире является серьезным препятствием для осуществления контроля за туберкулезом и достижения целевых показателей, установленных Всемирной ассамблеей здраво-

охранения и входящих в одну из Целей в области устойчивого развития Организации Объединенных Наций [3, 5,8,9].

По определению экспертов ВОЗ, лекарственно устойчивый туберкулез – это; случай туберкулеза легких с выделением МБТ, устойчивых к одному и более противотуберкулезным препаратам [2,5,7].

Анализ клинических проявлений у больных с ЛУ МБТ указывал на более тяжелое течение заболевания – с выраженной интоксикацией, фебрильной лихорадкой, одышкой в покое. Физикальное обследование чаще выявляло укорочение перкуторного звука, бронхиальное дыхание, сочетание сухих и влажных хрипов. Рентгенологически преобладали диссеминированный туберкулез, казеозная пневмония и фибрознокавернозный туберкулез легких. Процесс в легких распространялся на 3 доли и более, сопровождался образованием каверн от 2 до 4 см, нередко множественных. Бактериовыделение чаще было массивным и определялось уже при микроскопии. В структуре ЛУ МБТ почти у 1/2 больных наблюдалась полирезистентность. При этом монорезистентность составила 37,9% и множественная лекарственная устойчивость определена у 13,9% обследованных [1,5].

В настоящее время, несмотря на наличие разнообразных современных методов диагностики туберкулеза, существует необходимость разработки и внедрения новых методов быстрой, с высокой чувствительностью и специфичностью диагностики [4,5,6].

Материалы и методы исследования: В основу работы положены данные обследования 244 больных из южных регионов Республики Узбекистан, которые получили лечение в центрах фтизиатрии и пульмонологии Бухарской области – 148(60,7%), Навоийской области – 30(12,3%), Кашкадарьинской области - 32(13,1%) и Сурхандарьинской области – 34(13,9%) случаев в периоде с 2016 по 2020 гг.

Возраст больных варьировал от 18 до 86 лет, средний возраст при этом составил 52,1±2,9 года. Из таблицы 1 видно, что, мужчины было в 2,2 раза больше, чем женщин, число больных в возрасте 19-59 лет - 65,2% (трудоспособный возраст), 60–69 лет - 18,4%; старше 70 лет - 16,4%.

Больные сельского населения наблюдался - у 185(75,8%), городского населения – у 56(23,0%) и люди БОМЖ – у 3(1,2%) случаев. При анализе отмечается, что болезнь 3,3 раза чаще встречался у сельских населений.

Устойчивые формы туберкулёза легких развиваются медленно, со скудными клиническими признаками заболевания, проявляются началом, разгаром и затиханием клинической симптоматики. Во многих случаях, более 75,0% больных составляет ранее леченые пациенты, то есть в анамнезе болевшие чувствительными формами туберкулеза. В клиническом течении доминирует следующие симптомы: кашель с выделением мокроты или без, похудание, слабость и ночные потливость.

Из 244 больных - у 151 (61,9%) больных заболевание выявлено впервые, а у 93 (38,1%) – повторно, т.е. они ранее получали лечение. Следует, отметит что, 21(8,6%) больные были ранее заключенными. Генерализованные формы туберкулеза встречались в 11(4,5±2,5%) случаев, из них поражение легкого туберкулеза с туберкулёзным плевритом - у 7(2,9±1,1%) случаев, органов мочеполовой системы определялись - у 2(0,8±0,2%) и с туберкулёзным спондилитом - у 2(0,8±0,2%) больных. При этом генерализация туберкулёзного процесса наблюдено более в запушенных стадиях болезни, так-как кавернозного или фиброзно-кавернозного туберкулёза легких - у 7(63,6%) случаев.

Таблица 1. Распределение больных по полу, место жительству и возрасту

Пол		Число больных	19-29 лет	30-39 лет	40-49 лет	50-59 лет	60-69 лет	70 лет и старшие
Мужчины n=165	сельские	118 (48,4%)	13 (5,3%)	16 (6,6%)	24 (9,8%)	29 (11,9%)	22 (9,0%)	14 (5,7%)
	городские	45 (18,4%)	5 (2,2%)	3 (1,2%)	10 (4,1%)	13 (5,3%)	7 (2,9%)	7 (2,9%)
	люди БОМЖ*	2 (0,8%)	-	-	-	2 (0,8%)	-	-
Женщины n=79	сельские	67 (27,5%)	9 (3,7%)	11 (4,5%)	7 (2,9%)	10 (4,1%)	13 (5,3%)	17 (6,9%)
	городские	11 (4,5%)	2 (0,8%)	-	1 (0,4%)	3 (1,2%)	3 (1,2%)	2 (0,8%)
	люди БОМЖ*	1 (0,4%)	-	1 (0,4%)	-	-	-	-
Итого:		244 (100%)	29 (11,9%)	31 (12,7%)	42 (17,2%)	57 (23,4%)	45 (18,4%)	40 (16,4%)

Примечание: * - без определенной местожительством.

Таблица 2. Ошибки при диагностике ЛУ формах туберкулёза легких на этапах исследования

Лечебное учреждение	абсолютное число	%	Значение p
Поликлиника	72	29,5±2,9	p<0,01
Стационары не фтизиатрического профиля	155	63,5±3,08	p<0,001
Фтизиатрические клиники	11	4,5±1,3	p<0,05

Таблица 3. Виды проводимых диагностических методов исследований при диагностике устойчивых формах туберкулёза легких

Методы исследования	В поликлинике n=109	В не фтизиатрических стационарах n=155	В фтизиатрических стационарах n=244	Всего n=244
Рентгенография	63 (57,8%)	64 (41,3%)	117 (47,9%)	244 (100%)
МСКТ легких	8 (7,3%)	11 (7,1%)	5 (2,1%)	26 (10,7%)
Бронхоскопия	-	2 (1,3%)	1 (0,4%)	3 (1,2%)
Бактериологическое исследование	77 (70,6%)	23 (14,8%)	144 (59,0%)	244 (100%)

Всем больным проведено бактериологическое исследование мокроты и 100% случаев клинический диагноз верифицирован бактериологическим путём.

У 74 (30,3±2,7%) больных болезнь развивалась медленно в течение более 1-го года, с характерным прогрессированием общей недомоганием, редкими подъемами температуры до субфебрильной, иногда с присоединением сухим кашлем. Подострое течение заболевания с прогрессированием в течение 1-го года, похуданием, субфебрильной температурой, сухим кашлем и потливостью по вечерам отмечено у 24 (9,4±1,8%) больных, у 26 (10,6±1,9%) случаев продолжительность вышеуказанных симптомов до 6 месяцев, следует отметит, у 120 (47,6±2,4%) больных составил до 3 месяцев – клиническое течение заболевания было острым, с подъемом температуры более 38,0^{o}C, с интоксикацией, потерей массы тела больше 10% от общей, с сильным нарастающим сухими или влажными кашлями с выделением мокроты и с ухудшением общую состоянию больных.

Продолжительность жалоб больных до установления окончательного диагноза составила от 1-го месяца до 10 лет, в среднем 6,3±1,7 месяцев.

Общая состояния больных при поступлении клинику было следующим: относительно удовлетворительные – 11(4,5%), среднее тяжелые – 217 (88,9%), а с тяжелым состоянием – 16 (6,6%) случаев. Сознание больных было нормальным – у 240 (98,4%), а сопорозным состоянием - у 4(1,6%) случаев.

У пациентов с наличием сопутствующей патологией клиническое проявление основного заболевания характеризовалось многообразием и тяжелым течением. Клинические симптомы и лабораторные данные представленных категорий больных являются своеобразными и трудно диагностируемыми.

При поступлении больных в клинико-лабораторных исследованиях наблюдались следующее изменения: часто встречался понижение гемоглобина – у 67,2% случаев; ускорение СОЭ – у 55,3%; лейкоцитоз – у 49,6%; повышение печеночных ферментов и билирубина – у 38,1%; нарушением фильтрационных функций канальцев почек – у 9,8% пациентов и следует, отметит, что лейкоцитурия – у 87,7%; эритроцитурия – у 26,6%; протеинурия – у 23,3% случаев. Клиническое проявление генерализованных форм туберкулеза имело разнообразные клинические признаки, которые характеризовались тяжелым общим состоянием пациентов, а также наличием диагностических трудностей.

Результаты и обсуждение. При анализе клинического течение устойчивых форм туберкулёза легких отмечено что, установит своевременной и правильной диагноз имеет сложности, при этом допускается ошибки при диагностике.

При диагностике лекарственно-устойчивыми (ЛУ) формами туберкулёза легких на этапах исследования допущено ошибки: в поликлиниках, в стационарах не фтизиатрического профиля и в условиях фтизиатрических учреждениях.

При анализе таблицы 2 отмечается чаще всего ошибки и недостатки интерпретации результатов диагностических методов встречается в стационарах не фтизиатрического профиля - у 155(63,5%) случаев, а в поликлиниках 2,1 раза мало встречался чем стационарах не фтизиатрического профиля – у 72(29,5%) и следует отметит, что в стационарах фтизиатрического профиля тоже можно наблюдать недостатки или несвоевременное выявления ЛУ формах туберкулёза легких – у 11(4,5%) случаев.

Из таблицы 3 видно, что в поликлиническом приеме больных чаще всего проведено рентгенография легких – у 57,8% и бактериологическое исследование мокроты – у 70,6% случаев. Следует, отметит, что в не фтизиатрических учреждениях бактериологическое исследование мокроты проведено значительное редко – у 14,8% случаев. При анализе отмечается, что относительно редких случаях проведено МСКТ исследование органов грудной клетки - у 10,7% и бронхоскопическое исследование – у 1,2% случаев, это связано с высокой информативности бактериологических исследований мокроты, особенно молекулярно-генетических методов диагностики.

Из 244 больных 109 (44,7%) больные – обращались первоначально к поликлиник место жительствах; при этом в 83(76,1%) случаях проведено лечение с диагнозом: острое респираторное заболевание верхний дыхательных путей – у 46(55,4%), острый бронхит – у 18 (21,7%) и обострение хронического бронхита – у 19 (22,9%) случаев.

Из клинического примера можно увидеть проведение лечение без обследования по стандарту в поликлиническом этапе, которого назначенная терапия оказывается малоэффективным. И на этом примере наблюдается нарушение применение противотуберкулёзных средств, в амбулаторных условиях которого много зависит от больного, участкового врача терапевта и районного фтизиатра.

В не фтизиатрических клиниках обращались 155(63,5%) больных, из них 149(96,1%) случаев проведено лечение: с диагнозом острая пневмония – у 74(49,7%), острый бронхит – у 47(31,5%), обострение хронического бронхита – у 26(17,5%) и экссудативный плеврит - у 2(1,3%) случаев. Больные в 100% случаев получали антибактериальную терапию, с целью лечения и купирования кашля больным назначались противокашлевые препараты (ацц, ацц–лонг, бромгексин, мукальтин, бронхолитин, либексин, амбробене, амброксол, от кашля и т.д.), бронхолитики (эуфилин), глюкокортикостероиды (гидрокортизон, дексометазон), витамины (С, B_1, B_6…), а также больным назначались ингаляционные манипуляции 4% натрий бикарбонатом или разными лекарственными средствами.

При анализе можно отметит, что в стационарах не фтизиатрического профиля без рентгенологического исследования легкого и без бактериологического исследования мокроты больного проводится не адекватное лечение, которого ухудшает общей состоянии больного и эпидемиологической ситуации.

Следует отметить, что из 244 больных – у 98 (40,1%) случаев больные занимались самолечением и к лекарям – 36 (14,8%), в течение от 1,5 до 6,2 месяцев, усугубляя тяжести, течение заболевания и поступали клиники более запоздалых стадиях болезни.

В условиях фтизиатрических диспансеров допущено – у 26(10,7%) случаев недостатки при лечении. Из них в 16(61,5%) случаев МБТ прошел от чувствительной формы - Rif S на устойчивую форму Rif R, а у 10(38,5%) больных наблюдено нарушение режима употребления противотуберкулёзных препаратов.

Таким образом, анализ полученных результатов свидетельствует о том, что в общеклинических учреждениях больные обследуется поверхностно некомпетентными специалистами, не выполняется полный объём обследования больных, что приводит к прогрессированию туберкулёзного процесса и ухудшению общего состояния больных данной категории.

Диагностические ошибки выявлены - у 11 (4,5%) больных со стороны различных специалистов в условиях фтизиатрических клиник.

Из таблицы 4 видно, что у 4,5% случаев допущены ошибки. Чаще всего этот недостаток встречается при интерпретации заключений лучевых методов исследований – у 63,6% случаев. В этих 11 случаев больные тщательно обследованы бактериологическим путем на ПЦР диагностике и методами бактериологического посева, после чего установлено окончательный диагноз с бактериологической верификацией.

Из выше указанных клинических примеров видно, что со стороны специалистов не всегда используется стандартные методов исследование, так-как бактериологическое исследование мокроты, рентгенография, МСКТ легких и бронхоскопия по строгим показаниям.

Таблица 4. Диагностические ошибки в лечение устойчивых форм туберкулёза легких в условиях фтизиатрических диспансеров (n=244)

Виды диагностических ошибок	абс.	%
Методы лучевой диагностики	7	63,6%
Бактериологическое	2	18,2%
Бактериологическое + методы лучевой диагностики	2	18,2%
Всего:	11	4,5%

Таким образом, клиническое течение ЛУ форм туберкулеза легких характеризуется большим разнообразием, является трудно диагностируемым и требует от специалистов глубоких знаний для уточнения диагноза и проведения своевременного противотуберкулёзного терапия с учетом лекарственного чувствительности микобактерии туберкулёза.

Выводы:

1. При анализе выявлено, что средний возраст составил 52,1±2,9 года, болезнь встречался чаще мужчинам в 2,2 раза и сельского населения в 3,3 раза.

2. Болезнь развивался медленно в течение более 1-го года - у 30,3±2,7%, до года - у 9,4±1,8%, до 6 месяцев – у 10,6±1,9% и до 3-х месяцев - у 47,6±2,4% случаев.

3. Неправильная интерпретация результатов диагностических методов исследования встречался в стационарах не фтизиатрического профиля - у 63,5% случаев, а в поликлиниках – у 29,5% и в стационарах фтизиатрического профиля этот показатель составил – у 4,5% случаев.

4. Анализ полученных результатов свидетельствует о том, что в общеклинических учреждениях больные обследуется поверхностно, не выполняется полный объём обследования больных и проводится не адекватное лечение, что приводит к прогрессированию туберкулёзного процесса и ухудшению общего состояния больных данной категории.

Литература:

1. Кропотина Т.В. Система гемостаза у больных, страдающих Мякишева Т.В. Социальный статус, клинико-рентгенологические проявления впервые выявленного туберкулёза легких у молодого возраста с лекарственной устойчивостью микобактерий/Сибирский медицинский журнал, 2012, Том 27, № 1. С.160-164.

2. Пунга В.В., Русакова Л.И., Пузанов В.А. и соавт. Распространенность туберкулеза с лекарственной устойчивостью //Туберкулез и болезни легких. –2011. – № 10. – С. 6–15.

3. Русских А. Е., Кутузова Д. М., Ловачева О. В., Самойлова А. Г., Васильева И. А. Краткосрочные схемы лечения больных туберкулезом с множественной лекарственной устойчивостью. Современная ситуация и дальнейшие перспективы // Туберкулёз и болезни лёгких. – 2020. – Т. 98, № 12. – С. 57-66.

4. Скрягина Е.М. Диагностика и лечение туберкулеза легких / Рецепт. – 2007. – № 6. – С. 42–51.

5. Усмонов И.Х., Жумаев М. Ф., Состояние лекарственно-устойчивых форм туберкулёза легких в современных условиях. Вестник Ташкентской медицинской академии. 2021/3. С.55-64

6. Usmonov I. Kh., Muazzamov B.R., Jumaev M.F. Features of Diagnostics and Treatment of Drug-Resistant Forms of Pulmonary Tuberculosis, International Journal of Pharmaceutical Research | Jan - Mar 2021 | Vol 13 | Issue 1, P. 2484-2489.

7. Jumaev M. F., Usmonov I. Kh. Clinical Course and Modern Diagnosis of Resistant Forms of Pulmonary Tuberculosis, American journal of social and humanitarian research/ 2022/2 | Vol 2 | Issue 3, P. 250-260.

8. Pranger A. D. et al. The role of fluoroquinolones in the treatment of tuberculosis in 2019 // Drugs. Springer International Publishing. – 2019. – Vol. 79, № 2. – P. 161-171.

9. WHO Consolidated guidelines on tuberculosis, Module 4: treatment –drug-resistant tuberculosis treatment [Electronic resource]. URL: https://www.who.int/publications/i/item/9789240007048 (accessed: 05.08.2020).

РАЗНОВИДНОСТЬ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ, СЛОЖНОСТИ ДИАГНОСТИКИ И НЕДОСТАТКИ ПРИ ЛЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВЫХ ФОРМ ТУБЕРКУЛЁЗА ЛЕГКИХ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Жумаев М.Ф., Усмонов И.Х.

Резюме. *В основу работы положены данные обследования 244 больных из южных регионов Республики Узбекистан, которые получили лечение в центрах фтизиатрии и пульмонологии в периоде с 2016 по 2020 гг. Возраст больных варьировал от 18 до 86 лет, средний возраст при этом составил 52,1±2,9 года. Больные сельского населения наблюдался - у 185(75,8%), городского населения – у 56(23,0%) и люди БОМЖ – у 3(1,2%) случаев. При анализе отмечается, что болезнь 3,3 раза чаще встречался у сельских населений. Неправильная интерпретация результатов диагностических методов исследования встречался в стационарах не фтизиатрического профиля - у 63,5% случаев, а в поликлиниках – у 29,5% и в стационарах фтизиатрического профиля этот показатель составил – у 4,5% случаев. Анализ полученных результатов свидетельствует о том, что в общеклинических учреждениях больные обследуется поверхностно, не выполняется полный объём обследования больных и проводится не адекватное лечение, что приводит к прогрессированию туберкулёзного процесса и ухудшению общего состояния больных данной категории.*

Ключевые слова: *лекарственно-устойчивый туберкулез легких, диагностика, лечение.*

УДК: 619:616.995.132.6

ГИМЕНОЛЕПИДОЗ ВА ТЕНИАРИНХОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА КЛИНИК БЕЛГИЛАРНИНГ УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Ибрахимова Ҳамида Рустамовна, Садуллаев Сирож Эрназарович
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Ўзбекистон Республикаси, Урганч ш.

ЧАСТОТА ВСТРЕЧАЕМОСТИ КЛИНИЧЕСКИХ ПРИЗНАКОВ У ДЕТЕЙ С ГИМЕНОЛЕПИДОЗОМ И ТЕНИАРИНХОЗОМ

Ибрахимова Хамида Рустамовна, Садуллаев Сирож Эрназарович
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Республика Узбекистан, г. Ургенч

THE DEGREE OF OCCURRENCE OF CLINICAL SYMPTOMS IN CHILDREN WITH GIMENOLEPIDOSIS AND TENIARINCHOSIS

Ibrakhimova Hamida Rustamovna, Sadullaev Siroj Ernazarovich
Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Urgench

e-mail: xamida.ibraximova@mail.ru

Резюме. *Мақолада ўрганилаётган беморларнинг клиник белгилари таққосланганда, астено-вегетатив аломатлардан хотира пасайиши, асабийлашиш, тушкун кайфият, кўз қавоғи тутилишлари ва милтиллаши гименолепидозга чалинган беморларда тениаринхозга чалинган беморларга нисбатан ишончли (P <0,001) юқори бўлган. Беморларнинг кузатилган икки гуруҳида клиник кўринишларни ўрганаётганда, астено-невротик аломатлар-хотиранинг пасайиши, асабийлашиш, тушкун кайфият, кўзларни пирпиратиш, тутқаноқлар 1-гуруҳ беморларда 2-гурух беморларга қараганда юқори (P<0.001). Тениаринхоз билан оғриган беморларда вазн йўқотиш, дармонсизлик, ҳушдан кетиш, қорин оғриғи, қусиш каби белгилар биринчи гуруҳ беморларга қараганда анча юқори (P<0.001) бўлган. Гельминтозларда қайд этилган астено-невротик симптомлар гименолепидозли беморларда тениаринхозга қараганда кўпроқ намоён бўлди, қорин оғриғи, озиш, дармонсизлик, чарчаш каби белгилар кўпинча тениаринхоз билан оғриган беморларда кузатилди.*

Калит сўзлар: *паразитар касалликлар, тениаринхоз, гименолепидоз, болалар, клиника.*

Abstract. *When comparing the clinical signs in the patients studied in the article, memory loss, increased nervousness, depressed mood, eyelid cramps and blinking due to astheno-vegetative symptoms were significantly higher (P <0.001) in patients with hymenolipidosis than in patients with teniarinosis. When studying clinical manifestations in two observed groups of patients, astheno–neurotic symptoms – poor memory, increased irritability, depressed mood, eye blinking and seizures were significantly higher (P<0.001) in group 1 patients than in group 2 patients. Symptoms such as weight loss, incontinence, fainting, abdominal pain, vomiting were significantly higher (P<0.001) in patients with teniarynchosis than in patients of the first group.Thus, astheno-neurotic symptoms that were noted in helminthiasis were more pronounced in patients with hymenolipidosis than in teniarynchosis. Symptoms such as abdominal pain, weight loss, malaise, fatigue were often observed in patients with teniarynchosis.*

Key words*: helminthiasis, hymenolepidosis, teniarinhosis, children, clinic.*

Кириш. Ҳозирги кунда одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳисобига яшовчи паразитларнинг 15 мингдан зиёд тури маълум ва инсонларда кўпроқ аскаридалар, острицалар, қилбош гижжалар учрайди [1, 4].

Гельминтлар одам организмининг нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, мускуллари, жигар, ўт пуфаги, талоқ, кон, мия, кўз ва бошқа аъзоларида паразитлик қилади. Аҳолининг соғлиғини белгиловчи омиллардан бири ижтимоий жиҳатлар билан боғлиқ касалликлар, жумладан протозооноз ва гелминтлар бўлиб, уларнинг барчаси паразитар касалликларнинг 99% ни ташкил этади [5, 11].

Илмий манбаларда эътироф этилишича, одам ва ҳайвонларнинг аъзо ва тўқималари ҳисобига яшовчи гижжалар (гелминтлар), улар келтириб чиқарадиган касалликлар гельминтозлар дейилади. Касаллик манбаи

бемор одам ва гижжалар билан зарарланган ҳайвонлар ҳисобланади [3, 5, 8].

Паразитизм (грекча parasitos - текинхўр, ҳамтовоқ) ҳар хил тирга мансуб организмлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан биридир. Бунда организмлардан бири (паразит) иккинчисидан (хўжайин) яшаш муҳити ва озиқа манбаи сифатида фойдаланиб, унга зарар етказади. Паразитлар бир ҳужайрали (саркомастигофора, спорали, книдоспоридия, микроспоридия ва инфузориялар) ҳамда кўп ҳужайрали ҳайвонлардан (ясси чувалчанглар, тиканбошлилар, тўгарак чувалчанглар ва бўғимоёқлилар) типлари таркибида учрайди [6, 12].

Ҳозирги вақтда паразитар ҳаёт тарзи олиб борадиган 50 минг турдаги организмлар мавжуд, шулардан 342 турдан ортиқ гелминтлар ва 18 турдан ортиқ *Protozoa* вакиллари бўлган бир ҳужайрали ҳайвонлар одамларда паразитар касалликлар келтириб чиқаради, ушбу касалликлар билан аҳолининг зарарланиши 2 млрд. кишига етди, шуни таъкидлаш керакки, касалланишлар болалар орасида 80% дан ортиқни ташкил этади. Мактаб ўқувчилари ва мактабгача ёшдаги болалар барча энтеробиозли беморларнинг 90-95%, аскаридозли беморларнинг 65,1% ини ташкил қилади. Бугунги кунда энг йирик паразитар касалликлар энтеробиоз (100 минг ичида 725,83 та зарарланиш), аскаридоз (100 минг ичида 158,03 зарарланиш) ва трихоцефалез (100 минг ичида 35,44 зарарланиш) [3].

Ўнинчи марта қайта кўриб чиқилган Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ-МКБ- 10) бўйича (ЖССТ, 2007) паразитар касалликлар I синфга тегишли. ЖССТ маълумотларига кўра, гелминтозлар диарея, сил ва юракнинг ишемик касалликларидан сўнг ер шари аҳолисининг соғлиғига етказилган зарар даражаси бўйича 4-ўринни эгаллайди [14].

Дунёнинг турли мамлакатларида гельминтоз касалликларининг ошиши чиқинди сув оқими натижасида гельминт тухумлари билан атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли миграцияси, ҳайвонлар билан одам мулоқотининг ортиши, паст ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражаси, аҳоли иммун тизимининг заифлашуви натижасидир [1, 11, 13].

Болалар паразитларга нисбатан аҳолининг заиф тоифаси эканлиги аниқланган. Бу, бир томондан, санитария-гигиена меъёрларига риоя қилишнинг қуйи даражасига, иккинчи томондан, паразитар инвазия натижасида жадал ўсиш ва ривожланишнинг пасайиши билан боғлиқ. Болаликда паразитлар инвазиясига кўпинча овқатланишнинг сурункали бузилиши, ошқозон-ичак дисфункцияси, интоксикация, организм сенсибилизацияси ва иммун тизимининг заифлашувига олиб келувчи омиллар сабаб бўлади. Гельминт личинкалари кўчиб висцерал мембраналар, мия, кўз, ўпка, ва асаб тизимига зарар етказиши мумкин. Larval мигрантларнинг 5-7% и мияга киради, 30 дан ортиқ паразит турларининг личинкалари ўпка тўқимасига таъсир қилади [2, 3, 9, 10].

Юқорида қайд этилган муаммолар Ўзбекистон Республикасида ҳам долзарб бўлиб [7, 8], адабиётларда бу муаммога бағишланган илмий манбалар кам. Кўрсатилган муаммолар ечимини топишда бугунги кунда режалаштирилган ва ўтказилаётган илмий тадқиқотлар замонавий ва долзарбдир.

Материал ва усуллар. Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун Бухоро, Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва “Амал” хусусий клиникасида 178 нафар 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда ичак паразитози (ичак цестодозлари - гименолепидоз ва тениаринхоз) билан касалланган беморларни клиник кўрикдан ўтказилди.

Улар этиологик омил асосида 2 гуруҳга бўлинди:

гименолепидоз гуруҳида (1-гуруҳ, n=120) болалар ёши бўйича қуйидагича тақсимланди: 4 ёшдан 7 ёшгача - 52 (43,3%) болалар, 8 ёшдан 11 ёшгача - 33 (27,6%), 12 ёшдан 15 ёшгача 19 (15,8%), 16 ёшдан 18 ёшгача - 16 нафар (13,3%);

тениаринхоз гуруҳида (2-гуруҳ, n=58) болалар ёши бўйича қуйидагича тақсимланди: 58 боладан 8 ёшдан 11 ёшгача 13 (22,4%) ва 12 ёшдан 15 ёшгача 17 (29,5%) ,16 ёшдан 18 ёшгача 28 (48,3%) бўлган.

Ўрганилган 1-гуруҳдаги беморларнинг умумий сонидан 68 нафари (56,7%) шаҳар ва 52 нафари (53,3%) қишлоқ аҳолиси ва 2-гуруҳда - мос равишда 19 нафари (32,8%) шаҳар ва 39 нафари (67,2%) қишлоқ аҳолиси бўлди. Барча кузатилган паразитар беморлар касаллик бошланганидан бир неча ой ўтгач касалхонага ётқизилди. Барча ҳолатларда ташҳис паразитологик жиҳатдан тасдиқланган.

Гименолепидоз ва тениаринхоз ташхиси уч карра копроскопия пайтида *Hymenolepis nana* ва *Taenia saginata* тухумларини аниқлаш билан тасдиқланди, баъзи ҳолларда ичакдан ажратилди (фаол ёки пассив) *Taenia saginata* сегменти аниқланганда тениаринхоз ташхиси қўйилди. Ахлатнинг паразитологик текшируви 3 марта 3-4 кунлик танаффус билан ўтказилди. Гименолепидоз ташхиси янги чиқарилган нажасда гельминт тухумларини аниқлаш билан тасдиқланди. Тениаринхоз ташҳиси эса копроскопия тухумларни аниқлаш ва ажратилган сегментларни топиш билан тасдиқланган.

Барча болаларнинг касаллик ва эпидемиологик анамнези, ўтказган ёндош

касалликлари атрофлича ўрганилди, боланинг соматик ҳолати аниқланди. Кўрсатма асосида, бемор болалар уларда мавжуд потологияларга қараб турли мутахассислар томонидан текширилди. Лаборатория тадқиқот усуллари қон, сийдик, нажасни умумий таҳлил қилишни ўз ичига олган. 1-гуруҳ касал болаларда эпидемиологик анамнез натижалари паразитоз тарқалишининг асосий йўли маиший - контакт йўл эканлигини кўрсатди. 2 гуруҳ беморларда эса хом ва етарли даражада термик ишлов берилмаган гўшт ва гўшт маҳсулотларидан истеъмол қилиши аниқланди.

Натижа ва мухокама. Ушбу беморларда паразитлар микроскопик текширувда аниқланди, аммо батафсил текширувда паразитларга хос бўлган клиник белгилар аниқланди. Клиник белгиларни аниқлаш частотаси 1-жадвалда келтирилди.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, гименолепидоз билан касалланган болаларнинг кўпчилигида астено-невротик аломатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагича тақсимланган: беморларнинг 80,0% хотираси пасайиши, 68,3% уйқу пайтида гиперсаливация, 63,3% асабийлашиш, 57,5% беморларда тушкун кайфият, 55,0% беморларда бруксизм ва бошқа кўзларни тез-тез очиб-юмиш(пирпиратиш), конвульсив мушакларнинг чайқалиши, қошларни буриштириш, эпилептиформ тутқаноқлар ўртача 11,7% - 26,7%гача қайд этилган.

Диспептик белгилар кўнгил айниш 22,5%, қусиш 4,2%, диарея 8,4%, қорин оғриғи 51,7%, ахлат беқарорлиги 26,7% 1-гуруҳ беморларида қайд этилган. Интоксикация аломатларидан 68,3% бош оғриғи, 91,7% да умумий ҳолсизлик, 47,5% ида чарчаш, 59,2% беморларда бош айланиши кузатилган.

Эозинофилия каби аллергик намоён бўлиш кўрсаткичлари 83,3%ини, аллергик дерматозлар гименолепидоз билан оғриган беморларнинг 53,3% ини ташкил этди.

Тениаринхоз билан оғриган беморларнинг клиник кўринишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, болаларнинг кўпчилигида астено-невротик аломатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагича тақсимланади: беморларнинг 39,7% хотира пасайиши, 89,7% уйқу пайтида гиперсаливация, 39,7% асабийлашиш, 36,2% беморларда тушкун кайфият, 24,1% беморларда бруксизм ва бошқа Кўзларни тез-тез очиб-юмиш (пирпиратиш), конвулсив мушакларнинг чайқалиши, қошларни чимириш, 3,4-10,3% ўртача қайд этилган. Эпилептиформ тутқаноқлар бир нечта ҳолатларда қайд этилмаган.

Кўнгил айниш каби диспептик белгилар кўнгил айниши 15,6%, қусиш 20,7% беқарор ахлат 31,0%, қорин оғриғи 93,1% 2-гуруҳ беморларда қайд этилган.

Жадвал 1. Гименолепидоз ва тениаринхоз билан оғриган беморларда клиник белгиларнинг частотаси

Симптомлар	Гименолипедоз	Тениаринхоз	Симптомлар	Гименолипедоз	Тениаринхоз
Умумий бехоллик	110/91,7	55/95,0	Эпилептиформ тутқаноқлар	14/11,7	-
Дармонсизлик	78/65,0	54/93,1	Кўнгил айниш	27/22,5	9/15,6
Чарчаш	57/47,5	56/96,6	Қусиш	5/4,2	12/20,7
Уйқу бузилиши	62/51,7	31/53,4	Жиғилдон қайнаши	10/8,4	16/27,6
Хотира пасайиши	96/80,0	23/39,7	Вазн йўқотиш	76/63,3	56/96,6
Бош айланиши	71/59,2	30/51,7	Гиперсаливация	82/68,3	52/89,7
Бош оғриғи	82/68,3	32/55,2	Қоринда оғриқ	62/51,7	54/93,1
Асабийлик	76/63,3	23/39,7	Нажас беқарорлиги	32/26,7	18/31,0
Тушкун кайфият	69/57,5	21/36.2	Аллергик дерматоз	64/53,3	15/25,9
Кўзларни пирпиратиш	18/15,0	2/3,4	Бўшашиш	15/12,5	10/17,2
Қалтираш	17/14,2	4/6,9	Эозинофилия	100/83,3	45/77,6
Қошларни буриштириш	21/17,5	5/8,6	Лейкопения	87/72,5	52/89,7
Хушдан кетиш	6/5,0	18/31,0	Анемия	110/91,7	57/98,3
Конвульсив мушаклар чайқалиши	32/26,7	6/10,3	Тирноқ, сочлар мўртлашуви	52/43,3	31/53,4
Бруксизм	66/55,0	14/24,1	Онихофагия	32/26,7	18/31,0

Изоҳ: суратда мутлоқ, махражда нисбий (%) кўрсаткичлар.

Интоксикация аломатларидан 55,2% болаларда бош оғриғи, 95,0% да умумий ҳолсизлик, 96,6% да чарчаш, 51,7% беморларда бош айланиши кузатилган. Аллергик кўринишлар кўрсаткичлари эозинофилия 77,6%, аллергик дерматозлар 25,9% тениаринхоз билан оғриган болаларда кузатилган.

Беморларнинг кузатилган икки гуруҳида клиник кўринишларни ўрганаётганда, астено-невротик аломатлар-хотиранинг пасайиши, асабийлашиш, тушкун кайфият, кўзларни пирпиратиш,тутқаноқлар 1-гуруҳ беморларда 2-гурух беморларга қараганда юқори (P<0.001)

Тениаринхоз билан оғриган беморларда вазн йўқотиш, дармонсизлик, ҳушдан кетиш, қорин оғриғи, қусиш каби белгилар биринчи гуруҳ беморларга қараганда анча юқори (P<0.001) бўлган.

Хулоса. Гельминтозларда қайд этилган астено-невротик симптомлар гименолепидозли беморларда тениаринхозга қараганда кўпроқ намоён бўлди, қорин оғриғи, озиш, дармонсизлик, чарчаш каби белгилар кўпинча тениаринхоз билан оғриган беморларда кузатилди.

Адабиётлар:

1. Алёхина Н.А., Соколова Я.О., Исмаилова З.М., Мартынова О.В., Кенембаева А.С. Паразитарная чистота объектов окружающей среды Астраханской области за 2014-2016 годы // Электронный журнал «Концепт». - 2017. - Том 39. - С.2711-2715.
2. Ахатова Г.Х., Назарова У.Х., Турсунова Х.Н. Совершенствование эффективности применения профилактических мероприятий у детей по снижению заболеваемости гельминтозами // Молодой ученый. - 2017. - №16. - С. 25-27.
3. Ершова И.Б., Мочалова А.А., Лохматова И.А., Монашова М.Г., Петренко О.В. Неспецифические проявления гельминтозов у детей // Здоровье ребенка. - 2015. - №8 (68). - С.45-50.
4. Жарнова В.В., Жмакин Д.А., Никитин В.Ф. Клинико-эпидемиологическая картина трихинеллеза в Гродненской области // Российский паразитологический журнал.- Москва, 2015.- Выпуск 4.- С.38-42.
5. Лысенко А.Я., Владимова М.Г., Кондрашин А.В., Майори Дж. Клиническая паразитология. Руководство. - Женева, ВОЗ, 2002. - 752 с.
6. Марушко Ю.В., Грачева М.Г. Современное состояние проблемы гельминтозов у детей. Вопросы диагностики и лечения // Современная педиатрия. - Киев, 2012. - №3(43). - С.1-5.
7. Мухитдинов Ш.Т., Жураева Ф.Р. Проблемы гельминтозов среди детей до 14 лет и организационные методы борьбы с ними в первичном звене здравоохранения // Міжнародний науковий журнал «Інтернаука». - 2017. - №6 (28). - С.30-32.
8. Норкулова Г.С. Гельминтозы у детей: частота и причины // European research: Innovation in science, education and technology XXVIII International scientific and practical conference // London. United Kingdom. - 2017. - P.73-74. European research. - 2017. - N5 (28).
9. Пекло Г.Н., Степанова Т.Ф., Панарина П.В. Серологический мониторинг трихинеллеза в Тюменской области // Эпидемиология и Вакцинопрофилактика. - 2010. - №1 (50). - С.30-33.
10. Усенко Д.В., Конаныхина С.Ю. Современные аспекты диагностики и лечения лямблиоза // Вопросы современной педиатрии. - 2015. - №14(1). - С.108-113.
11. Файзуллина Р.А. Самороднова Е.А., Доброквашина В.М. Гельминтозы в детском возрасте // Практическая медицина. - 2010. - №3. - С.31-36.
12. Хамидуллин А.Р., Сайфутдинов Р.Г., Хаертынова И.М. Гельминты человека: описторхоз и псевдамфистомоз // Практическая медицина. - 2011. - №3(50). - С.35-37.
13. Baldursson S., Karanis P. Waterborne transmission of protozoan parasites: review of worldwide outbreaks - an update 2004-2010 // Water Res. - 2011. - Vol.15. - N45 (20). - P.6603-6614.
14. World Health Organization, UNICEF. Prevention and control of schistosomiasis and soil-transmitted helminthiasis. Joint statement. Geneva, 2004.

ЧАСТОТА ВСТРЕЧАЕМОСТИ КЛИНИЧЕСКИХ ПРИЗНАКОВ У ДЕТЕЙ С ГИМЕНОЛЕПИДОЗОМ И ТЕНИАРИНХОЗОМ

Ибрахимова Х.Р., Садуллаев С.Э.

Резюме. *При сравнении клинических признаков у пациентов, изученных в статье, потеря памяти, повышенная нервозность, подавленное настроение, судороги век и мигание из-за астено-вегетативных симптомов были значительно выше (P <0,001) у пациентов с гименолипидозом, чем у пациентов с тениаринозом. При изучении клинических проявлений у двух наблюдаемых групп пациентов астено–невротические симптомы – плохая память, повышенная раздражительность, подавленное настроение, мигание глаз и судороги были достоверно выше (P<0,001) у пациентов 1-й группы, чем у пациентов 2-й группы. Такие симптомы, как потеря веса, недомагание, обморики, боли в животе, рвота были достоверно выше (P<0,001) у пациентов с тениаринхозом, чем у пациентов первой группы. Таким образом, астено-невротические симптомы которые отмечены при гельминтозах, были более выражены у пациентов гименолипидоза, чем при тениаринхозе. Такие симптомы, как боли в животе, потеря веса, недомогание, утомляемость наблюдались часто у пациентов тениаринхоза.*

Ключевые слова*: гельминтозы, гименолепидоз, тениаринхоз, дети, клиника.*

УДК: 616.71-018.46-002-036.65-089

ЎСМИРЛАРДА МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА КУЗАТИЛАДИГАН НЕВРОЛОГИК ВА ВЕГЕТАТИВ ЎЗГАРИШЛАРИНИ КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Исанова Шоира Тўлқиновна, Ўтаганова Гулжахон Холмуминовна, Турсунова Мохинбону Тулкиновна, Мухторова Мафтуна Алишеровна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ПРОЯВЛЕНИЯ НЕВРОЛОГИЧЕСКИХ И ВЕГЕТАТИВНЫХ НАРУШЕНИЙ У ПОДРОСТКОВ С МЕТАБОЛИЧЕСКИМ СИНДРОМОМ

Исанова Шоира Тулкиновна, Утаганова Гулжахон Холмуминовна, Турсунова Мохинбону Тулкиновна, Мухторова Мафтуна Алишеровна
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

FEATURES OF CLINICAL MANIFESTATIONS OF NEUROLOGICAL AND AUTONOMIC DISORDERS IN ADOLESCENTS WITH METABOLIC SYNDROME

Isanova Shoira Tulkinovna, Utaganova Guljakhon Kholmuminovna,Tursunova Mokhinbonu Tulkinovna, Mukhtorova Maftun Alisherovna
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: muxtarovamaftuna24@gmail.com

Резюме. *Бугунги кунга келиб 1,9 млрд.дан кўпроқ катталарда ортиқча вазн аниқланиб, 650 млн.да семизлик кузатилган. 2016 йилдаги ЖССТ маълумотларига кўра ортиқча тана вазни ўсмир болаларнинг 5 - 19 ёшларида 340 млн.,ушбу кўрсаткич гендер тақсимланиши бўйича қизларда 18% ва ўғил ўсмирларда 19% ташкил қилган. Европада 20% ўсмирлар ортиқча вазнга эга бўлиб, уларнинг учдан бир қисмида эса семизлик аниқланиб, олинган маълумотларга кўра 30% -50% ўсмирларда катта бўлганда ҳам ортиқча вазн сақланар экан . Маълумки, метаболик синдром асосан ўзининг ножўя таъсири кўрсатадиган аъзолар қаторига нерв тизими киради. Аммо, ҳозирга қадар метаболик синдромда кузатиладиган диққат бузилишларини ривожланишининг сабаблари ва механизмларини аниқлаш, ақлий бузилишларнинг олдини олиш, шунингдек даволашдаги патогенетик асосланган усулларни қўлланилиши мунозарали мавзулардан бўлиб,касалликни аниқлаш ва етарли даво датбирларини ўз вақтида олиб бориш, эрта ташҳислаш заруратлилигини кўрсатади.*

Калит сўзлар: *метаболик синдром,ўсмирлар, неврологиг ўзгаришлар,вегетатив ўзгаришлар.*

Abstract. *To date, more than 1.9 billion adults are overweight and 650 million are obese. According to WHO data in 2016, overweight adolescents accounted for 340 million of adolescents aged 5 to 19 years, an increase of 18% in girls and 19% in boys in terms of gender distribution. In Europe, 20% of adolescents are overweight, and a third of them are obese, with 30% -50% of adolescents reportedly overweight. It is known that the nervous system is one of the organs whose metabolic syndrome mainly has its side effects. However, to date, the identification of causes and mechanisms of development of attention disorders observed in metabolic syndrome, prevention of mental disorders, as well as the use of pathogenetically based methods of treatment are controversial, indicating the need for early diagnosis and timely treatment.*

Keywords: *metabolic syndrome, adolescents, neurological changes, autonomic changes.*

Бутун жаҳонда метаболик синдромнинг организмдаги барча тизимларга таъсир механизмлари, айниқса метаболик ўзгаришларда кузатиладиган темир алмашинуви бузилишлари билан боғлиқлигини ўз вақтида аниқлаш ва ўрганиш тиббиётда алоҳида қизиқиш уйғотди. Бир қарашда бир – бирига боғлиқ бўлмаган икки турли, яъни семизлик ва камқонлик каби касалликнинг бир беморда учраши тасодиф ҳисобланмайди [3]. Қон зардобидаги темир алмашинуви кўрсаткичи ҳисобланмиш ферритин миқдори қон таркибидаги ёғ миқдори билан нотўғри пропорционал боғлиқ бўлиб, ферритин кўрсаткичини пасайиши айниқса,шаклланаётган нерв тизимини зарарланишининг салбий омил сифатида қарган [5].Темир танқислигини метабо-

лик ўзгаришлар билан боғлиқлиги охиригача ўрганилмаган бўлиб, метаболик ўзгаришлардаги ақлий бузилишларнинг ривожланиши [6], келиб чиқиш механизмларини ўрганиш, эрта ташҳислаш ва олдини олиш ўсмирларда клиник давригача аниқлаш ва таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш замонавий тиббиётимизни долзарб муаммолардандир.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўсмирларда метаболик синдромдаги клиник неврологик ва вегетатив ўзгаришларни ўрганиш.

Тадқиқот материаллари, методологияси ва текшириш усуллари: Тадқиқотимизда болалар эндокринологига мурожаат қилиб келинган 9-17 ёшли 140 нафар ортиқча тана вазнига эга бўлган ва 40 нафар Самарқанд шаҳар №29 ўрта мактабда ўтказилган навбатдаги профилактик кўрик вақтида тана вазни меъёрда бўлган ўсмирлар четлаш ва саралаш мезонларига асосланилган ҳолда ажратиб олинди. Барча ўсмирларда антропометрик: тана вазни, бўй узунлиги, бел айланаси , сон айланаси текширувлари ўтказилди. Ўтказилган антропометрия натижалари таҳлилига кўра семизлик даражалари бўйича I даражали семизлик 46та(53,49%),II даражали семизлик 36 та(41,86%) ва III даражали семизлик эса 4 (4,65%) нисбатда аниқланди.Гуруҳлардаги ўсмирларнинг ёши буйича тақсимланиши (UNFPA, 2020 й) асосий гуруҳда эрта ўсмирлик даври 80 (57,1%), кеч ўсмирлик давридаги ўсмирлар эса 60(42,9%) нафар эди. Тадқиқотда иштирок этувчи ўсмирларда олинган липидограмма кўрсаткичлари таҳлилига кўра метаболик ноактив (МН) 86 (61,4%) ва метаболик актив (МА) 54 (38,6%)семизлик аниқланди. МА гуруҳимизни яна 2 кичик гуруҳларга: метаболик синдром (МС-мезонларига асосан, АС ва 2 та меъёрий кўрсаткичлардан чекинган) ва метаболик хавф гуруҳларига (МХ – абдоминал семизлик(АС) ва битта меъёрий кўрсаткичлардан чекиниш) бўлдик. МА гуруҳида 21 (41,18%) МС ва 33 та (58,82%) ҳолатда МХ аниқланди.Барча иштирокчилар неврологик (анамнез, клиник неврологик)кўрик, вегетатив нерв тизими: дастлабки вегетатив ҳолат (ДВҲ, Вейн сўровномаси), вегетатив реактивлик (ВР, Даньини Ашнер рефлекси); диққат турғунлиги(Шульте жадвали), эндокринолог, педиатр кўрикларидан ўтишди; лаборатор текширувлардан умумий қон таҳлили, қон таркибидаги инсулин, глюкоза, липидограмма ,қон зардобидаги ферритин миқдорини аниқланди; артериал босим мониторинги, пулси текширилди.

Тадқиқот натижалари: Иккала гуруҳ ўсмирларининг анамнестик маълумотлари ўрганилганда наслий омил сифатида биз ота-онасида семизлик бор йўқлигини кўриб чиқдик.Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики асосий гуруҳдаги ўсмирларда фақат онасида семизлик учраши АГнинг МС ўсмирларида 11(52,38,66%), МХ 19 (57,58%) ва МН гуруҳда эса 45(52,32%) эди.НГ эса бу кўрсаткич 17,5% кузатдик.Иккала ота-онасида ҳам семизлик учраши АГнинг МС,МХ ва МН,ҳамда НГ гуруҳларида 8(38,09%), 10(30,33%), 23 (26,74%) ва 2 (5%) нисбатда бўлди. Фақат отасида ушбу омилнинг кузатилиши НГда 9 (22,5%) , МС гуруҳида 2 (9,52%), МХ гуруҳида 4 (12,12%) ва МН гуруҳ ўсмирларида эса 18 (20,93%). Метаболик ўзгаришларнинг ривожланишида касалликнинг омили сифатида иккала ота-онасида, фақат онасида, фақат отасида ва иккала ота-онасида семизлик учраш кўрсаткич сифатида ўрганилиб, фақатгина отасида семизлик учраши НГда 22,5% билан бошқа гуруҳлардан устунлик қилди ва ушбу омилнинг касалликнинг ривожланишида таъсири кам деб хулоса қилинди. Олинган натижалардан фақат онасида семизлик учраши касалликнинг келтириб чиқарувчи омил сифатида бошқа кўрсаткичлардан, айниқса МХ гуруҳдаги ўсмирларида 57,58% устунлик қилди ва ушбу омилнинг асосий касаллик келиб чиқишида мойиллик сифатида баҳоланди.Шу билан бирга барча ўсмирларнинг қон зардобидаги ферритин миқдори аниқланиб, олинган натижаларнинг гуруҳлараро солиштирма таҳлили ўтказилди.

Иккала гуруҳдаги ўсмирларнинг асосан онаси ва ўсмирларнинг сўзидан олинган шикоятлар таҳлилига кўра АГ гуруҳимиз ўсмирларида даврий бош оғриқ МС 8(38,09%),МХ 9(27,27%) ва МН гуруҳларида 21(24,42%) ,ҳамда НГ да эса 2 (5%) кузатилди. Тизимли бўлмаган бош айланиши ушбу гуруҳларда 6(28,57%), 14 (42,42%), 35(40,69%) ва 4 (10%) эди. Барча гуруҳлардаги болаларда хотирани пасайиши МС ва МХ гуруҳларида 13(61,90%) ва 21(63,64%), МН 44(51,16%) ва НГ ларида 7(17,5%) нисбатда эди. Совуқ иссиқга чидамсизлик шикояти гуруҳларда 14 (42,42%), 21 (63,64%),31 (36,04) ва 5(12,5%) ҳолатларда кузатилди. МС гуруҳида юрак уриши ҳисси ва диққат бузилиши 19(90,48%) ва 16(76,19) , МХ гуруҳида 17(51,52%) ва 26 (78,79%), МН гуруҳида эса 78 (90,69%) ва 49 (56,97%) нисбатларда намоён бўлди. НГдаги ўсмирларида эса 2(5%) ва 9(17,25%)кўрсатди. Юқоридаги ўтказилган йиғилган шикоятлар таҳлилидан кўриниб турибдики, асосий гуруҳнинг МС ва МХ гуруҳ ўсмирларида барча шикоятлар, айниқса ВАТ зўриқишини таъкидловчи ва диққат бузилишлари шикоятлари бошқа гуруҳлардан кўринарли даражада 3-4 баробар кўп учради. Барча ўсмирларда клиник неврологик кўрик натижаларида олинган маълумотларга кўра иккала гуруҳ иштирокчиларида ҳам аниқ учоқли симптоматика аниқланмади. Олинган

натижаларга асосан АГ ўсмирларда бош мия нервларини фаолияти баҳоланилганида енгил бурун – лаб бурмасининг ассимметрияси (VII жуфт нервнинг марказий фалажи) МС гуруҳида 7 (33,33%), МХ гуруҳида 4 (12,12%) ва МН гуруҳида эса 9(10,46%)да аниқланди. НГ да ушбу белги 2 (5%)да бор эди. Нистагмоид МС,МХ ва МН гуруҳларида 6(28,57%), 4 (12,12%) ва 8(9,30%) нисбатда аниқланиб, НГ гуруҳда эса кузатилмади. Ҳаракат тизими текширилганда мушаклар тонусини пастлиги АГнинг МС да 8(38,09%),МХ 12 (36,36%), МН гуруҳида эса 39(45,35%) намоён бўлди. НГда умумий мушаклар тонусининг пасайиши атиги 5 (12,5%) ўсмирларда юзага чиқди.Аниқ парез параличлар барча гуруҳ ўсмирларида кузатилмади. Пай рефлекларининг жонланганлиги 17,86% АГ да ва 5% НГда кузатилди.Шундай қилиб, иккала гуруҳда ҳам ҳаракат тизимида қўпол ўзгаришлар, аниқ парез ва параличлар аниқланмади, тарқоқ микросимптоматик ўзгаришлар АГнинг МС кичик гуруҳ ўсмирларида устунлик қилди ва ушбу олинган натижалар етаболик ўзгаришларнинг МАТга бўлган таъсирини таъкидлайди.

Вегетатив нерв тизими ҳолатини ўрганиш учун биз дастлабки вегетатив ҳолатни Вейн сўровномаси асосида олинган натижаларга таянган ҳолда барча гуруҳ вакилларида баҳоладик (жадвал 1).

Жадвал 1. Гуруҳлараро дастлабки вегетатив ҳолатни солиштирма таҳлили

Вегетатив ҳолат	АГ (n=140)				НГ n=40
	МС(n=21)	МХ(n=33)	МН (n=86)	n=140	
Нормостеник	1 (4.76%)	6 (18,18%)	12 (13,95%)	19 (16,43)	13 (32,5%)
Симпатикотоник	19 (90, 48%)	25 (75, 76%)	59 (68,60%)	103 (3,57%)	12 (30%)
Ваготоник	1 (4, 76%)	2 (6, 06%)	15 (17,45%)	18 (10%)	15 (37,5%)
Жами:	21(100%)	33(100%)	86(100%)	180(100%)	40 (100%)

Изоҳ: ** Гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар (p<0,05); ^ - маълумотларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиги (^ - p<0.05; ^^ - p<0.01; ^^^ p<0.001)

Жадвал 2. Гуруҳларо вегетатив реактивлик натижаларининг солиштирма таҳлили

Вегетатив реактивлик натижалар	АГ (n=140)			АГ (n=140)	НГ (n=40)
	МС (n=21)	МХ (n=33)	МН (n=86)		
Меъёрий реактивлик	2(9,53%)	8 (24.24%)	26 (30.23%)	14 (10%)**	18 (45%)
Ортиқча реактивлик	1 (4.76%)	2 (6.06%)	1 (1,16%)	9 (6,43%)**	13 (32,5%)
Ареактивлик	1 (4,76%)	1 (3,03%)	20 (23.26%)	18(12,86%)**	1(2,5 %)
Тескари реактивлик	17 (80.95%)	22 (66.67%)	39 (45.35%)	99 (70,71%)**	8(20%)
Жами:	21(100%)	33(100%)	86(100%)	140 (100%)	40 (100%)

Изоҳ: * Гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар (p<0,05); ^ - маълумотларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиги (^ - p<0.05; ^^ - p<0.01).



Расм 1. Гуруҳларо нейропсихологик ҳолатнинг солиштирма таҳлили

Жадвал 3. Гуруҳларо ферритин микдорининг солиштирма тахлили

Ферритин кўрсаткичлар (45-120 мкмоль/л)	Гуруҳлар			НГ (n = 40)
	АГ(n = 140)			
	МС (n =21)	МХ (n = 33)	МН (n = 86)	
Ферритин	25,2±4,84	37,5±8,96	56,8±6,12	81,4

Изоҳ: * \Иккала гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар (p<0,05); ^ - маълумотларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиги (^ - p<0.05; ^^ - p<0.01).

Введение. Осложнения сахарного диабета (СД) представляют собой гетерогенную группу заболеваний. Большое внимание уделяется синдрому диабетической стопы (СДС) и атеросклерозу артерий нижних конечностей. Однако не меньший интерес представляет кальциноз Менкеберга как вид ангиопатии у пациентов с СД, осложняющий течение СДС.

Склероз Менкеберга (медиакальциноз) морфологически представляет собой отложение кристаллов кальция в медии артериальной стенки, преимущественно мышечного типа, не зависимо от их калибра. Появление данной патологии чаще связывают с пожилым возрастом, нарушением функции почек, СД 2 типа [1].

Ведущую роль в развитии склероза Менкеберга у пациентов с СДС играет нарушение углеводного обмена, за счет избыточной концентрации недоокисленных продуктов обмена, медиаторов воспаления, индуцирующих остеогенную дифференцировку гладкомышечных клеток стенки сосуда [2]. Выявлена взаимосвязь между уровнями гликированного гемоглобина (HbA1c) и показателем кальцификации коронарных и периферических артерий [3].

Данная патология приводит к снижению эластичности артериальной стенки [3]. В сочетании с атеросклерозом уменьшается перфузия органов и тканей. Это повышает частоту острых сосудистых катастроф, осложняет течение СДС и последующее выполнение реваскуляризации [4].

Цель нашей работы состояла в оценке влияния кальциноза Менкеберга на течение, диагностику и исходы выполненной эндоваскулярной реваскулярицации у пациентов с СДС и атеросклерозом артерий нижних конечностей.

Материал и методы. За период 2020 года были пролечены 34 пациента с нейроишемической и ишемической формой СДС в ГУЗ ОКБ г. Саратов. Больные были поделены на две группы по наличию или отсутствию медиакальциноза, который определялся во время выполнении КТ-ангиографии или рентгеноконтрастной ангиографии как параллельные тяжи, с непрерывной протяженностью более 5 сантиметров. В группу кальциноза Менкеберга вошли 14 пациентов. В обеих группах был проведен стандартный набор лабораторно-инструментальных методов диагностики (общий анализ крови, мочи, биохимический анализ крови, коагулограмма, ЭКГ, УЗИ сердца, гликемический профиль, дуплексное исследование артерий нижних конечностей с измерением лодыжечно-плечевого индекса (ЛПИ) до реваскуляризации и после, рентгенография стопы в двух проекциях, КТ-ангиография и/или рентгеноконтрастная ангиография). Лечение в группах так же не отличалось и заключалось в хирургической обработке язвенно-некротических дефектов и выполнении эндоваскулярной реваскуляризации артериального русла, а этапность зависела от степени вовлечения местных тканей в раневой процесс и наличия признаков воспаления.

Всем пациентам выполнялась эндоваскулярная реваскуляризация артерий нижних конечностей. Использовался антеградный феморальный доступ. Для реканализации бедренно-подколенного сегмента использовался 0.035 гидрофильный проводник “Radiofocus” (Terumo) с поддерживающим катетером 4F “Vertebral” (Merit), для реканализиации артерий голени использовался проводник 0.014 “Command” (Abbot). Баллонная ангиопластика выполнялась баллонными катетерами “Sleek OTW” (Cordis). Стентирование осуществлялось при наличии поток-лимитированной диссекции стенки артерии стентами “S.M.A.R.T. Flex” (Cordis).

Перед началом реваскуляризации оценивался характер и протяженность атеросклеротического поражения. В зависимости от локализации трофического дефекта выбирался целевой путь реваскуляризации в артериях голени (ангиосомсвязанная концепция). При локализации дефектов на пальцах стопы, восстановления кровотока добивались по передней или задней большеберцовым артериям. Статистическая обработка полученных данных проводилась с помощью про-

граммного обеспечения SPSS 26.0. Учитывая небольшое количество наблюдений и ненормальное распределение большей части параметров (критерий Колмагорова-Смирнова, критерий Шапиро-Уилка), для описательной статистики применяли квартили и медиану, а для сравнения количественных и качественных данных - U-критерий Манна-Уитни и χ^2 Пирсона, соответственно.

Результаты исследования. Общая характеристика пациентов обеих групп представлена в таблице 1. В исследовании приняли участие больные с СДС преимущественно пожилого возраста, среди которых, лиц женского пола было 60% и 64% соответственно (p=0,285). Медиана значений индекса массы тела, исследуемых в группе без кальциноза, составила 23,4, а в группе с кальцинозом – 28,7 (p=0,121). Давность трофических изменений стопы, в среднем, в исследуемой группе составляла 3,0 месяца, тогда как в группе сравнения – 2,0 месяца (p=0,914). В обеих группах значения лабораторных показателей (глюкоза, уровень лейкоцитов) так же существенно не отличались (p=0,847; p=0,589). Показатели ЛПИ до выполнения реваскуляризации в группе без кальциноза составляли 0,4, а в группе с кальцинозом – 0,6 (p=0,112). Это связано с большей частотой встречаемости окклюзий артерий голени у пациентов с медиакальцинозом (p=0,03). В обеих группах преимущественно были пациенты с трофическими нарушениями стопы по Wagner 2-3. В группе с кальцинозом - 3 пациента (21%) с Wagner 4 (p=0,963).

По данным рентгеноконтрастной ангиографии и КТ-ангиографии в группе без кальциноза в 60% случаев встречалось изолированное поражение артерий голени или в сочетании с подколенной артерией. В группе с кальцинозом отмечено преимущественное поражение берцовых артерий 36%, и в равных количествах сочетание берцовых артерий с подколенной или с поверхностной бедренной артерией – 21%. Выполнение целевой реваскуляризации было достигнуто в 55% случаев в группе без кальциноза и в 64% случаев в группе с кальцинозом (p=0,503). Имплантация стента потребовалась 4 пациентам в исследуемой группе (29%) и 2 пациентам в группе контроля (10%) p=0,109. У пациентов с медиакальцинозом не отмечалась динамика в приросте значений ЛПИ после успешно выполненной реваскуляризации по сравнению с группой пациентов без медиакальциноза (p=0,006). В обеих группах статистически значимых отличий в исходах лечения и выполнении высоких ампутаций и в пределах стопы не было обнаружено (p=0,109; p=0,779) (табл 2).

Обсуждение. В нашей работе мы провели сравнительный анализ диагностики, характера атеросклеротического поражения и результатов лечения пациентов с кальцинозом Менкеберга и без него. Медиальная кальцификация обычно не связана с обструкцией интралюминального просвета артерии, однако снижение эластичности стенки может способствовать развитию атеросклероза, снижению перфузии и возникновению ишемии в тканях [5].

Таблица 1. Общая характеристика пациентов

	Без кальциноза			**кальциноз**			**p**
	Медиана/Абс.	**Процентили/%**		**Медиана/Абс.**	**Процентили/%**		
		25	**75**		**25**	**75**	
Возраст (лет)	69,0	61,3	74,3	68,0	60,0	75,5	0,849
Женский пол	12	60%		9	64%		0,285
ИМТ	23,4	22,0	30,8	28,7	22,7	33,1	0,121
Давность язвенно-некротического дефекта (месяц)	2,0	1,0	6,8	3,0	1,0	5,5	0,914
ЛПИ до реваскуляризации	0,4	0,3	0,5	0,6	0,4	1,4	0,112
Лейкоцитоз	10,0	8,0	14,9	9,4	8,6	13,3	0,569
Уровень глюкозы до госпитализации (ммоль/л)	9,0	7,6	11,0	9,5	7,4	11,3	0,847
Wagner 1	7	35%		3	21%		0,963
Wagner 2	8	40%		4	29%		
Wagner 3	4	20%		4	29%		
Wagner 4	1	5%		3	21%		
Окклюзия 2 артерий голени	9	45%		9	64%		0,03

Таблица 2. Характеристика выполненной реваскуляризации

Реваскуляризация		Без кальциноза			кальциноз			p
		Медиана/Абс.	Процентили/%		Медиана/Абс.	Процентили/%		
			25	75		25	75	
Артериальный сегмент	ПБА	1	5%		0	0,00%		0,534
	ПА	1	5%		0	0,00%		
	Артерии голени	6	30%		3	21,00%		
	ПБА+ПА+ артерии голени	2	10%		1	7,00%		
	ПБА+артерии голени	3	15%		3	21,00%		
	ПБА+ПА	1	5%		2	14,00%		
	ПА+артерии голени	6	30%		5	36,00%		
Целевая реваскуляризация		11	55%		9	64,00%		0,285
Имплантация стента		2	10%		4	29,00%		0,109
ЛПИ динамика прироста		0,6	0,4	0,7	0,1	0,0	0,4	0,006
Ампутация малая		4	20%		3	21,00%		0,779
Ампутация высокая		2	10%		1	7,00%		
Улучшение		14	70%		10	71,00%		0,109
ПБА-поверхностная бедренная артерия, ПА-подколенная артерия								

В исследовании Gremmels H., и соавт., показали, что ЛПИ выше 1.3 является независимым фактором риска выполнения ампутации у пациентов с критической ишемией нижних конечностей. [6]. По данным Mustaph J. A. et al, артерии голени чаще подвержены медиакальцинозу, чем бедренно-подколенный сегмент [7]. В нашем исследовании изолированное поражение берцового сегмента встречалось в обеих группах в 30% и 36% соответственно. У пациентов с кальцинозом Менкеберга окклюзия артерий голени выявлялась чаще – в 64% (p=0,03), а динамика прироста значений ЛПИ не выявлялась, из-за невозможности сдавления артерий голени (p=0,006).

Диффузный характер и ригидность артериальной стенки у пациентов со склерозом Менкеберга создает трудности для равномерного раскрытия баллонного катетера во время эндоваскулярного вмешательства, что приводит разнонаправленному воздействию вектора давления на сосуд, тем самым, увеличивая риск перфорации, диссекции, эмболизации с последующей стагнацией кровотока [7]. При выполнении интралюминальной реканализации, риск диссекции снижается за счет возможности относительно равномерного распределения давления на все стенки сосуда и прижатия атеросклеротической бляшки по окружности. При выполнении субинтимальной реканализации, вектор давления увеличивается на одну из стенок артерий, что и приводит к ее диссекции. В нашем исследовании статистически значимой разницы в использовании стентов не обнаружилось (p=0,109), что показывает низкий процент диссекции в зоне ангиопластики.

На сегодняшний день, широко обсуждаемой остается ангиосомная теория реваскуляризации артерий нижних конечностей, которая заключается в восстановлении прямого артериального кровотока к зоне трофических нарушений на стопе. По данным результата метаанализа, ангиосомный подход улучшает заживление ран по сравнению с непрямой реваскуляризацией (ОШ 0,40; 95%ДИ 0,29–0,54) [8]. Нам удалось достичь целевой реваскуляризации в 64% у пациентов с медиакальцинозом и в 55% случаев в группе без медиакальциноза. В результате чего, процент высокой ампутации в обеих группах не превышал 10%, а процент выполнения малой ампутациии в пределах стопы не превышал 21%. Мы считаем, результаты местного лечения зависят от наличия прямого кровотока к дистальным отделам стопы хотя бы по одной из артерий голени и степени функционирования межартериальных анастомозов.

Ограничением данного исследования является ретроспективный анализ небольшой популяционной выборки.

Выводы. Влияние кальциноза Менкеберга на течение атеросклероза артерий нижних конечностей остается до конца не изученным фактором, но частое окклюзионное поражение нескольких артерий голени затрудняет диагностический поиск с использованием ЛПИ. Также можно пред-

положить об ухудшении течения СДС у данной когорты пациентов из-за снижения артериальной перфузии в конечности.

Литература:

1. Mary A., Hartemann A., Liabeuf S., et el. Association between metformin use and below-the-knee arterial calcification score in type 2 diabetic patients. Cardiovasc. Diabetol. 2017; 16: 24
2. Heymann M.F., Herisson F., Davaine J.M., et al. Role of the OPG/RANK/RANKL triad in calcifications of the atheromatous plaques: comparison between carotid and femoral beds. Cytokine. 2012; 58: 2: 300–306.
3. Jung C.H, Rhee E.J., Kim K.J., et al. Relationship of glycated hemoglobin A1c, coronary artery calcification and insulin resistance in males without diabetes. Arch. Med. Res. 2015; 46: 1: 71–77
4. Zhang X., Xiao J., Li R., et al. Metformin alleviates vascular calcification induced by vitamin D3 plus nicotine in rats via the AMPK pathway. Vasc. Pharmacol. 2016; 81: 83–90.
5. Golomb BA, Dang TT, Criqui MH. Peripheral arterial disease: Morbidity and mortality implications. Circulation 2006;114: 688–699.
6. Gremmels H., M. Teraa, R.W. Sprengers, J.M. Martens, M.C. Verhaar, J.J. Wever, G.J. de Borst, J.A. Vos, W. Mali, H. van Overhagen, Padi, J.t. groups, High and immeasurable ankle-brachial index as predictor of poor amputation-free survival in critical limb ischemia, J. Vasc. Surg. 2018; 67:6: 1864–1871.
7. Mustapha JA, Diaz-Sandoval LJ, Saab F. Infrapopliteal calcification patterns in critical limb ischemia: diagnostic, pathologic and therapeutic implications in the search for the endovascular holy grail. J Cardiovasc Surg (Torino). 2017 Jun; 58:3: 383-401.
8. Bosanquet DC, Glasbey JC, Williams IM, Twine CP. Systematic review and meta-analysis of direct versus indirect angiosomal revascularization of infrapopliteal arteries. Eur J Vasc Endovasc Surg. 2014;48: 88–97.

ОСОБЕННОСТИ ДИАГНОСТИКИ И ЭНДОВАСКУЛЯРНОГО ЛЕЧЕНИЯ ПАЦИЕНТОВ С СИНДРОМОМ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ СТОПЫ И КАЛЬЦИНОЗОМ МЕНКЕБЕРГА

Ларин И.В., Щаницын И.Н., Толстокоров А.С., Павлиашвили Г.В., Абдуллаев С.А., Худайназаров У.Р.

Резюме. *Актуальность: Течение сахарного диабета сопряжено с риском развития микро- и макроангиопатий. Одним из вариантов макроангиопатии является склероз Менкеберга, характеризующийся наличием кальциноза медии артериальной стенки. В данной работе изучены особенности течения атеросклероза артерий нижних конечностей у пациентов с кальцинозом менкеберга и сахарным диабетом. Выполнена сравнительная оценка особенностей диагностики и эндоваскулярного лечения больных с медиакальцинозом и без него. Цель исследования**:** Оценка влияния кальциноза Менкеберга на течение, диагностику и исходы выполненной эндоваскулярной реваскуляризации у пациентов с СДС и атеросклерозом артерий нижних конечностей. Материалы и методы: За период 2020 года были пролечены 34 пациента с нейроишемической и ишемической формой СДС в ГУЗ ОКБ г. Саратов. Больные были поделены на две группы по наличию или отсутствию медиакальциноза, который определялся во время выполнении КТ-ангиографии или рентгеноконтрастной ангиографии как параллельные тяжи, с непрерывной протяженностью более 5 сантиметров. В группу кальциноза Менкеберга вошли 14 пациентов. В обеих группах был проведен стандартный набор лабораторно-инструментальных методов диагностики. Выводы: Влияние кальциноза Менкеберга на течение атеросклероза артерий нижних конечностей остается до конца не изученным фактором, но частое окклюзионное поражение нескольких артерий голени затрудняет диагностический поиск с использованием ЛПИ.*

***Ключевые слова**:* *склероз Менкеберга, кальциноз, сахарный диабет, реваскуляризация артерий нижних конечностей.*

УДК: 616.08-053.3272

БУРУН БЎШЛИҒИ ГЕМАНГИОМАЛАРИНИ ДАВОЛАШДАГИ ТАЖРИБАМИЗ

Лутфуллаев Ғайрат Умруллаевич, Неъматов Уктам Суюнович, Сафарова Насиба Искандаровна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

НАШ ОПЫТ ЛЕЧЕНИЯ ГЕМАНГИОМ ПОЛОСТИ НОСА

Лутфуллаев Гайрат Умруллаевич, Неъматов Уктам Суюнович, Сафарова Насиба Искандаровна
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

OUR EXPERIENCE IN THE TREATMENT OF HEMANGIOMAS OF THE NOSE CAVITY

Lutfullaev Gairat Umrullaevich, Nematov Uktam Suyunovich, Safarova Nasiba Iskandarovna
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: vmofotori.km@mail.ru

Резюме. *Мақолада бурун бўшлиғи гемангиомаси билан касалланган беморларни даволаш натижалари таҳлиллари келтирилган бўлиб, ушбу гемангиомаларни самарали усуллар билан даволаш ҳақида маълумотлар бериб ўтилади ҳамда таклифлар келтирилган. Бу таклиф этилган усуллар кўп ҳолларда бурун бўшлиғида ҳосил бўлган ўсмаларни тубдан олиб ташлаш, қон кетишининг интенсивлигини камайтириш, шунингдек, рецидивлар сонини камайтиришга қаратилган*

Калит сўзлар: *капилляр гемангиома, каверноз гемангиома, бурун тўсиғи, бурун қонаши.*

Abstract. *The article presents an analysis of the results of treatment of patients with hemangiomas of the nasal cavity. Effective methods of treatment of hemangiomas of this localization are proposed. The proposed methods make it possible in most cases to radically remove tumors, reduce the intensity of bleeding, and also achieve a reduction in the number of relapses.*

Key words*: capillary hemangioma, cavernous hemangioma, nasal septum, epistaxi.*

Кириш. Бурун бўшлиғи гемангиомаси хасталиги кўп учрайдиган касалликлардан бири деб ҳисобланишига қарамай, унинг барча ўсмалар таркибида улуши 2-3% ни, бошқаларида эса 7% ни ташкил қилади [1, 3, 4]. Гемангиома деярли барча ёшдагиларда учраши мумкин, бу эса бизга уларни ёш чегарасида бир нечта гуруҳлар мавжудлиги, масалан: болалар ва ўсмирлар, репродуктив ёшдаги аёллар, кейин эса 40 ёшдан ошган гуруҳдаги тақсимотларга дуч келишимиз мумкин. Гемангиомалар патогенезнинг бир нечта назариялари мавжуд бўлиб, улар кўпинча тўқималарнинг шикастланиши ва гормонал омиллар (яъни ҳомиладорлик, ҳамда орал контрацептивлар) билан боўлиқ бўлиши мумкин [2, 5, 10]. Жаҳон адабиётига кўра, ҳомиладорлик даврида ва туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг 30-45 фоизи бурун битиш яни нафас олишда қийинчиликларга дуч келиши, ринорея, қон кетиш ёки аносмия каби ўзига хос бўлмаган аломатлар билан, айниқса ҳомиладорликнинг учинчи триместрида ва лактация даврида оториноларингологга мурожаат қилишади. Бунинг сабаби эса бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг реактивлиги қондаги эстрогенларнинг кўпайиши туфайли юзага келади, бу қон томирларининг кенгайишига ва шиллиқ қаватнинг гиперсекрециясияга олиб келади. Камдан-кам ҳолларда касалликнинг намоён бўлиши кўришнинг бузилиши, бош оғриғи ва бурундаги маҳаллий тиқилиш ҳисси билан намоён бўлиши мумкин. Патогенезнинг бир нечта назариялари мавжуд бўлиб, улар кўпинча тўқималарнинг шикастланиши ёки гормонал омиллар билан боғлиқ бўлиши кузатилган [3, 7, 9].

Гемангиомаларнинг асосан учта морфологик тури кўпроқ учрайди. Биринчиси капилляр, иккинчиси эса каверноз ва яна бири аралаш гемангиомалардир [1, 4, 5]. Капилляр гемангиома энг кўп учрайдиган турларидан бири ҳисобланади ҳамда, уларнинг энг кўп локализацияси бурун тўсиғида бўлади. Каверноз ва аралаш гемангиома эса кўпинча бурунниг латерал деворидан ўсади. Капилляр гемангиоманинг энг кўп учрайдиган симптоматик кўринишлари - бир томонлама бурун қонаши ва бурун битиши ҳисобланади.

Гемангиомаларни диагностикаси ва уларни даволаш усулларини ўрганиш масалалари жуда долзарб мавзулардан бири бўлиб бормоқда, бу эса уларнинг клиник ва морфологик хусусиятларининг хилма-хиллиги, локализацияси ва тарқалиши

билан боғлиқ ҳолат бўлиб бормоқда [3,6,8,9]. Даволанишнинг самарали усулларини топиш учун инсоният доимий равишда изланиши кераклиги такидланмоқда. Реконструктив ва эстетик жарроҳликнинг барча талабларига жавоб берадиган даволаш усули топилмаган ва кейинги босқичда содир бўладиган салбий асоратлари ҳамда аниқ мезонлари ҳали ҳам мавжуд эмаслигни айтиш мумкин. Бундай беморларда операциядан кейинги даврда ноҳуш вазиятлар содир бўлиши алохида хусусиятлари билан ажралиб туради деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу хусусиятларнинг энг кўп учрайдиган ҳолатлардан бири бу асосан операциядан кейинги эрта даврда жуда кучли ва шиддатли қон кетиш хавфидир. Уларни минимал даражага тушириш жуда муаммоли вазиятлардан бири ҳисобланади ёки маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Афсуски, гемангиомаларнинг қайталаниш даражаси 15% га етиши мумкин [6,8,10]. ЛОР аъзоларининг қон томир ўсмалари билан курашиш муаммоси жуда долзарб бўлиб, уни ҳал қилиш катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ишнинг мақсади. Бурун бўшлиғи гемангиомалари билан ҳасталанган беморларни комплекс даволаш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Ушбу тадқиқот СамДТУ 1-клиникаси ЛОР касалликлари бўлимида 2016-2022 йилларда ўтказилди. Тадқиқотимизда 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган 29 нафар бемор иштирок этди, улардан 16 нафари аёл, 13 нафари эркак беморлар. Эътиборингизга бурун бўшлиғи гемангиомалари билан ҳасталанган беморларнинг 2 та клиник кузатувни ҳавола қиламиз.

Клиник кузатув 1. Бемор С., 28 ёш (ҳомиладорлик - 32 ҳафта) 2017 йил сентябр ойида буруннинг чап ярмидан бурундан нафас олиш қийинлашиши ҳамда аносмия ва даврий равишда бурундан қон кетиши шикоятлари билан мурожаат қилган, бу симптомлар 2017 йил август ойидан бери қайд этилган.

Касаллик анамнезидан маълум бўлдики биринчи марта буруннинг чап ярмидан қон кетиш ҳомиладорликнинг 30-ҳафтасида содир бўлган, бунда тизимли артериал босимнинг 140/80 мм сим устунигача кўтарилиши кузатилган. Қон кетиши олдинги тампонада билан тўхтатилди. Шу билан бирга, бемор бурундан қон кетишининг интенсивлиги ва давомийлиги ҳар кейинги марта ортиб бораётганини таъкидлайди. Гемостаз тизимининг кўрсаткичлари ҳомиладорлик даврида қон тахлилида гемоглобин даражаси ўртача миқдорда эди. Касалхонага ётқизишдан 2 ҳафта олдин оториноларинголог шифокори амбулатория шароитида бурун бўшлиғини эндоскопик текширувдан ўтказди - буруннинг чап ярмида полип кўринишидаги тўқима аниқланди, зондлаш пайтида ундан қон кетган. Бурун ва ёндош бўшлиқлар МРЦи (контрастли воситани киритмасдан) ўтказилганда, бурун бўшлиғининг чап томонида юмалоқ шаклдаги тўқима аниқланади, у бурун бўшлиғининг орқа қисмларини, ўрта бурун чиғаноғини эгаллаган бўлиб, горизонтал ўлчамлари 2,5×2,0 см, вертикал ўлчами 3,0-3,5 см гача, ҳосила бурун тўсиғини қисман ўнгга сурган. Хосиланининг биопсияси кучли қон кетиш билан намоён бўлган. Гистологик текширувга кўра, ўсимта майда ихчам капиллярлардан иборат деган хулоса келиб чиқди (1-расм).



Расм 1. Гематоксилин-эозин билан бўялган, капилляр гемангиома (× 85)

Бўлимда 5 кун давомида операция вақтида қон кетишининг олдини олиш мақсадида беморга кунига 1 марта мушак ичига 5 мл 5% ли трексамин эритмаси юборилиб, гемостатик терапия ўтказилди. Бурун ёндош бўшлиқлари МРЦи маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, хосилани эндоназал олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2017 йил 22 сентябрда бурун шиллиқ қаватининг махаллий анестезияси (Sol. Lidokaini 10% 2 ml) остида ҳосилани эндоназал олиб ташлаш жарроҳлик амалиети ўтказилди. Чап бурун бўшлиғи гемостатик тампон билан бекилди. Жарроҳлик материали гистологик текширувга юборилди. Гистологик ташхис: бурун бўшлиғи капилляр гемангиомаси (29.09.2017 йилдан 531-22-сон). Операциядан кейинги даврда бемор гинеколог назорати остида профилактик гемостатик ва тизимли антибиотик терапиясини олди. Бурун бўшлиғидан тампонни олиб ташлаш операциядан кейинги 3-куни амалга оширилди, сўнгра антисептик малҳам билан пахтали тампон қўйилди. Кейин 10 кун давомида бурунни шўр сув билан тез-тез чайқаб туриш муолажаси тавсия этилди. Операциядан 1 ой ўтгач бурун бўшлиғининг эндоскопик текшируви ўтказилганда бурун бўшлиғининг шиллиқ қаватлари пушти рангда, бурун чиғаноқлари ўзгаришсиз, ажралма йўқ, бурун орқали нафас олиш тикланган.

Клиник кузатув 2. Бемор Б., 25 ёшда, 2020 йил март ойида бурундан нафас олиш қийинлигига, бурун қуриши ва қатқалдоқ пайдо бўлганлиги ҳамда даврий равишда бурундан қон кетишига шикоят билан мурожаат қилди. Беморнинг сўзларига кўра, юқоридаги белгилар тахминан 3 йил олдин пайдо бўлган.



Расм 2. Бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари МРЦи. Чапда бурун бўшлиғида юмшоқ тўқимали ҳосила аниқланади



Расм 3. Каверноз гемангиома, гематоксилин-эозин билан бўялган (× 120)

Томир торайтирувчи томчилари (Називин) ижобий таъсир кўрсатмаса-да, мустақил равишда даволанлиги ҳақида айтиб ўтди, текширув чоғида бурун тусиғи суяк қисмида қийшайиш аниқланган, унинг чап томони олдинги қисмида тўқ қизил рангли, юмалоқ шаклда, ўлчами 1×1,5 см, кенг асосли, қобиқ билан қопланган хосила аниқланди. Пастки чиғаноқлар гипертрофияланган, бурун йўллари торайган нафас олишда турли хил муаммоларга дуч келганлиги аниқланди ва биопсия олинди. Гистологик текширув шуни кўрсатдики, хосила мустаҳкам тузилишга эга ва бир-бирига яқин жойлашган, толали строма иплари билан ажратилган турли ўлчамдаги кўп миқдордаги капиллярлардан иборат (расм 3).

Баъзи жойларда ўсимта жуда тор томир ёриқлари бўлган пролиферацияланган эндотелиоцитлар билан ифодаланган. Баъзи соҳаларида у тешиклар кўринишда, найчалар ва кенгайган бўшлиқларга ўхшаш юпқа деворли томирлардан иборат. Бу томирлар атрофида юмалоқ ёки урчуқсимон ядроли ҳужайра элементлари мавжуд. Ушбу хосиланинг электрон микроскопияси эндотелиоцитлар ва периоцитларнинг ҳамдўст пролиферацияси билан ажралиб туради, улар чигал ва муфтасимон тузилмаларни ҳосил қилади. Бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари КТсида чап томонда бурун тўсиғининг юмалоқ шаклдаги ҳосиласи, атрофдаги тўқималарда инфилтратив ўсишисиз, 1×1 см катталикда, бурун тўсиғининг қийшайиши, пастки чиғаноқларнинг гипертрофияси аниқланади. Эндотрахеал оғриқсизлантириш остида 2020 йил 18 март куни ўсма эндоскопик усул билан олиб ташлаш амалиёти ўтказилди, бемор операция давомида тахминан 120 мл қон йўқотди. Бурун бўшлиғига махсус тампон 48 соатга қўйилди. Операциядан кейинги давр муаммосиз ҳамда шикоятларсиз ўтди, 2 ҳафта давомида ҳар куни гемостатик тампонни олгандан сўнг, бурун шиллиқ қавати 5% Астовегин малҳами билан суркалди. Операциядан сўнг 5-куни беморга қониқарли ҳолатда уйга кетишга рухсат берилди. Гистологик хулоса: бурун тўсиғи каверноз гемангиомаси (2021 йил 26 мартдаги 115-78-сон). 2 йил давомида кузатишлар вақтида ўсманинг қайталаниши ҳолатлари кузатилмади.

Гемангиома - бурун бўшлиғининг энг кенг тарқалган қон томир ўсмаси ҳисобланади. Бироқ, бурундаги қон томир ўсмаларининг дифференциал ташхислашда, кейинги даволаш тактикасини белгилайдиган турли гистологик вариантларни унутмаслик керак. Иккала ҳолатда ҳам гемангиома шаклланиши билан кечадиган шиллиқ қаватдаги аниқ дистрофик ўзгаришлар кенг тарқалган. "Астовегин" - бу тўқима метаболизмини фаоллаштирадиган, трофикасимни яхшилайдиган ва регенерация жараёнини рағбатлантирадиган препарат ҳисобланади. Метаболик, нейропротектив ва микротциркулятор таъсирларнинг мавжудлиги туфайли у кислороднинг сўрилишини ва ундан фойдаланишни оширади. Нейропротектив таъсир механизми апоптознинг ривожланишига тўсқинлик қилади, бу эса ўз навбатида анъанавий даволашнинг таъсирини кучайтиради, бу жарроҳлик яраларини тезроқ даволашда, интоксикациянинг йўқолишида ва буруннинг физиологик функцияларини тиклашда намоён бўлди.

Хулоса. Шундай қилиб, бурун бўшлиғи гемангиомасини эрта ташхислаш ҳамда даволаш самарадорлигини оширишда касаллик ривожланишининг сабаблари ва индивидуал хавфларини

ҳисобга олиш керак деган хулосага келдик. Операциядан олдинги гемостатик терапия қон томир ўсмаларини даволашда зарурий босқичлардан бири бўлиб, бу операция вақтида кўп қон йўқотиш хавфини камайтиришга имкон беради ва операция вақтида амалга оширадиган жарроҳлик амалиёти чегараларини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Оториноларингологларнинг амбулатория амалиётида дуч келадиган жараёнларга этибор қаратиб бурун бўшлиғи барча ўсмаларининг онкологик хусусиятларига диққат билан эътибор қаратиш керак ва ушбу муаммони ўз вақтида ташхислаш касалликнинг дастлабки босқичларида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Антонив Т.В. К вопросу о лечении больных гемангиомой ЛОР-органов.//Вестник оториноларингологии, 2007, №5, - С. 279 -280.
2. Карпищенко С.А., Зубарева А.А., Чибисова М.А., Шавгулидзе М.А. Цифровая объемная томография в оториноларингологии. Практическое руководство. СПб.: Диалог, 2011.
3. Карпищенко С.А., Верещагина О.Е., Станчева О.А. Последствия ринологических операций. Фолиа ОРЛ эт ПР. 2016; 22 (1): 91-4.
4. Лутфуллаев Г.У. Диагностика и лечение доброкачественных опухолей глотки // Автореферат дисс. докт. мед. Наук. Ташкент. 2012. С. 17.
5. Лутфуллаев Г.У., Сафарова Н.И., Неъматов У.С., Коррекция эндогенной интоксикации у больных с сосудистыми опухолями носа.// Биология ва тиббиёт муаммолари 2021, № 5 (130). С. 73.
6. Лутфуллаев У.Л., Лутфуллаев Г.У., Сафарова Н.И. Методы диагностики и лечения гемангиом полости носа и околоносовых пазух. // Международный научный журнал. «Проблемы биологии и медицины». № 2 (94), Узбекистан, Самарканд. 2017, С. 196-197
7. Лутфуллаев Гайрат, Кобилова Шакҳодат, Нематов Уктам. Слинисал анд Морпҳологисал Чарастеристисс оф Бенефиц оф тҳе Носе. Анналс оф Р.С.С.Б. Иссуе 1, 2021, П.115 – 119.
8. Нурмаматова К.Ч., Ризаев Ж.А. Тошкент шахрида болалар орасида аллергик ринит таркалиши ва динамикаси //Материалы II Международной научно-практической онлайн конференции «современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения. – 2020. – Т. 17. – С. 51-52.
9. Ризаев Ж.А., Нурмаматова К.Ч., Стожарова Н.К. Аллергический ринит среди детей Узбекистана // Актуальные вопросы диагностики и лечения наиболее распространенных заболеваний внутренних органов. – 2020. – С. 71-71.
10.Ризаев Ж.А. и др. Изучение интенсивности и распространенности заболеваний пародонта на основание анкетирования пациентов.

НАШ ОПЫТ ЛЕЧЕНИЯ ГЕМАНГИОМ ПОЛОСТИ НОСА

Лутфуллаев Г.У., Неъматов У.С., Сафарова Н.И.

Резюме. *В статье представлен анализ результатов лечения больных с гемангиомами полости носа. Предложены эффективные методы лечения гемангиом данной локализации, которые позволяют в большинстве наблюдений радикально удалить опухоли, снизить интенсивность кровотечений, а также добиться сокращения количества рецидивов.*

Ключевые слова*: капиллярная гемангиома, кавернозная гемангиома, перегородка носа, носовое кровотечение.*

УДК: 616.379-008.64:616-002-08

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТНИНГ В ТУРИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИДАГИ ФЛЕГМОНАЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ ДАСТУРИ

Мақсудов Дилшод Давронович, Кубаев Азиз Саидолимович
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

КОМПЛЕКСНАЯ ПРОГРАММА ЛЕЧЕНИЯ ФЛЕГМОН ЛИЦА И ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ У БОЛЬНЫХ С ВИРУСНЫМ ГЕПАТИТОМ “В”

Максудов Дилшод Давронович, Кубаев Азиз Саидолимович
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

COMPLEX PROGRAM FOR THE TREATMENT OF FACE AND JAW PHEGMON IN PATIENTS WITH VIRUS HEPATITIS TYPE B

Maksudov Dilshod Davronovich, Kubayev Aziz Saidolimovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: Dilmaksdon@mail.ru

Резюме. *Мақола жигар патологияси аниқланган беморларда юз- жағ соҳаси флегмоналарини комплекс даволашнинг клиник самарадорлигига бағишланган.*

Калит сўзлар: *абсцесс, юз-жағ соҳаси флегмонаси, вирусли гепатитнинг "В" тури, одонтоген ва периодонтал инфекция, иммунитет, жигар, частота, тузилма, гепатопротекторлар.*

Abstract. *The article is devoted to the clinical effectiveness of complex treatment of phlegmon of the maxillofacial area in patients with liver pathology.*

Keywords*: abscess, phlegmon of the face and jaw area, type "B" of viral hepatitis, odontogenic and periodontal infection, immunity, liver, frequency, structure, hepatoprotectors.*

Долзарблиги. Маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили юзнинг йирингли-яллиғланиш жараёнлари қайд қилинган беморларда тадқиқотнинг морфологик усуллари қўлланилгани тўғрисидаги муайян хабарлар борлигини кўрсатди. Лекин шу билан бирга, мазкур патологиянинг узоқ муддатли кечишини пролифератив фаоллик динамикасида ўрганишга бағишланган тадқиқотлар мавжуд эмас. Бундан ташқари, ушбу тоифага мансуб беморларда ситогенетик ва иммунологик ўзгаришлар фонида апоптоз интенсивлигини коррекция қилиш ва регенерацияни рағбатлантириш имкониятларини ўрганиш бўйича қўлга киритилган маълумотлар йўқ. Бугунги кунда патологик жараён ривожланган шароитда физиологик фаолиятни мувофиқлаштиришнинг иммун механизмлари кенг ўрганилмоқда. Жумладан, юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларида иммунокомпетент ҳужайралар ва иммуноглобулинлар ўзгариши етарлича тадқиқ қилинган, лекин юз-жағ соҳасидаги йирингли инфекциялар муаммоси ҳозиргача жуда долзарб бўлиб турибди. Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг кўп сонли тадқиқотлари шу масала ечимини топишга қаратилган [1, 3, 5, 6]. Юз-жағ соҳасидаги яллиғланиш касалликлари частотаси ва оғирлигининг ортиб бориши сабабли ушбу патология аниқланган беморларни даволаш муаммоси жарроҳлик стоматологияси ва юз-жағ жарроҳлигининг етакчи масалаларидан бири бўлиб келмоқда [2, 3, 7]. Аксарият тадқиқотчиларнинг якдил фикрларига кўра, клиник амалиётда бош ва бўйиннинг бир неча анатомик соҳаларига тегишли ҳужайравий бўшлиқларни бирайўла эгаллаб оладиган ва қабул қилинган умумий даволаш муолажалари билан таъсир кўрсатиш қийин флегмоналар учраши кўпайган. Хавфли ва оғир асоратлар – иккиламчи медиастинитлар, сепсис, ғоваксимон синус тромбози, бош мия абсесси, йирик магистраль томирлардан эрозив қон кетиши ва ҳоказолар частотаси ошган [4, 5, 7]. Кўп муаллифлар юз-жағ соҳасидаги ўткир йирингли-яллиғланиш касал-

ликларининг тез-тез учраши ва клиник кечишининг оғирлашганини микроорганизмлар патоген хусусиятларининг ўзгариши, спора ҳосил қилмайдиган анаэроблар устунлигидаги микробли микстлар этиологик ролининг ошганлиги, микроорганизмларнинг полиантибиотикорезистент шаклларнинг пайдо бўлгани, аллергия, сенсибилизасия, беморларнинг инфекцияланган илдиз каналлари ва периодонт микрофлораси ҳосилаларидан захарланиши, иммунодепрессия ва организм номахсус ҳимоя механизмларининг заифлашиши билан изоҳлашади [5, 6, 7].

Вирусли гепатитнинг Б тури билан оғриган беморларда юз-жағ соҳасидаги ўткир прогрессив яллиғланиш касалликларини комплекс даволаш дастури гемодинамик ва метаболик бузилишларга ўзгартириш киритиш, инфекция қўзғатувчисини бостириш, захарланишга қарши курашиш, бирламчи йиринг ўчоғининг фаол жарроҳлик санасияси фонида организмнинг номахсус резистентлиги ва иммунологик реактивлигини оширишга қаратилган бир босқичли, мақсадли ва патогенетик жиҳатдан асосланган тадбирларни амалга оширишдан иборат эди. Комплекс даволаш дастурида операциядан олдинги тайёргарлик, операция даври ва операциядан кейинги давр ажратиб олинди. Қон айланишининг бузилиши, алмашинув жараёнларини тиклаш ва барқарорлаштириш комплекс даволашнинг стратегик мақсади этиб белгиланди, чунки гомеостазнинг ушбу мухим тизимлари ҳолати даволашнинг умумий самарадорлигини олдиндан белгилаб беради. Юз-жағ ва бўйин соҳасидаги яллиғланишга жалб қилинган барча ҳужайравий бўшлиқларни ревизиядан ўтказишни ўз ичига олган жарроҳлик аралашуви, касалликнинг оғирлик даражасидан қатъи назар, даволаш жараёнининг муқаррар ва ажралмас таркибий қисмини ташкил этди. Организм захира имкониятларини сақлаш даражалари турлича экани, ҳимоя-мослашув ва патологик реакциялар нисбати даволаш тактикаси, усул ва воситалари танловини белгилаб берди.

Шундан келиб чиқиб, сепсисни комплекс даволаш дастурини амалга оширишда саногенез механизмини кучайтириш, рағбатлантирувчи ва ўринбосар муолажа тадбирларини, сепсиснинг оғир шаклида эса ўриндош табиатга эга ҳимоя-мослашувчанлик механизмлари декомпенсасиясини уйғунлаштириш учун энг қулай шароитлар яратиш назарда тутилган ва мухим ҳаётий аъзолар ва тизимлар фаолиятини тиклаш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Йирингли-яллиғланиш касалликлари ва яра инфекцияси, жумладан, ЮЖСни даволаш мураккаб ва якуний ечими топилмаган муаммо сифатида қолмоқда. Бу, айниқса, вирусли гепатитнинг Б тури билан оғриган, иммунитет танқислиги, ёндош патологиялар (қандли диабет, қон томир касалликлари ва б.) аниқланган беморлар учун жуда долзарбдир. Турли муаллифлар маълумотларига кўра, жарроҳлик касалликлари тузилмасида 12%дан 15% гача улушга эга йирингли-юқумли хасталиклар узоқроқ вақт давом этади ва асоратлар билан кечади. Йирингли ярада қисқа вақт оралиғи – 10 суткагача муддат ичида қўзғатувчиларнинг тур таркиби бир неча маротаба (2-3 марта) ўзгаради. Йиринг ўчоғини антибактериал терапия (кенг таъсир доирасига эга антибиотиклар), симптоматик даволаш, тозаланган ярага иккиламчи чоклар қўйиш билан уйғунликда ёриш (кесиш), санасиялаш, дренажлаш узоқ муддат - ўртача 20 ётоқ-кунни талаб қилади, кенг тарқалган йирингли жараёнлар ва қандли диабет мавжуд ҳолатларда эса 40-60 ётоқ/кунгача чўзилиши мумкин. Микроб штаммларининг оммавий антибиотикларга нисбатан бардошлилиги ошиб бораётгани ва анъанавий технологияларни қўллаш орқали йиринг ўчоғини адекват санасия қилиш имконсиз экани, бунинг оқибатида ЮЖС флегмоналари ва абсессларига эга 3-10% беморларда йирингли медиастенит, кавернoз синуси тромбози, жағ остеомиэлити, сепсис каби оғир асоратлар ривожланишига олиб келадиган патологик жараённинг кучайиши сабабли кенг таъсир доирасига эга антибиотиклардан анъанавий жарроҳлик аралашуви билан биргаликда одатий фойдаланиш доимо ҳам самара бермайди.

Йирингли-яллиғланиш жараёнининг ЮЖСда жойлашиши кейинчалик юзага келадиган косметик нуқсон муаммоси долзарблигини кескин оширади ва у жарроҳлик амалиётидан ўтган 8 - 15% беморнинг келажакда пластик жарроҳлик хизматидан фойдаланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, жарроҳларни клиник амалиётга жисмоний хусусиятларига кўра мўъжаз чандиқ ҳосил бўлишини таъминлайдиган кичик инвазив технологиялар ва ярим ёпиқ жарроҳлик усулларини тадбиқ қилишгаундайди (Железний П.А. ва ҳаммуаллифлар.2017 й). Сўнгги ўн йилликда йиринг ўчоғига жарроҳлик ишлови беришнинг янги усулларини яратишда сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилди ва муолажалар яра сиртига криотерапия, пулъсасияланувчи суюқлик оқими билан ишлов бериш, лазеротерапия, вакуум билан даволаш, улътратовушли кавитасия ва бошқалар ёрдамида қўшимча таъсир кўрсатиш билан уйғунликда амалга оширилиши керак (Биляк А.В. 2019 й).

Адабиётлар таҳлили долзарблигига қарамай, вирусли гепатитнинг Б тури билан оғриган беморларда ЮЖС флегмоналари ва абсессининг кечиши билан боғлиқ кўплаб саволлар жавобсиз қоляпти. Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, тадқиқот олдига вирусли гепатитнинг Б турига чалинган ва юз-жағ соҳасида абсесслар ва флегмоналар қайд қилинган беморларни даволашга мўлжалланган ва патогенетик

жиҳатдан асосланган комплекс терапияни такомиллаштириш мақсади қўйилди.

Тадқиқот мақсади: Вирусли гепатитнинг Б тури билан оғриган беморлардаги юз-жағ соҳасининг ўткир прогрессив яллиғланиш касалликларини комплекс даволаш дастурини яратиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, биз томонимиздан ишлаб чиқилган дастур вирусли гепатитнинг Б туридан азият чекаётган беморлардаги юз-жағ соҳасининг ўткир прогрессив яллиғланиш касалликларини комплекс даволашла қўлланилди. Тадқиқотлар 2015 йилдан 2020 йилгача олиб борилди. Тажрибалар юз-жағ соҳасидаги абсесслар ва флегмоналар аниқланган 47 нафар беморда ток юкидан келиб чиқиб олиб борилди, даволаш муолажалари ўтказилган беморлар эса А ва Б гуруҳларига ажратилди. 31 нафари абсесс аниқланган ва вирусли гепатитнинг Б туридан азият чекаётганлардан шакллантирилди, назорат гуруҳига 12 нафар соғлом шахс киритилди. 47 беморнинг 30 нафари эркак ва 17 нафари аёллардан иборат бўлди. Ҳамма беморлар Самарқанд шаҳар бирлашган юз жарроҳлиги бўлимида даволанишди ва улар клиникага шошилинч кўрсатмага асосан олиб келинган. Барча беморларда микробиологик, иммунологик ва биокимёвий таҳлиллар, шунингдек, математик таҳлил ўтказилди. Клиник баҳолашдан ташқари, ҳамма беморлар умумий ҳолати, тана ҳарорати, қон босими, юрак уриши тезлиги, диспепсия аломатлари мавжудлиги ўлчанди, шунингдек, қон ва сийдикнинг умумий таҳлили амалга оширилди.

Ҳамма беморларда сепсис аниқланди (100,0%). Шунинг учун, биз ишлаб чиққан комплекс даволаш дастури юз-жағ ва бўйин соҳасида ўткир прогрессив яллиғланиш касалликларига чалинган беморларнинг оғир гуруҳида қўлланилди, уларнинг аксарияти (59 нафар бемор) ҳаётийликни таъминлаш тизимининг беқарор компенсасияси ёки декомпенсасияси билан келган.

Абсессли беморлар 16 ёшдан 56 ёшгача вирусли гепатитнинг Б туридан азоб чекишган. У асосан сурункали пародонтитдан келиб чиққан. Беморларнинг ярмида пастки жағ яллиғланиши кузатилган. 23 нафар бемордаги яллиғланиш пайдо бўлишига биринчи жағ тишлари, 19 беморда пастки ақл тишлари, 10 беморда – пастки қозиқ тишлар, икки ҳолатда пастки иккинчи, уч вазиятда юқори ён тишлар сабаб бўлган. Ҳамма беморларда касалхонага ётқизилган куниёқ маҳаллий оғриқсизлантириш остида сабаб-оқибат тишлари олиб ташланди. Беморларга операциядан кейинги 2-куни антибиотиклар, десенсибилизасия воситалари, аналъгетиклар, гепатопротекторлар, физиотерапевтик муолажалар тайинланди.

Тадқиқот натижалари: Йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашда антибактериал терапияни тўғри танлаш алоҳида аҳамият касб этади. У жарроҳлик йўли билан даволашни сезиларли даражада тўлдиради, лекин, одатда, унинг ўрнини тўла босолмайди. Антибактериал терапиянинг асосий йўналиши – бемор организмидаги носоғлом микроорганизмларга ўзига хос таъсир кўрсатишга қаратилган.

Дори воситалари қуйидагилар эътибор бериб танлансагина, амалга оширилаётган антибактериал терапияни оқилона деб аташ мумкин:

1. қўзғатувчини идентификасия қилиш;
2. микрофлоранинг антибиотикка сезувчанлигини аниқлаш;
3. воситанинг фармакокинетикасини (таъсир механизми, организмдаги барқарорлиги, организмнинг турли муҳитларига тарқалиш қобилияти, аъзолар бўйича тақсимланиши, танадан чиқиб кетиш тезлиги ва ҳ.) билиш.

Дори воситасининг организмга кўрсатадиган ножўя таъсирини имкон қадар камайтирган ҳолда, унинг самарали жамланишини таъминлаш зарур. Юз-жағ соҳасидаги йирингли-яллиғланиш касалликларини патоген ёки шартли патоген, грам мусбат, грам манфий микроорганизмлар, шунингдек, аралаш флора – микроблар ассосиасияси қўзғатади. Стафилококкок моноинфекцияси кўк йиринг таёқчаси, протея, клебсиэлла, бактероид ва ҳоказолар иштирокидаги микроблар ассосиасиясига ён беради.

Бактериологик тадқиқотларда барча кичик гуруҳлардаги 54,0% беморда микроорганизмларнинг ўсиши кузатилди, 72,2% ҳолатда улар 2 (71,5%) ва 3 (26,7%) қўзғатувчидан ташкил топган ассосиасиялардан, 25,8% ҳолларда монокультуралардан топилган. Турлар таркиби таҳлили асосий гуруҳда кўпинча облигат анаэроблар ажралиб туришини кўрсатди (86,3%). Факультатив анаэроблар эса нисбатан камроқ кўзга ташланган (13,7%).

Маълумки, бактериологик тадқиқотлар ўтказиш ва анаэроб микроорганизмларни аниқлаш имконияти махсус анаэроб микробиология лабораторияси мавжуд ҳолатлардагина туғилади, шунинг учун анаэроб инфекциянинг қуйидаги белгиларига алоҳида эътибор қаратилди:

тўқималар пайпасланганда яллиғланиш инфильтрати соҳасида крепитасия мавжудлиги;

газ пуфакчалари мавжуд ярадан ажраладиган қорамтир рангли оқиндининг бадбўй ҳиди;

яллиғланиш ўчоғидаги тўқималар некрози: мушаклар, фассиал япроқлар, ифлос-кулранг ёки тўқ жигарранг тусдаги клетчатка, бўшашган, инфильтрацияланган, осонгина кўчади ва йиртилади, қон оқмайди.

бактериологик тадқиқотларнинг оғир йирингли жараёни клиник манзараси мавжуд ҳолатдаги манфий натижалари.

Аксарият ҳолларда Стапҳйлососсусауреус тимсолида намоён бўладиган грам мусбат флорага таъсир кўрсатиш учун сефалоспоринлар, макролидлар, линкомисин, рифамписин, фузидин ва аминогликозидлардан оксасиллин ёки линкомисин билан биргаликда фойдаланилди.

Кўп учрайдиган вакилларидан бири Псеудомонасаэругиноса (кўк йиринг таёқчаси) ҳисобланган грам манфий микроорганизмлар сабаб юзага келган йирингли инфекцияни даволаш муайян қийинчиликларга олиб келди. Кўк йиринг таёқчасини даволашда замонавий аминогликозидлардан карбенисиллин, шунингдек, диоксидин, рифамписин ва бисептол, оғир ҳолатларда эса аминогликозид билан комбинасияси қўлланди.

Протей инфекциясини даволашда барча турдаги протейларга нисбатан фаол воситалар - клафоран, шунингдек, аминогликозидлар ва амписиллин, сефалоспоринларни уйғунлаштириб фойдаланилди.

Э.Соли (ичак таёқчаси) келтириб чиқарадиган йирингли инфекцияга қарши сефалоспоринлар, аминогликозидлар ва уларнинг комбинасияси, шунингдек, ярим сунъий левомисетин, бисептол энг самарали воситалар ҳисобланади.

Спора ҳосил қилмайдиган ва кўпинча Бастероидес бактериялар гуруҳи тимсолида намоён бўладиган анаэроблардан келиб чиққан инфекцияларни даволаш алоҳида қийинчиликлар туғдирди. Уларга нисбатан метронидазол, метрогил, метрогил, метрид катта самара берган бўлса, левомисетин, диоксидин таъсири камроқ кўринди.

Жигар вирусдан шикастланганида вирусга қарши терапия ўтказиш имконсиз эканини инобатга олиб, яллиғланишга қарши яққол самара берадиган УРСОСАН воситасини 10 мг/кг/сут. миқдорда ≥6 ой мобайнида қабул қилиш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Бактериологик ташхис қўйилгунига қадар йирингли инфекция терапияси касалликнинг клиник манзарасидан келиб чиқиб амалга оширилган. Инфекциянинг ҳамма эҳтимолий йўлларини "тўсиб қўйиш" мақсадида кўпинча антибиотиклар комбинасиясидан фойдаланилди. Антибиотикларнинг турли дори воситалари таъсир механизми хусусиятларига асосланган энг самарадор уйғунлиги 1-жадвалда келтирилган.

Лаборатория шароитида ўтказилган микробиологик тадқиқотлар натижаси олингандан кейиноқ антибиотиклар тайинлаш жараёнига антибиотикограммага мувофиқ ўзгартиришлар киритилди.

Қабул қилинадиган дори воситалари миқдори тегишли антибиотикларнинг қўллаш йўриқномасидан келиб чиқиб белгиланди. Муайян вазиятлар, айниқса, касаллик оғир ва жуда оғир кечиши кузатилган пайтларда росефин, сефтриаксион - 4 граммгача, аминогликозидлар - суткасига 2 граммгача – тайинланди.

Жадвал 1. Йиринг жарроҳлигида энг кўп қўлланиладиган антибактериал воситалар

Номи	Суткалик миқдори	Оқилона комбинасияси
Сефатрексил	8-12 г в/и	Амписиллин, карбенисиллин, аминогликозидлар, диоксидин
Кефзол	6 г в/и	Амписиллин, карбенисиллин, аминогликозидлар, диоксидин
Сефамезин	4-6 г в/и	Амписиллин, карбенисиллин, аминогликозидлар, диоксидин
Стрептомисин	қўлланилмайди	Пенисиллин
Гентамисин	3-5 мг/кг	Пенисиллин, линкомисин, м/и сефалоспоринлар, диоксидин, метронидазол, бисептол
Тобрамисин	3-5 мг/кг	Худди шулар
Сизомисин	3-5 мг/кг	Худди шулар
Амикасин	20-25 мг/кг	Худди шулар
Вибрамисин	200 мг	Тетрациклин, диоксидин ичкарига аминогликозидлар
Линкомисин	2,4 г	Худди шулар м/и, в/и
Фузидин	3 г	Метисиллин, сефалоспорин, ичкарига рифамписин
Рифамписин	0,9-1,2 г	Аминогликозидлар, бактрим, ичкарига фузидин, сефалоспоринлар
Бисептол	3,8 г.гача	Аминогликозидлар, суткасига римфамисин
Метронидазол	300 мл/сут	Пенисиллин, сефалоспоринлар, (метрогил, метрожил, в/и томчилаб, аминогликозидлар, левомисетин, метрид) диоксидин
Диоксидин	90 мл	Пенисиллинлар, сефалоспоринлар, 1% аминогликозид эритмаси Вена ичига томчилаб
Росефин	2 г в/и	Аминогликозидлар, диоксидин
Сефтриаксон	2 г в/и	Худди шулар
Урсосан	10 мг/кг/сут	≥6 ой давомида

Баъзи ҳолатларда аминогликозидларни қабул қилиш муддати 9-11 кунгача узайтирилди. Антибиотикларни мушак ва вена ичига юборишнинг ан'анавий усулларидан ташқари, 8 нафар беморда умумий уйқу артериясининг ретроград катетеризасияси ўтказиш ёки унинг шохларини катетеризасия қилиш орқали артерия томири ичига киритиш усули қўлланилди. Касалликнинг инфексия генерализасияси, унинг кўкс, бош мияга тарқалиш хавфи билан оғир кечиши антибиотикларни артерия томири ичига киритиш кўрсатмаси учун асос бўлди. Юз, оғиз бўшлиғи туби ва бўйин флегмоналарида чакканинг юзаки артерияси катетерланди, та'кидлаш ўринлики, катетер 8-10 см чуқурликдан олиб ўтилди. Артерияни ажратиш учун қулоқ супрасининг олд томонидан 2-2,5 см узунликда кесма ҳосил қилинди. Катетерни маҳкамлашдан олдин унинг ҳолати ва инфузия зонасини 5-15 мл 0,25% новокаин эритмаси ёки 5000 БР гепаринни новокаин билан киритиб, назорат қилинди. Инфузия зонасига новокаин эритмаси киритилганида беморлар илиқлик ёки енгил санчилишни ҳис қилишган, гепарин ва новокаин юборилганида эса тезда ўтиб кетадиган куйдириш ҳисси кузатилган. Ушбу услубни ўрганиш аввалида инфузия зонаси катетерга 25% глюкоза эритмасидаги 3% метилен кўк эритмасини киритиш орқали аниқланарди. Бу жараёнда тегишли анатомик соҳа териси кўк ранг тусини оларди. Катетерлашда 1,5-2 мм диаметрга эга фторпласт катетерларидан фойдаланилди. Қўлланиладиган воситалар таркибидан антибиотиклардан ташқари, 0,25% новокаин эритмаси, гепарин, гидрокортизон, протеаз ингибиторлари, димедрол ёки супрастин (бир хил миқдор ва комбинасияда) киритилди. Дори маҳсулотлари фраксион тартибда қўлланди. Олдин 10-15 мл 0,25% новокаин эритмаси, 25000-50000 БР трасилол ёки контрикал киритилди. 12,5-25 мг гидрокартизон, 5000-10000 БР гепарин, 5-10 мл 0,25% новокаин эритмасидан кейин катетер учи ёпилди. Дори воситалари суткасига 1 ёки 2 маҳал 2-3 кун давомида юбориб турилди. Охирги дори воситаси киритилганидан кейин 1-2 кун ўтиб, катетер олиб ташланди. Катетер чиқариб олинганидан кейин артерияга лигатура қўйилмади, қон кетиши кузатилмади. Ҳамма беморларда антибиотикларни артериал томир ичига киритиш амалиёти комплекс даволашнинг таркибий қисми сифатида ўтказилди ва беморларнинг умумий ҳолати ва маҳаллий яллиғланиш ўчоғидаги ўзгаришларга сезиларли даражада ижобий та'сир кўрсатди. Биринчи инфузиядан кейиноқ оғриқ ҳисси, яллиғланиш соҳасидаги тўқималар гипертермияси интенсивлиги камайди, маҳаллий ҳарорат 1-1,5 ºС тушди. 2-4 инфузиядан сўнг оғриқлар, одатда, йўқолди, умумий ҳолат яхшиланди, уйқу ме'ёрлашди ва иштаҳа пайдо бўлди. Яллиғланиш инфил'трат ўлчамлари сезиларли даражада кичрайди, тери ранги асл ҳолига қайтди, яралар йиринг ва некротик массалардан тозаланди.

Умумий ҳолатнинг яхшиланиши, захарланиш даражасининг пасайиши ва яллиғланиш ўчоғидаги ижобий ўзгаришлар динамикаси фонида қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларида ҳам манфаатли силжишлар аниқланди. 3-4-суткага бориб ЭЧТ пасайди, ал'буминлар даражаси ошди, &1 ва &2 – глобулин таркиби камайди

скрининг давомида 30-31 ҳафталик соғлом ҳомиладор аёлларларимизда фронтал-оксипитал ҳажми ўртача 99,2±1,5 мм, гипотиреоз ҳолатида бўлган хомиладорларда эса бу кўрсаткичлар 99,0±0,8 мм га тенг эди. 32-33-ҳафтада хомила бошининг фронтал-оксипитал катталигининг ўртача қийматлари соғлом ҳомиладор аёлларда 104,9±0,9 мм, гипотиреоз ҳолатида ҳомиладор аёлларда эса 102,9±1,3 ммга тенг. Хар иккала гуруҳни солиштирганда статистик фарқлар аниқланмади. Учинчи скрининг вақтида 30 дан 35чи ҳафталарда бўлган муддатда соғлом ҳомиладор аёлларнинг хомиласини фронтал оксипитал ҳажми ортиши 9,4% га, ва гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёлларда эса 9,1% га тенг. Ҳомила бош суяги ривожланишини баҳолашнинг яна бир мезони-бошнинг атроф айланасидир, унинг ҳажми хомиланинг бошига боғлиқ эмас. 12-13 ва 14-15 ҳафтада (биринчи скрининг ўрганиш) даврида, соғлом ҳомиладор аёлларнинг хомила бошини айланасидаги бу кўрсаткич ўртача қиймати мос равишда 75,5±1,4 ва 100,3±0,5 мм га тенг, аммо гипотиреоз ҳолатдаги оналарда эса 73,2 ± 1,1 ва 96,9±1,4 ммга тенгдир. Хар иккала гуруҳларда ушбу қийматларнинг статистик жиҳатдан сезиларлии фарқлари қайд этилмаган (p>0,05). Соғлом ҳомиладор аёлларда бош атрофи ўсишининг интенсивлиги 32,8%, гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёлларнинг хомиласи бошини айланаси эса 32,3% ни ташкил қилган. Соғлом ҳомиладор аёлларнинг хомила бошини айланаси иккинчи скрининг текшируви босқичида яни 20-21 ҳафталикда хомила бошининг атрофи ўртача 181,8±1,8 мм, 22-23 ҳафтада 199,3±3,1 мм, 24-25 ҳафтада 20,0±2,7 мм га етди. Гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёлларда ҳомила боши айланасининг ўртача қиймати ушбу мониторинг вақтида мос равишда 177,5±1,8, 190,1±2,5 ва 215,3±3,1 мм эди. Соғлом ҳомиладор аёлларнинг хомиласини бош атроф айланаси ўсиш суръати 20 дан 25- хафталарда 21% га, гипотиреоз холатидагиларида эса шу вақтда 21.2 % га тенг болган. Учинчи скрининг босқичида, гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёлларнинг ҳомила бошини айланаси 30-31 ҳафтада бошнинг атрофи 280,2±2,4 мм, 32-33 ҳафтада 294,5±2,1 мм, 34-35 ҳафта вақтида 305,9±2,4 мм га тенг эди (1-Расм). Шу билан бир қаторда соғлом ҳомиладор аёлларнинг ҳомила бошини айланаси бу даврда мос равишда 281,4±2,1, 297,6±2,5 ва 312,4±3,9 мм эди.

Скрининг текширув босқичларида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини ўрганиш хомилалик ўсиш жараёнида юзага келадиган адаптив жараёнларни баҳолашга имкон беради. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 16-20 ҳафталар (биринчи ва иккинчи скрининг курсаткичлари ўртасидаги босқичлар) бош ўлчамларининг энг юқори ўсиш даври ҳисобланади. Шу билан бирга, соғлом ҳомиладор аёлларда, бипариетал ҳажми ўсиш 83,7% ни, бош атрофи 81,2%, ни хамда фронтал оксипитал ҳажми 83.5 % ни ташкил қилган. Гипотиреоз ҳолатида ҳомиладор аёлларнинг ҳомила бошини айланасидаги бош параметрларининг ўсиш интенсивлиги соғлом аёлларга қараганда камроқ корсатгични ташкил этди. 21-дан 25-ҳафтагача бўлган ҳар иккала гуруҳда хомила бошининг параметрларини ошиши 2 мартага секинлашди. Шу билан бирга, соғлом ҳомиладор аёлларда ҳомила бошини айланаси бошнинг бипариетал ҳажми 23,9%, бошнинг фронтал-оксипитал ҳажми 21,6%, бош атрофи 34,8% га ошган.



Расм 1. Учинчи скрининг босқичида, гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёлларнинг ҳомила бошини айланаси

Гипотиреоз ҳолатида аёлларнинг ҳомиласи бошини айланаси бу кўрсаткичларга мос равишда 26,9, 24,3 ва 26,4% ташкил этган.Фетометрик кўрсаткичлар ўсишининг энг паст интенсивлиги учинчи скрининг текшируви даврида қайд этилган. Соғлом ҳомиладор аёлларда хомила бошини айланасидаги бипариетал ҳажми 3,1%, фронтал оксипитал 5,7%, бош атрофи 14,8% га ошган. Гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёлларнинг хомиласи бошини айланаси кўрсаткичлари 3,4; 7 ва 16% эди. Фетометрик қийматларнинг энг жадал ўсиши 12 дан 35 ҳафтагача бўлган даврда кузатилди. Шундай қилиб, соғлом ҳомиладор аёлларнинг хомила бошнинг бипариетал ҳажми 292,7%, фронтал оксипитал ҳажми 297,8%, бош атрофи 313,7% га ошди. Гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёлларнинг хомиласидаги ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўсиши мос равишда 296, 295,6 ва 302,8% ни ташкил этдиган эди.

Хулоса: шундай қилиб, иккинчи скрининг босқичида гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёлларнинг хомиласининг, бошни бипаритеал ва фронтал-оксипитал ўлчамлари соғлом ҳомиладор аёлларнинг хомиласига нисбатан кичик бўлади деган хулосага келиш мумкин. Барча босқичларда гипотиреоз ҳолатидаги ҳомиладор аёллар хомиласини бошининг атрофи соғлом ҳомиладор аёллар ҳомиласидан кичикроқ ҳажмга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Зайдиева З.С., Якунина Н.А., Прозоров В.В. Лечение и профилактика дефицита йода во время беременности // Рус. мед. журн. – 2008. – Т. 16, №19. – С. 329.
2. Киеня Т.А., Моргунова Т.Б., Фадеев В.В. Вторичный гипотиреоз у взрослых: диагностика и лечение // Клин. и экспер. тиреоидол. 2019. Т. 15, №2. – С. 64-72
3. De Groot L., Abalovich M., Alexander E.K. et al. Management of Thyroid Dysfunction during Pregnancy and Postpartum: An. Endocrine Society. Clinical Practice Guideline J. Clin. Endocrinol. Metab. 2012. Vol. 97, №8. P. 2543-2565.
4. Glinoer D. Thyroid immunity, thyroid dysfunction, and the risk of miscarriage (Editorial) Amer. J. Reprod. Immunol. 2000. Vol. 43. P. 202.
5. Koulouri O., Auldin M.A., Agarwal R. et al. Diagnosis and treatment of hypothyroidism in TSH deficiency compared to primary thyroid disease: pituitary patients are at risk of underreplacement with levothyroxine Clin. Endocrinol. 2011. Vol. 74. P. 744-749.
6. Krassas G.E., Poppe K., Glinoer D. Thyroid function and human reproductive health Endocrinol. Rev. 2010. Vol. 31. P. 702p-755
7. Leger J., Olivieri A., Donaldson M. et al. European Society for Paediatric Endocrinology consensus guidelines on screening, diagnosis, and management of congenital hypothyroidism Horm. Res. Paediatr. 2014. Vol.81. P. 80-103.
8. Зоеллер РТ (2003 йил апрел). "Трансплацентал тироксин ва ҳомила миясининг ривожланиши". Клиник тадқиқотлар журнали. 111 (7): 954–7. doi:10.1172 / ЖСИ18236.

ОСОБЕННОСТИ ИЗМЕНЕНИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФЕТОМЕТРИИ ПЛОДОВ

Рахимова М.О., Ахмедова С.М., Ниёзов Н.К.

Резюме. *Актуальность. Гипотиреоз в настоящее время является эндемическим заболеванием, связанным с дефицитом йода. Это заболевание является недостаточностью щитовидной железы и широко распространено в Республике Узбекистан. Цель научной работы: изучение антропометрических показателей плода у здоровых женщин и беременных с гипотиреозом. Материалы и методы исследования: Нам удалось изучить фетометрические данные 25 беременных с гипотиреозом и 32 здоровых беременных. Скрининговые исследования развития плода проводились по стандарту в 12-13 недель в первом периоде, 22-23 и 24-25 недель во втором периоде. Заключение: На всех сроках мы можем видеть, что плоды беременных с гипотиреозом имеют меньшую окружность головы, чем плоды здоровых беременных.*

Ключевые слова: *гипотиреоз, фетометрия, скрининговые тесты, тиреоидная патология.*

УДК: 616.379-008.64:614.212

АҲОЛИ ЎРТАСИДА ПЕН ПРОТОКОЛЛАРИ АСОСИДА 2 ТУРДАГИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ

Рахимова Хидоят Мамарасуловна, Сулайманова Нилуфар Эргашевна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА КОНТРОЛЯ САХАРНОГО ДИАБЕТА 2 ТИПА НА ОСНОВЕ ПЕН ПРОТОКОЛОВ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ

Рахимова Хидоят Мамарасуловна, Сулайманова Нилуфар Эргашевна
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

IMPROVING THE QUALITY OF TYPE 2 DIABETES MELLITUS CONTROL BASED ON PEN PROTOCOLS AMONG THE POPULATION

Rakhimova Hidoyat Mamarasulovna, Sulaymanova Nilufar Ergasheva
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. *Юқумсиз касалликларга чалинган беморларни даволаш ва парвариш қилиш орқали хавфли омиллар билан курашишнинг ҳар томонлама чора-таддбирларни кўришга чақиради. Кандли диабет касаллигидан ўлим холатларини ошганлиги, миокард инфаркти ва инсульт каби асоратларнинг кўпайганлиги сабаб, стандарт дори-дармонлардан фойдаланиш ва шу касаллик асоратларини олдини олиш, ўлим холатларини камайтиришга қаратилган. Асосий мақсад аҳоли ўртасида ПЕН протоколларни тадбиқ этиш асосида қандли диабет аниқланган беморларни олиб бориш тактикасини бахолашдан иборат. Режа асосида 3ой ичида, хар ой 50 нафардан 40 ёшдан ошган ахолини КВПга таклиф этиб уларни клиник протокол орқали сўроқ ва кўрик ўтқазилган, лаборатор ва инструментал текширишлар ўтқазилган. Мунтазам скрининг текшируви хавф омиллари бўлган шахсларни ва улар орасида қандли диабет билан оғриган беморларни тезда аниқлашга имкон беради. Уларни ўз вақтида даволаш асоратларини ривожланишига йўл қўймайди ва эрта ўлим фоизини камайтиришга қаратилган.*

Калит сўзлар: *Юқумсиз касалликлар, қандли диабет 2 тур, скрининг,лаборатор тахлиллар.*

Abstract. *It calls on patients with non-communicable diseases to take comprehensive measures to combat dangerous factors through treatment and care. Kand the use of standard drugs and Prevention of complications of the same disease is aimed at reducing the incidence of mortality, causing an increase in mortality from diabetes mellitus, increased complications such as myocardial infarction and stroke. The main goal is to evaluate the tactics of carrying out patients with diabetes on the basis of the introduction of pen protokols between axoli. According to the plan, within 3 months, more than 50 persons over 40 years of age were invited to polyclinic for questioning and examination, laboratory and instrumental examinations were conducted through clinical protocol. Regular skri examinations allow you to quickly identify individuals with risk factors and, among them, patients with diabetes mellitus. Their timely treatment prevents the development of complications and is aimed at reducing the percentage of early mortality.*

Keywords: *non-infectious diseases, diabetes 2 species, scrining,laboratory tests.*

Долзарблиги. Юрак-қон томир касалликлари, онкологик касалликлар, ўпканинг сурункали респиратор касалликлари, қандли диабет ва бошқа юқумсиз касалликлар бутун дунё бўйича касалланиш ва ўлим ҳолатларининг асосий сабабчиси ҳисобланади [1]. Шунингдек улар ногиронликнинг етакчи сабабчилари жумласига киради-лар.

ЖССТнинг маълумотларига кўра, ҳар йили бутун дунёда тахминан 57 млн. инсон вафот этади, улардан 36 млн. (63%) атрофидаги ўлим ҳолатлари юрак кон-томир касалликларга тўғри келади. Тахминан 14 млн. одам 70 ёшгача яшамайди, яъни барвақт ўлади. Шу билан бирга, ЖССТнинг прогнозларига кўра, агар самарали чора-тадбирлар кўрилмаса, дунё бўйича юқумсиз касалликлардан ўлим кўрсаткичи оғишмай ўсиб боради ва 2030 йилда деярли 75%ни ташкил қилади [2]. Юрак қон-томир касалликларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари бемор

ҳаётининг сифати, унинг оиласи ҳамда иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш тизими ва умуман жамиятга таъсир кўрсатади. Уларнинг ривожланиши ҳолатларининг 60%и тамаки чекиш, алкоголни суиистеъмол қилиш, мева ва сабзавотларни етарлича истеьмол қилмаслик ва кам ҳаракатланиш турмуш тарзи каби етакчи хавф омиллари билан боғлиқ. Ушбу хавф омиллари аҳоли орасида ривожланишининг сабабчилари бўлган ортиқча вазн ва семизлик, юқори қон босими, қонда қанд ва холестериннинг юқори даражаси каби ҳолатларнинг ривожланишига олиб келади. Ўзбекистонда ўтказилган илмий тадқиқотларнинг натижалари юқумсиз касалликлар хавф омилларининг тарқалганлиги мунтазам ортиб бораётганлигини кўрсатди. Юқорида кўрсатиб ўтилган хавф омиллари тарқалишининг мавжуд тендециясида 2020-2030 йилларга келиб, 40-60 ёшлардаги аҳоли орасида ушбу хавф омилларидан барвақт ўлимнинг юқори даражаси кузатилади [3]. Кандли диабет касаллигидан ўлим холатларини ошганлиги, миокард инфаркти ва инсульт каби асоратларнинг кўпайганлиги кузатилмокда. Стандарт дори-дармонлардан фойдаланишнинг асосий максади шу касаллик асоратларини олдини олиш, ўлим холатларини камайтиришга каратилганлигидир [1].

Максад: Ахоли ўртасида ПЕН протоколларни тадбиқ этиш асосида қандли диабет аниқланган беморларни олиб бориш тактикасини бахолаш.

Материалар ва методлар. Текшириш ишлари Самарканд вилояти Жомбой туманидаги «Ўзбекистон» КВП худудида истикомат килувчи 40 ёшдан юкори ахоли орасида олиб борилди. КВПда 2019 йиллда шифокор кабулига келган ахоли тиббий куриги натижасида аникланган беморлар олинди.Текширув КВПдаги 2 та шифокор ва 5та ўрта тиббиёт ходими катнашди. Текшириш ишлари ретроспектив усулда ўтқазилди ва куйидаги хужжатлардан фойдаланилди: амбулатория карта Ф-025/у, стати-стик талон -25-г/у, шифокорнинг кабул журнали, лаборатор тахлиллар журнали

Натижалар. 2019 йил октябрь ойидан бошлаб ПЕН протоколларни тадбиғи бошланган. Режа асосида 3ой ичида, хар ой 50 нафардан 40 ёшдан ошган ахолини КВПга таклиф этиб уларни клиник протокол орқали сўроқ ва кўрик ўтқазиш, лаборатор ва инструментал текширишлар ўтқазиш режалаштирилган. Натижаларни 2020 йил январь ойларида курилганда шуни аниқландики уч ой мобайнида 150 нафар инсон курилган, уларни хаммасига амбулатор карталарида консультация ёзилган ва лаборатор-инструментал текширишга юборилган. Лекин тахлилларни текширилганда камчиликлар борлиги аниқланган (расм 1).

ПЕН протоколларни тавияси бўйича хамма скринингга келган инсонлар ЭКГ топширувидан ўтиш керак, лекин октябрь ойида келган инсонларни амбулатор карталарида факат 20 тасида ЭКГ ленталари бор, ноябрда келганларни 28тасида, декабрда келганларни ичида 27тасида. Демак ёки уларни ЭКГ текширувидан ўтказмаган, ёки ЭКГ ленталарини ўзлари билан уйига олиб кетганлар. Хамширалар эса шу жараённи назорат килмаганлар.

ПЕН протоколи орқали хамма 40 ёшдан ошган инсонлардан қондаги қанд миқдорини аниқлаш керак, амбулатор карталарда қанд миқдорини аниқлаш тавсияси бор эди, лекин тахлиллар хаммасида йўқ. 150 инсонлардан қанд тахлили 122 амбулатор карталарида топилган, октябрь ойида 38, ноябрьда – 43 ва декабрда – 41 картада (расм 2).



Расм 1. ЭКГси бор бўлган беморлар тақсимоти



Расм 2. Қондаги қанд тахлили бор беморларни тахсимоти (%)



Расм 3. Қондаги холестерин тахлили бор беморларни тахсимоти (%)

Жадвал 1. 2 турдаги қандли диабетибор аниқланган янги беморлар

№	Ойлар	Ахоли сони	Ортиқча вазнга эга бўлган ва семизликлар		2-тип қанли диабет билан касалланганлар	
			Сони	%	Сони	%
1.	октябр	50	20	40	3	15
2.	ноябр	50	26	52	4	15,4
3.	декабр	50	27	54	5	18,5
	Жами	150	73	48,6	12	16,4

Яна бир протоколларни тавсияси, хар бир 40 ёшдан ошган ахолида қонда холестерин миқдорини аниқлаш, бу кўрсаткични тахлиллари жуда хам кам амбулатор карталарда аниқланди. Октябрь ойида 8 амбулатор картасида тахлил бор бўлса, ноябрь ойида 12тасида, декабрь ойида фақат – 17тасида (расм 3).

Кейинги курсаткич бу вазн ва бўйи улчаб, тана вазни индексини аниқлаш. 3 ой ичида 150 инсонлар скринингга келган, булардан 73 тасида ортиқча вазн ва семизлик бор экан (48,6%). Улардан 12 тасида 2 турдаги қандли диабет аниқланган (жадвал 1).

Мухокама. ЖССТ тавсия этган ПЕН клиник протоколларини амалиётга тадбиқ этишда 40 ёшдан ошган барча одамларни БТСЁМларига таклиф қилиб уларни ҳар биридан шикоятларини тинглаб анамнез йиғиб, кўрикдан ўтказиш ҳамда лабаратор текширувидан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Амбулатор карталарни аудит қилганда шуни кўрсатдики, скрининг режага мувофиқ ўтказилган ва 3 ой ичида ҚВПларга 40 ёшдан катта 150 нафар бемор келган, уларнинг

амбулатор карталарида ўтказилган консультатциялар тўғрисидаги ёзувлар ва лабаратор текширувлар бўйича тавсиялар мавжуд.

40 ёшдан ошган беморларнинг тахминан ярмида ортиқча вазн борлиги ёки семириб кетганлигианиқланди ва улар орасида диабетнинг иккинчи турига чалинганянги ҳолатлар аниқланди.

Ушбу беморларда қўшимча текширув ва дори-дармонларни тайинлаш учун эндокринолог маслахати буюрилди. Айрим амбулатор карталарда қон тахлили, холестерин, шакар, ҳамда электрокардиаграммалар йўқлиги аниқланди. Тиббий ходимларга айниқса, ҳамшираларга амбулатор карталарини қайтадан текшириб кўриб қон тахлили, холестерин, шакар, ҳамда электрокардиаграмма йўқларини қайтадан ушбу текширувларга юбориш тавсия этилди.

Шундай қилиб, мунтазам скрининг текшируви хавф омиллари бўлган шахсларни ва улар орасида қандли диабет билан оғриган беморларни тезда аниқлашга имкон беради. Уларни ўз вақтида даволаш асоратларини ривожланишига йўл қўймайди ва эрта ўлим фоизини камайтиради.

Адабиётлар:

1. Абдуллаева Н. Н., Вязикова Н. Ф., Шмырина К. В. Особенности эпилепсии у лиц, перенесших острое нарушение мозгового кровообращения // Dobrokhotov readings. – 2017. – С. 31.
2. Клинические протоколы ПЕН для лечения артериальной гипертензии и сахарного диабета для учреждений ПМСП. Ташкент 2014г ПЕН ВОЗ
3. Эндокринология буйича клиник протоколлар тўплами 2018 й. г.Ташкент
4. Ризаев Ж.А. и др. Значение коморбидных состояний в развитии хронической сердечной недостаточности у больных пожилого и старческого возраста // Достижения науки и образования. – 2022. – №. 1 (81). – С. 75-79.
5.Сулайманова Н.Э, Рахимова.Х.М. БТСЁ муассасалаи учун артериал гипертония ва кандли диабет касаллиги буйича мослаштирилган клиник протоколларни УАШ фаолиятига тадбик этиш. Проблемы биологии и медицины. Ежеквартальный международный научный журнал (90) 2016г 3-4 ноября. №3.1
6.Irina Agababyan, Sitora Soliyeva, Yulduz Ismoilova.Condition of Coronary Arteries and Change of Lipid Profile in Coronary Heart Disease. Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 1, 2021, Pages. 207 – 213.
7.Kholboev S.B., Rakhimova H.M., Sulayemanova N.E. The State of the Intestinal Microflora and Assessment of the Health State among People with Impaired Glucose Tolerance.Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 1, 2021, Pages. 163 - 176 Received 15 December 2020; Accepted 05 January 2021.
8. Rakhimova.H.M., Sulayemanova N.E. Recommendations for the prevention of coronavirus infection among the population aged 60 years and older. Zh: Cardiorespiratory research. Quarterly scientific and practical journal. Issue No. 1. 2020.page 85.
9.Sulayemanova N.E., Rakhimova H.M., Yuldashova N.E. Features of the appointment of drugs for elderly patients. J.Cardiorespiratory Research Special Issue 2, 2021, pp. 113-118.
10.Xolboyev S.B., Raximova X.M., Sulayemanova N.E. The State of the Intestinal Microflora and Assessment of the Health State among People with Impaired Glucose Tolerance. Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 1, 2021, Pages. 163 - 176 Received 15 December 2020; Accepted 05 January 2021.
11.Yuldashova N.E., Sulayemanova N.E., Abdukhamiova D.H. Identification of cardiovascular diseases and their risk factors in the practice of a family doctor. Zh. Cardiology of Uzbekistan No. 3, 2021 of the International Scientific and Practical Conference of Cardiologists "Innovative approaches in the diagnosis and treatment of cardiovascular diseases" (November 12-13, 2021) Page 29.
12.Агабабян И.Р., Солеева С.Ш. Место статинов в комплексном лечении SARS-COV-2. Вопросы науки и образования №14 (139) 2021. с.70-80.

ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА КОНТРОЛЯ САХАРНОГО ДИАБЕТА 2 ТИПА НА ОСНОВЕ ПЕН ПРОТОКОЛОВ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ

Рахимова Х.М., Сулайманова Н.Э.

Резюме. *В статье рассматривается комплексные меры по борьбе с факторами риска посредством лечения и ухода за пациентами с неинфекционными заболеваниями. В связи с ростом смертности от сахарного диабета, увеличением таких осложнений, как инфаркт миокарда и инсульт, применение стандартных лекарственных средств и профилактика осложнений этого заболевания направлены на снижение смертности. Основной целью является оценка тактики ведения больных с диагнозом «сахарный диабет» на основе реализации PEN(Package of Essential Noncommunicable пакет неинфекционных заболеваний)-протоколов среди населения. По плану в течение 3-х месяцев ежемесячно 50 человек в возрасте старше 40 лет приглашались в поликлинику, где их опрашивали и обследовали по клиническому протоколу, проводили лабораторные и инструментальные исследования. Рутинный скрининг позволяет быстро выявить лиц с факторами риска, в том числе больных сахарным диабетом. Своевременное их лечение предотвращает развитие осложнений и направлено на снижение процента ранней смертности.*

Ключевые слова: *неинфекционные заболевания, сахарный диабет 2 типа, скрининг,лабораторные исследования.*

УДК: 616.89-02-089.(616.831-002.951.21+611.36)

ПРОФИЛАКТИКА РЕЦИДИВА ПОСЛЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ

Рахманов Косим Эрданович, Курбаниязов Зафар Бабажанович, Мизамов Фуркат Очилович,
Анарбоев Санжар Алишерович, Махрамкулов Зафар Мамиркулович
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИНИ ХИРУРГИК ДАВОСИДАН СЎНГ РЕЦИДИВ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Рахманов Қосим Эрданович, Курбаниязов Зафар Бабажанович, Мизамов Фурқат Очилович,
Анарбоев Санжар Алишерович, Махрамкулов Зафар Мамиркулович
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

PREVENTION OF RECURRENCE AFTER SURGICAL TREATMENT OF LIVER ECHINOCOCCOSIS

Rakhmanov Kosim Erdanovich, Kurbaniyazov Zafar Babajanovich, Mizamov Furkat Ochilovich,
Anarboev Sanjar Alisherovich, Makhramkulov Zafar Mamirkulovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: qosimmedik@mail.ru

Резюме. *Клиник тадқиқот жигар эчинококкози билан оғриган 371 беморни қамраб олди. Жигар эчинококкозини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини такомиллаштириш, оператив кесимни танлаш, даволаш усули ва қолдиқ бўшлиқни йўқ қилиш, шунингдек, профилактик кимётерапия курсини тўғрилаш натижасида даволаш сифати яхшиланди. Операциядан кейинги эрта даврда асоратлар 12,5% дан 4,3% гача ва операциядан кейинги узоқ даврда касалликнинг қайталаниши 11,9% дан 2,6% гача камайди. Жигарнинг сурункали диффуз патологияси бўлган беморларда жигар эчинококкозининг такрорланишини олдини олиш учун албендазол дозасини тўғрилаш клиник жиҳатдан асосли. Албендазолнинг ножўя таъсири 52,7% дан 18,3% гача камайди. Жигар аминотрансфераза кўрсаткичлари: АЛТ 1,14±0,11 дан 0,62±0,05 ммол/л гача, АСТ 0,72±0,07 дан 0,52±0,04 ммол/л гача пасайди.*

Калит сўзлар: *жигар эхинококкози, жарроҳлик даволаш, кимётерапия.*

Abstract. *The clinical study included 371 patients with liver echinococcosis. Optimization of the tactics of surgical treatment of liver echinococcosis, taking into account the choice of access, method of treatment and elimination of the residual cavity, as well as correction of the course of prophylactic chemotherapy, improved the quality of care by reducing the frequency of immediate postoperative complications from 12.5% to 4.3% and the recurrence of the disease from 11.9% to 2.6%. It is clinically justified to correct the dose of albendazole for the prevention of recurrence of liver echinococcosis in patients with concomitant chronic diffuse liver pathology, which made it possible to reduce the likelihood of adverse reactions from 52.7% to 18.3%, and, accordingly, indicators of hepatic aminotransferases: ALT in the comparison group from 1.14± 0.11 to 0.62±0.05 mmol/l in the main group and AST from 0.72±0.07 to 0.52±0.04 mmol/l.*

Key words: liver echinococcosis, surgical treatment, chemotherapy.

Введение. По данным Всемирной организации здравоохранения, «в мире эхинококкозом поражено более 1 млн человек, при этом среди различных органов и тканей в 44-84% случаев процесс локализуется в печени» [5, 6, 7]. В связи с отсутствием тенденции к снижению числа больных и существованием эндемичных регионов, где показатель заболеваемости варьирует от 1,2 до 9,0 на 100.000 населения это паразитарное заболевание продолжает оставаться серьезной медицинской и социальной проблемой [4]. На современном этапе диагностика эхинококкоза печени (ЭП) не представляет значительных трудностей, во многом благодаря появлению методов неинвазивной визуализации, информативность комплексного применения которых достигает 95-100% [1]. Однако отсутствие настороженности в отношении эхинококкоза способствует поздней диагностике, а, следовательно, увеличению осложненных форм заболевания [2, 3]. «Однако достаточно высокая частота послеоперационных осложнений (34-50%) и многочисленные случаи послеоперацион-

ных рецидивов заболевания (15-64%) свидетельствуют о недостаточной эффективности и надежности распространенной хирургической тактики» [7, 8]. В свете вышеизложенного становится очевидной необходимость усовершенствования известных и разработка новых эффективных мер профилактики и лечения этого грозного заболевания.

Материал и методы. Клиническое исследование составили 371 больных с ЭП. Из 371 больных в 2005-2008 гг. оперировано 145 (39,1%), которые составили 1-подгруппу группы сравнения. Во 2-ю подгруппу группы сравнения включены 111 (29,9%) больных, оперированных в 2009-2012 гг., у которых для обработки остаточной полости использовали 80-100% глицерин комнатной температуры. В основную группу вошли 115 (31,0%) больных, оперированных в 2013-2017 гг., у которых остаточная полость при неосложненном эхинококкозе обрабатывалась горячим глицерином, подогретым до 60^0С, а при осложненном – горячим глицерином в сочетании с ультразвуком низкой частоты.

Результаты и обсуждение. Абсолютное большинство выполненных эхинококкэктомий (99,8%) носило органосохраняющий характер, и только у 1 (0,2%) пациента пришлось прибегнуть к резекции левой доли печени. В подходящих ситуациях не упускали возможность выполнения идеальной эхинококкэтомии – 2 (0,3%) паразитарных кист было удалено вылущиванием целой хитиновой оболочки. В наших наблюдениях 412 (77,6%) остаточных полостей обработаны по типу закрытой эхинококкэктомии и только 116 (21,8%) фиброзных капсул было ушито полузакрытым методом на дренаже.

Химиотерапию альбендазолом начинали не позже 1 месяца после оперативного лечения. В группе сравнения послеоперационная химиотерапия проведена 112 (43,8%) больным по традиционной схеме. На фоне лечения отмечено повышение средней концентрации АСТ и АЛТ после первого курса химиотерапии, соответственно до 0,55±0,05 и 0,88±0,08 ммоль/л. Паренхиматозная желтуха наблюдалась у 3 (2,7%) больных, диспептические симптомы отмечались у 41 (36,6%) больного и у 2 (1,8%) больных развилась обратимая аллопеция, при этом в 16 (14,3%) случаев потребовалось отмена профилактического лечения. При этом следует подчеркнуть, что повышение трансаминаз было характерно для больных, страдающих или ранее страдавших заболеваниями печени.

Из 112 у 54 (48,2%) больных выявлено наличие сопутствующей хронической диффузной патологии печени. Учитывая этот факт, в основной группе проводилась коррекция дозы альбендазола с учетом исходного функционального состояния печени. При циррозе печени, а также в случаях с исходным (до операции) повышением печеночных ферментов, альбендазол применялся в дозе 5 мг/кг/сут. В свою очередь, при развитии изменений в биохимических показателях крови или клинических проявлениях токсического эффекта на фоне стандартной дозы альбендазола, пациентам также изменяли схему лечения до 5 мг/кг/сут. В основной группе хронические диффузные заболевания печени выявлены в 51,3% случаев. Исходно сниженные дозы альбендазола были применены у 11 (9,6%) пациентов, а снижение традиционной дозы на фоне биохимических изменений потребовалось еще 21 (18,3%) больному. В целом химиотерапию по предложенной схеме получили 32 (27,8%) пациента основной группы. Коррекция дозы у больных с побочными явлениями способствовала нормализации биохимических показателей и снижению риска токсических проявлений на фоне химиотерапии. Исследования показали, что вероятность развития побочных реакций на фоне химиотерапии альбендазолом по клиническим и лабораторным показателям составила 52,7% (59 больных в группе сравнения), что обусловлено токсическим эффектом препарата и наличием сопутствующей хронической диффузной патологии печени, при этом в 14,3% потребовалась отмечена лечения, в свою очередь возможность коррекции дозы позволила снизить это значение до 18,3% (21 пациент в основной группе) и соответственно обеспечить полноценный курс антипаразитарной терапии (критерий χ^2 = 26.703; p<0,001). Мониторинг печеночных аминтрансфераз также показал достоверное отличие этих показателей в группах сравнения. Так уровень АЛТ в группе сравнения составил 0,88±0,08 ммоль/л против 0,51±0,04 ммоль/л в основной группе (p<0,001), показатели АСТ достоверно не отличались, при этом среди пациентов с сопутствующей хронической патологией печени значени АЛТ составило – 1,14±0,11 против 0,62±0,05 ммоль/л (p<0,001) и АСТ – 0,72±0,07 против 0,52±0,04 ммоль/л (p<0,05). Из 236 больных, обследованных в отдаленные сроки, рецидив эхинококкоза отмечен у 21 (8,9%) больного, при этом в группе пациентов, оперированных в 2005-2008 гг., этот показатель достигал 16,3%, что было обусловлено отсутствием профилактической химиотерапии.

Анализ мировой литературы показывает, что в настоящее время нет точных критериев, позволяющих классифицировать вновь выявленные паразитарные кисты как реинвазивные, резидуальные, имплантационные или метастатические. Чтобы приблизительно ориентироваться в природе вновь выявленных в отдаленном периоде кист, мы изучили взаимоотношения локализации реци-

дивных и первично удаленных кист. Те рецидивные кисты, которые развивались в зоне предыдущего вмешательства, условно можно связать с недостатками апаразитарной и антипаразитарной техники первичного вмешательства. Если рецидив возникает в другой доле оперированного органа или в другом органе, то такие кисты, вероятнее всего, прогрессируют из микроскопических ларвоцист. Благодаря применению мер профилактики заболевания частоту рецидивов заболевания удалось снизить во 2-подгруппе группы сравнения до 5,9%, а в основной группе до 2,6%.

Таким образом, разработанный способа профилактической химиотерапии позволил улучшить качество оказываемой помощи за счет снижения частоты ближайших послеоперационных осложнений с 12,5% (32 пациента в группе сравнения) до 4,3% (5 пациентов в основной группе) (критерий $\chi2 = 4.954$; Df=1; p=0,027) и рецидива заболевания с 11,9% (19 пациентов в группе сравнения) до 2,6% (у 2 пациентов в основной группе) (критерий $\chi2 = 4.692$; Df=1; p=0,031).

Выводы. Экспериментальные исследования на 32 овцах показали, что в отдаленных от первичного эхинококковой кисты участках печени выявлено наличие микроскопически идентифицируемых зародышевых микрокист, что может привести к развитию рецидива заболевания после удаления крупных кист.

Стимулирование пролиферативно-продуктивной клеточной реакции вокруг зародышевой кисты паразита с угнетающим воздействием при применении альбендазола в дозе 20 мг/кг происходит в течение 2 недель, тогда как при дозе 10-15 и 5-7 мг/кг эффект наступал к 3-4 неделе наблюдения, что позволяет корректировать рекомендованную дозу альбендазола (10-12 мг/кг) в случаях возможного риска развития токсических реакций (диффузные заболевания печени) с учетом пролонгирования курсового лечения.

Клинически обосновано коррекция дозы альбендазола для профилактики рецидива эхинококкоза печени у пациентов с сопутствующей хронической диффузной патологией печени позволившая снизить вероятность развития побочных реакций с 52,7% до 18,3% ($\chi2 = 26.703$; p<0,001), и соответственно показателей печеночных аминтрансфераз: АЛТ в группе сравнения с 1,14±0,11 до 0,62±0,05 ммоль/л (p<0,001) в основной группе и АСТ с 0,72±0,07 до 0,52±0,04 ммоль/л (p<0,05).

Литература:

1. Ахмедов, И.Г. Рецидив эхинококковой болезни: патогенетические аспекты, профилактика, ранняя диагностика и лечение / И.Г. Ахмедов // Хирургия. -2006. - №4. - С. 52-57.
2. Руководство по хирургии очаговых паразитарных заболеваний печени / Н.В. Мерзликин, Альперович Б.И., Бражникова Н.А [и др.]; под ред. Н.В. Мерзликина. - Томск: Изд-во «Печатная мануфактура», 2013. - 468 с.
3. Химиотерапия и проблемы рецидивного эхинококкоза печени / Ф.Г. Назыров, А.В. Девятов, М.М. Акбаров [и др.] // Анналы хирургической гепатологии. - 2011. - Т. 16, №4. - С.19-24.
4. Харнас П С , Мусаев Г Х , Легоньков Ю А , Харнас С С Противогельминтная послеоперационная терапия в лечении больных эхинококкозом печени // Материалы межрегиональной научно-практической конференции хирургов «Малоинвазивные технологии в хирургии», Махачкала, 2005, стр 190-192
5. Шевченко Ю Л, Мусаев Г Х , Самохвалов А В , Харнас П С Химиотерапия эхинококкоза // Анналы хирургии, М , 2005, №2, стр 25-29
6. Этиопатогенетические аспекты рецидивного эхинококкоза печени и его диагностика / Ф.Н. Нишанов, М.Ф. Нишанов, А.К. Ботиров, А.З. Отакузиев // Вестник хирургии им.И.И.Грекова. - 2011. - №2. - С. 91-94.
7. LiverTox: Clinical and Research Information on Drug-Induced Liver Injury / Bethesda (MD): National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases; 2012-
8. Drug-induced Liver Injury / Stefan David, MD and James P Hamilton, MD / US Gastroenterol Hepatol Rev. 2010 Jan 1; 6: 73–80.

ПРОФИЛАКТИКА РЕЦИДИВА ПОСЛЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ

Рахманов К.Э., Курбаниязов З.Б., Мизамов Ф.О., Анарбоев С.А., Махрамкулов З.М.

Резюме. *Клиническое исследование составили 371 больных с эхинококкозом печени. Оптимизация тактики хирургического лечения эхинококкоза печени, с учетом выбора доступа, способа обработки и ликвидации остаточной полости, а также коррекции курса профилактической химиотерапии позволило улучшить качество оказываемой помощи за счет снижения частоты ближайших послеоперационных осложнений с 12,5% до 4,3% и рецидива заболевания с 11,9% до 2,6%. Клинически обосновано коррекция дозы альбендазола для профилактики рецидива эхинококкоза печени у пациентов с сопутствующей хронической диффузной патологией печени позволившая снизить вероятность развития побочных реакций с 52,7% до 18,3%, и соответственно показателей печеночных аминотрансфераз: АЛТ в группе сравнения с 1,14±0,11 до 0,62±0,05 ммоль/л в основной группе и АСТ с 0,72±0,07 до 0,52±0,04 ммоль/л.*

Ключевые слова: *эхинококкоз печени, хирургическое лечение, химиотерапия.*

УДК: 616.31-089.844-036.838

ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИДА СУЯК-РЕКОНСТРУКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИДАН КЕЙИН БЕМОРЛАРНИ КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ

Ризаев Жасур Алимджанович[1], Кубаев Азиз Саидолимович[1], Олимжонов Камрон Жасур ўғли[2]
1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;
2 - Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

КОМПЛЕКСНАЯ РЕАБИЛИТАЦИЯ ПАЦИЕНТОВ ПОСЛЕ КОСТНО-РЕКОНСТРУКТИВНЫХ ОПЕРАЦИЙ В ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

Ризаев Жасур Алимджанович[1], Кубаев Азиз Саидолимович[1], Олимжонов Камрон Жасур угли[2]
1 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;
2 - Ташкентский государственный стоматологический институт, Республика Узбекистан, г. Ташкент

COMPREHENSIVE REHABILITATION OF PATIENTS AFTER BONE RECONSTRUCTIVE SURGERY IN THE MAXILLOFACIAL REGION

Rizaev Jasur Alimdjanovich[1], Kubaev Aziz Saidolimovich[1], Olimjonov Kamron Jasur ugli[2]
1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;
2 - Tashkent State Dental Institute, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: azizkubaev784@gmail.com

Резюме: *мақола юз-жағ соҳасида туғма ва орттирилган аномалиялари ва деформациялари бўлган беморларни реабилитация қилишга бағишланган. 216 та беморни даволаш натижалари таҳлил қилинди. Узоқ муддатли даволаниш натижалари 10 йилгача ретроспектив равишда кузатилган. Кўп йиллик клиник тажрибага асосланиб, юз-жағ соҳасида суяк-пластик ва суяк-реконструктив операцияларда беморларга яхши анатомик-функционал ва эстетик даволаш натижаларини олиш имконини берадиган комплекс реабилитация схемаси ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга жорий этилган. Беморларни реабилитация қилиш натижалари касалликнинг оғирлигига (бир ёки икки томонлама бўғим шикастланиши), беморнинг ёшига, жарроҳлик даволаш усулига, пастки жағнинг узунасига ўсишини оптималлаштиришга қаратилган даволаш-профилактика чораларининг самарадорлигига боғлиқ эди.*

Калит сўзлар: *реабилитация, суяк пластикаси, ортодонтик ва ортопедик даволаш.*

Abstract*: the article is devoted to the rehabilitation of patients with congenital and acquired anomalies and deformities in the maxillofacial region. The results of treatment of 216 patients were analyzed. Retrospectively, the long-term results of treatment for up to 10 years were traced. Based on many years of clinical experience, a comprehensive rehabilitation scheme has been developed and introduced into clinical practice for patients undergoing bone-plastic and bone-reconstructive operations in the maxillofacial region, which allows to obtain good anatomical, functional and aesthetic treatment results. The results of rehabilitation of patients depended on the severity of the disease (one- or two-sided joint lesion), the age of the patient, and the method of surgical treatment, the effectiveness of therapeutic and preventive measures aimed at optimizing the longitudinal growth of the mandible.*

Keywords: *rehabilitation, bone grafting, orthodontic and orthopedic treatment.*

Кириш. Юз ва жағнинг аномалиялари ва деформациялари бўлган беморларни реабилитация қилиш стоматологиянинг долзарб вазифасидир, чунки юз-жағ соҳасидаги ҳар қандай касаллик ёки шикастланиш чайнаш, ютиш, нафас олиш, нутқ, юз эстетикаси функцияларининг яққол бузилиши билан бирга кузатилади. Касаллик ва жароҳатларнинг оқибатлари юз-жағ жарроҳи, ортодонт, логопед, ортопед, физиотерапевт, терапевт-стоматолог, оториноларинголог, офтальмолог, невропатолог томонидан узоқ муддатли комплекс реабилитация чораларини талаб этади.

Ортодонтик даволаш беморларни реабилитация қилишнинг якуний босқичи учун мақбул шароитларни яратишга – тиш ва альвеоляр ўсимта нуқсонларини чайнаш самарадорлиги ва эстетикасини тўлиқ тиклаш учун алмаштиришга имкон беради.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. 10 йил давомида юз-жағ соҳасида турли хил суяк-пластик ва суяк-реконструктив операцияларни ўтказган 2 ёшдан 34 ёшгача бўлган 216 та бемор бизнинг даволашимиз ва назоратимиз остида эди. Беморларни кузатиш муддати 6 ойдан 10 йилгача бўлган. Реабилитация босқичидаги барча беморларга клиник, антропометрик, рентгенологик, функционал ва статистик усуллардан фойдаланган ҳолда кенг қамровли текширувлар ўтказилди. Морфофункционал бузилишлар турига, реабилитация тадбирларининг характери ва кўламига қараб барча беморлар 3 гуруҳга бўлинди.

Тадқиқот натижалари: 1-гуруҳга кондил жараён сақланиб қолган шароитида суяк пластикасини ўтказган 95 нафар бемор киритилган.

Иккинчи назорат гуруҳида 64 та бемор бўлиб, уларда кондил жараён бўлмаган ҳолда пастки жағнинг суяк пластикаси ишлари амалга оширилди.

Учинчи назорат гуруҳида жағларнинг туғма ва орттирилган аномалиялари ва деформацияси бўлган, жарроҳлик муолажага, жумладан, нуқсонни суяк трансплантациясини қилиш билан жағлар остеотомиясига муҳтож бўлган 57 нафар бемор иштирок этди.

Беморларнинг клиник ва рентгенологик кузатувлари асосида юз-жағ соҳасида турли хил остеопластик ва реконструктив операциялар пайтида болалар ва ўсмирлар учун реабилитациянинг 3 та даврини ажратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Операциядан кейинги биринчи давроперацион аралашувдан бошланиб, суяк тўшагини трансплантат консолидацияси билан якунланади. Бу даврнинг давомийлиги 1-1,5 ой эди.

Иккинчи давр – трансплантатни суяк регенератори билан алмаштириш. Ушбу даврнинг давомийлиги, қабул қилувчи суяк тўшагининг табиатига ва трансплантат турига қараб, 8-18 ойни ташкил этди.

Учинчи давр - моделлаштириш, жағнинг регенераторини шакллантириш. Унинг давомийлиги 2 йилдан 10 йилгача бўлган ва беморнинг юз скелетининг ўсиши тугаши билан якунланган.

Клиник тажрибага асосланиб, биз остеопластик ва суяк реконструктив операциялари мавжуд беморлар томонидан амалга ошириладиган комплекс реабилитация схемасини ишлаб чиқдик ва клиник амалиётга киритдик. Даволаш ва профилактика тадбирларининг ҳажми, кетма-кетлиги ва муддати диспансер кузатув гуруҳига ва реабилитация даврига боғлиқ бўлди.

Биринчи кузатув даврида йиринглашнинг профилактикаси ўтказилди, репаратив регенерация учун шароитлар яратилди. Пастки жағни иммобилизация қилиш учун шиналар, каппалар, ушлаб турувчи воситалар ишлатилган. Бундан мустасно бўлганлар – суякбўлакларини никелид-титан скоблари ёки титанли минипластиналари билан қаттиқ маҳкамланган беморлар эди. Барча беморларда иммобилизация пайтида чайнаш мушакларининг электр стимуляцияси ўтказилди.

Иккинчи диспансер даврида кеч йиринглашнинг олдини олишга эътибор берилди. Шу мақсадда антибактериал терапия курси ўтказилди. Кўрсатмага кўра, паст частотали электр стимуляцияси амалга оширилди. Тиш бўшлиғидаги нуқсонларни алмаштириш учун биринчи диспансер гуруҳидаги беморларда бир ёки икки марта алмаштириш билан олинадиган пластинали протезлар тайёрланган. Иккинчи диспансер гуруҳидаги беморлар учун пастки жағни гиперкоррекция билан белгиланган ҳолатда маҳкамлаш учун ажратувчи тишлаш ёстиқчалари бўлган блокли қурилмалар тайёрланган. Иккинчи диспансер даврида протезни тузатиш ёки тўлиқ ўзгартириш амалга оширилди.

Учинчи диспансер даврида, умумий қабул қилинган схема бўйича, беморларга оғиз бўшлиғи санацияси, кариес ва парадонт касалликларнинг бирламчи профилактикаси ўтказилди, кўрсатмаларга кўра физиотерапия, миогимнастика, массаж ва электр стимуляцияси буюрилди.

Вақтинчалик прикус даврида – йилига бир марта, алмашинув прикус даврида – ҳар олти ойда бир марта, доимий прикус даврида – икки йилда бир марта алмаштириш билан олинадиган пластинали протезлар тайёрланди. Кўрсатмаларга мувофиқ ортодонтик даволаш амалга оширилди. Иккинчи диспансер гуруҳидаги беморларда прикусни, чакка-пастки жағ бўғими ҳамда чайнаш ва юз мушакларининг функцияларини нормаллаштиришга қаратилган ортодонтик даволаш ўтказилди. Функционал таъсир кўрсатувчи асбоблар ёрдамида биз пастки жағнинг узунасига ўсишини рағбатлантириш учун операция томонида дентоальвеоляр чўзилишни ҳосил қилишга ҳаракат қилдик.

Консерватив реабилитация чораларининг самарасизлиги ва пастки жағ регенераторининг ўсишининг даврий кечикишида компрессион-дистракция остеосинтези ёки такрорий суяк-пластик операциялар ўтказилди.

Учинчи диспансер гуруҳидаги беморлар дентоальвеоляр ёйларнинг шакли ва ҳажмини нормаллаштиришга қаратилган брекет тизимидан фойдаланган ҳолда операциядан олдинги ортодонтик даволанишга муҳтож эдиларки,

бунинг оқибатида операция вақтида конструктив прикусда фиссур-бурмали контактларини олишга имкон яратилди.

Режалаштириш босқичида юз-жағ жарроҳи билан биргаликдаги маслаҳатлашувда латерал телерентгенограмма проекцияси ва у билан биргаликда беморнинг профил фотосурати бўйича жарроҳлик аралашувнинг компьютер моделлаштириш ишлари амалга оширилди. Юқори ва пастки жағларда бир вақтнинг ўзида операция ўтказилганда, тишлар қатори ва жағларни тўғри жойлашишига эришиш ва уларни артикулаторда барқарорлаштириш учун жарроҳлик каппаси тайёрланди.

Учинчи диспансер даврида функционал ва барқарор окклюзияга эришишга қаратилган ортодонтик даволаш ўтказилди.

Биринчи диспансер гуруҳида жарроҳлик муолажасидан сўнг қисқа муддатда 91 та (95,8%) беморда даволашнинг яхши морфофункционал ва эстетик натижалар, 4 нафарида (4,2%) эса қониқарли натижалар қайд этилди.

Иккинчи диспансер гуруҳида 49 та (76,5%) беморда яхши, 15 та (23,5%) беморда қониқарли натижаларга эришилди.

Учинчи диспансер гуруҳида даволаш 46 та (80,7%) беморда яхши натижа билан якунланди, 11 нафарида (19,3%) қониқарли натижа қайд этилди.

Хулоса. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, юз ва бош суягида ўтказиладиган суяк-пластик ва суяк реконструктив операцияларидаги беморларни комплекс реабилитация қилиш биринчи ва учинчи диспансер гуруҳларида кондил жараённи сақлаб қолган ҳолда иккинчи – кондил жараёни йўқ кузатув гуруҳидагига қараганда самаралироқ бўлади. Иккинчи гуруҳ беморларини реабилитация қилиш натижалари касалликнинг оғирлигига (бир ёки икки томонлама бўғимларнинг шикастланишига), беморнинг ёшига, жарроҳлик даволаш усулига хамда пастки жағнинг узунасига ўсишини оптималлаштиришга қаратилган терапевтик ва профилактика чораларининг самарадорлигига боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Сысолятин П. Г. Восстановление функции жевания при костной пластике нижней челюсти / П. Г. Сысолятин, С. П. Железный, В. Э. Гюнтер // Рос. стоматол. журн. — 2007. — № 1. — С. 19.
2. Ризаев, Ж., Кубаев, А. и Бузрукзода, Ж. 2022. Современный подход к комплексной реабилитации пациентов с приобретенными дефектами верхней челюсти (обзор литературы). Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. 2, 3 (фев. 2022), 77–83. DOI:https://doi.org/10.26739.2181-0966-2021-3-15.
3. Ризаев Ж., Кубаев А. Предоперационные ошибки при хирургическом лечении верхней ретромикрогнатии // Европейский журнал молекулярной медицины. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
4. П.Х. Шавкатов, А.С. Кубаев, Ж.Д. Бузрукзода /Пути повышения эффективности комплексного лечения при переломах нижней челюсти с применением препарата пентаглобина // Volgamedscience: Сборник тезисов VII Всероссийской конференции молодых ученых и студентов с международным участием: материалы конференции, Нижний Новгород, 16–18 марта 2021 года. – С. 754-756.
5. Железный С. П. Протезирование больных с дефектами зубных рядов после костной пластики дефектов челюстей / С. П. Железный // Институт стоматологии. — 2011. — Т. 1, № 50. — С. 82–83.
6. Дентальная имплантация при синус-лифтинге и остеопластике / С. П. Железный [и др.] // Рос. стоматол. журн. — 2010. — № 6. — С. 19–20.
7. Buzrukzoda J.D., Kubaev A.S., Abdullaev A.S. Elimination Of Perforation Of The Bottom Of The Maxilla Jaw Sinus With Application Of Osteoplastic Material // Central asian journal of medical and natural sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 162-166.
8. Buzrukzoda J.D., Kubaev A.S., Abdullaev A.S. Elimination Of Perforation Of The Bottom Of The Maxilla Jaw Sinus With Application Of Osteoplastic Material // Central asian journal of medical and natural sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 162-166.

КОМПЛЕКСНАЯ РЕАБИЛИТАЦИЯ ПАЦИЕНТОВ ПОСЛЕ КОСТНО-РЕКОНСТРУКТИВНЫХ ОПЕРАЦИЙ В ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

Ризаев Ж.А., Кубаев А.С., Олимжонов К.Ж.

Резюме. *Статья посвящена реабилитации пациентов с врожденными и приобретенными аномалиями и деформациями челюстно-лицевой области. Были проанализированы результаты лечения 216 пациентов. Ретроспективно были прослежены отдаленные результаты лечения на срок до 10 лет. На основе многолетнего клинического опыта разработана и внедрена в клиническую практику комплексная схема реабилитации пациентов, перенесших костно-пластические и костно-реконструктивные операции в челюстно-лицевой области, которая позволяет получить хорошие анатомические, функциональные и эстетические результаты лечения. Результаты реабилитации пациентов зависели от тяжести заболевания (одностороннее или двустороннее поражение сустава), возраста пациента и метода хирургического лечения, эффективности лечебных и профилактических мероприятий, направленных на оптимизацию продольного роста нижней челюсти.*

Ключевые слова: *реабилитация, костная пластика, ортодонтическое и ортопедическое лечение.*

УДК: 616-001.5-08-089.8.

ЎН ИККИ БАРМОҚ ИЧАК ЖАРОҲАТЛАРИДА ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Рузибоев Санжар Абдусаломович[1], Амонов Худойберди Равшанович[2]
1 – Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;
2 - Самаркандский филиал Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи, Республика Узбекистан, г. Самарканд

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ ЛЕЧЕНИЯ ПОВРЕЖДЕНИЙ ДВЕНАДЦАТИПЕРСТНОЙ КИШКИ

Рузибоев Санжар Абдусаломович[1], Амонов Худойберди Равшанович[2]
1 – Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;
2 - Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE RESULTS OF TREATMENT OF DAMAGE TO THE DUODENUM

Ruziboev Sanjar Abdusalomovich[1], Amonov Khudoiberdi Ravshanovich[2]
1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;
2 - Samarkand branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medical Care, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. *Ўн икки бармоқ ичакнинг жароҳати бўлган 82 нафар беморда операциядан кейинги эрта даврда жарроҳлик даволаш натижалари ва асоратлари таҳлили ўтказилди. Операциядан кейинги эрта даврда энг кўп учрайдиган ва хавфли асоратлардан ўн икки бармоқ ичакка қўйилган чоклар етишмовчилиги натижасидаги тарқалган перитонит ривожланиши ёки ташқи оқма шаклланиши ҳисобланади. Ўлимга олиб келадиган асорат кўпинча анастамозларга қўйилган чоклар етишмовчилиги, ретроперитонеал флегмона бўлиб, бу септик инфекцияга ва тизимли полиорган этишмовчилигига олиб келади (ТПОН).*

Калит сўзлар: *Дуоденал травма, диагностика ва хирургик даволаш, асоратлар.*

Abstract. *The analysis of the results of surgical treatment and complications in the early postoperative period in 82 patients with duodenal lesions was carried out. The most frequent and formidable complication in the early postoperative period is the failure of the sutures of the duodenal wound with the development of peritonitis or the formation of an external fistula. The immediate complication leading to a fatal outcome is most often the failure of the sutures of the anastomoses to be applied, retroperitoneal phlegmon, which leads to septic infection and systemic multiple organ failure (SPON).*

Keywords: *Damage to the duodenum, surgical treatment.*

Тадқиқотнинг долзарблиги. Маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг таҳлилига кўра, ўн икки бармоқ ичакнинг механик шикастланиши етарли даражада ўрганилмаган муаммо ҳисобланади. Шу билан бирга, ўн икки бармоқ ичак шикастланиши билан оғриган беморларни ташхислаш сифати ва жарроҳлик даволаш натижалари ҳали ҳам анча паст даражада қолмоқда, бу ташхисга ягона ёндашув ва ўн икки бармоқ ичак деворининг турли хилдаги шикастланишлари учун ягона жарроҳлик тактикаси йўқлиги билан изоҳланади[1, 3, 9]. Операциядан кейинги дастлабки даврда энг кўп учрайдиган оғир асоратлар бу- ўн икки бармоқ ичак жароҳатидаги чоклар етишмовчилиги натижасида перитонит ривожланиши, ташқи оқма шаклланиши ҳисобланади[5, 7, 11]. Операциядан кейинги ўлим кўрсатгичининг юқори бўлиши, асосан, шифохонага кеч ётқизилиш ва ташхис қўйиш билан боғлиқ бўлиб, ўн икки бармоқ ичакнинг локал шикастланишида 11,8 дан 30,5% гача, қўшма жароҳатларида эса 46,6 дан 80% гача

Охирги 20 йил давомида бош миянинг шикастланиш биомаркерларидан ўтказилган краниоцеребрал травма оқибатларини прогноз (башорат) қилиш учун фойдаланилган [28, 34]. Чақалоқларда “асфиксия” диагнози билан бош мияга қон қуйилиш ва унинг тўқималарини зарарланишида кечадиган патофизиологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда охирги йиллар давомида нейропротеинлар, кальций боғловчи оқсил, вазоактив моддалар, оксидатил-стресс маркерлари ва яллиғланиш медиаторлари каби биомаркерлар батафсил ўрганилган [21]. Бош мия шикастланишлари оқибатларини эрта баҳолаш учун ушбу маркерлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги шубҳасизлигига қарамасдан, уларни клиник амалиётда, у ёки бу клиник ҳолатларда қўллаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилмаганлиги, ҳамда аниқ референс кўрсаткичларнинг йўқлиги уларнинг кенг қўлланилишини чеклайди. Организм турли тўқималарининг шикастланиш биомаркерларидан охирги ўн йилликларда клиник амалиётнинг турли йўналишларида фойдаланиб келинади. “Альцгеймер касаллиги” билан касалланган катта ёшли одамларда бош миянинг шикастланганлигини баҳолашда β-амилоид ва τ-протеин миқдорини аниқлаш ёки амилоид йиғилган ўчоқларни аниқлаш учун позитрон-эмиссион томография (ПЭТ) текширувидан фойдаланилади [14, 35]. Ўткир коронар синдромда миокарднинг шикастланиш маркерлари сифатида Тропонин Т ва I текширилади [2]. Ушбу мақоламизда бош миянинг шикастланишини кўрсатувчи биомаркерлари, хусусан клиник ва перинатал тиббиётда фойдаланиладиган биомаркерлар учун мос бўлган асосий мезонлар ёритиб берилади. Туғруқ вақтида ҳомила ҳолатини баҳолаш кардиотокография ва инвазив диагностика усуллари ёрдамида ўтказилади. Ҳомила ҳолатини ёмонлашиши билан боғлиқ “сохта-мусбат” ташхислар кўплигини ҳисобга олган ҳолда, кесар кесиш операциясини ўтказиш учун, ҳомила марказий нерв системаси ва унинг шикастланиш даражасини специфик биомаркерлар ёрдамида тасаввур қилиш зарур.

Ҳозирги вақтда МНСнинг оғир даражадаги шикастланишларидаги маълум маркерларнинг референс кўрсаткичлари аниқланган, бироқ ҳомиланинг туғруқ вақтидаги дистресси билан ҳомила инструментал мониторинги ва чақалоқлар ҳолатини Апгар шкаласи бўйича, клиник-неврологик ҳамда нейрорентгенологик жиҳатдан баҳолаш маълумотларининг ўзаро алоқадор кўрсаткичларига етарлича аниқлик киритилмаган.

Чақалоқлар янги туғилган вақтда кардиотокографияда аниқланланган турли патологик паттернлар ва ацидознинг йўқлиги ҳолатида гипоксиянинг кечки даврдаги оқибатларини олдиндан айта олиш учун киндик қонидан МНСнинг шикастланиш маркерларини текшириш нисбатан фойдали эканлигини қайд этиш лозим.

Бош миянинг перинатал шикастланиш биомаркерларини текшириш шуни кўрсатадики, мия тўқимаси шикастлангандан сўнг зарарланиш даражаси ва бош миядаги жойлашган жойини олдиндан аниқлаш мумкин.

Ҳомила ҳолатини интранатал кузатишда анъанавий текшириш усуллари ва кўрсатилган биомаркерлар билан биргаликда баҳолаш бош миянинг гипоксик травмасини нисбатан аниқ башорат қилишга имкон яратади.

Чақалоқларда бош миянинг перинатал шикастланишларини аниқлаш учун қўлланиладиган биомаркерлар. Ҳозирги вақтда бош миянинг перинатал шикастланиши ташхиси клиник, инструментал ва лаборатор текшириш хулосалари асосида қўйилади [39, 42]. Травманинг нохуш оқибатларини олдини олишда эрта диагностика қилиш ва даволашни эрта бошлаш катта аҳамиятга эга. Касалликнинг клиник белгилари тўлиқ юзага чиқмасдан бош мия шикастланиш биомаркерларини аниқлашнинг имкони бор.

Вақтидан ўтиб туғилган чақалоқлардаги перинатал асфиксия (ПА), гипоксик ишемик энцефалопатия (ГИЭ) ва муддатига етмай туғилган

чақалоқлардаги бош мия қоринчаларига қон қуйилиши туфайли бош мия шикастланишининг потенциал маркерлари қуйида келтирилган қатор оқсил молекулаларига бўлинади.

S100B. S100B астроцитлар томонидан, шунингдек, МНС дан ташқарида ҳам синтезланадиган кальций-боғловчи оқсиллар оиласига тегишли. У нейроннинг ўсиши ва кальций миқдорини бошқаришда қатнашади, клиник амалиётда эса асосан меланома онкомаркери сифатида фойдаланилади. S100B кўплаб биологик суюқликлар (церебро-спинал суюқлик, қон, сийдик, амнион суюқлиги, сўлак ва сут) таркибида аниқланади [30]. МНС (глиал ҳужайралар, нейронлар) да юқори концентрацияда, ҳужайрадан ташқари муҳитда эса нисбатан кам миқдорда учрайди [20, 46]. S100B нейронал гемостазни сақлашда қатнашади. 10-9 мол/л концентрацияда нейритларнинг ўсишини стимуллайди ва нейронларнинг яшовчанлигини оширади, 10-6 мол/л концентрацияда яллиғланиш цитокинлари экспрессиясини стимуллайди ва апоптозни индуцирлайди.

ПА, ГИЭ ва бош мия қоринчаларига қон қуйилиши туфайли ривожланган бош миянинг перинатал шикастланишларида [10], соғлом чақалоқларда бош миянинг физиологик ривожланишида, шунингдек, ҳомиладорлар, юқори хавф гуруҳига кирувчилар ва чақалоқларни дори-дармонлар билан даволашнинг ножўя таъсирларини баҳолашда биологик суюқликлар таркибидаги S100B миқдорини аниқлаш зарурий маълумотни бера олади.

Активин А. Бу биомаркер ўсишнинг β-трансформацияловчи омиллари оиласига тааллуқли бўлиб, нейронларнинг дифференциацияси ва пролиферациясини ҳам бошқаради. Охирги бир неча йилда турли биологик суюқликлар (церебро-спинал суюқлик, кўкрак сути, сийдик) таркибидаги активин-А концентрациясини аниқлашнинг имкони пайдо бўлди [22]. Бош мия шикастланиши билан кечувчи турли клиник ҳолатлар (перинатал асфиксия, гипоксик ишемик энцефалопатия, бош мия қоринчаларига қон қуйилиши) ва ҳомиладорларни дори-дармонлар билан даволашнинг ножўя таъсирларини аниқлашда активин А концентрациясини текшириш керакли маълумотларни беради [53]. Мисол учун активин А концентрациясини аниқлаш, ҳомиладорлик даврида антидепрессантлардан фойдаланилганда, уларнинг ҳомила МНС ривожланиши ва вазифасига таъсирини баҳолаш имконини беради [8]. Ҳайвонларда ўтказилган экспериментал текширувларда активин А нинг гипоксия туфайли бош мия шикастланишидан кейинги нейропротекция ва регенератив жараёнларга бевосита иштирок этиши исботланган [17]. Ҳозирги кунда бош мия шикастланишларида активин А концентрацияси ва МРТ текшируви хулосалари, шу билан биргаликда даволашнинг эрта ва кечки даврлардаги натижалари ўртасидаги алоқа ҳақида маълумотлар кам. Активин А нинг чақалоқлар ва катта ёшли болаларда турли миқдорда ишлаб чиқарилиши, унинг МНС ривожланишида трофик омил сифатида иштирок этиши мумкинлигини кўрсатади.

Вақтига етиб туғилган перинатал асфиксия туфайли гипоксик ишемик энцефалопатия кузатилган чақалоқларнинг церебро-спинал суюқлиги таркибидаги активин А концентрацияси, гипоксик-ишемик энцефалопатия кузатилмаган чақалоқларникидан юқори бўлади. Бошқа текширувларда вақтига етиб туғилган чақалоқлардаги активин А концентрацияси фетал циркуляциянинг бузилиши ва гипоксия даражасига ижобий корреляция бўлиши кўрсатилган. Сўнги йиллардаги текширувларда чақалоқлар сийдигидаги активин А даражаси гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланиш даражасига боғлиқлиги ўрганилган [23]. Бу текширув хулосаларига кўра, сийдикдаги активин А даражаси >0,08 нг/л бўлиши ўртача ёки оғир даражадаги гипоксик ишемик энцефалопатияни 83,3% сезгирликда ва 100% спецификликда олдиндан айтишга имкон беради.

Адреномедуллин. Адреномедуллин (АМ) кальцитонин гени билан боғланган оқсиллар оиласига киради ва биринчи марта феохромоцитома билан касалланган беморда аниқланган. У гипоксия ва яллиғланиш жараёнларида иштирок етади. Интерлейкин-1β таъсирида ишлаб чиқарилади ҳамда неоваскуляризация жараёнида ўсиш факторлари ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради [21]. У МНС да нейрон ва қон-томир эндотелийсидан ишлаб чиқарилади. Эндотелий ҳужайраларидан NO (азот II оксиди) чиқишини стимуллаш орқали қон томирларни кенгайтирувчи таъсир кўрсатади. Нейронал гемостазни қўллаб қувватлаш ва апоптозни ингибирлашга иштирок этиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек АМ нинг ҳомила ва чақалоқлардаги ишемия вақтида юрак-қон томир тизимининг реперфузион шикастланишидаги аҳамияти ўрганилмоқда. Унинг қондаги, церебро-спинал суюқликдаги, амнион суюқлигидаги миқдорини аниқлаш ПЕ, ГИЭ, мия қоринчаларига қон қуйилиши, ҳомила ўсиши тўхташ синдромида ҳомила ёки чақалоқлардаги бош миянинг ўткир ва сурункали шикастланишлари ҳақида маълумот беради [44]. Ҳомиланинг сурункали гипоксияси ва ҳомила ўсиш тўхташи синдромида АМ нинг концентрацияси ўлчанади, шу билан биргаликда даволашнинг эффективлигини баҳолаш учун фойдаланилади [7]. П. Флорио ва ҳаммуаллифлари (2008) томонидан туғма юрак нуқсони билан туғилган чақалоқлардаги

кардиохирургия амалиёти вақтида, сунъий қон айланиш аппаратидан фойдаланилганда, бўлиши мумкин бўлган МНСнинг шикастланишини баҳолаш учун АМ концентрациясини ўлчаш билан боғлиқ илмий текширув ўтказилган. Шуни таъкидлаш керакки, адреномедуллин концентрацияси билан бош мия шикастланиши даражаларининг МРТ кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқли охиригача ўрганилмаган. Шунингдек, чақалоқлар ва катта ёшдаги болалардаги адреномедуллин миқдорининг референс кўрсаткичлари аниқланмаган. Гестацион ёш ёки жинс билан адреномедуллин концентрацияси ўртасидаги алоқалар ҳақида маълумотлар ҳам етарли эмас.

Нейроспецифик энолаза. Нейроспецифик энолаза (НСЭ) – гликолиз учун зарур бўлган энолаза ферментининг изомаридир. Ҳозирги вақтда НСЭ нейронлар шикастланишининг ўзига хос лаборатор белгиларидан бири сифатида қаралади ва марказий нерв тизимининг дифференциация даражасини аниқлаш учун хизмат қилади (НСЭ нейронлар дифференциация синиг нисбатан кеч босқичларида, синаптогенез бошланиши билан яъни ҳомиладорликнинг 22-ҳафтасидан кейин аниқланади). НСЭ нейроэндокрин ўсмалар ва нерв тўқимаси шикастланишининг специфик зардоб маркери ҳисобланади [56].

Нейроспецифик энолаза нерв тўқимаси шикастланишининг асосий оқсил маркери ҳисобланади. НСЭ марказий нерв тўқимаси ҳужайраларининг ҳужайра ичи ферменти ҳисобланади. Нейроэндокрин келиб чиқишга эга ҳужайраларда мавжуд ва ҳозирги вақтда аниқланишича барча дифференциациялашган нейронларнинг умумий, ягона маркер ҳисобланади. Нерв тўқимасининг зарарланиши билан кечувчи патологик жараёнларда бу оқсилнинг цереброспинал суюқликда ёки қон зардобида сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқланиши, нейронлар шикастланиш даражаси ва гематоэнцефалитик тўсиқ бутунлиги бузилиши тўғрисида қимматли маълумотлар беради [9, 13, 33, 48].

Цитоплазма ичи гликолитик энолаза ферментининг нейронга хос шакли нейрон ва нейроэндокрин ҳужайра цитоплазмасида ишлаб чиқарилади [7, 44]. У инсульт, краниоцеребрал травма, перинатал энцефалопатия, гипоксик-ишемик энцефалопатиядан кейинги нерв тўқимаси шикастланиши ёки гематоэнцефалик тўсиқ ўтказувчанлигининг бузилишида қон ва цереброспинал суюқлик таркибида аниқланади [25, 27]. НСЭ чақалоқлар бош мия травмалари ва асфиксия билан туғилганлар учун истиқболли биомаркер бўлишига қарамасдан, унинг эритроситлар мембранасига экспрессияси туфайли юзага келувчи гемолиз жараёни ундан фойдаланишни чеклайди. Ҳозирги вақтда НСЭ концентрацияси ва бош мия шикастланиши даражаларининг МСКТ, МРТ кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцияси тўлиқ ўрганилмаган.

Муддатига етиб туғилган чақалоқлар қонидаги НСЭ миқдорининг ошиши назорат гуруҳига кирувчи чақалоқларнинг натижалари билан таққосланган адабиётларда қайд қилинган. Бундан ташқари, НСЭ нинг юқори миқдорда бўлиши ушбу гуруҳга кирувчи чақалоқлардаги салбий оқибатлар билан боғлиқлиги кўрсатилган [12]. Бошқа текширувларда НСЭ миқдори билан гипоксик-ишемик энцефалопатия ўртасидаги боғлиқлик аниқланмаган [43]. Ўз навбатида Роса ва ҳаммуаллифлари туғилгандан кейинги ва 2 ёшли болалардаги неврологик текширувларнинг НСЭ билан аниқ боғлиқлик борлигини исботлашган.

Оксидланиш стресси маркерлари. Оксидланиш стресси ҳомила ва чақалоқлар касалликлари патогенезида асосий аҳамият касб этади [11, 45]. Муддатига етмай туғилган чақалоқларда антиоксидант тизим тўлиқ шаклланмаган бўлади. Бундай ҳолда эркин радикаллар таъсирига қарши таъсир қилиш имкони бўлмайди ва ҳужайра, тўқима ҳамда органларнинг шикастланиши учун қулай шароит пайдо бўлади. Эритроцитлар таркибида кислород концентрацияси юқорилиги ва темир сақловчи гем моддасининг борлиги туфайли улар эркин радикалларнинг шикастловчи таъсирига сезгир ҳисобланади. Бу муддатига етмай туғилган чақалоқларда гипоксияга жавобан анемия ривожланиши сабабларидан биридир.

С. Перроне ва ҳаммуаллифлар (2012) перинатал даврда ҳомиладорлик ҳамда эрта неонатал даврнинг асоратли кечиши билан оксидланиш стресси даражасини ўзаро алоқасини кўрсатиб беришган. Шундай қилиб, турли биологик суюқликлар таркибидаги оксидланиш стресси маркерлари концентрациясини аниқлаш ва оксидланиш стресси маркерлари миқдори билан бош мия шикастланиши даражаларининг МСКТ, МРТ кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцияни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Глиал фибрилляр кислотали оқсил (G-FAP) Глиал фибрилляр кислотали оқсил нерв тўқимаси шикастланиши ва нейроглиоз жараёнида тез ажралиб чиқади. Унинг қон зардобидаги концентрацияси инсультдан сўнг, бош миянинг ишемик шикастланиш даражасига мос равишда ошиб борада. Бундан ташқари, перинатал асфиксия кузатилган болаларда G-FAP нинг концентрацияси, соғлом болаларга нисбатан юқори бўлади. G-FAP дан биомаркер сифатида чақалоқлардаги гипоксик ишемик энцефалопатияни аниқлаш, шунингдек, неонатал

гипотермиядан фойдаланилганда МНС ҳолатини мониторинг қилишда фойдаланилади [19]. Чақалоқлардаги гипоксик ишемик энцефалопатия оқибатларидаги неврологик бузилишларнинг диагностикасида G-FAP ни аниқлаш барча клиник кўрсаткичларга нисбатан устунроқ эканлигини айтиш мумкин. Кейинги илмий изланишларда G-FAP билан неврологик етишмовчиликлар ҳамда бош мия шикастланишларининг МРТ маълумотлари ўртасидаги алоқани аниқлаш ва кечки оқибатларни баҳолаш зарур.

Гемооксигеназа-1. Гемооксигеназа-1 (НО-1) гем деградацияси тезлигини чеклайдиган фермент бўлиб, темирнинг эквимолляр миқдори, углерод ИИ оксиди ва биливердин таъсирида ишлаб чиқарилади, сўнгра, биливердинредуктаза ферменти таъсирида билирубин ҳосил қилади [58]. НО-1 индуксияланувчи фермент изоформаси ҳисобланади. У турли патологик ҳолатларда, шу билан биргаликда перинатал даврда ҳам синтезланиши мумкин [4, 5, 15, 18, 55]. Перинатал ишемик энцефалопатияда НО-1 синтезининг ошиши унинг ҳимоя функцияси билан боғлиқ ҳисобланади [57]. У антиоксидант, яллиғланишга ва апоптозга қарши таъсир кўрсатади [26]. Турли биологик суюқликлар таркибидаги НО-1 концентрациясини ўрганиш келажакда плацентация жараёнидаги томирлар тўри ривожланиши, асоратланган ҳомиладорлик патогенези ва вақтидан олдинги туғруқда НО-тизим муҳим рол ўйнашини таҳмин қилишга асос ҳисобланади [37]. Шундай қилиб, келажакда перинатал асфиксия, гипоксик ишемик энцефалопатия ва бош мия қоринчаларига қон қуйилиши вақтида НО-1 даражасини ўзгаришларини ўрганишга бағишланган илмий изланишларни олиб бориш, шунингдек, НО-1 концентрацияси ва бош мия шикастланиш даражасининг МРТ маълумотлари ўртасидаги алоқани баҳолаш зарур.

МикроРНК. МикроРНКлар ўзида тахминан 22 та нуклеотид сақловчи кичик кодланмаган РНК молекулаларидир [1]. РНК нинг бу фрагментлари матрикс (мРНК) трансляцияси ва кейинги оқсил синтезини ингибирлаш йўли билан генлар экспрессиясини бошқаради. Шундай қилиб, микроРНК ҳужайраларнинг пролиферацияси, дифференциацияси, метаболизми ва биологик ҳужайралар ўлимида иштирок этади [6].

А. Луней ва ҳаммуаллифлари (2015) маълумотларига кўра, перинатал асфиксия ва ГИЭ билан туғилган чақалоқлардаги микро-РНК374а (миР-374а) концентрацияси соғлом болалардагига нисбатан кам эканлиги аниқланган. Унинг камайишига олиб келадиган сабаблар охиригача ўрганилмаган ҳамда полимераза занжир реакцияси усулида аниқланган микроРНК нинг референс миқдорларига ҳозиргача аниқлик киритилмаган [38]. Ҳомиладорлар қонидаги мРНК миқдорини аниқлаш, ҳомила гипоксияси вақтида унинг миқдори ошишини кўрсатади.

Хулоса. Ҳозирги вақтда биомаркерлар МНСнинг ривожланиши, фаолияти ва зарарланишини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар сифатида кейинги тадқиқотларнинг муҳим объектига айланиши тобора аниқ бўлиб бормоқда. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, биомаркерларни турли анализатор тизимлари ва усуллари (ELISA, хемилюминесценс, газ хроматографияси ва бошқалар) ёрдамида аниқлаш мумкин, уларнинг ҳар бири битта бемор учун турли натижаларни кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар хил биологик муҳитда, шунингдек, ҳомиладорлик ёши, жинси, туғилиш паритети билан боғлиқ бўлган ҳар бир биомаркер учун референс қийматлари ҳали тўлиқ аниқланмаган [52]. Шунингдек, туғруқ вақтида асфиксия ҳолати кузатилмаган чақалоқлар дистрессида МНСнинг ҳолатини баҳолайдиган маълумотлар йўқ. Туғруқ пайтида кардиотокография маълумотларига қараб МНС нинг кечки даврдаги шикастланишларини башорат қилиш кесар кесиш операциясини ўтказиш масаласини ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради. Тадқиқотнинг яна бир муҳим йўналиши - бу диагностиканинг "олтин стандарти" бўлган кўпроқ вақт талаб қиладиган ва қимматли тадқиқот усуллари (МРТ) ёрдамида аниқланган мия шикастланишининг прогнози сифатида биомаркер даражасини баҳолаш ҳисобланади. S100B ва активин А мия шикастланишини аниқлаш ва унинг оқибатларини баҳолаш учун энг ишончли ва истиқболли биомаркерлардир [3, 40, 49]. Биомаркерларни тиббиётда қўллашнинг асосий афзалликлари – текширишнинг осонлиги, аниқлаш қийматининг арзонлиги билан биргаликда бу усулнинг юқори самарадорлиги, инсонга зарарли таъсир қилмасдан сийдик ва сўлак каби биологик суюқликлардан аниқлаш имконининг борлиги, узоқ вақт мониторинг қилиш ва қисқа вақтда натижаларни олиш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади.

Перинатал асфиксия билан туғилган чақалоқларда ўтказиладиган терапиянинг натижаларини баҳолаш мақсадида биомаркерларни ўрганиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади [3, 16]. Юқорида санаб ўтилган барча биологик фаол моддалар турли патофизиологик жараёнларда иштирок этади ҳамда турли даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолашда ижобий аҳамиятга эга. А. Роса ва ҳаммуаллифларга кўра (2012), перинатал асфиксия ва гипоксик ишемик энцефалопатия кузатиган чақалоқларда гипотермия ўтказилишини мониторинг қилиш вақтидаги

кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, ёмон неврологик натижалар ҳамда эрта неонатал ўлим билан биомаркерлар концентрацияси ўзаро корреляция бўлади [50]. Кейинги тадқиқотларда биомаркерлар нафақат гипотермия ўтказилаётган чақалоқлар ҳолатини мониторинг қилиш, балки бошқа турдаги даволаш усулларининг натижаларини баҳолаш мақсадида ҳам фойдаланиш, аҳамиятини баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида перинатал шикастланишларда МНСнинг ҳолатини комплекс баҳолаш панелини тузиш, нейронлар ўлими, нерв импульсларининг нейронлараро ўтказувчанлиги ва бош мия когнитив вазифасининг бузилишини бевосита ифодаловчи маркерларнинг беморлардаги клиник-неврологик ва нейрорентгенологик текширувлар хулосалари билан боғлиқлигини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ambros V. microRNAs: tiny regulators with great potential. Cell. 2001; 107: 823–6.
2. Apple F.S., Jesse R.L., Newby L.K., et al. National Academy of Clinical Biochemistry; IFCC Committee for Standardization of Markers of Cardiac Damage. National Academy of Clinical Biochemistry and IFCC Committee for Standardization of Markers of Cardiac Damage Laboratory Medicine Practice Guidelines: Analytical issues for biochemical markers of acute coronary syndromes. Circulation. 2007; 115: e352–5.
3. Atzori L., Antonucci R., Barberini L., et al. 1H NMR-based metabolomic analysis of urine from preterm and term neonates. Front Biosci (Elite Ed). 2011; 3: 1005–12.
4. Bainbridge S.A., Smith G.N. HO in pregnancy. Free Radic Biol Med. 2005; 38: 979–88.
5. Barber A., Robson S.C., Myatt L., et al. Heme oxygenase expression in human placenta and placental bed: reduced expression of placenta endothelial HO-2 in preeclampsia and fetal growth restriction. FASEB J. 2001; 15: 1158–68.
6. Bartel D.P. MicroRNAs: genomics, biogenesis, mechanism, and function. Cell. 2004; 116: 281–97.
7. Basile A.M., Fusi C., Conti A.A., et al. S-100 protein and neuron specific enolase as markers of subclinical cerebral damage after cardiac surgery: preliminary observation of a 6-month follow-up study. Eur Neurol. 2001; 45: 151–9.
8. Bellissima V., Visser G.H., Ververs T.F., et al. Antenatal maternal antidepressants drugs affect activin A concentrations in maternal blood, in amniotic fluid and in fetal cord blood. J Matern Fetal Neonatal Med. 2011; 24: 31–4.
9. Berezin V.A., Belik. Ya. V. Специфические белки нервной ткани /- Киев : Наукова думка, 1990. — С. 264.
10. Blennow M., Savman K., Ilves P., et al. Brain-specific proteins in the cerebrospinal fluid of severely asphyxiated newborn infants. Acta Paediatr. 2001; 90: 1171–5.
11. Bracci R., Perrone S., Buonocore G. The timing of neonatal brain damage. Biol Neonate. 2006; 90: 145–55.
12. Celtik C., Acunas B., Oner E., et al. Neuron-specific enolase as a marker of the severity and outcome of hypoxic encephalopathy. Brain Dev. 2004; 26: 398–402.
13. Chekhonin V.P.,. Gurina O. I, Ryabukhin I. A. Иммуноферментный анализ нейронспецифической енолазы на основе моноклональных антител в оценке проницаемости гематоэнцефалического барьера при нервно-психических заболеваниях / [и др.] // Рос. психиатр. журн. — 2000. — № 4. — С. 15–19.
14. Cullen V.C., Fredenburg R.A., Evans C., et al. Development and advanced validation of an optimized method for the quantitation ofAb42 in human cerebrospinal fluid. AAPS J. 2012; 14: 510–8.
15. Denschlag D., Marculescu R., Unfried G., et al. The size of a microsatellite polymorphism of the haem oxygenase 1 gene is associated with idiopathic recurrent miscarriage. Mol Hum Reprod. 2004; 10: 211–4.
16. Dessi A., Atzori L., Noto A., et al. Metabolomics in newborns with intrauterine growth retardation (IUGR): urine reveals markers of metabolic syndrome. J Matern Fetal Neonatal Med. 2011; 24: 35–9.
17. Di Iorio R., Marinoni E., Lituania M., et al. Adrenomedullinin creases in term asphyxiated newborns developing intraventricular hemorrhage. Clin Biochem. 2004; 37: 1112–6.
18. Eide I.P., Isaksen C.V., Salvesen K.A., et al. Decidual expression and maternal serum levels of heme oxygenase 1 are increased in preeclampsia. Acta Obstet Gynecol Scand. 2008; 87: 272–9.
19. Ennen C.S., Huisman T.A., Savage W.J., et al. Glial fibrillary acidic protein as a biomarker for neonatal hypoxic-ischemic encephalopathytreated with whole-body cooling. Am J Obstet Gynecol. 2011; 205: 251–7.
20. Ferri G.L., Probert L., Cocchia D., et al. Evidence for the presence of S-100 protein in the glial component of the human enteric nervous system. Nature. 1986; 297: 409–10.
21. Florio P., Abella R., Marinoni E., et al. Biochemical markers of perinatal brain damage. Front Biosci (Schol Ed). 2010; 2: 47–72.
22. Florio P., Frigiola A., Battista R., et al. Activin A in asphyxiated full term newborns with hypoxic ischemic encephalopathy. Front Biosci (Elite Ed). 2010; 2: 36–42.

23. Florio P., Frigiola A., Battista R., et al. Activin A in asphyxiated full-term newborns with hypoxic ischemic encephalopathy. Front. Biosci. 2010; 2: 36–42.
24. Foerch C., Singer O.C., Neumann-Haefelin T., et al. Evaluation of serum S100B as a surrogate marker for long-term outcome and infarct volume in acute middle cerebral artery infarction. Arch Neurol. 2005; 62: 1130–4.
25. Fogel W., Krieger D., Veith M., et al. Serum neuron-specific enolase as early predictor of outcome after cardiac arrest. Crit Care Med. 1997; 25: 1133–8.
26. Fujita T., Toda K., Karimova A., et al. Paradoxical rescue from ischemic lung injury by inhaled carbon monoxide driven by derepression of fibrinolysis. Nat Med. 2001; 7: 598–604.
27. Garcia-Alix A., Cabanas F., Pellicer A., et al. Neuron-specific enolase and myelin basic protein: relationship of cerebrospinal fluid concentrations to the neurologic condition of asphyxiated full-term infants. Pediatrics. 1994; 93: 234–40.
28. Gazzolo D., Abella R., Frigiola A., et al. Neuromarkers and unconventional biological fluids. J Matern Fetal Neonatal Med. 2010; 23: 66–9.
29. Gazzolo D., Frigiola A., Bashir M., et al. Diagnostic accuracy of S100B urinary testing at birth in full-term asphyxiated newborns to predict neonatal death. PLoS One. 2009; 4: e4298.
30. Gazzolo D., Michetti F. Perinatal S100B protein assessment inhuman unconventional biological fluids: a minireview and new perspectives. Cardiovasc Psychiatry Neurol. 2010; 2010: 703563.
31. Hayakata T., Shiozaki T., Tasaki O., et al. Changes in CSF S100B and cytokine concentrations in early-phase severe traumatic brain injury. Shock. 2004; 22: 102–7.
32. Hellstrom-Westas L., Rosen I. Continuous brain-function monitoring: state of the art in clinical practice. Semin Fetal Neonatal Med. 2006; 11: 503–11.
33. Karyakina G. M., Nadezhdina M. V., Hinko M. A. Нейронспецифическая енолаза как индикатор поражения мозговой ткани при ишемических инсультов / // Неврол. вестн. — 2007. — Т. 39, № 1. — С. 41–44. 6
34. Kochanek P.M., Berger R.P., Bayir H., et al. Biomarkers of primary and evolving damage in traumatic and ischemic brain injury: diagnosis, prognosis, probing mechanisms, and therapeutic decision making. Curr Opin Crit Care. 2008; 14: 135–41.
35. Koo J., Byun Y. Current status of PET-imaging probes of beta-amyloid plaques. Arch Pharm Res 2013; 36 (10): 1178–84.
36. Kovesdi E., Luckl J., Bukovics P., et al. Up-date on protein biomarkersin traumatic brain injury with emphasis on clinical use in adults and pediatrics. Acta Neurochir (Wien). 2010; 152: 1–17.
37. Li Volti G., Galvano F., Frigiola A., et al. Potential immunoregulatory role of heme oxygenase-1 in human milk: a combined biochemical and molecular modeling approach. J Nutr Biochem. 2010; 21: 865–71.
38. Looney A.M., et al. Down-regulation of umbilical cord blood levels of miR-374a in neonatal hypoxic ischemic encephalopathy. J. Pediatr. 2015; 167: 269–73.
39. Low J.A., Lindsay B.G., Derrick E.J. Threshold of metabolic acidosis-associated with newborn complications. Am J Obstet Gynecol. 1997;
40. Michetti F., Corvino V., Geloso M.C., et al. The S100B protein in biological fluids: more than a lifelong biomarker of brain distress. J Neurochem. 2012; 120: 644–59.
41. Moritz S., Schmidt C., Bucher M., et al. Neuromonitoring in carotid surgery: are the results obtained in awake patients transferable to patients under sevoflurane/fentanyl anesthesia? J Neurosurg Anesthesiol. 2010; 22: 21–31.
42. Mulligan J.C., Painter M.J., O'Donoghue P.A., et al. Neonatal asphyxia II. Neonatal mortality and long-term sequelae. J Pediatr. 1980; 96: 903–7.
43. Nagdyman N., Komen W., Ko H., et al. Early biochemical indicators of hypoxic ischemic encephalopathy after birth asphyxia. Pediatr Res. 2001; 49: 502–6.
44. Pahlman S., Esscher T., Bergvall P., Odelstad L. Purification and characterization of human neuron-specific enolase: radioimmunoassay development. Tumour Biol. 1984; 5: 127–39.
45. Perrone S., Tataranno M.L., Stazzoni G., Buonocore G. Biomarkers of oxidative stress in fetal and neonatal diseases. J Matern Fetal Neonatal Med. 2012; 25: 2575–8.
46. Pham N., Fazio V., Cucullo L., et al. Extracranial sources of S100B do not affect serum levels. PLoS One. 2010; 5 (9). 47: 954–6.
47. Pleines U.E., Morganti-Kossmann M.C., Rancan M., et al. S-100 beta reflects the extent of injury and outcome, whereas neuronal specific enolase is a better indicator of neuroinflammation in patients with severe traumatic brain injury. J Neurotrauma. 2001; 18: 491–8.
48. Protein S100, neu-ron-specific enolase (NCE), myelin basic protein (MBP) and glial fibrialy acidic protein (GFAR) in cerebrospinal fluid (CSF) and blood of neurological paitiens / K. J. Lamers, P. Vos, M. M. Verbeek [et al.] // Brain Res. Bull. — 2003. — Vol. 15. — P. 261–264.
49. Risso F.M., Serpero L.D., Zimmermann L.J., et al. Urine S100 BB and A1B dimers are valuable predictors of adverse outcome in full-term asphyxiated infants. Acta Paediatr. 2013; 102 (10): e467.
50. Roka A., Kelen D., Halasz J., et al. Serum S100B and neuron-specific enolase levels in normothermic and hypothermic infants after perinatal asphyxia. Acta Paediatr. 2012; 101: 319–23

51. Sanchez-Pena P., Pereira A.R., Sourour N.A., et al. S100B as an additional prognostic marker in subarachnoid aneurysmal hemorrhage. Crit Care Med 2008; 36: 2267–73.
52. Sannia A., Risso F.M., Zimmermann L.J., et al. S100B urine concentrations in late preterm infants are gestational age and gender dependent. Clin Chim Acta. 2013; 417: 31–4.
53. Sannia A., Zimmermann L.J., Gavilanes A.W., et al. Elevated activin A urine levels are predictors of intraventricular hemorrhage in preterm newborns. Acta Paediatr. 2013; 102 (10). doi: 10.1111/apa.12332.
54. Serpero L.D., et al. J Matern Fetal Neonatal Med. 2013; 26 (S2): 44–9. Downloaded by [Federal State Institution] at 04:02 11 July 2016.
55. Shrestha Dangol D., Chen H.P. Role of hemeoxygenase-2 in pregnancy-induced hypertension. Int J Gynaecol Obstet. 2004; 85: 44–6.
56. Singh H.V., Pandey A., Shrivastava A.K., Raizada A., Singh S.K., Singh N. Prognostic value of neuron specific enolase and IL-10 in ischemic stroke and its correlation with degree of neurological deficit. Clin Chim Acta 2013; 419: 136–138.
57. Tanaka Y., Maher J.M., Chen C., Klaassen C.D. Hepatic ischemia reperfusion induces renal heme oxygenase-1 via NF-E2-relatedfactor 2 in rats and mice. Mol Pharmacol. 2007; 71: 817–25.
58. Tenhunen R., Marver H.S., Schmid R. The enzymatic conversion of heme to bilirubin by microsomal heme oxygenase. Proc Natl Acad Sci USA. 1968; 61: 748–55.
59. Woertgen C., Rothoerl R.D., Metz C., Brawanski A. Comparison of clinical, radiologic, and serum marker as prognostic factors after severe head injury. J Trauma. 1999; 47: 1126–30.

ДИАГНОСТИЧЕСКОЕ И ПРОГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ БИОМАРКЕРОВ ПЕРИНАТАЛЬНОЙ ТРАВМЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ НЕРВНОЙ СИСТЕМЫ

Мамадалиев А.М., Алиев М.А., Мамадалиева С.А., Тилавкулов М.С.

Резюме. *Несмотря на то, что в перинатальной медицине существует множество методов оценки состояния мозговой ткани новорожденных, выявление ранних признаков поражения головного мозга является одной из важнейших задач современной медицины. Определение степени поражения центральной нервной системы (ЦНС) позволяет оценить результаты различных методов лечения врожденной черепно-мозговой травмы, перинатальной асфиксии, гипоксически-ишемической энцефалопатии и внутрижелудочковых кровоизлияний, а также риск развития неврологического дефицита. В оценке осложнений гипоксиии и травмы ЦНС изучаются комплексные биомаркеры, в том числе нейропротеины, кальций-связывающий белок, вазоактивные вещества, маркеры оксидативного стресса, медиаторы воспаления. Известно, что при травмах головного мозга повышается концентрация ряда биомаркеров в различных биологических жидкостях, что коррелирует со степенью выраженности травмы независимо от времени рождения. Таким образом, в данной статье представлен анализ литературы, направленный на оценку значения биомаркеров в выявлении поражения головного мозга у детей.*

Ключевые слова: *нейрон-специфические белки, биомаркеры, перинатальная гипоксия, родовая краниоцеребральная травма.*

УДК: 616.89-06:616.98:578.834.1

COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДАГИ ПСИХОЛОГИК ВА РУҲИЙ АСОРАТЛАР

Ражабов Музаффар Нематович, Ашуров Зарифжон Шарифович, Ядгарова Наргиза Фахритдиновна
Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ПСИХИЧЕСКИЕ ОСЛОЖНЕНИЯ У БОЛЬНЫХ С ИНФЕКЦИЕЙ COVID-19

Ражабов Музаффар Нематович, Ашуров Зарифжон Шарифович, Ядгарова Наргиза Фахритдиновна
Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г.Ташкент

PSYCHOLOGICAL AND MENTAL COMPLICATIONS IN PATIENTS WITH COVID-19 INFECTION

Rajabov Muzaffar Nematovich, Ashurov Zarifjon Sharifovich, Yadgarova Nargiza Fakhritdinovna
Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: info@tma.uz

Резюме. *SARS-CoV-2 янги коронавируси биринчи марта 2019 йил декабр ойида Хитойнинг Ухань шаҳрида аниқланган ва тезда бутун дунёга тарқалиб, глобал пандемияга сабаб бўлган. Дастлаб, COVID-19 нафас олиш тизими асоратлари билан намоён бўлди. Аммо бу касаллик ҳақидаги биринчи текширув натижалари, ҳамда янги маълумотлар тўпланган сари, беморларнинг учдан биридан кўпроғида вирус енгил даражадан тортиб (бош оғриғи, аносмия) то ўта оғир даражагача (энцефалит, менингит) неврологик асоратларга олиб келиши аниқланди. конвулсиялар, қон томирлари ва бошқалар). Ушбу шарҳда COVID-19 билан касалланган беморларда аниқланган симптомлар, шу жумладан неврологик, SARS-CoV-2 вирусининг ўзи, унинг ҳужайра ичига кириб бориш механизмлари тавсифланади, инфекциянинг асаб тизимига юқиши мумкин бўлган усуллари, неврологик ўзгаришлар пайдо бўлишининг патогенетик механизмлари муҳокама қилинади. Ушбу ишда пандемия даврида пайдо бўлган психологик ва руҳий асоратларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ўрганилган.*

Калит сўзлар: *янги коронавирус инфекцияси, руҳий бузилишлар, коронавирус инфекциясида руҳий бузилишлар ривожланиш механизми.*

Abstract. *The new coronavirus SARS-CoV-2 was revealed at December 2019 in Wuhan, China, rapidly spread over the world and caused global pandemic. The main clinical feature of COVID-19 is a severe acute respiratory deficiency. With the accumulation of new studies, it is clear that the coronavirus causes neurological damages ranged from light (headache, anosmia) to severe acute (encephalitis, meningitis, cramps, strokes et set) in 1/3 patients with COVID-19. In this review we describe symptoms and neurological manifestations in patients infected SARS-CoV-2, structure of this virus, mechanisms of its penetration in cells, probable pathways of neuronal cells infection and pathogenetic mechanisms of neurological damages. Also we pay special the attention to the beginning and development of psychological and psychiatric problems originated from the pandemic.*

Key words*: new coronavirus infection, mental disorders, mechanisms of development of mental disorders in new coronavirus infection.*

Долзарблиги. COVID-19 биринчи навбатда жисмоний соғликка таҳдид соладиган инқирозга сабаб бўлсада, тегишли чоралар кўрилмаса, жиддий руҳий саломатликка оид муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳатто энг яхши даврларда ҳам мустаҳкам руҳий саломатлик жамият фаолияти учун зарурдир. Руҳий саломатлик ҳар бир мамлакатнинг COVID-19 пандемиясига қарши курашдаги саъй-ҳаракатларининг марказида бўлиши керак. Бу инқироз бутун жаҳон ҳамжамиятларининг руҳий саломатлиги ва фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатди ва шошилинч ечим талаб қиладиган устувор вазифалардан бири бўлиб қолид. Психологик стресс аҳоли орасида энг кўп учрайдиган ҳодисага айланди. Кўп одамлар вируснинг уларнинг соғлиғига бевосита таъсири ва жисмоний изоляция оқибатида стрессни бошдан

кечиришди. Кўпчилик инфекцияни юқтиришдан, ўлим ва оила аъзоларини йўқотишдан қўрқишди. Одамлар ўз яқинлари ва ҳамкасбларидан ажралиб қолди. Миллионлаб одамлар тирикчилиги ёки даромад манбаларини йўқотиши натижасида иқтисодий муаммоларга дуч келди. Хавотирланишнинг асосий сабаблари, кўпинча вирус ҳақидаги нотўғри маълумотлар ва миш-мишлар, шунингдек эртанги кунга бўлган ишончсизлик бўлди. Буларнинг бари анча вақтгача руҳий касалликлар сони ва оғирлашуви кескин ўсиши эҳтимоли мавжуд [20].

Серин-протеаза (TMPRSS2) ёрдамида вирус ва хўжайин-хужайраси мембранасининг қўшилиши содир бўлади, ҳамда РНК вирус геноми хужум қилаётган хужайранинг ичига киришга муваффақ бўлади [8, 10, 17, 31]. Сўнгра унинг трансляцияси содир бўлиб, у иккита полипротеин ва тузилма оқсиллари ҳосил қилиб, вирус геноми репликацияси бошланади. Янги ҳосил бўлган қобиқ гликопротеинлари эндоплазматик ретикулум ва Гольджи аппарати мембранасида тизилиб туради, натижада, РНК геноми ва нуклеокапсид оқсилларидан нуклеокапсид ҳосил бўлади. Шундан сўнг вирус зарралари эндоплазматик ретикулум ва Гольджи аппарати ичига кириб, плазматик мембрана билан қўшилади ва хужайра ташқарисига чиқади [14, 21]. Аммо SARS-CoV-2 ACE 2га нисбатан юқори аффинликка эга, шу туфайли у юқори патогенлик хусусиятига эга ва SARS-CoV, MERS-CoV вирусларига нисбатан хужайра ичига осонроқ киради. ACE 2 рецепторлари марказий нерв системасида ҳам экпрессия бўлганлиги учун, SARS-CoV-2 вирусининг нерв хужайраси ичига кириши айнан шу рецепторлар орқали амалга ошади деб тахмин қилиш мумкин, ва шунинг натижасида неврологик симптоматика юзага келади ва мия тўқимаси зарарланади [14, 21]. Турли туман неврологик асоратларнинг ривожланишига олиб келувчи иккита эҳтимолий патогенетик механизм илгари сурилади: вируснинг нерв тўқимасига тўғридан-тўғри инвазияси ёки ноадаптив яллиғланиш реакцияси [17, 27].

Клиник манзараси. COVID-19 касаллигининг асосий нишони нафас олиш тизимидир. Аммо касаллик нафақат нафас олиш органларига таъсир қилади. Беморларнинг учдан биридан кўпроғида оғир неврологик симптомлар кузатилади [1, 13, 14, 20]. Шуни таъкидлаш муҳимки, неврологик симптомларнинг пайдо бўлиши, касаллик кечишининг ёмонлашувини ва прогнозининг яхши эмаслигини кўрсатади. Шу туфайли, SARS-CoV-2 вируси билан касалланган беморларни даволашда неврологик бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва адекват даволаш жуда муҳим бўлиши мумкин. Бир қатор оригинал тадқиқотлар ва мета-таҳлиллар маълумотлари таҳлили асосида COVID-19 билан касалланиш лаборатор тестлар (ПЗР) билан тасдиқланган ҳолатларни кўриб чиқилганда, ушбу касалликнинг қуйидаги асосий белгиларини аниқлаш мумкин [5, 15, 16, 18, 19, 27, 28, 30]: беморларнинг 77% -98,6% да юқори ҳарорат қайд этилган; қуруқ йўтал - 59,4% - 82%; холсизлик, тез чарчаш - 78 38,1% - 75%; балғамнинг мавжудлиги - 33,4% - 56%; нафас қисилиши - 18,6% - 36,7%; томоқ оғриғи - 5% - 13,9%; бош оғриғи - 6,5% - 34%; миялгия ва бўғим оғриқлари - 11% - 34,8%; титроқ - 11,4%; кўнгил айниши, қусиш - 5% - 17,3%; бурун битиши - 4,8%; диарея - 3,7% - 12,9%; қон қусиш - 0,9% - 3%; конъюнктиванинг қизариши - 0,8%; бош айланиши - 9,4%; қорин оғриғи - 2,2% - 5,8%; лимфопения - 70,3% - 75,4%; протромбин вақтининг ошиши - 58%; ментал бузилишлар - 9%; бурун оқиши - 4%; тўш орти оғриқлари - 2%; анорексия - 12,2%. Кўпгина тадқиқотчилар гуруҳлари симптомларнинг оғирлиги иммунитет реакциясига боғлиқлигини таъкидлашади. Инфекциянинг дастлабки босқичида иммунитетнинг сусайиши қайд этилади, лимфоцитлар сони камаяди ва COVID-19 билан касалланган беморларнинг периферик қонида С-реактив оқсил концентрацияси ошади [11, 30]. Иккиламчи гемофагоцитар лимфогистиоцитозни ўз ичига олган цитокин бўрони COVID-19 билан касалланган беморлар учун ўрганилмаган, аммо ҳалокатли асоратдир. Маълумки, баъзи касалланган одамларда вирус қонда топилган бўлсада, касаллик аломатларсиз кечади [25, 26]. Бундай беморлар касалликнинг ташувчиси бўлиши мумкин.

COVID-19 даги психологик ва руҳий бузилишлар. COVID-19 нинг жуда тезлик билан тарқалиши ва касалликни даволашда имкониятлар чекланганлиги, пандемия холатида бўлган қатор давлатларда хавотир ва паник хуружларнинг ортишига олиб келди. Аҳоли орасида хавотирли бузилишлар, ксенофобия, турли товар маҳсулотларга ваҳимали даражада талаб кучаймоқда, ҳар хил фитнали назариялар ва ўғирликлар кўпаймоқда. АҚШ матбуотига кўра, босқинчилик, зўравонлик ва ичкиликбозлик ҳолатлари кўпайган. Карантин, изоляция, ижтимоий масофа, шунингдек, ўз-ўзини изоляция қилиш бутун аҳолининг психологик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатмоқди. Пандемияга нисбатан психологик реакцияларга ноадекват хатти-ҳаракатлар, эмоционал дисстресс ва хавотир, қўрқув, фрустрация, ғазаб, ёлғизлик туйғуси, зерикиш, тушкунлик ва ўзини олиб қочиш каби хатти-ҳаракатлар кўринишидаги ҳимоя реакцияларини ўз ичига олади [24]. Ушбу пандемияда "headline stress disorder" деб аталадиган ўзига хос синдром кузатилмоқда: стресс ва хавотир шаклидаги кучли эмоционал

реакция. Ушбу синдром жисмоний аломатларга ҳам эга бўлиши мумкин: кучли юрак уриши ва уйқусизлик, кейинчалик бу руҳий бузилишларга олиб келиши мумкин. Худди шундай реакциялар SARS-CoV, MERS-CoV ва Эбола вируси пандемияларидан кейин ҳам аниқланган. Хитойда пандемиянинг дастлабки босқичида аҳолининг 7% дан 53,8% гача қисми психологик тангликни бошдан кечираётгани аниқланди. Шу билан бирга, қуйидаги салбий психологик реакциялар кузатилди: хавотир, депрессия ва стрессдан ташқари, уйқусизлик, норозилик, яқинлари ва ўзининг соғлиғи ҳақида ташвишланиш, ижтимоий хавфларга таъсирчанлик, ҳаётдан норозилик, фобиялар, одамовилик, компульсив хатти-ҳаракатлар, антисоциал хатти-ҳаракатлар, соматик аломатлар [13, 24]. Стресс, хавотир ва депрессия даражаси ўртача даражадан оғир даражагача бўлган. Талабалар орасида хавотир енгил, ўртача ва оғир даражалар мос равишда 21,3%, 2,7% ва 0,9% ни ташкил қилди. Аниқланишича, хавотир ва стресс даражаси инсоннинг таълим даражаси, жинси ва ёшига боғлиқ экан [24]. Пандемиянинг аҳолига психологик таъсирини кўриб чиқадиган бўлсак, уларни бир нечта гуруҳларга ажратиш керак бўлади: тиббиёт ходимлари, COVID-19 билан касалланган беморлар ва руҳий касалликлари олдиндан мавжуд бўлган беморлар. Тиббиёт ходимлари пандемия даврида, айниқса касал одамлар билан бевосита алоқада бўлса, салбий психологик жароҳатланиш хавфи юқори эканлиги кўрсатилган [4, 12, 24]. Тиббиёт ходимларининг 27,39% - 71,5% да стресс ривожланади, 50,4% - депрессия, 34,0% - уйқусизлик, 29,04% - 44,6% - хавотир [12, 13, 16]. Кўпчиликда аломатлар енгил ва ўртача даражадаги оғирликда бўлган. Оғир, ўртача ва енгил даражадаги хавотир мос равишда 2,17%, 4,78% ва 16,09% кўринишида тақсимланди [16]. Нисбатан оғирроқ даражадаги аломатлар ўрта ва кичик тиббиёт ходимларида, "қизил зона"да ишлайдиган аёллар ва ёшларда кузатилди. Умуман олганда, оддий аҳоли ва беморлар билан яқин контактда ишлаган тиббиёт ходимларининг психологик реакциялари ўртасида сезиларли фарқ аниқланмади. COVID-19 билан касалланган беморларда психопатологик симптомлар бир неча сабабларга кўра намоён бўлади: касалликнинг клиник белгилари ва ривожланиши, давом этаётган тиббий даволанишнинг ножўя таъсири, хавф ҳисси, вирусни бошқаларга юқтиришдан қўрқиш, ижтимоий изоляция, ишончсизлик, жисмоний дискомфорт, оммавий ахборот воситаларидан салбий хабарлар [24]. Клиник жиҳатдан барқарор, COVID-19 билан касалланган беморларнинг 96,2 фоизида психологик муаммолар ва стресс бузилиши белгилари мавжуд бўлиб, бу ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади ва ишлаш қобилияти барқарорлигини бузади. Сезиларли даражадаги стресс касаллик кечиш даврида, айниқса кекса ёшдаги контингентда кузатилади. COVID-19 билан касалланган беморларнинг 50%да депрессия, 55%да хавотир, тахминан 70%да эса психосоматик симптоматика кузатилди. ПЗР тест натижаси ижобий бўлган турмуш қурган беморларда руҳий тушкунлик янада оғирроқ кечиши кузатилди, ПЗР тест натижаси салбий бўлган беморларда кўпроқ соматик шикоятлар аниқланди; ушбу беморларнинг 67,92% уйқусизликдан азият чеккан, тахминан 25% ўз жонига қасд қилишни ўйлашган. Олдиндан руҳий бузилишлари бўлган беморларга келсак, шуни таъкидлаш керакки, пандемия даврида уларга талаб қилинганидан кўра анча кам эътибор берилган ва кўпинча доимий даволаниш бўлмаган. Бундай беморларда кўп ҳолларда сурункали соматик касалликлар бўлиб, умумий саломатлиги ёмон холатда бўлади, бу эса ўз навбатида уларнинг SARS-CoV-2 инфекциясига мойиллигини оширади. COVID-19 билан касалланган руҳий беморларда даволанишнинг самараси пастроқ бўлади ва уларда касалликка юқори эмоционал реакция кузатилади [2]. Тадқиқотимиз натижаларига кўра, COVID-19 пандемияси давридаги психологик ва руҳий бузилишлар бошқа эпидемиялар ва фавқулодда вазиятлар даврида кузатилганлардан катта фарқ қилмаслиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, ушбу эпидемия даврида психологик ва руҳий бузилишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий сабаби узоқ муддатли ижтимоий изоляция ва оммавий ахборот воситаларида унга риоя қилиш зарурати ҳақида доимий равишда эслатиб туришдир.

COVID-19 да психиатрик асоратларни ривожланишининг эҳтимолий механизмлари. Маълумки, эпидемия ва ундан ҳам кўпроқ пандемия ҳолатида, инфекцияни юқтириб олиш ва ўлим қўрқуви билан боғлиқ стрессли вазиятларнинг ривожланиши, карантин ва ижтимоий изоляция туфайли руҳий касалликлар сони ортади. Бундай стрессли вазиятда стрессга сезгир бўлган одамларда гипоталамус-паравентрикуляр ядролар (PVN) нейронларидан стрессга боғлиқ кортикотроп гормон (CRH) ажралиб чиқади ва CRH рецепторлари билан боғланиб, гипоталамус-гипофиз-адренал (HPA) ўқини фаоллаштиради. олдинги гипофиз безининг, адренокортикотропик гормон (АКТГ) чиқарилишини рағбатлантиради [7, 23]. Қонда АКТГ нинг кўпайиши қондаги глюкокортикоидлар концентрациясининг ошишига олиб келади, улар турли органларда, шу жумладан мияда ифодаланган глюкокортикоид рецепторлари (GR) билан боғланади [9]. HPA ўқининг эффектор глюкокортикоидлари ва глюкокортикоид рецепторларининг гиперактивацияси стресс билан боғлиқ

генларнинг экспрессияга олиб келади ва турли хатти-ҳаракатларни келтириб чиқаради. НРА ўқининг қайта фаоллашишига қўшимча равишда, стрессга боғлиқ генларнинг ифодаланишининг бузилиши экзоген стрессга сезгирликни оширади [6]. Экзоген стресс SERT, BDNF, GR, FKBP5, CRHR генларининг эпигенетикасини ДНК метиляцияси, хроматин модификацияси ва гистон деацилацияси каби турли механизмлар орқали ўзгартириши мумкин. Бундай ўзгаришлар ушбу генларни ифодалашда транскрипция бузилишига ва стрессга боғлиқ касалликларнинг ривожланишига олиб келади [22]. Катта ишонч билан тахмин қилиш мумкинки, COVID-19 пандемияси юзага келганда кучли экзоген, шу жумладан психологик стресс руҳий касалликларнинг ривожланиши ва кучайишига олиб келиши мумкин. Касалликларнинг пайдо бўлишининг мумкин бўлган механизмларидан бири НРА ўқининг фаоллашиши ва стресс билан боғлиқ генларнинг эпигенетик модификацияларининг ўзгариши бўлиши мумкин. Стресс, шунингдек, SARS-CoV-2 инфекциясига нисбатан сезувчанликни ошириши ва беморнинг аҳволини оғирлаштириши мумкин [29].

Хулоса. COVID-19 билан касалланган беморларнинг катта қисми бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши, қусиш, бўйин мушаклар таранглигининг ошиши, ҳид ва таъм сезишнинг бузилиши каби неврологик асоратларни, шунингдек, психологик ва руҳий бузилишларни бошдан кечиради. Кўп ҳолларда ўткир нафас олиш бузилиши фонида бундай аломатлар аҳамиятсиз бўлиб туюлиши мумкин бўлса-да, шунга қарамай, энцефалит, менингит, цереброваскуляр бузилишлар, депрессия ва бошқа руҳий бузилиш холатлари аниқланган. COVID-19 билан касалланган беморларда неврологик белгиларнинг пайдо бўлиши касаллик даврида ёмон прогнознинг кўрсаткичидир, шунинг учун бундай аломатларнинг олдини олиш даволаниш учун жуда муҳим бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1.Баклаушев В.П., Кулемзин С.В., Горчаков А.А. и соавт. COVID-19. Этиология, патогенез, диагноз и лечение // Клиническая практика. 2020. Т. 11, № 1. С. 7-20.

2. Зейнитдинова З.А., Ризаев Ж.А., Орипов Ф.С. Степень цитологического поражения эпителия слизистой оболочки щеки при COVID-19 // Журнал биомедицины и практики. – 2022. – Т. 7. – №. 2.

3. Ризаев Ж. А. и др. Проявления коронавирусной инфекции SARS-COV-2 в полости рта // Журнал биомедицины и практики. – 2022. – Т. 7. – №. 2.

4. Ризаев Ж.А., Ризаев Э.А., Кубаев А.С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-COV-2 // Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.

5. Chen N., Zhou M., Dong X. et al. Epidemiological and clinical characteristics of 99 cases of 2019 novel coronavirus pneumonia in Wuhan, China: a descriptive study // Lancet. 2020. V. 395. P. 507-513.

6. Ding Y., Dai J. Advance in stress for depressive disorder // Adv. Exp. Med. Biol. 2019. Vol. 1180. P. 147-178.

7. Fattaeva D. R., Rizaev J. A., Rakhimova D. A. Efficiency of Different Modes of Therapy for Higher Sinus after COVID-19 in Chronic Obstructive Pulmonary Disease //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 6378–6383-6378–6383.

8. Hamming I., Timens W., Bulthuis M.L. et al. Tissue distribution of ACE2 protein, the functional receptor for SARS coronavirus. A first И.И. Шепелева и соавт.81 Социальная и клиническая психиатрия 2020, т. 30 № 4 step in understanding SARS pathogenesis // J. Pathol. 2004. Vol. 203. P. 631-637.

9. Herman J.P., McKlveen J.M., Ghosal S. et al. Regulation of the Hypothalamic-Pituitary-Adrenocortical Stress Response. // Compr. Physiol. 2016. Vol. 15. N 6(2). P. 603-621.

10. Hoffmann M., Kleine-Weber H., Schroeder S. et al. SARS-CoV-2 Cell Entry Depends on ACE2 and TMPRSS2 and Is Blocked by a Clinically Proven Protease Inhibitor. // Cell. 2020. Vol. 16. N. 181, N 2. P. 271-280.

11. Huang C., Wang Y., Li X. Et al. Clinical features of patients infected with 2019 novel coronavirus in Wuhan, China // Lancet. 2020. N 15. Vol. 395, N 10223. P.497-506.

12. Kang L., Li Y., Hu S. et al. The mental health of medical workers in Wuhan, China dealing with the 2019 novel coronavirus. // Lancet Psychiatry. 2020. Vol. 7, N 3. P. e14.

13. Lai J., Ma S., Wang Y. et al. Factors associated with mental health outcomes among health care workers exposed to coronavirus disease 2019 // JAMA Network Open. 2020. Vol. 3. P. e203976-e203976.

14. Li X., Geng M., Peng Y. et al. Molecular immu ne pathogenesis and diagnosis of COVID-19 // J. Pharmaceut. Analysis. 2020. Vol. 10. P. 102-108.

15. Li Y.C., Bai W.Z., Hashikawa T. The neuroinvasive potential of SARS CoV-2 may play a role in the respiratory failure of COVID-19 patients // J. Med. Virol. 2020. Vol. 92, N 7. P. 703-704.

16. Li H., Xue Q., Xu X. Involvement of the nervous system in SARS CoV-2 infection // Neurotoxicity Res. 2020. Vol. 38, N 1. P. 1-7.

17. Montalvan V., Lee J., Bueso T. et al. Neurological manifestations of COVID-19 and other coronavirus infections: A systematic review // Clin Neurol Neurosurg. 2020 Vol. 194. P. 105921.

18. Ng Kee Kwong K.C., Mehta P.R., Shukla G., Mehta A.R. COVID-19, SARS and MERS: A neurological perspective // J. Clin. Neurosci. 2020. Vol. 77. P. 13-16.
19. Niazkar H.R., Zibaee B., Nasimi Q., Bahri N. The neurological manifestations of COVID-19: a review article // Neurol. Sci. 2020.
20. Rizaev J. A., Sh A. M. COVID-19 views on immunological aspects of the oral mucosa.
21. Rizaev J.A., Umirzakov Z.B. B., Umirov S.E. Ways to Optimize Medical Services for COVID-19 Patients //Specialusis Ugdymas. – 2022. – Т. 1. – №. 43. – С. 1217-1224.
22. Rizaev J.A., Rizaev E.A., Akhmadaliev N.N. Current View of the Problem: A New Approach to COVID-19 Treatment //Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology. – 2020. – Т. 14. – №. 4.
23. Soria V., González-Rodríguez A., Huerta-Ramos E. et al. Targeting hypothalamic-pituitary-adrenal axis hormones and sex steroids for improving cognition in major mood disorders and schizophrenia: a systematic review and narrative synthesis // Psychoneuroendocrinology. 2018. Vol. 93. P. 8-19.
24. Talevi D., Socci V., Carai M. et al. Mental health outcomes of the CoViD-19 pandemic // Riv. Psichiatr. 2020. Vol. 55, N 3. P. 137-144.
25. Tong Z.D., Tang A., Li K.F. et al. Potential Presymptomatic Transmission of SARS-CoV-2, Zhejiang Province, China, 2020 // Emerg. Infect. Dis. 2020. Vol. 26, N 5. P. 1052-1054.
26. Wang D., Hu B., Zhu F. et al. Clinical characteristics of 138 hospitalized patients with 2019 novel coronavirus-infected pneumonia in Wuhan, China // JAMA. 2020. Vol. 323. P. 1061-1069.
27. Wang L., Shen Y., Li M. et al. Clinical manifestations and evidence of neurological involvement in 2019 novel coronavirus SARS-CoV-2: a systematic review and meta-analysis // J. Neurol. 2020. Vol. 267. N 10. P. 2777-2789.
28. Xu X.W., Wu X.X., Jiang X.G. et al. Clinical findings in a group of patient infected with the 2019 novel coronavirus (SARS-C0V-2) outside of Wuhan, China: retrospective case series // BMJ. 2020. Vol. 368. P. m606.
29. Yan C., Luo Z., Li W. et al. Disturbed yin-Yang balance: stress increases the susceptibility to primary and recurrent infections of herpes simplex virus type 1 // Acta Pharm. Sin. B. 2020. Vol. 10. P. 389-398.
30. Zhang J.J, Dong X., Cao Y.Y. et al. Clinical characteristics of 140 patients infected with SARS-C0V-2 in Wuhan, China // Allergy. 2020. Vol. 75, N 7. P. 1730-1741.
31. Zou L, Ruan F, Huang M. et al. SARS-CoV-2 Viral Load in Upper Respiratory Specimens of Infected Patients. // N. Engl. J. Med. 2020. Vol. 19. P. 382, N 12. P. 1177-1179.
20. WHO & UNICEF, 2020

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ПСИХИЧЕСКИЕ ОСЛОЖНЕНИЯ У БОЛЬНЫХ С ИНФЕКЦИЕЙ COVID-19

Ражабов М.Н., Ашуров З.Ш., Ядгарова Н.Ф.

Резюме. *Новый коронавирус SARS-CoV-2 впервые был обнаружен в декабре 2019 года в городе Ухань, Китая, и быстро распространяясь по всему миру, стал причиной глобальной пандемии. Вначале COVID-19 проявлялся в основном с респираторными осложнениями. Но, новые результаты первых исследований, а также данные последующих изучений данного заболевания, показало что, у одной трети больных обнаруживается неврологические осложнения от легких (головная боль, аносмия) до тяжелых (энцефалит, менингит). В данном обзоре рассматривается симптоматика выявленная у пациентов с COVID-19, в том числе неврологических, сам вирус SARS-CoV-2, механизмы его проникновения в клетку, возможные пути заражения инфекции в нервных клеток, патогенетические механизмы неврологических изменений. В данной работе изучены причины возникновения и развития психологических и психиатрических осложнений, возникшиеся во время данной пандемии.*

Ключевые слова: *новая коронавирусная инфекция, психические расстройства, механизмы развития психических расстройств при коронавирусной инфекции.*

УДК: 616.147.22-007.64

ВАРИКОЦЕЛЕНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКАСИ ҲАМДА ДАВО УСУЛЛАРИ

Рахимов Жонибек Илхомович[1], Зайниев Алишер Фаридунович[2]
1 – Самарқанд вилоят кардиология диспансери, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;
2 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ ВАРИКОЦЕЛЕ

Рахимов Жонибек Илхомович[1], Зайниев Алишер Фаридунович[2]
1 – Самаркандский областной кардиологический диспансер, Республика Узбекистан, г. Самарканд;
2 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

MODERN METHODS OF DIAGNOSIS AND TREATMENT OF VARICOCELE

Rakhimov Jonibek Ilhomovich[1], Zainiev Alisher Faridunovich[2]
1 - Samarkand Regional Cardiological Dispensary, Republic of Uzbekistan, Samarkand;
2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: aliser1987@gmail.com

Резюме. *Варикоцеле – бу ретроград веноз рефлюкс сабабли юзага келган уруғдон веналарининг патологик кенгайиши ҳисоланади. Варикоцеле кўпинча чап томнлама ривожланади, лекин иккала томонда ҳам кузатилиши мумкин, ҳамда камдан кам ҳолатларда фақатгина ўнг томонлама бўлади. Эркаклар бепуштлигининг энг кўп тарқалган сабаби бўлганлиги туфайли ушбу касаллик жуда ҳам муҳим бўлган муаммолардан бири ҳисобланади. Балоғатга етиши ёшидаги (11 ёшдан катта) эркакларнинг тахминан 15% ида варикоцелле аниқланади. Варикоцеленинг энг кўп тарқалиши (69,9%) 14-16 ёшдаги беморларда кузатилиб, варикоцеле билан касалланган ўсмирларнинг катта қисмида сперматогенезнинг бузилиши аниқланганлиги сабабли касаллик ташвишга солади. Варикоцелэктомиянинг микрожарроҳлик усуллари асоратларнинг кам частотаси ва қулай натижалар туфайли машҳурликка эришди. Шу билан бирга, узоқ даврдаги натижалар билан кейинги тадқиқотлар ва рандомизирланган синовлар зарур.*

Калит сўзлар: *Варикоцеле синдроми, диагностика, даво, профилактика, асорат, оғриқ.*

Abstract. *Varicocele is a pathological dilatation of the testicular veins caused by retrograde venous reflux. Varicocele develops mainly on the left, but can be found on both sides, very rarely - only on the right. This disease is a very serious problem, as it is considered one of the most common causes of male infertility. Approximately 15% of men have an existing varicocele that manifests itself during puberty (over the age of 11 years). The highest prevalence of varicocele (69.9%) occurs at the age of 14–16 years, and it is alarming that a significant proportion of adolescents with varicocele are diagnosed with impaired spermatogenesis. Microsurgical methods of varicocelectomy have gained popularity due to the minimal complication rate and favorable results. However, further studies and randomized trials with a longer follow-up period are needed.*

Key words: *Varicocele syndrome, diagnosis, treatment, prevention, complication, pain.*

Кириш. Варикоцеле уруғ тизимчасидаги шингилсимон чигал уруғ вена томирларнинг ғайритабиий кенгайиши ва эгри – бугри бўлиб қолиши ҳисобланади [3,10]. Варикоцеленинг тарқалиши турлича бўлиб, одатда, тахминан 15% деб баҳоланади [5]. Эркакларнинг асосий қисми асимптоматик ҳолда юрсада, энг кенг тарқалган клиник белгилари бепуштлик ва ёрғоқда сурункали оғриқ кузатилади [7]. Варикоцеле сперматогенез бузилишининг асосий сабаби, ҳамда эркаклар бепуштлигининг энг кўп тўғрилаб бўладиган сабабиди ҳисобланади [15]. Бирламчи бепуштлик билан касалланган эркакларнинг тахминан 40% ва иккиламчи бепуштлик билан касалланган эркакларнинг 80% да учрайди [4]. Варикоцеле билан касалланган эркакларнинг 2-10% га яқини асосан ёрғоқ, ёки чов соҳасидаги оғриқдан шикоят қилади [6, 18]. Эркаклар бепуштлигидаги варикоцелэктомия оғриқ сабабли варикоцелэктомиядан кўра кўпроқ ўрганилган. Варикоцелцдаги оғриқ сабаби тўлиқ аниқланган эмас, шу сабабли биз варикоцелледаги оғриққа бағишланган ушбу шарҳни ўтказдик.

Этиологияси. Варикоцеле билан боғлиқ бўлган оғриқ этиологияси тўлиқ ўрганилмаган. Аммо, варикоцеле туфайли бепуштлик юзага келиши мумкин, чунки варикоцеледа мояк ҳарорати, веноз босим, гипоксия, оксидловчи

стресс, гормонал мувозанат ва/ёки буйрак усти безлари, ёки буйракларнинг токсик метаболизми махсулотлари рефлюксини ошириш орқали сперматогенез ва Лейдиг ҳужайралари ишига таъсир қилади [9, 11, 18, 25, 29]. Моякнинг шу каби ўзгаришлари нафақат бепуштликка, балки мояк оғриғига ҳам олиб келади. Кенгайган веноз тизими томонидан атрофдаги асаб толаларини қисилиши варикоцеле билан боғлиқ оғриқларни келтириб чиқарадиган қўшимча омил ҳисобланади [1, 14, 16].

Клиник кўриниши. Варикоцеле билан боғлиқ мояк оғриғи одатда мояк, ёрғоқ, чов соҳасидаги тўмтоқ, симилловчи, ёки пулсацияланувчи оғриқ сифатида тавсифланади; камдан-кам ҳолларда оғриқ ўткир, санчувчи бўлиши мумкин. Варикоцеле, шунингдек, ёрғоқдаги оғирлик деб ҳам таърифланади, у жисмоний машқ, фаол ҳаракат, ёки узоқ вақт тургандан кейин кучаяди. Беморнинг анамнезида оғриқ тафсилотлари, шу жумладан бошланишининг ўткирлиги, оғирлиги, локализацияси, сифати, вақти ва бошқа жойларга берилиши ҳам бўлиши керак. Сийишдаги ўзгаришлар, дефекация, жинсий ва жисмоний фаолиятга алоҳида эътибор бериб, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи омилларни ҳам муҳокама қилиш лозим. Гарчи баъзи эркаклар мояк оғриғидан шикоят қилсаларда, варикоцел одатда симптомсиз кечади. Одатда катта ёшли эркакларда варикоцеле бепуштлик сабаабли текширув пайтида аниқланади. Ўспиринларда эса варикоцеле тиббий кўрик пайтида тасодифан аниқланади. Шундай қилиб, физикал текширув варикоцеле учун энг муҳим диагностик тест ҳисобланади. Ёрғоқни текшириш ва палпация қилиш бемор тик турган ҳолатида ва унинг орқасида, Валсалва синамаси қўллаган ҳолатда, ҳамда синамасиз, ёрғоқ мушак толаларини бўшашишига ёрдам берувчи илиқ хонада ўтказилиши керак. Варикоцеледа ишлатиладиган стандарт баҳолаш тизими: 1 даража, фақат Валсалва синамаси вақтида аниқланади; 2 даража, осон палпацияланади, лекин кўринмайди; ва 3 даража, аниқ кўринади [2, 8, 14]. 0-синф варикоцеле (субклиник) допплерография вақтида аниқланади, аммо палпация қилинмайди. Варикоцеле ва мояк оғриғи бўлган ҳамма беморларга ҳам визуализация усулларини қўллаш тавсия этилмайди. Шу билан бирга, варикоцелени сонли шкала бўйича баҳолаш, ҳамда визуализация усуллари ёрдамида, ноаниқ, ёки мураккаб физикал текширувлар орқали яққол аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, текширув бошқа ёрғоқдаги, ёки қорин бўшлиғида бўлиши мумкин бўлган потенциал патологияларни истисно қилишга имкон беради, ҳамда иккала мояк ҳажмини аниқ ўлчашни осонлаштиради. Чаноқ аъзоларининг ултратовуш допплерографияси мояк оғриғи бўлган эркакларда энг кенг тарқалган ва муҳим визуализация усули ҳисобланади. Бу амбулатория шароитида ишлатилиши мумкин бўлган юқори сезувчанликка эга, иқтисодий жиҳатдан қулай ва инвазив бўлмаган усул ҳисобланади. Бундан ташқари, қорин бўшлиғи ва чаноқ суяги компютер томографияси ёки МРТ текшируви мояк оғриғига сабабчи бўлган соҳаларнинг кенг қамровли анатомик кўринишини таъминлайди. Физикал текширув вақтида клиник жиҳатдан палпация қилинадиган варикоцеле мавжуд бўлса ҳам, оғриқнинг бошқа мумкин бўлган сабабларини истисно қилиш учун мояк оғриғи бўлган ҳар қандай эркакни диагностик текширувдан ўтказиш муҳимдир. Сурункали мояк оғриғини ҳар томонлама қиёсий ташхислашда мояк ҳолати билан боғлиқ оғриқ, операциядан кейинги оғриқ ва акс этувчи оғриқларни фарқлаш лозим [4, 12]. Мояк оғриғини келтириб чиқарадиган ёрғоқ касалликларига мояк ўсмалари, варикоцеле, сперматоцеле ва гидроцеле киради. Вазэктомия, ёки чуррани бартараф этишдан кейин ятроген травма муолажадан кейинги мояк оғриғига олиб келиши мумкин. Орхалгияни қиёсий ташхислашда сийдик найидаги тош, чов чурралари каби турли сабабларга кўра тарқалувчи оғриқларни ҳисобга олиш керак.

Даволаш тактикаси. Мояк оғриғи билан бўлган варикоцелени даволашни айрим беморларда самарали бўлган консерватив даво ва кузатувдан бошлаш керак. Узоқ муддатли кузатув даври бошқа потенциал оғриқ манбаларини (масалан, кичик шикастланишла ва чов соҳа мушакларининг чўзилиши) камайтиришга имкон беради [13, 17-18]. Консерватив даво ёрғоқни кўтариш, ностероид яллиғланишга қарши дориларни қабул қилиш ва жисмоний фаолиятни чеклашни ўз ичига олади. Оғриқли варикоцелени консерватив даволаш самарадорлиги турли ҳисоботларда турлича. J.T. Sigalos, A.W. Pastuszak [29] маълумотларига кўра чиқиб 119 беморлардан 5 (4,2%) нафарида оғриқ консерватив даволашдан кейин юқолган. Бироқ, M.L. Eisenberg, L.I. Lipshultz [21] ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, 99 нафар эркаклардан 15 (15,2%) нафари 4 ҳафталик консерватив даводан сўнг оғриқ енгиллашганлигини ҳис қилишган. Антиоксидантлар, гормонал дорилар ва баъзи хитой дорилари варикоцеле билан боғлиқ эркаклар бепуштлигини даволаш учун ишлатилади. Ушбу моддалар клиникадан олдинги тадқиқотлар натижаларига асосланганлиги ва жиддий ножўя таъсирининг йўқлиги сабабли самарали даволаш имкониятига эга бўлиши мумкин, бироқ, варикоцеле билан боғлиқ мояк оғриқларида ушбу дориларнинг самарасини ўрганишга бағишланган ҳеч қандай маълумотлар йўқ [17, 19]. Сўнгги маълумотларга кўра варикоцеле билан оғриган беморларда флеботроп препаратларни қўллаш мумкин. Микронизацияланган

тозаланган флавоноид фраксияси (МТФФ) - веналарнинг тонусини ва эластиклигини яхшилайдиган, веналарнинг чўзилишини камайтирадиган, шунингдек, сурункали веноз етишмовчилиги бўлган беморларда веноз бўшашиш вақтини камайтирувчи перорал флеботроп дори воситаси ҳисобланади D.J. Cozzolino, L.I. Lipshultz [20].

Жарроҳлик даволаш. Жарроҳлик аралашувлари консерватив давога чидамлилик бўлганда, ёки касаллик белгилари кучайган беморларда, оқилона кузатув даври ўтганидан сўнг, ҳамда фаолликни чеклаш имкони бўлмаган ҳолатларда бажарилади. Одатда варикоцелэктомия деб аталадиган варикоцелени боғлаш оғриқли варикоцеле учун самарали даво усули ҳисобланади. Варикоцелени даволаш дастлаб ёрғоқ орқали кесим ёрдамида тавсифланган, аммо бу усул мояк артерияси шикастланишининг юқори частотаси ва касаллик қайталаниши туфайли ўз нуфузини юқотди [19]. Ёрғоқ орқали кесим моякни артериал қон билан таъминлашининг бузилиши билан кечади, чунки шингилсимон чигал веналари ёрғоқ сатҳида мояк артериясини айланиб ўтади. Ички мояк веналарида ретроград қон оқишини тўхтатишга қаратилган ретроперитонеал (Паломо), чов (Иваниссевич), чов ости ва ёрғоқ орқали кесимлар ишлаб чиқилган [20, 21, 22]. Бундан ташқари, ушбу усуллар лапароскопия, лупа ёрдамида катталаштириш ва визуализацияни яхшилаш учун операцион микроскоп билан тўлдирилди. Ҳар бир ёндашув турли хил мураккаблик даражасига, муваффақият даражаларига, асоратларга ва қайталаниш даражасига эга. Паломо техникаси ички чов ҳалқаси устидаги мояк артерияси ва томирининг ретроперитонеал юқори лигациясини ўз ичига олади. Ушбу усул лигацияни юқори даражада осонлаштиради, бу ерда одатда атиги 2-3 томир жойлашган. Шу билан бирга, жарроҳ операцион жарроҳат соҳаси остидаги тизимлардан кенгайган коллатерал томирларни баҳолай олмайди. Шунинг учун бу усул юқори қайталаниш частотасига эга. Очиқ ретроперитонеал усул орқали кириш қоринипарда орти бўшлиғида ички чов ҳалқасининг проксимал учида ички мояк томирларни очиш учун қорин олд деворининг қийшиқ мушакларини ажратишни ўз ичига олади. Ушбу усул орқали мояк артерияси одатда ажратилмайди; аммо, агар у аниқланса, артерияни сақлаб қолиш учун барча ҳаракатларни амалга ошириш лозим. Ушбу қадам учун катталаштирувчи кўзойнаклар ёки операцион микроскоп қўл келиши мумкин. Сўнгги тадкикотларга кўра, тўлиқ ва қисман оғриқ частотаси мос равишда 82,8% ва 9,3% ни ташкил этди [23]. Техник ютуқлар туфайли лапароскопик усул ёрдамида ретроперитонеал бўшлиққа кириш мумкин, бунда чап буйрак венаси билан қўшилиш яқинидаги мояк томирларни боғлаш амалга оширилади. Лапароскопик усул очиқ усулга нисбатан каминвазив усул ҳисобланади ва ушбу сатҳда камроқ вена томирларини боғлаш талаб этилади [24, 25]. Бундан ташқари, мояк артериясининг ушбу сатҳда шохланмагани сабабли шикастланиш хавфи йўқ [3, 26]. Лапароскопик юқори лигация мояк артерияси ва бир нечта лимфа томирларининг сақланишига олиб келади. Шу билан бирга, у умумий анестезия, тажрибали Лапароскопик жарроҳга бўлган эҳтиёж, инвазивлик ва асоратнинг юқори даражаси туфайли кўп қўлланилмайди. Яна бир муаммо - қайталаниш ва гидроцеле шаклланишининг юқори частотаси ҳисобланади. Чов соҳаси орқали кесим чов канали устидаги терини ташқи ҳалқа устидан кесилишини ва ташқи қийшиқ фасциянинг кесилишини ўз ичига олади. Чов ости соҳа орқали киришда кесим қийшиқ фасцияни сақлаб қолиш учун ташқи ҳалқа остидан ўтказилади. Шундай қилиб, артерия ва лимфа томирларини аниқлаш ва сақлаш учун иккала усулда ҳам лупа, ёки операцион микроскопдан фойдаланиши лозим. Чов каналида уруғ тизимчаси ичида жойлашган вена томирларининг ингичкалиги, ҳамда артериясининг кенглиги туфайли чов кесимида чов остидаги кесиимга нисбатан уруғ томирларини аниқлаш хавфсиз ва боғлаш осон амалга оширилади. Чов орқали кесим ёрдамида жарроҳ коллатерал томирларни, шу жумладан ташқи уруғ томирларини боғлаши мумкин. Бу усулда мушак-фасциал кесим [27] ўтказилганлиги сабабли кўпроқ инвазив ҳисобланади. Шу билан бирга, чов ости усулининг камчиликларига проксимал кесимга қараганда боғловни талаб қилувчи томирларнинг кўплиги ва артериал шикастланиш хавфининг юқорилиги киради, чунки ташқи чов ҳалқаси остидаги мояк артериялари кўпинча уруғ томирларга кучли битишмалар ҳосил қилади [27]. Операцион микроскопдан фойдаланилганда ушбу хавф минималлаштирилади [28]. Чов ва чов ости кесимлари орқали микрохирургик аралашувлари қайталанишлар ва асоратлар юзага келиш частотасини камайишига имкон берувчи мояк артерияси ва лимфа томирларини сақлаб қолиб, қолган барча томирларни боғлашни ўз ичига олувчи инновацион усул ҳисобланади. Микрохирургик варикоцелэктомиянинг қайталаниш частотаси 1% дан 2% гача, бу очиқ усулга нисбатан паст ҳисобланади [29]. Варикоцелэктомиянинг энг кенг тарқалган асоратларидан бири бўлган ёрғоқ истисқосининг частотаси 3% дан 33% гача, микрожарроҳликдан кейин деярли содир бўлмайди, чунки лимфа томирларини кўриш майдонининг кўпайиши билан кузатилиши ва осонгина сақланиши мумкин. Шу билан бирга, микрохирургик қайта тиклаш ўқиш ва тажрибани талаб қилади, ҳамда ушбу усулдан фойдаланганда операция давомийлиги ҳам кўпроқ чўзилади. Чов ва

чов ости кесимларини таққословчи тадқиқотлар шуни кўрсатдики, чов каналини пластика қилиш вақтида ташқи қийшиқ мушак апоневрозининг очилиши қўшимча оғриқ ва қайта тикланиш вақтининг чўзилишига олиб келади, аммо жарроҳлик давомийлиги қисқароқ бўлади [27]. H. Garg, R. Kumar [22] чов кесими орқали микрохирургик аралашувларини оғриқли варикоцеле билан оғриган 114 нафар беморларда ўтказдилар. Умумий қамров даражаси 91,2% ни ташкил этиб, беморларнинг атиги 8,8% операциядан кейинги оғриқдан шикоят қилдилар. L. Guo ва бошқ. [24] чов ва чов ости соҳаси орқали ўтказилган микрохирургик усул ўтказилган беморларнинг 52,8% ва 41,5% да тўлиқ ва қисман жавоб ҳақида хабар берган. Урологлар орасида амалий мулоҳазалар жарроҳнинг афзалликлари ва касалхонанинг ҳолатига қараб катталар ва ўсмирларда жуда катта фарқ қилади [22]. Бошқа қиёсий ҳисоботларда турли усуллар баҳоланган бўлиб, гарчи микрохирургик усуллар минимал асоратлар ва қониқарли натижалар билан машҳурликка эришган бўлсада, ҳозирда варикоцелени даволаш учун энг мос бўлган жарроҳлик усули бўйича келишув мавжуд эмас [24].

Тери орқали эмболизация. Перкутан транскатетер эмболизация тери орқали антеград ёки ретроград қон томирларига киришни ўз ичига олади. Фонограммада веноз анатомия спираллар, шарлар ёки склеротерапия билан кейинги эмболизация билан тавсифланади. Ушбу техниканинг асосий афзаллиги шундаки, уни маҳаллий оғриқсизлантириш остида бажариш мумкин. Аммо, одатда, фақат интервенцион рентгенологияга ихтисослашган марказларда амалга оширилади ва сезиларли даражада радиация таъсирида жарроҳлик даволанишга қараганда унчалик муваффақиятли бўлмайди. Шунинг учун, у бирламчи даволаш учун микхирургик ёндашув сифатида самарали бўлмасдан, унинг қайталанган ва кучайибборувчи варикоцеледаги роли яхшироқ белгиланади [23]. Охирги маълумотлар оғриқли варикоцелени [30] асосий даволаш усули сифатида қўлланиладиган тери орқали транскатетер эмболизациянинг юқори самарадорлигини кўрсатди. Бироқ, қайталаниш даражаси микрохирургик усул билан таққослаганда ҳали ҳам юқори.

Эксперт хулосаси. Оғриқли варикоцелени турли хил жарроҳлик ёндашувлари орқали даволаш оғриқни бир хилда бартараф этилишига сабабчи бўлди. Шунинг учун, варикоцелэктомия оғриқ билан кечувчи варикоцелени даволашнинг стандарт усули ҳисобланади. Аммо, беморларнинг тахминан 10% варикоцелэктомиядан кейин доимий оғриқни бошдан кечирадилар. Шундай қилиб, жарроҳлик даволашдан олдин хабардор қилинган розилик даволашнинг самара бермаслигини ҳисобга олиши керак. Бундан ташқари, жарроҳлик даволашдан олдин етарли консерватив даво кўрсатилади, чунки бир нечта тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оғриқнинг узоқ давом этиши операциядан кейинги муваффақиятли натижаги имкон беради. Микрохирургик чов, ёки чов ости соҳа орқали кесим бажарилганда қайталаниш даражаси пастлигини ва мояк истисқоси каби асоратлар камлиги сабабли турли хил жарроҳлик ёндашувлар орасида тавсия этилади.

Хулосалар. Сурункали мояк оғриғи-бу варикоцеле билан касалланган беморларнинг 2% дан 10% гача қисмида кенг тарқалган шикоят ҳисобланади. Варикоцелэктомия ҳали ҳам энг мақбул даволаш усули ҳисобланади ва оғриқни камайтиришда тахминан 80% самара беради. Шу билан бирга, лапароскопик ёки микроскопик қўллаб-қувватланадиган, ёки ретроперитонеал, чов, чов ости ва ёрғоқ орқали кеимлар каби турли хил жарроҳлик усуллари мавжуд. Варикоцелэктомиянинг микрохирургик усуллари асоратларнинг минимал частотаси ва қулай натижалари туфайли машҳурликка эришди. Шу билан бирга, узоқ муддатли кузатувлар орқали кейинги тадқиқотлар ва рандомизацияланган синовлар зарур.

Адабиётлар:

1. Акилов Ф.А., Шомаруфов А.Б., Аббосов С.А. Анализ сочетанного воздействия возраста и длительности бесплодия на эффективность варикоцелэктомии // Урологические ведомости. – 2019. – Т. 9. – №. 1S. – С. 8-9.
2. Артыков К.П., Хомидов Ф.Б., Хван И.Н., Юлдошев М.А. Современные методы оперативного лечения варикоцеле // Вестник Авиценны. – 2014. – №. 3 (60).
3. Бердников М.А., Антипов Н.В. Варикоцеле: современная проблема// Журнал фундаментальной медицины и биологии. – 2016. №.3. С. 42–50.
4. Гамидов С., Овчинников Р., Попова А., Никитин П., Ижбаев С. Варикоцеле: современное состояние проблемы // Врач. – 2013. – Т. 1. – С. 12.
5. Глыбочко П.В., Аляев Ю.Г., Чалый М.Е. Бесплодие и патозооспермия после оперативного лечения варикоцеле // Фарматека. – 2013. – №. 3. – С. 35-37.
6. Готюр О. И. Гемодинамические изменения в яичке и их влияние на сперматогенез в условиях левостороннего варикоцеле // Научное обозрение. – 2013. – №. 9. – С. 461-464.
7. Деревянко Т.И., Панченко И.А., Ефименко А.П. Варикоцеле: оптимальный лечебно-диагностический подход и медицинская реабилитация репродуктивной функции // Курортная медицина. – 2014. – №. 4. – С. 47-53.
8. Евдокимов В. В., Захариков С. В., Кастрикин Ю. В. Варикоцеле у детей и подростков // Лечение и профилактика. – 2017. – №. 1. – С. 53-56.

9. Жуков О. Б., Верзин А. В., Пеньков П. Л. Регионарная почечная венная гипертензия и левостороннее варикоцеле //Андрология и генитальная хирургия. – 2013. – №. 3. С. 29-37.
10.Жуков О.Б., Капто А.А., Михайленко Д.С., Евдокимов В.В. Варикозная болезнь органов таза мужчины // Андрология и генитальная хирургия. – 2016. – Т. 17. – №. 4. С. 72 – 77.
11.Ижбаев С.Х. Влияние варикоцеле на сексуальную функцию у мужчин. Дисс. на соиск. ученой степ. канд. мед. наук, Москва – 2015. С. 135.
12.Капто А. А. Эндоваскулярная хирургия подвздошных вен при двустороннем варикоцеле и варикозной болезни вен органов малого таза у мужчин // Урологические ведомости. – 2018. – Т. 8. – №. 1.
13.Кравцов Ю.А., Макаров В.И., Сичинава З.А., Полушин О.Г., Яворская М.В. Роль синдрома недифференцированной дисплазии соединительной ткани в рецидивировании варикоцеле // Сибирский медицинский журнал (Томск). – 2011. – Т. 26. – №. 3-2.
14.Мадыкин Ю. Ю., Золотухин О. В. Варикоцеле и нарушения фертильности // Вестник новых медицинских технологий. – 2013. – Т. 20. – №. 2.
15.Мещеряков Ю. В., Николаева А. С. Патофизиологические пути развития варикоцеле-ассоциированного бесплодия // Новое слово в науке и практике: гипотезы и апробация результатов исследований. – 2016. – №. 22. – С. 37-46.
16.Муслимов Ш.Т. Сравнительная оценка лапароскопической и микрохирургической варикоцелэктомии. Автореферат дисс. на соис. уч. степ. канд. мед. наук, Москва – 2013, С. 20.
17.Неймарк А. И., Попов И. С., Газаматов А. В. Особенности микроциркуляции предстательной железы и гонад у юношей, страдающих изолированным варикоцеле и варикоцеле в сочетании с тазовой конгестией //Экспериментальная и клиническая урология. – 2013. – №. 2. – С. 56-60.
18.Шамраев С. Н., Канана А. Я., Бабюк И. А. Трансабдоминальная лапароскопическая варикоцелэктомия при различных типах варикоцеле // Здоровье мужчины. – 2013. – №. 4. – С. 151-152.
19.Abd Ellatif ME, Asker W, Abbas A, Negm A, Al-Katary M, El-Kaffas H, et al. Varicocelectomy to treat pain, and predictors of success: a prospective study. Curr Urol. 2012; 6:33–36. PMID: 24917707.
20.Cozzolino DJ, Lipshultz LI. Varicocele as a progressive lesion: positive effect of varicocele repair. Hum Reprod Update. 2001; 7:55–58. PMID: 11212075.
21.Eisenberg ML, Lipshultz LI. Varicocele-induced infertility: newer insights into its pathophysiology. Indian J Urol. 2011; 27:58–64. PMID: 21716891.
22.Garg H, Kumar R. An update on the role of medical treatment including antioxidant therapy in varicocele. Asian J Androl. 2016; 18:222–228. PMID: 26763549.
23.Garolla A, Torino M, Miola P, Caretta N, Pizzol D, Menegazzo M, et al. Twenty-four-hour monitoring of scrotal temperature in obese men and men with a varicocele as a mirror of spermatogenic function. Hum Reprod. 2015; 30:1006–1013. PMID: 25779699.
24.Guo L, Sun W, Shao G, Song H, Ge N, Zhao S, et al. Outcomes of microscopic subinguinal varicocelectomy with and without the assistance of Doppler ultrasound: a randomized clinical trial. Urology. 2015; 86:922–928. PMID: 26278823.
25.Hu W, Zhou PH, Zhang XB, Xu CG, Wang W. Roles of adrenomedullin and hypoxia-inducible factor 1 alpha in patients with varicocele. Andrologia. 2015; 47:951–957. PMID: 25335788.
26.Kachrilas S et al. Laparoscopic varicocelectomy in the management of chronic scrotal pain. JSLS. 2014; 18:e2014.00302.
27.Lomboy JR, Coward RM. The Varicocele: clinical presentation, evaluation, and surgical management. Semin Intervent Radiol. 2016; 33:163–169. PMID: 27582602.
28.Pastuszak AW et al Diagnostic and management approaches to pediatric and adolescent varicocele: a survey of pediatric urologists. Urology. 2014; 84:450–455. PMID: 24928462.
29.Sigalos JT, Pastuszak AW. Chronic orchialgia: epidemiology, diagnosis and evaluation. Transl Androl Urol. 2017; 6:S37–S43. PMID: 28725616.
30.Thomason AM, Fariss BL. The prevalence of varicoceles in a group of healthy young men. Mil Med. 1979; 144:181–182. PMID: 107487.

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ ВАРИКОЦЕЛЕ

Рахимов Ж.И., Зайниев А.Ф.

Резюме. *Варикоцеле – это патологическое расширение вен яичка, вызванное ретроградным венозным рефлюксом. Варикоцеле развивается в основном слева, но может быть обнаружено и с обеих сторон, очень редко – только справа. Данное заболевание представляет собой очень серьезную проблему, так как считается одной из самых распространенных причин мужской инфертильности. Приблизительно у 15 % мужчин имеющееся варикоцеле проявляется в пубертатном периоде (в возрасте старше 11 лет). Наибольшая распространенность варикоцеле (69,9 %) приходится на возраст 14–16 лет, и вызывает тревогу то обстоятельство, что у значительной части подростков с варикоцеле диагностируется нарушение сперматогенеза. Микрохирургические методы варикоцелэктомии завоевали популярность благодаря минимальной частоте осложнений и благоприятным результатам. Тем не менее необходимы дальнейшие исследования и рандомизированные исследования с более длительным периодом наблюдения.*

Ключевые слова: *синдром Варикоцеле, диагностика, лечение, профилактика, осложнение, боль.*

УДК: 61:796/799

ЮНИОР ВА КАДЕТ СПОРТСМЕНЛАРДА ТАНАНИНГ КОМПОЗИЦИОН ТАРКИБИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ҲОЗИРДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ИНФОРМАТИВ УСУЛЛАРИ

Рахматова Мархабо Расуловна
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

ЗНАЧЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СОСТАВА ТЕЛА У СПОРТСМЕНОВ-ЮНИОРОВ И КАДЕТОВ И СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАТИВНЫЕ МЕТОДЫ ИХ ИЗУЧЕНИЯ

Рахматова Мархабо Расуловна
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

SIGNIFICANCE OF BODY COMPOSITION INDICATORS IN JUNIOR AND CADET ATHLETES AND MODERN INFORMATIVE METHODS FOR THEIR STUDY

Rakhmatova Markhabo Rasulovna
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: info@bdti.uz

Резюме. *Тана таркибини ёшга боғлик ҳолда ўрганиш турли ёш даврларида спортчилар тана вазнининг лабил таркибий қисмларининг ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш имконини беради. Препубертал даврда мушак массасининг аста-секин ва кам ўсиши шунингдек ёғ ҳажмининг асосий чегара атрофида ўзгариши кузатилади. Балоғат даврида мушак массасининг сезиларли даражада ўсиши (айниқса, ўғил болаларда), ёғ массасининг камайиши ўғил боллаларда, қизларда эса бироз ортиши билан тавсифланади. Адабиётлар шарҳига бағишланган ушбу мақола юниор ва кадет спортсменларда тананинг композицион таркиби кўрсаткичларининг аҳамияти ва ҳозирда уни ўрганишнинг информатив усулларини ўрганишга бағишланган.*

Калит сўзлар: *тананинг композицион таркиби, юниор ва кадет спортсменлар, композицион таркиб аниқлашнинг информатив усуллари.*

Abstract. *The study of body composition depending on age allows athletes of different ages to study the features of changes in the labile components of body weight. In the prepubertal period, there is a gradual and low increase in muscle mass, as well as a change in the volume of fat along the main border. A significant increase in muscle mass during puberty (especially in boys), a decrease in fat mass is characterized by a slight increase in boys and girls. This article, devoted to a review of the literature, is intended to study the significance of body composition indicators in junior and cadet athletes and currently informative methods for studying it.*

Key words: *body composition, junior and cadet athletes, informative methods for determining the compositional composition.*

Ҳозирда тананинг композицион таркибий тузилишини ўрганиш морфологиянинг фаол ривожланаётган ва нисбатан янги йўналишларидан бири бўлиб, спорт ва тиббиёт амалиётида катта аҳамиятга эга. Спортда тана тузилишини ўрганиш спортчиларнинг соғлиғини кузатиш ва жисмоний фаолиятни назорат қилиш шунингдек, машғулотлар жараёнини самарали бошқаришга ва назорат қилишга имкон беради. Бироқ, спортда юқоридаги хусусиятларни ўрганиш спортчининг ёш ва малакавий фарқларни, спорт турларнинг ўзига хослигини, модель хусусиятларини, жисмоний сифатлар ва функционал кўрсаткичлар билан боғлиқлигини ҳисобга олишни талаб қилади [1, 4, 6, 7]. Спортчиларнинг истиқболларини баҳолашда уларнинг морфологик, функционал ва конституциявий хусусиятларини аниқлашга алоҳида эътибор берилади. Катта ёшли инсонлардан фарқли болалар организми жадал ўсиши ва ривожланиши, орган ва тизимларнинг фаол шаклланиши билан характерланади.

Спортнинг баъзи турларида бўй узунлиги тана массаси ошиши кўп бўлмаганда ҳам етарлича ишончли прогностик кўрсаткич бўлиб хизмат қила олади. Шуни таъкидлаш жоизки,

нисбатан катта тана массасига эга баланд бўйли енгил атлетика билан шуғулланадиган спортчининг фаолият натижалари калта ва ўрта бўйли спортчиларга нисбатан яхшироқ истиқболга эга. Кўпгина спорт турларида унча катта бўлмаган тана массасига қарамасдан бўй узунлиги катта аҳамият касб этади. Бу жисмоний хусусиятлар идеал спортчи моделини қуришда ҳисобга олинади. Юқори натижаларга эришиш учун бўй узунлиги-тана вазни индекси, нейрофункционал ва жисмоний ривожланиш даражасининг кўрсаткичлари муҳим бўлиб ҳисобланади [2, 3].

Нисбатан бир хил спортчилар гуруҳларини жалб қилиш билвосита техник натижага таъсир қиладиган тана тузилишидаги катта ўхшашликлар асосида амалга оширилади. Спортчининг тана тузилиши маълум бир спорт турига мос келганда у юқори имкониятларга эга бўлади, аксинча бўлганда эса, яъни тана тузилиши заиф бўлган спортчиларда ҳаракат хусусиятлари ва техникани яхшилаган пайтда юқори натижаларга эришиш мукин. Ўсмирларни спорт турларига жалб қилаётган пайтда, уларнинг бўй узунлиги ва тана вазннинг ўсиш имкониятларини ҳисобга олиш зарур. Тана узунлигининг кескин ўсиши ўғил болаларда 12 ёшдан, тана вазнининг ортиши эса 13 ёшдан бошланиши аниқланган. Ўсмирлик ва ёшлик даврида тана узунлигининг ўсишининг юқори суръатлари, тана вазни ва мушак массасининг ортиши кузатилади. Тана узунлигининг интенсив ўсиши 13 ёшдан 14 ёшгача (9-10 см гача) ва 14 ёшдан 15 ёшгача (7-8 см) бўлган даврда кузатилади. Ўсиш тезлигининг пасайиши 16-17 ёшга тўғри келади: 15 ёшдан 16 ёшгача - йилига 5-6 см га; 16 ёшдан 17 ёшгача - атиги 2-3 см ўсади ва тана узунлигининг ўсиши асосан 18 ёшда тугайди. Жисмоний фаоллик таъсири остида скелет тизими ва бойлам аппаратларида сезиларли ўзгаришлар содир бўлиш сабаби шундаки, 16-18 ёшдаги ўсмирларда уларнинг ривожланиши ҳали тугалланмаган бўлади. Суяк эпифиз дисклари умуртқа танаси билан бирга 24 ёшларда тўлиқ ўсади; юқори муччалар ядроларининг ўсиши 16 ёшдан 25 ёшгача, тос суякларининг ўсиши эса 14 ёшдан 20 ёшгача давом этади. Қўл бармоқларининг суякланиши ўсмирларда 16-22 ёшда тўғри келса, оёқ бармоқларининг суякланиши эса 1-2 йил олдин якунланади. 15-17 ёшдан бошлаб тана узунлигининг ўсиши секинлашади, айниқса бўйламасига ўсиш устунлик қилади. Суяклар қалинроқ ва кучлироқ бўлади, аммо оссификация жараёни ҳали тугалланмаганлиги ҳисобга олган ҳолда жуда оғир юкларни кўтариш билан боғлиқ бўлган спорт турлари билан шуғулланишга эҳтиёт бўлиш зарур. Ўсмир танасининг ривожланиши мушук массасининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Ёш ортиши билан унинг ўзгариши содир бўлади: 7-8 ёшда скелет мушакларининг умумий массаси 28% гача, 12 ёшда эса тана умумий вазнининг 29,4% ни ташкил қилади. 15 ёшга келиб, мушак массаси 32,6 фоизга, 18 ёшда эса – 44,2 фоизга ошади. 20 ёшга келиб, мушаклар вазни умумий тана вазнининг 40-45% ни ташкил этади. Таъкидланганидек, мушак массаси кўрсаткичларининг ўзгариши 17 ёшдан кейин ташқи таъсирлар (озиқланиш, жисмоний зўриқишлар), шунингдек, генетик хусусиятлари ҳисобига содир бўлади. 16-17 ёшда мушак массасининг ўсиши 3,8 кг (16,1%); 17-18 ёшда - 11,4 кг (5,6%); 18-19 ёшда - 11,0 кг (4,1%); 19-20 да йиллар - 10,3 кг (1,2%)ни ташкил этади [7,17].

Рылова ва Жолинскийлар томонидан олиб борилган изланишлар давомида ёш спортчиларнинг морфофункционал хусусиятлари спорт билан шуғулланувчи ўғил ва қизлар организмида ёғ фоизи, спорт билан шуғулланмайдиган ўсмир қиз ва йигитларга нисбатан камроқ, шунингдек спорт билан шуғулланмайдиган ўғил болларда мушак тўкимаси ҳажми ёш спортчи йигитларга нисбатан камроқ эканлиги ҳам аниқланган. Олиб борилган изланишлар ва диспансеризация малумотларига, ҳамда ретроспектив текширувлар натижасига таяниб болалар ва ўсмирлар гуруҳлари хусусиятларида сезиларли фарқлар, шунингдек, ҳар бир спорт тури учун ҳам индивидуал бўлган фон ҳолатларининг мавжудлиги аниқланди [15,18].

Таянч-ҳаракат тизимига жисмоний машғулотларнинг таъсири уларнинг кучи (ҳажми, интенсивлиги) ва зўриқишнинг табиати (статик, динамик, куч билан боғлиқ, юқори тезлик билан боғлиқ ва ҳ.) билан белгиланади. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, тенг миқдордаги динамик машқлар кўпроқ тананинг фаол қисми (мушаклар)га таъсир қилиб, пассив қисмларига эса (суяклар, пай, бойламлар) камроқ таъсир қилади. Ёшга боғлиқ ўзгаришларни баҳолашда мушакларнинг нафақат зўриқишнинг катталигини, балки унинг сифат хусусиятлари (маҳаллий ёки умумий, динамик ёки статик), шунингдек энергия хусусиятлари (енгил, ўртача, катта, максимал, субмаксимал иш қуввати)ни ҳам инобатга олиш зарур. Ёш жихатидан мушаклар максимал иш қобилиятининг намоён бўлиш қобилияти жуда хилма-хилдир[17,19].

Тана массасининг таркибий қисмларининг динамик тадқиқотлари кўплаб олимлар томонидан турли йўналишларда олиб борилган. Маълумки, парҳез оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг турли хил таркиби таъсирида тана таркиби ўзгаради [8]. Ёғ массаси даражасининг ортиши парҳезда углевод-ёғ комплекси улуши кўпайган тақдирда кузатилади,

ёғли ва углевод ўз ичига олган озиқ-овқат миқдори чекланган бўлса, тана таркибида тескари ўзгаришлар қайд этилади [2]. Турли хил фармакологик препаратлардан фойдаланиш тананинг таркибига ҳам таъсир қилади: анаболик воситалардан фойдаланиш мушакларнинг массасини, самарадорлик ва чидамлиликни оширади [9].

Тана таркиби индексларининг жисмоний фаоллик даражаси билан бевосита боғлиқлиги аниқланган [9]. Кучли жисмоний фаоллик ёғ таркибининг пасайишига ва мушак ҳажмининг ошишига олиб келади [1, 11]. Тана массаси таркибий қисмлари қийматларининг ўзига хослиги, шунингдек, спортчиларнинг шуғулланаётган спорт тури ва малакаси билан белгиланади. Юқори разрядли эга малакали спортчиларда, малакаси ва разряди паст бўлган спортсменларга нисбатан мушаклари ҳажми юқори, ёғ ҳажми эса кўпроқ. Спортнинг куч талаб қиладиган турлари билан шуғулланадиган спортчиларда мушак массасининг максимал қийматлари, юқори чидамлиликни талаб қиладиган спорт турларида - мушак ҳажми спортнинг куч талаб қиладиган турига нисбатан камроқ, шунингдек ёғ ҳажмининг минимал миқдори билан ажралиб туради. Спортнинг ўйин тури билан шуғулланувчиларда мушак ва ёғ массаларининг қийматларини ўйин амплуасидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Шундай қилиб, ҳар бир спорт турида спортчиларнинг ўзига хос морфологик модели шаклланади, унга мос келиш эса спортда муваффақият ва “профессионал узоқ умр” асосий устуни ҳисобланади. Бугунги кунда спортчиларга қўйиладиган талаблар барқарор ўсиб бормоқда, улар морфологик моделнинг тобора мураккаб бўлган мезонларига жавоб беришлари, спортнинг биомеханик стереотипини оптимал тарзда амалга оширишни таъминлаш учун уларнинг жисмоний маълумотларини умумий морфологик меъёрлардан ўзгартиришлари ва кўпроқ ихтисослаштирилган машғулот усулларига мурожаат қилишлари керак.

Спортчилар учун долзарб муаммолардан бири оптимал тана вазнини сақлашдир, бу спортчиларни, айниқса оғир спорт турларида тана вазнини камайтириш ёки уни паст даражада ушлаб туришнинг экстремал усулларидан фойдаланишга ундайди. Кам тана вазнини атайлаб ушлаб туриш ёки қисқа муддатли вазн йўқотиш жиддий тиббий муаммоларга олиб келиши мумкин. Буларнинг барчаси кўплаб спорт турларида кенг тарқалган муаммолардан бирига айланади [13, 14].

Метаболик фаоллик таминлаб беришда хизмат қиладиган ёғ массасини ҳисоблаш спортда муҳим аҳамиятга эга [10]. Худди шундай суяк ва мушак миқдори ва тақсимотини билиш, атлетик кўрсаткичларни аниқлашда яна бир зарур кўрсаткичлардандир. Ҳаддан ташқари кучли жисмоний юкламалар сабаб спортчи организмида ёғ массаси улушининг 5-6% гача, мушак-скелет тизимининг ҳажми 46% гача камайиши организмнинг ҳаддан ташқари зўриқиб ишлаётганлигини кўрсатади [22]. Бундан ташқари, машғулот юкламалари таъсирида мушак ва ёғ компонентларининг ўзгариши спортчининг танасидаги структуравий даражадаги мослашувчанлигини бузилиши, зўриқиш ва энергия таъминотининг ўзгаришини акс эттиради. Худди шундай спортчилар организмида сув балансини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга, чунки кучли жисмоний фаоллик, терлаш туфайли элементларнинг, биринчи навбатда, натрий ва калийнинг йўқотилиши билан бирга кечади, бу юрак-қон томир тизимининг функционал ҳолатига ва нерв-мушакларнинг тартибга солинишига салбий таъсир қилади. Тадқиқотлар спортчи кучнинг пасайишига йўл қўймаслик учун мусобақа бошланишидан олдин тана вазнини коррекциялаш мақсадида спортчилар организмидаги умумий сув миқдори, ҳамда ҳужайра ичидаги суюқлик миқдори кўрсаткичларини кузатиш зарурлиги исботланган [12, 16].

Ўтган аср мобайнида инсон танаси композицион таркибини аниқлаш учун кўплаб усуллар таклиф қилинди ва бугунги кунда замонавий ёндашувлар ушбу кўрсаткични биологик тизимнинг барча даражаларида - элементар, молекуляр, ҳужайравий, орган тўқима ва бутун организм даражасида ўрганишга имкон беради [4]. Бироқ, уларнинг барчаси ўзига хос камчиликларга эга ва ҳозирда тананинг композицион таркибини аниқлаш методологиясининг "олтин стандарти" ёки универсал мақбул мезонлари мавжуд эмас [20]. Амалдаги барча техник воситалар қуйидаги тоифаларга бўлинади: оддий метод, лаборатор текширув ва эталон усуллари.

Оддий методларга антропометрия, биоимпедансметрия, тана массаси индексини аниқлаш киради. Лаборатор текширув методларига денситометрия, гидрометрия, ультратовушли текширувлар, уч ўлчовли сканерлаш, икки энергияли рентген абсорбциометрияси , ҳамда эталон методларга кўпкомпонентли моделлар, компьютер томографияси, магнит-резонанс текшируви усуллари кабилар киради [6].

Спорт ва тиббий амалиётда тананинг таркибини аниқлашнинг антропометрик, калиперометрик усуллари ўзининг эффективлигини кўрсатди. Бу тананинг композицион таркибини аниқлаш учун энг арзон,

содда ва кўчма оддий усуллардандир. Бироқ, антропометрик ўлчовларни ўтказиш, текширувчидан юқори малакага ва текширув протоколига аниқ риоя қилишни талаб қилади [4, 6]. Тана таркибини ўрганишнинг оддий усуллари орасида тана массаси индекслари маълум бир ўринни эгаллайди. Афсуски, буй-вазнининг индексларидан фойдаланиш индивидуал даражадаги тана таркиби тўғрисида ишончли маълумот бера олмайди. Фаолияти жисмоний меҳнат ёки мунтазам жисмоний машқлар ҳамда, мушак массасининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган жисмоний машқлар билан шуғулланадиган одамларда ёғ массасини аниқлаш учун ушбу метод кам информатив усулдир [23, 24].

Тананинг композицион таркибини аниқлашда кенг қўлланилиб келинаётган усуллардан бири биоимпедансеметрия усули бўлиб, у ёғ тўқималарининг ва ёғсиз тана массаларининг электр ўтказувчанлигидаги сезиларли фарқларга асосланган. Ушбу усул мақбул аниқлик, портативлик, ускуналар ва текширишнинг нисбатан паст нархлари, тадқиқот усулининг қулайлиги ва маълумотларни автоматик қайта ишлаш имконияти билан тавсифланади [21]. Усулнинг камчиликлари ускунани ва ўлчаш усулларини ягона стандартларининг йўқлигини бўлиб, бу натижаларни таққослаш ва таҳлил қилишни қийинлаштиради. Ушбу усулнинг индивидуал моделларининг устунлиги шундан иборатки, фаол ҳужайра масса ва асосий алмашинув каби клиник аҳамиятга эга параметрларни бир вақтнинг ўзида баҳолаш, шунингдек, нафақат интеграл, балки локал тана таркибининг параметрларини ўрганиш ҳам мумкин [5, 22, 23].

Тананинг композицион таркибини ўрганишнинг яна бир усули бу тана зичлигини баҳолашга асосланган плетизмография бўлиб бунда оддий ҳаво билан тўлдирилган герметик камерада тананинг зичлиги аниқланади. Тана зичлигини аниқлашнинг алтернатив усул бўлиб гидростатик денситометрия усулидир. Бунинг учун сувда ва одатдаги шароитда тана вазнини ўлчанади. Тана вазнини ўлчаш учун танани тўлиқ сувга шўнғишини талаб этадиган бу усул болаларда, шунингдек кекса ва касал одамларда қўллаш имкониятини камайтиради. Умуман олганда, гидростатик денситометрия ва ҳаво плетизмографияси усуллари техник жиҳатдан қийинчиликлар туғдиради ва уларни касалхона шароитида ўтказиш зарур. Бундан ташқари индивидуал фарқлар сабаб, бу методлар орқали аниқ ва тўлиқ малумот олиш қийин. Тана моделлари ёрдамида тананинг композицион таркибини аниқлашнинг яна бир усули - бу организмдаги умумий сув миқдорини баҳолашдир.

Организмдаги сувни ўлчашнинг эталон усули тритий, дейтерий ёрдамида изотоп аралаштириш усули ҳисобланади. Гидростатик денситометрия ва ҳаво плетизмографияси усулларидан фарқли ўлароқ, ушбу усулдан фойдаланиш жуда қулай бўлиб, хохлаган шароитда қўлланилиши мумкин, аммо таҳлил лабораторияга юборилади ва у ерда бир неча кун давомида текширилади. Бундан ташқари, бу усулнинг яна бир камчилиги организмга оз миқдордаги нурланишнинг (тритиум ҳолатида) таъсири ва текширувнинг юқори нархи ($H_2{}^{18}O$ дан фойдаланилганда) билан боғлиқдир. Ушбу тадқиқотнинг кейинги камчилиги бу, бироз аниқ кўрсаткичдан четга оғишнинг асосий манбаи тананинг масса таркибидаги нисбий сув миқдори доимий эканлиги ҳақидаги тахминдир. Шунинг учун, гидратация бузилишига шубҳа қилинган одамларда ушбу усулдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Тананинг композицион таркибини ўрганишда бугунги кунда ёғ, мушак ва бошқа тўқималарни аниқлашнинг юқори аниқликдаги усулларидан бири учун ултратовуш усули ҳисобланади. Портатив ултратовуш қурилмалар ўлчамларни хохлаган шароитда ўтказишга имкон беради [6, 24].

Тана таркибини ташхислашда энг кенг тарқалган усулдан яна бири икки энергияли рентген-абсорбиометрия методи бўлиб ҳисобланади. Дастлаб, ушбу усул тиббий амалиётда остеопения ва остеопороз ташхиси учун муваффақиятли ишлатилган. Ҳозирги вақтда минерал зичлик ва суяк минерал массасини баҳолашдан ташқари, икки энергияли рентген-абсорбиометрия методи танадаги ёғ ва ёғсиз тана массасини аниқлаш учун ишлатилади. Икки энергияли рентген-абсорбиометрия усули скелетнинг иккала периферик ва эксенел қисмларини ўрганишга имкон беради. Ўрнатилган дастур юмшоқ тўқималарнинг зичлигини ҳисобга олган ҳолда ўлчаш натижаларини автоматик равишда коррекциялайди. Бу метод минимал инвазив ва нисбатан арзон усул бўлиб, беморларнинг фаол иштирокини талаб қилмайди. Икки энергияли рентген-абсорбиометрия усули натижаларини нейтрон фаоллаштириш таҳлили, гидростатик денситометрия методлари билан таққослаш ёғ ва ёғсиз тана массасини етарли даражада аниқ баҳолаш имкониятини кўрсатди. Шу асосда икки энергияли рентген-абсорбиометрия усули тана массаси индекслари, шунингдек, калиперометрия ва биоимпедансеметриялар асосида прогнозли формулаларни текшириш учун маълумот сифатида ишлатилади [4, 5].

Тана оқсилининг умумий миқдорини аниқлаш нейтрон активация таҳлилини ёрдамида

азот миқдорини аниқлаш орқали амалга оширилади, бу фақатгина дунёдаги бир нечта лабораторияларда мавжуд. Ушбу тўрт компонентли моделдан фойдаланишда, тана оқсилининг / тана массасига нисбати доимий бўлиши лозим, лекин жисмоний фаолият таъсири остида тананинг ёғ қисмидаги қисқа муддатли ўзгаришларни кузатишда ҳам, ёки овқатланиш режимидаги ўзгаришлар, танадаги ҳужайрали ва оқсил массаси ўзгаришлари ҳам бунда аниқ кўрсаткичнинг четга оғишига сабаб бўлиши мумкин. Турли хил моделлар ўзига хос қўллаш спецификасига эга. Масалан, тана таркибини аниқлаш учун икки компонентли модел, тананинг массаси таркиби ва зичлигининг сезиларли даражада ўзгариши туфайли, организмнинг индивидуал таркибий қисмидаги ўзгаришларни кузатиш учун мос эмас, аммо дастлабки ташхис қўйиш ва яққол даражадаги озғинлик ёки семизликни даволаш самарадорлигини баҳолаш бундан мустасно. Ушбу моделдан гуруҳ ўртача кўрсаткичларини тавсифлаш учун фойдаланиш мумкин. Уч компонентли моделдан катталар ва ўсмирларнинг соғлом популяциясини характерлаши учун фойдаланиш мумкин, бу тананинг ёғ миқдорини ўлчаш аниқлигини бироз яхшилашга имкон беради, ҳолбуки тана суюқлик балансининг бузилиши ёки тана ҳажминининг минерал ўзгариши билан боғлиқ беморларда уч компонентли моделлар сезиларли фоизларни тананинг ёғ миқдорини ўлчами аниқ кўрсаткичларидаги хатоликларга олиб келиши мумкин [4].

Анъанавий, икки, уч, тўрт компонентли ва беш даражали кўп компонентли моделлар қўлланилади. Аммо, тана таркибини баҳолаш учун компонентлар моделлари (тана зичлиги, организмдаги сув миқдори, тананинг минерал массаси, танадаги оқсилнинг умумий миқдори, ҳужайра массаси) параметрларни ўлчаш учун кўп вақтни, ҳамда қиммат ва махсус технологиялардан фойдаланиишни талаб этади.

Тана таркибини тўқима даражасида аниқлаш учун эталон усуллардан бири бу магнит-резонанс томография ва компютер томографияси усулларидир. Рентген компютер томографияси тери ости ва ички ёғ миқдорини, шунингдек скелет мушаклари ва ички аъзоларнинг массасини алоҳида-алоҳида кузатиш имконини беради. Магнит-резонанс томография усули компютер томографияси усули сингари скелет мушакларининг массасини аниқлаш учун эталон усул сифатида ишлатилиши мумкин. Усулларнинг афзаллиги уларнинг юқори даражадаги аниқлигидадир. Камчиликлари текширувнинг юқори ҳаражат талаб қилиши, радиоактив нурланиш манбаидан фойдаланиб ўтказилиши, норматив критерийларнинг йўқлиги, ҳамда усулни ўтказишда стационар шароитида зарурати билан боғлиқдир [6].

Шундай қилиб, кўп жиҳатдан тананинг таркибини аниқлаш техникасини танлаш тадқиқотнинг мўлжалланган мақсадига ва технологиянинг мавжудлигига боғлиқ. Икки энергияли рентген-абсорбиометрия методи (DXA) усули билан солиштирганда , ультратовуш ва антропометрик ўлчовлар тананинг ёғ миқдори фоизини аниқлашда энг информатив усул эканлигини кўрсатди. DXA , биоимпедансметрия ва ҳаво плетизмографияси усуллари билан солиштирганда ёш эркак спортчиларда тананинг ёғ фоизини ўлчашда аниқ тўғри қийматни бера олмайди. Бундан ташқари биоимпеданс ўлчовларида умумий ёғ фоизи сезиларли даражада баланд чиқади. Индивидуал олинганда биоимпедансметрия ва DXA ёш спортсменлар орасида ҳаво плетизмографияси усули билан солиштирганда тананинг умумий ёғ миқдорини аниқ кўрсата олмайди.

Шубҳасиз, популяцияни ўрганишда ва спорт тиббиётининг амбулатория амалиётида нисбатан оддий, портатив ва арзон усулларга - антропометрия, калиперометрия, биоимпеданс таҳлилига устунлик берилади. Илмий ва клиник тадқиқотларда усулнинг юқори аниқлигига бўлган талаб катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Бєседа В. В. Особливості рухового статусу дітей дошкільного віку категорії «практично здорові» / В. В. Бєседа // Наука і освіта. – 2014. – № 4/CXXI. – С. 22–27.
2. Гаврилова Е. А. Современные представления о синдроме перетренированности / Е. А. Гаврилова // Спортивная медицина: наука и практика. – 2013. – № 1 (10). – С. 77–78.
Бошка бир тадкикотда эса, Канадалик урологлар томонидан уретропластика утказилган 397 нафар беморларнинг уретрограммалари рентгенологлар томонидан тахлил килинганда факатгина 49% холатда рентгенограммаларнинг адекват, яъни операция пайтида аникланган холатга мос маълумотларни аниклашган. Беморларнинг 13% да эса, хатто сийдик каналининг торайиши хакида умуман маълумот берилмаган [16].

Уретроскопия сийдик чикариш каналининг торайиш даражасини аниклашга ёрдам берадиган асосий усуллардан бири булиб хисобланади. Супрапубик фистула мавжуд булганда, баъзида торайишнинг проксимал чегарасини ва сфинктер аппарати холатини аниклаш учун фиброцистуретроскопиядан фойдаланиш тавсия этилади. Уретроскопиянинг диагностик киймати тугрисида 2014 йилги SIV ICUD тавсияларида куйидагилар курсатилган:

-Уретроскопия уретра стриктурасини аниклашнинг энг узига хос специфик усули сифатида тавсия этилган (далиллик даражаси 4А).

-Уретроскопия - олд уретра торайишларини ташхислашда бошка текширишларнинг натижалари ноаник талкин килинганда ёрдамчи восита сифатида тавсия этилади [далиллик даражаси 3В].

1980-йилларнинг урталаридан бошлаб J.W.Mc Anich томонидан таклиф килинган соноуретрографиянинг пайдо булиши тадкикотчиларда катта кизикиш уйготди [17]. Ушбу усулнинг уретранинг торайишини аниклашга нисбатан сезгирлиги 66-100%гача, узига хослиги эса 97-98% ни ташкил килади. Афсуски, ушбу тадкикотни амалга ошираётганда, стриктура узунлигини аниклашнинг аниклиги 3-5см билан чекланади [16]. Шунингдек, ушбу усулнинг камчиликлари шартли равишда текширишни олиб борувчи шифокорнинг уни амалга ошириш методологиясига хамда олинган маълумотларни талкин килишда хам юкори малакага эга булиши билан бевосита боглик булади [19].

Кейинчалик эса, Mayo клиникасининг олимлари B. Kim, A. Kawashima ва A.J. Le Roy лар хам эркаклар уретраси патологиясини аниклашда магнит-резонансли уретрографиянинг - соноуретрография ва ретроград уретрографияга, хатто КТга хам, нисбатан купрок информатив ахамиятга эгалигини исботлашган [23].

Айникса, Ростов Дону нинг урологлари томонидан охирги 10 йилликда олиб борилаётган илмий изланишлар асосида уретранинг стриктура касаллигида динамик магнит-резонансли ретроград ва антеград спонгиоуретротомографияни куллашда олинган маълумотлар аниклиги жихатидан морфологик текширишлар натижаси билан деярли бир хил эканлиги аникланди [20].

Демак, келтирилган маълумотлар шуни курсатадики, магнит – резонансли уретротомография усули УС (узунлиги, локализацияси, чукурлиги ва спонгиофиброз даражасини) аниклашда энг перспектив самарали усуллардан бири булиб, тугри ва сифатли даволаш усулини режалаштиришда мухим роль уйнайди. Муаммо, ушбу текшириш усулининг кимматлилиги, стандарт баённомаларга киритилмаганлиги сабабли бугунги кунда амалиётда куллашнинг чегаралангланлигидадир.

Уретра стриктурасини ташхислашда пастки сийдик йуллари обструкциясининг ривожланганлик даражасини бахолаш алохида ахамият касб этади. Яъни, хар бир беморда урофлоуметрия текшируви утказилиши, IPSS, QoL ва МИЭФ-5 суровномалари улар томонидан тулдирилиши лозим булади. Ушбу текшириш усуллари асосий булиши билан бирга, (умумий стандартларга киритилмаган булсада), операциядан кейинги даврда монитор кузатувлар олиб боришда мухим ахамиятга эга хисобланади.

Даволаш. Хаммага маълумки, якин кунларгача уретра стриктурасини даволашда “хирургик пиллапоя” принципига амал килинарди. Яъни, режалаштирилган хар кандай очик усулдаги мураккаб операциялардан олдин, албатта “бужлаш” оркали уретранинг торайган жойини кенгайтириш, кейин эса “ички оптик уретротомия” операцияларини утказилар эди. Агарда натижа булмаса, очик усулдаги операциялар бажарилар эди. Хо-

зирги пайтда эса бундай ёндашув эскирган хисобланади.

Умуман олганда УС даволаш усулларини 2 та катта гурухга булиш мумкин: эндоуретрал ва очик операцияларга. Кадимдан хам, самарадор булмасада (10%), урология амалиётида (то хозирги кунгача) кенг кулланилиб келинаётган бужлаш (дилатация) усули камхаржли, амбулатор шароитда хам бемалол барча беморларда бажарса буладиган, оддий даволаш турларидан булсада, рецидивланиши юкори, асоратларининг куп учраши сабабли ушбу даволаш усулини куллашда курсатмалар чегараланган [24].

Замонавий тавсияларга кура, уретранинг бульбоз кисмининг ягона, киска, стриктурасида (≤1см) спонгиофиброз жудаям ривожланмаган холларда, худди бужлаш сингари, ички оптик уретротомия (ИОУТ) усулини «совук пичок» ёки турли лазер, (диод, неодим, гольмий) нурлари ёрдамида биринчи катор даволаш усуллари сифатида куллаш мумкин хисобланади. АКШда хозирги кунда 20% урологлар уретра стриктурасини даволашда лазерли технологиялардан фойдаланмокдалар. Аммо, бу усулни бажаришга куп сарф-харажат талаб килиниши ва даволашнинг натижасига кура (ИОУТ) билан карийиб бир хил самарадорликка эга булганлиги сабабли кенг куллашга тавсия этилмайди [16].

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб касалликнинг рецидивланишини камайтириш максадида чандик сохасига, антиколлаген ва антифибробласт препаратларини операция пайтида уретранинг шиллик ости каватига юбориш тавсия килинган [23]. Ушбу максадда стероид препаратларни, цитостатиклар, глюкокортикоидлар, 2-тип циклооксигеназа ингибиторларини амалда кулланилганида, самарадорликнинг сезиларли даражада ошиши кузатилмаган [17, 18, 19].

Олимлар томонидан ички оптик уретротомия билан бирга уретрал стентларни куллаш масаласи хам интенсив равишда урганилган. Аммо, асоратларнинг куп учраши (оралик сохасидаги огрик, чандикланиш, стентнинг миграцияси, тош билан копланиши, сийдикни тутолмаслик, инфицирланиш ва х.к.) окибатида ушбу усул урология амалиётида бугунги кунда кенг кулланилмайди [20, 21].

Шундай килиб, замонавий тавсияларга кура, уретранинг спонгифиброз унчалик ривожланмаган, бульбар кисмида жойлашган, узунлиги ≤1см булган торайишларида бужлаш ёки ички оптик уретротомия даволашнинг илк боскичида амалга оширилиши мумкин [22].

Аммо, айрим кучсизланиб колган ёки радикал оператив даволанишдан бош тортган беморларда эса ушбу эндоуретрал муолажалар паллиатив даволаш усули сифатида мунтазам кулланилиши мумкин. Ушбу эндоуретрал даволаш усулларининг самарадорлиги 10-35% дан юкори булмасада, купчилик урологлар (худди хорижий давлатлардаги сингари) бизда хам, ундан воз кечишга шошилаётганликлари йук. Яна шуни таъкидлаш лозимки, айрим муаллифларнинг фикрича, эндоскопик усулларнинг асоссиз равишда, кенг кулланилиши, очик уретропластикага курсатмаларни эътиборга олмаслик, келажакда олд уретранинг хам зарарланишига, хамда касалликнинг янада авж олишига сабаб булиши мумкин [23].

Бугунги кунда уретранинг стриктура касаллигини даволашда очик усулда утказиладиган реконструктив хирургик операциялар сезиларли даражада самарадорликка эга хисобланади. Яъни, ушбу операциялардан сунг асоратларнинг кам кузатилиши ва беморларда узок муддатли коникарли натижаларни куришимиз мумкин.

Аммо, 100 йилдан ортик вакт давомида анастомозли уретропластика амалга оширилаётганига карамай, шу кунгача ушбу турдаги жаррохлик даволашлари буйича истикболли ёки рандомизациялашган тадкикотлар утказилмаган. Барча хужжатлар ретроспектив когорт характердаги тадкикотлар хисобланади. Аксарият эксперт мутахассисларнинг фикрига кура анастомозли уретропластика учун курсатма бу: -узунлиги 2-3 смдан ошмайдиган уретранинг бульбоз кисмини торайишларида уринли хисобланади. Уретранинг пенил кисми торайишида эса анастомозли операциялар тавсия этилмайди, чунки жинсий олат кискариб ва эгрилик юзага келиши хавфи юкори хисобланади. Анастомоз пайтида резекция килинган уретранинг кирралари ута мос булиши керак, бу эса рецидивланиш хавфини сезиларли даражада камайтиради [14, 25].

Адабиётлар тахлили шуни курсатадики, анастомозли уретропластика 90% дан ортик холларда муваффакиятли булади [20]. Уретра кирраларининг спатулятциясини тугри бажариш унинг кирраларининг чузилишини тахминан 1,5смга оширади. Шунинг учун чегараланган холатлар (стриктура 2,5-3см узунлик) да, булганда, узайтирувчи анастомозлаш усулларидан ёки уретра аугментациясидан фойдаланиш яхши натижа беради [18].

Уретропластиканинг асосида сийдик каналини торайган кисмини бошка тукима ямоги билан кисман ёки тулик алмаштириш концепцияси ётади. Турли хилдаги уретропластика усулларининг куплигига карамай, ушбу операцияларни 3 гурухга булиш мумкин.

1.Узайтирувчи уретропластика (уретра аугментацияси, анастамоз билан уретра аугментацияси).

2. Боскичли уретропластика.

3. Найчали ямокли уретропластика.

Пластик материал сифатида эркин (озиклантирувчи оёкчада) ямоклардан фойдаланилади. Эркин ямоклар одатда «Graft» (трансплантат) деб аталади ва жаррохлик эса «Grafting» трансплантация, оёчали «Flap», «Flaping» транспозиция атамаси кулланилади. Ушбу иккала усул хам сийдик каналини узайтириш учун ишлатилади. Эркин ямоклар (Graft) сифатида огиз шиллик кавати (буккал ва тил ямоги) кенг кулланилади. Камдан-кам холатларда олат терисидан ва кертмагидан олинган оёкчали ямоклардан фойдаланилган. Аммо кейинги пайтларда скротал теридан фойдаланиш, унинг таркибида соч фолликулалари борлиги сабабли, умуман кулланилмайди.

Уретропластикада огиз мукозасининг ямогини куллаш биринчи бўлиб рус олими К.М. Сапежко томонидан (1894) йилда таклиф этилган [25]. Дунёнинг етакчи мутахассисларининг фикрига кўра, лунжнинг (буккал) шиллиқ қавати субэпителиал қон томирлар тармоғининг яхши ривожланганлиги, мустахкам ва эластик хусусиятларга эгалиги, донорлик сохасининг инфекцияга чидамлилиги ва юқори регенератив қобилияти мавжудлиги сабабли уретрага трансплантация қилиш учун энг идеал пластик материал хисобланади [19, 25].

Замонавий урология амалиётида, уретропластика соҳасининг ривожланиш тенденциялари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: амалдаги урологларнинг кўпчилиги буккал ямоғини сийдик каналига трансплантация қилиш учун идеал пластик материал деб ҳисоблаб, оғиз мукозасини трансплантациясини афзал кўришади; фасциал тери ямоқларини трансплантациясига қизиқишнинг аниқ пасайиб бораётганлиги; -тўқима инженерияси маҳсулотларидан фойдаланиш жуда истиқболли булиб кўринмокда; -анастомозли уретропластиканинг янги турларининг пайдо бўлиши (уретранинг спонгиоз танасини кесмасдан анастомоз куйиш).

Хулоса. Шундай килиб, уретра торайишини даволашда сезиларли ютуқларга эришилаётганлигига қарамай, хозирда ҳал қилинмаган муаммолар хам мавжуд.

УС да торайиш даражасини ташхислашнинг замонавий стандартлари спонгиофибрознинг чуқурлиги ва узунлигини баҳолашга имкон бермайди, бу эса аниқ операция усулини режалаштиришга ҳам, уретропластика натижаларига ҳам таъсир қилиши мумкин. Шу маънода магнит резонансли уретрография усулини кенг амалиётга жорий этиш истиқболли йўналиш деб қаралиши мумкин;

Ҳозирги кунда яратилган эндоскопик инструментлар ёрдамида, аник тассаввурга эга булиш имконияти мавжудлиги сабаб, УС да, облитерацияси, ковук буйинчаси стенози ёки торайишида самарадорлиги жихатидан очик оператив даволаш усулларига альтернатив булган эндоскопик методларнинг кенг кулланилишига олиб келди. Хар хил этиологияли уретранинг киска стриктураларини даволашда, ИОУТ купчилик холатларда бутунлай пластик операцияларнинг урнини эгаллаган десак тугри келади.

А.Т. Мартов, Н.А. Лопаткин (2002 й.) ларнинг фикрича, оптик уретротомиянинг афзаллиги сийдик каналининг торайган жойини бевосита куз билан куриб, танлаб аник кесиш билан бирга, бошка куплаб содир булиши мумкин булган асоратларнинг хам олдини олади, операция киска вактда бажарилади. Рецидивланиш холлари кузатилганда эса яна кайта утказиш имкони мавжуд [18].

Демак, урганилган адабиётлар шархи шуни курсатадики, беморларда УС ни эрта ташхислашва даво муалажасини тайинлашда индивидуал ёндашув (персонализация) мухим ахамият касб этади.

Адабиётлар:

1.Аляев Ю.Г., Терновой С.К. Григорян В.А., Газимиев М.А., Савельев С.Н., Фоминых Е.В. Современные возможности диагностики стриктур мочеиспускательного канала. Медицинская визуализация. 2004;1:103–111).

2. Andrich D., Atala A., Barbagli G., Cavalcanti A., Kulkarni S., Mangera A., Nakajima Y. et al. SIU/ICUD Consultation on Urethral Strictures: The management of anterior urethral stricture disease using substitution urethroplasty. Urology. 2014;83(3 Suppl.): S31–47.

3. Barbagli G., Palminteri E., Guazzoni G., Montorsi F., Turini D., Lazzeri M. Bulbar urethroplasty using buccal mucosa grafts placed on the ventral, dorsal or lateral surface of the urethra: are results affected by the surgical technique? J Urol. 2005;174(3):955–57; discussion 957–958.

4. Barbagli G., Palminteri E., Bartoletti R., Selli C., Rizzo M. Long-term results of anterior and posterior urethroplasty with actuarial evaluation of the success rates. J Urol. 1997;158(4):1380–1382.

5. А.В. Андрющенко, М.Ю. Дробижев, А.В. Добровольский. Сравнительная оценка шкалCES-D, BDI и HADS(D) в диагностике депрессий в общемедицинской практике. Журнал неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова. 2003;5:11–18).

6. AbouShwareb T., Atala A. Randomized comparative study between buccal mucosal and acellular bladder matrix grafts in complex anterior urethral strictures. J Urol. 2008;179(4):1432–1436.

7. А.Г., Мартов Фахрединов Г.А., Ергаков Д.В. Эндоскопические методы лечения стриктур уретры. Избранные лекции по урологии / Под ред. Н.А. Лопаткина, А.Г. Мартова, М: «МИА», 2008, Гл. 38, С. 488–500.

8. Komura K., Inamoto T., Takai T., Uchimoto T., Saito K., Tanda N., Minami K., Oide R., Uehara H., Takahara K., Hirano H., Nomi H., Kiyama S., Watsuji T., Azuma H. Incidence of urethral stricture after bipolar transurethral resection of the prostate using TURis: results from a randomized trial. BJU Int. 2015;115(4):644–652.
9. Fiala R., et al. Porcine small intestinal submucosa graft for repair of anterior urethral strictures. Eur Urol. 2007;51(6):1702–1708.
10. Петров Д.Ж. Функциональное состояние детрузора мочевого пузыря после инъекционного введения ботулинического токсина.. 1862;V(3):31–36.
11. Фронштейн Р.М., Григорян В.А., Королева И.М., Филимонов Г.П., Газимиев М.А. Микционная спиральная томография уретры – новый метод визуализации мочеиспускательного канала. 1934; С33-41.
12. Kane C.J. et al. Multi-institutional experience with buccal mucosa onlay urethroplasty for bulbar urethral reconstruction. J Urol. 2002; 167(3):1314–1317.
13.Базаев В.В., Шибаев А.Н. и др. Первый успешный опыт применения буккальной слизистой при пластике протяженной стриктуры мочеточника. Тезисы докладов в материалах XI съезда урологов России. М., 2007. С. 606–607.
14. Белостоцкий А.М., Смердин С.В., Стерликов С.А. Организационные аспекты лечения больных туберкулезом в современных социально-экономических условиях. М. Нью-Терра. 1984. 216 с.
15. Блюмберг Б.И., Фомкин Р.Н., Попков В.М., Бромберг Б.Б. Эффективность высокоинтенсивной сфокусированной ультразвуковой абляции в лечении рака простаты высокой степени онкологического риска. Вестник Российской военно-медицинской академии. 2013;4(44):55–60.
16. Блюмберг Б.И. Фомкин Р.Н., Попков В.М., Сравнительная оценка послеоперационных осложнений после однократной и повторной HIFU-аблации локализованного рака простаты. Медицинский вестник Башкортостана. 2013; 2: 222–226.
17. Блюмберг Б.И. Фомкин, Р.Н., Глыбочко П.В., Попков В.М., Лечение рака простаты у больных пожилого и старческого возраста высокоинтенсивным сфокусированным ультразвуком. Клиническая геронтология. 2011; 9–10: 27–33.
18. Дусмухамедов, Д. М., Ризаев, Ж. А., Юлдашев, А. А., Хакимова, З. К., Акбаров, А. А., & Дусмухамедова, А. Ф. (2020). Клиническая характеристика вторичных и остаточных дефектов и деформаций неба после уранопластики. Проблемы биологии и медицины, 1, 32-35.
19. Ризаев Ж. А., Хазратов А. И. Канцерогенное влияние 1, 2–диметилгидразина на организм в целом //Биология. – 2020. – Т. 1. – С. 116.
20. Ризаев Ж. А., Шамсиев Р. А. Причины развития кариеса у детей с врожденными расщелинами губы и нёба (обзор литературы) //Вісник проблем біології і медицини. – 2018. – Т. 1. – №. 2 (144). – С. 55-58.
21. SHokair A., Sangkum P., Levy J., Yafi F.A. et al. Erectile dysfunction in urethral stricture and pelvic fracture urethral injury patients: diagnosis, treatment, and outcomes. Andrology. 2002; 3(3):443–449
22. Barbagli G., Vallasciani S., Romano G., Fabbri F., Guazzoni G., Lazzeri M. Morbidity of oral mucosa graft harvesting from a single cheek. Eur Urol. 2010;58(1):33–41.
23. Васильев А.В., Роговая О.С., Файзулин А.К., Демин Н.В. Применение клеточных технологий для реконструкции уретры в детской урологии. Андрология и генитальная хирургия. 2009;4:36–39.
24. Barbagli G., Montorsi F., Guazzoni G., Larcher A., Fossati N., Sansalone S.,Romano G., Buffi N., Lazzeri M. Ventral oral mucosal onlay graft urethroplasty in nontraumatic bulbar urethral strictures: surgical technique and multivariable analysis of results in 214 patients. Eur Urol. 2013;64(3):440–447.
25. Котов С.В., Беломытцев С.В., Гуспанов Р.И. и др. Ятрогенные стриктуры уретры у мужчин. Урология 2020; (4):56–63.

СТРИКТУРА УРЕТРЫ: СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ПРОБЛЕМЕ

Шодмонова З.Р., Батиров Б.А.

Резюме. *Стриктура уретры является распространенной и сложной урологической патологией, а ее лечение относится к одной из самых трудоемких и до конца не решенных разделов реконструктивной урологии. В последнее время использование современных малоинвазивных методик хирургического лечения урологических заболеваний через естественных отверстий, способствовало к увеличению распространенности и тяжести стриктур уретры. Доля манипуляций, которые проводятся без разреза, превалирует в структуре урологических операций. В этой статье авторы хотят подчеркнуть, что разработка оптимальной тактики эндоскопической хирургии стриктуры и облитерации уретры позволит повысить клиническую и экономическую эффективность лечения групп и категорий пациентов.*

Ключевые слова: *стриктура уретры, анастомотическая уретропластика, заместительная уретропластика, аугментация уретры, бужирование, облитерация уретры.*

УДК: 618.19-006.6-02-039.4(045)

СУТ БЕЗИ РАК ОЛДИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Юлдашев Бахром Собиржанович, Хаджимуратова Мехрибон Хаджимуратовна
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Ўзбекистон Республикаси, Урганч ш.

ФАКТОРЫ РИСКА И МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ ПРЕДРАКОВОГО ЗОБАЛЕВАНИЯ МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ

Юлдашев Бахром Собиржанович, Хаджимуратова Мехрибон Хаджимуратовна
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Республика Узбекистан, г. Ургенч

RISK FACTORS AND MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF PRECANCEROUS DISEASE OF THE BREAST

Yuldashev Bakhrom Sobirjanovich, Khadjimuratova Mehribon Khadjimuratovna
Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Urgench

e-mail: xamida.ibraximova@mail.ru

Резюме. *Мақолада рак олди касалликларидан фиброз-кистоз касаллик(ФКК)ёки мастопатиялар, сут безининг яхши сифатли дисплазиялари(СБЯД), фиброаденома(ФА) ва сут бези саратони (СБС) этиологияси ва хавф омилларининг ўзаро боғлиқлиги сут бези саратони хавфи ортиши билан боғлиқ бўлган ФКК нинг патогенези ва морфогенези, сут бези хужайраларидаги апоптотик омилларнинг ривожланиш механизмлари кенгроқ ёритилади. Бир қанча хавф омиллар аёлнинг танасида гормонал мувозанатни бузади, сут бези тўқималарида гиперэстерогенезм ва без эпителийсининг гиперпролифератсиясини келтириб чиқаради, бу эса ФКК ривожланишига, тугма ёки орттирилган ген шикастланиши бўлса СБС ривожланишига олиб келади. ФКК билан оғриган беморларда хал қилувчи омил биопсия натижасида олинган сут бези тўқималарининг морфологик текширувидир. ФКК нинг пролифератив бўлмаган шаклида СБС хавфи ошмайди ёки минимал даражада бўлади. ФКК нинг атипиясиз пролифератив шакли билан кўкрак саратони хавфи икки баробар ошса, атипик шакли билан 4 баробар ортади. ФКК нинг лобуляр ёки каналчалар карсинома in citu шакли билан СБС нинг хавфи максимал даражада –12 баробаргача ортади.*

Калит сўзлар: *сут бези ўсмаси, рак олди касалликлари, мастопатия, дисгормонал касалликлар, апаптоз, фиброаденома*

Abstract. *The article discusses the etiology of fibrocystic disease (FCD) or mastopathy, benign breast dysplasia (BBD), fibroadenoma (FA) and breast cancer (BC) from precancerous conditions, as well as the association of risk factors with an increased risk of breast cancer, more the pathogenesis and morphogenesis, mechanisms of development of apoptosis factors in breast cells are described in detail. FCD and breast cancer share a common etiology, most of the risk factors are the same for them. Multiple risk factors disrupt the hormonal balance in a woman's body, cause hyperestrogenism and hyperproliferation of the epithelium in the breast tissue, which leads to the development of FCD, and in the presence of congenital or acquired gene damage, to the development of breast cancer. Decisive in assessing the risk of breast cancer in patients with FCD is a morphological study of breast tissue obtained by biopsy. The risk of breast cancer does not increase or is minimal in the non-proliferative form of FCD. In the proliferative form of FCD without atypia, the risk of breast cancer increases by 2 times, with atypia - by 4 times. The risk of developing breast cancer in FCD with ductal or lobular carcinoma in situ is the highest and may increase 12-fold.*

Key words: *breast cancer, precancerous disease, mastopathy, dyshormonal diseases, apoptosis, fibroadenoma.*

Кириш. ФКК сут безининг энг кенг тарқалган патологиясидир. ФКК статистик рўйхат билан юритилмайди, аммо ҳисоб китоблар ва турли муаллифларнинг фикрига кўра, унинг аёллар популяциясидаги частотаси 50% гача етади. [1, 2]. Хозирча ушбу патологияни ташхислаш ва даволашнинг умумий қабул килинган терминологияси, ягона тамойиллари мавжуд эмас, айрим адабиётлар маълумотларига кўра бу масала бўйича фарк тафовутлар келтирилган. Махаллий ва хорижий адабиётларда аниқланишича ушбу патология одатда, “мастопатия”, “фиброз-кистоз касал-

лик”, “фиброаденоматоз”, “сут безининг гормонал дисплазияси”, “сут бези яхши сифатли дисплазияси” атамалари билан ишлатилади. Бу атамаларнинг барчаси аслида сут безида шиш, масталгия, тўқималарда диффуз ва тугунли ҳосилалар, баъзан сўрғичдан патологик ажралмалар пайдо бўлиши билан тавсифланган кўкрак бези касалликларини билдириш учун ишлатилади. Сут безининг яхши сифатли касалликларида рентген маммографик ва ультратовуш текшируви (УТТ) ўтказганимизда ҳосилалар ва кисталар аниқланади, гистологик текширувда гиперплазия, каналчалар ва бўлаклар тузилмаларда эпителий тўқималарининг атипик гиперплазияси, бириктирувчи тўқималарнинг гиперплазияси аниқланади. Узоқ вақт давомида бу СБС нинг олдининг босқичи сифатида қаралган, ФКК алоҳида нозологик бирлик сифатида XIX аср охирида ажратилган. Хозирги кунда ФКК хақида қарашлар сезиларли даржада ўзгаришга учраган, умуман олганда бу патология кўкракдаги онкологик жараённинг олдинги босқичи эмас. Бироқ СБС ривожланишидаги ФКК ролини эътиборсиз қолдирмаслик керак. СБС билан касалланиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда ФКК тарқалиши хам юқори; СБС билан касалланиш даражаси паст бўлган мамлакатларда ФКК билан касалланган аёллар сони хам пастлиги аниқланган. XX асрда кўплаб мамлакатларда СБС билан касалланишнинг барқарор ўсиши ФКК тарқалишининг параллел ўсиши билан биргаликда келган [3, 4].

Кўкрак бези саратони дунёда аёллар орасида учрайдиган саратон касалликларининг энг кенг тарқалган тури бўлиб, 13 ёшдан 90 ёшгача бўлган ҳар 100 000 аёлга 99,4 та ҳолат тўғри келиши қайд етилган. ЖССТ малумотларига кўра, ҳар йили дунёда 800,000-1,000,000 янги касалланиш ҳолатлари қайд етилади [5, 6].

ЖССТ таърифига кўра (1984) мастопатия эпителий ва бириктирувчи тўқима компанентларининг нисбати бузилиши сут бези тўқималарида кенг кўламли пролифератив ва регрессив ўзгаришлар билан таърифланган фиброз-кистоз касаллик (ФКК)сифатида тақдим этилади.

Кўкрак бези касалликлари муаммоси замонавий тиббиётнинг устивор йўналишларидан бири бўлиб, улардан сут бези яхши сифатли дисплазиялари (СБЯД) энг кенг тарқалган касалликдир. Уларнинг популяциядаги частотаси 30-43%ни ташкил қилади. СБЯД ривожланиши кўплаб сабабларнинг натижаси бўлиши мумкин. Улар орасида нейроэндокрин касалликлар асосий рўл ўйнайди, ушбу касалликнинг мутлоқ гармонларга боғлиқлиги ҳақида катта миқдордаги маълумотлар топланган[5].

Сут бези касалликлари СБЯД таркибида мастопатиянинг диффуз шакли ва сут безларининг фиброаденомаси етакчи ўринни эгаллайди. Турли соҳа мутахассисларининг-онкологлар, акушер-гинекологлар, рентгенологлар, патоморфологлар, генетикларнинг-СБЯДда гиперпролактинемия, мутлоқ ёки нисбий гиперэстерогенемия, BRCA 1 ва BRCA 2 ген мутацияси, комбинацияланган гормонал контрацептивлардан фойдаланиш ёки менопаузадаги гормон терапияси, маммографияда сут безининг юқори зичлиги, витамин D етишмовчилиги каби омиллар СБС хавф омиллари орасида юқори аҳамияти ва тарқалиши алоҳида эътиборини тортган. [7]. СБЯДнинг бирламчи олдини олиш йўлларини излаш СБС билан касалланишни камайтириш дастурининг асосидир.

Сўнги йилларда СБЯД сонининг кўпрайиши тенденцияси мавжуд бўлиб, улар 30 ёшгача бўлган хар 4-аёлда ва 40 ёшдан ошган беморларнинг 60% ида ташхисланади. Бундан ташқари кеч репрадуктив ёшдаги хар иккинчи аёлда фиброз-кистоз мастопатия (54%) тугунли мастопатия(26%) фиброаденома(18%) СБС (2%) мавжуд. [5].

50 дан ортиқ сут безининг яхши сифатли касалликлари ёки ФКК вариантлари мавжуд бўлиб[9], уларнинг кўпчилиги СБС хавфини сезиларли даражада оширади. ФКК ни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш жуда мухим, чунки бу патологияга қарши курашиш нафақат хаёт сифатини яхшилайди, балки кўкрак бези саратонининг олдини олишга хам қаратилган бўлиши керак. Ушбу шарх ФКК ва СБС ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш ва ФКК билан касалланган беморларда кўкрак саратони хавфини баҳолашга, сут бези рак олди холатларида хужайраларнинг апоптотик механизмларини ўрганишга бағишланган.

ФКК ва кўкрак бези саратони этиологияси ва хавф омиллари ўртасида боғлиқлик мавжуд, улар полиэтиологик касаллик хисобланиб, ҳозирги кунга қадар 80 дан ортиқ хавф омиллари аниқланган, уларни 5 та гурахга бўлиш мумкин: 1.Жинси ва ёши, 2.Ирсияти, 3.Репродукивлиги, 4.Гормонал ва метоболик хусусияти, 5. Атроф-мухит ва турмуш тарзи

Қоида тариқасида, сут бези саратони ривожланишига бир омил эмас, балки бутун комплекс олиб келади. СБС билан солиштирганда ФКК этиологияси камроқ ўрганилган, аммо ФКК полиэтиологик касаллик эканлигини хам айтиш мумкин ва хавф омилларини юқорида айтиб ўтилган 5 гурухга бўлиш мумкин.

Фиброз-кистоз касалликнинг патогенези ва сут бези саратони хавфининг ортиши. Сурункали гиперэстерогенемия хам ФКК ва СБС патогенезига асосланади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда сурункали гиперэстерогенемия ФКК ва СБС нинг бундай кенг тарқалишининг асосий сабаби аёлнинг акушерлик суратининг ўзгариши ҳисобланади. Агар XIX асрда қизларда

менархия тахминан 17 ёшда, аёлларда менопауза 40 ёшда содир бўлган бўлса, ҳозир бу мос равишда 12-14 ёшда ва 50-52 ёшда ўзгарган. Агар XIX асрда аёллар кўп туғишган ва узоқ вақт давомида эмизган бўлса, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб кўпчилик аёллар 1-2 бола туғадилар. Натижада аёлнинг репрадуктив ёши ўртача 20-ёшдан 40 ёшгача, яъни икки биробар, бутун умри давомида хайз кўриш даврлари сони эса 4 баробарга, ўртача 100 дан 400 гача кўпаяди [22, 23]. ФКК патогенезида тухумдонлар етишмовчилиги (ановуляция, лютенал фазанинг циклик етишмовчилиги, эстеродиолнинг нисбатан устунлиги ва прогестерон етишмовчилиги), жинсий стероид гормонларини қабул қилишдаги ўзгаришлар, пролиферация ва эпителий апоптоз фаоллиги каби омиллар, сут бези тўқимасининг вакулизациясидаги ўзгаришлар мухим ахамиятга эга. [23, 29]. Эстерогенлар сут бези эпителийсининг пролиферациясини стимуллайди, хужайра циклини бошқаришда иштирок этадиган оқсилларни ишлаб чиқаришни фаоллаштириш ва ҳужайра бўлиниши учун зарур бўлган генларнинг, хусусан *c-myc* протоонкогенини рағбатлантириш орқали митоген таъсир кўрсатади.

ФКК билан оғриган беморларнинг ёши ўсиши билан интралобуляр строманинг эпителий пролифератлари кистасимон ва фиброзли ўзгаришларга учраган оғир ва атипик гиперплазия частотасининг ошиши кузатилади. ФКК нинг пролифератив шаклларида эпителийда эстероген ретцептори(ЭР)нинг ортиқча миқдори, ҳужайра пролиферацияси ва апаптозининг юқори фаоллиги билар ўчоқлар хосил қилади. ФКК нинг пролифератив шаклида сут бези тўқимасида алфа эстероген ретцептор (α-ЭР) лари таркибининг кўпайиши, α-ва β-ЭР, α-ва β-прогестерон рецептор(α-ва β-ПР)лари нисбий таркибининг ўзгариши; эпителийнинг эстеродиолга сезгирлиги ошиши, циклинга боғлиқ киназалар комплексининг фаоллашуви, альфа-трансформатция қилувчи ва эпидермал ўсиш омиллари эпителийнинг пролифератив фаоллигининг ошиши, апоптоз жараёнининг бузилиши, паренхиманининг васкуляризацияси кучайишига олиб келади. ФККдаги морфологик ўзгаришлар аста-секин ўсиб боради [3, 24–26]. Юқоридаги барча патологик механизмлар сут бези саратони хавфини оширади [11]. Дастлаб, диффуз ўзгаришлар дуктал эктазия, киста шаклланиши, стромал фиброз, сўнгра диффуз патология фонида фокусли тугунлар шаклида намоён бўлади. Кейинчалик сут бези каналчаларида ёки бўлакчаларидаги эпителийси гиперпролиферацияланган тугунлар пайдо бўлади. Пролиферациянинг эпителиал, миоэпителиал, фиброэпителиал турлари ажратилган. Тронсформациянинг кейинги босқичида пролифератларда атипик ҳужайралар пайдо бўлади. Сут бези рак олди касаллиги –морфологик тушунчадир. Рак олди ўзгаришларнинг асосий шаклларига каналчали атипик эпителий гиперплазияси ва каналли карцинома in situ, бўлакчалар атипик эпителий гиперплазияси ва лобуляр карцинома in situ киради. ФКК нинг пролифепатив бўлмаган шаклларида безлар бўшлиқларининг эпителийсида ўсиш кузатилмайди. Оддий эпителий гиперплазияси билан кўкракнинг каналчаларида ёки бўлакчаларда нормал эпителийнинг ўсиш ўчоқлари мавжуд. Сут бези эпителийнинг атипик гиперплазияси билан каналларда ёки бўлакчаларда атипик хужайраларнинг тўпланиши аниқланади. Каналли карцинома in situ ва бўлакли касрцинома in situ сут бези каналлари ёки бўлакларида ҳужайралар тўпланиши инфилтратцияси кузатилмаган саратон белгиларига эга бўлади. Рак олди ўзгаришларга склерозланувчи аденоз киради, бунда турли хил пролифератив ўзгаришлар, жумладан, майда безлар ўсиши, каналларнинг гиперплазияси, строманинг толали ўсиши, микрокальценатлар кузатилади, шунингдек радиал чандиқ, гистологик препаратда эса фиброэластик тўқима устунлик қидади, унинг ичида эпителий гиперплазияси, кисталар, микрокальцинатлар билан радиал равишда ажралиб турадиган каналлар кўринади.

Америкалик патолог хамкасблар сут бези саратони хавфини аниқлашда биопсия пайтида аниқланган морфологик ўзгаришларга қараб, ФКК билан касалланган аёлларни 3 та тиофага бўлишни тавсия қилишган:

1. пролиферацияланмаган ФКК-СБС ривожланиш хавфи ошмайди ва аҳоли сонига мос келади.
2. Пролиферацияланган атипиясиз ФКК-СБС хавфи аҳолига нисбатан 1,5-2 баробар ортади.
3. Пролиферацияланган атипик ФКК-СБС хавфи аҳоли билан солиштирганда 4-5 баробар ортади. [24, 27].

Шундай қилиб, ФККни организм даражасида гормонол мувозанатнинг биомаркерини ва сут бези тўқималари даражасида махаллий дисфункцияни муаммоларини кўриб чиқиш мумкин. Кўп хавф омиллар аёл организмида гормонал мувозанатни бузади, сут бези тўқималарида гиперэстерогения ва эпитерий гиперпролиферациясини келтириб чиқаради, бу ФКК ривожланишига, туғма ва орттирилган генларнинг шикастланиши бўлса, СБС ривожланишиги олиб келади.

В. Г. Беспалов, М. Л. Травиналарнинг ўтказган тадқиқотлар натижасига кўра: ФКК га сут бези биопсияси намуналарини гистологик таҳлил қилиш орқали ташхис қўйилган. ФКК ташхисидан кейин аёллар учун ўртача кузатув даври 6 йилдан 20 йилгача бўлган[1, 24,25]. СБСнинг нисбий хавфини ҳисоблаш учун

минтақанинг умумий аҳолисида ФКК бўлмаган ва ФКК нинг пролиферативсиз формасидаги аёлларнинг учраш частотасидан фойдаланилган. Натижаларда ФКК нинг мавжудлиги ва унинг турли шакллари СБС хавфини оширган. ФККнинг пролиферативсиз турида СБС хавфи 1,27–2,23 марта ошган бўлса, ФКК нинг атипиясиз гиперплазиясида СБС хавфи 1,53–3,58 марта ошган. ФККнинг атипик гиперплазиясида 2,03–10,35 баробар ортгани кузатилган. Биопсия пайтида ФКК билан оғриган беморларда склерозланучи аденоз ва радиал чандиқларни аниқлаш СБС хавфини янада оширди.

Ривожланиш механизмларни ўрганиш, ФКК ни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш, иккита асосий холат туфайли мухимдир: биринчидан, айрим беморларда касалликнинг ривожланиши беморларнинг хаёт сифатини пасайтирадиган оғир клиник белгилар билан бирга келади; иккинчидан, ФККнинг пролифератив шакллари СБС ривожланиши учун хавф омили хисобланади. (S.J. London et al., 1992; L.C. Hartman et al., 2005; J.G. Elmore, 2005). Апаптоз хақидаги замонавий ғояларни шакллантиришда, [Kerr, et. al. 1972] хайвонларда хужайра ўлимининг икки хил тури-апаптоз ва некроз мавжудлиги хақида ишлар олиб борилган.

Сут бези гиперпластик жараёнлар ривожланишининг патогенетик механизмлари ҳали тўлиқ аниқланмаган. Баъзи гиперпластик жараёнлар (фиброаденоматознинг продуктив формалари, цистаденопапилломалар, интрадуктал папилломалар) кўкрак саратони ривожланиши учун хавф омилидир. Хозирги вақтда экспрементал материалнинг асосий миқдори апаптотик ўзгаришнинг морфологик хусусиятларини қайд этадиган морфологик ёндошувдан фойдаланган холда олинган. СБС холатида апаптоз даражасининг прогностик ахамияти бўйича қарама-қарши маълумотлар мавжудлиги кўрсатилди. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, у хам ижобий, хам салбий прогностик қийматга эга бўлиши мумкин.

Апаптозни тартибга солишда жуда кўп миқдордаги моддалар иштирок этади ва улардан энг кўп ўрганилганлари bcl-2 оиласининг моддаларидир. Bcl -2 гени биринчи марта фолликуляр лимфома хужайраларида трослокатция қилувчи ва апоптозни ингибитцияловчи ген сифатида тасвирланган. Кейинги тадқиқотлар натижасида bcl-2 мултиген эканлиги маълум бўлди. Бу синфга мансуб барча моддалар апоптозни фаоллаштирувчи ва ингибиторларига бўлинади.

Бу оилага мансуб моддалар бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлишади. Ва апоптозни тартибга солиш даражаларидан бири оқсил-оқсил ўзаро таъсиридир. bcl-2 оиласининг оқсиллари хам гомо-ва гетеродимерларни хосил қилади. Мисол учун, mcl -1 bax билан ўзаро таъсир қилади, биринчисининг устунлиги билан хужайра ҳаётийлиги ошади, иккинчисининг ортиқча бўлиши билан у камаяди.

mcl -1 оқсили билвосита-митохондриал апоптозни ингибиция қилиб, ҳужайра цитоплазмасида цитохром С кўринишини олдини олади. Бу эса ўз навбатида, ДНК парчаланишига ва оқсил лизисига олиб келадиган реакциялар каскадини қўзғатувчи омил хисобланади. Апоптознинг бу механизми патологик ўзгарган ҳужайраларга хосдир. Апоптоз регуляциясининг бузилиши сут безининг хам яхши сифатли, хам ёмон сифатли неоплазиялари хосил бшлишига олиб келади. [15,26,34,41]. Адабиётларда сут бези саратони эпителиал ҳужайраларида апоптознинг хусусиятларини ўрганишга алохида эътибор берилади [17,19,20].

Сут бези яхши сифатли неоплазияларида апоптоз даражасини ўрганишга бағишланган ишлар кам учрайди. [2,3,5,8,10].

Gompel A., 2002; Kandouz M., 1999 нормал хужайра культураларида ва гормонга боғлиқ саратон хужайралари линияларида апоптотик хужайралар улишини хисоблаб чиқишди. Прогестинлар (Org 2058, Org OM38, тиболон) эстеродиол мавжудлигидан қатъи назар, хужайраларда апоптоз сонини оширди. Шунга ўхшаш таъсир 4-гидрокситамоксифенга фаолроқ бўлган турли хил антиэстерогенетик воситалар ва стероид хосилаларни қўллаш билан топилган (Kandouz M., 1999; Gompel A., 2000; Somal S., 2003).

Шу муносабат билан проапоптотик таъсир воситачилик механизмлари ўрганилди. Апоптознинг регуляцияси бир нечта генлар томонидан бошқарилади - проапоптоз ва антиапоптоз. Bc1-2 биринчи кашф этилган апоптозга карши геном эди. BH3 доменини ўз ичига олган ушбу оиланинг махсулотлари гетеродимеризацияга дучор бўлиши мумкин ва шунинг учун хужайранинг омон қолиши ёки ўлими bcl-2/bax нисбатига боғлиқ бўлади. Паст нисбатда апоптоз содир бўлади. (Oltvai Z.N., 1993). Бу ҳаракат митохондриал мембранадаги молекула, цитохром С орқали амалга оширилади. Bc1-2 ва bax ҳам митохондриал мембрана билан боғлиқ; Цитохром С мембранадан чиқарилади ва каспаз каскадини ишга туширади (Slee E.A., 1999). Каспазалар-бу апоптоз жараёни учун зарур бўлган малекулалар оиласи. Каспазалар фаоллашуви қайтарилмас жараёндир ва хужайралар апоптозига олиб келади, ундан олдинги босқичлар эса кайтар жараёндир. Шундай қилиб, bcl-2 кўплаб стимуллар туфайли апоптозни тўхтатишга қодир деб хисобланади. P53 оқсили, ўсма супрессор(бостирувчи) гени. bcl-2/bax йўли орқали апоптозни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун, агар p53 билан фаоллаштирилган қайта тиклаш механизмлари ДНК шикастланишини тиклай олмаса, апоптоз қўзғатилади ва ДНК

шикастланишининг узатилишига қарши ҳимоя таъсир пайдо бўлади.

Kandouz M., 1996, 1999; Gompel A., 2000, 2002; Somal S., 2003 йил эстеродиол ва прогестерон сут безининг нормал ва саратон ҳужайраларида про-апоптотик оқсиллар bax ва bak экспрессиясига таъсир қилмасдан bcl-2 ва bcl\L экспрессиясини модуляция қилиши мумкинлиги кўрсатишди. Эстеродиол транскрипция даражасида харакат қилади, уни антиэстероген ICI 182780 тайинлаш билан тўхтатиш мумкин (Somal S., 2003). Прогестинлар bcl-2 ва bcl\L даражасини сезиларли даражада камайтиради, эстеродиол эса тескари таъсирга эга. Бундан ташқари, эстеродиол ва прогестероннинг комбинатцияси уларнинг bcl-2 га таъсирини олдини олмайди. Шу билан бирга, bcl-2 апоптоз жараёнини тартибга солишда зарурий бўғин бўлиб, ионлаштирувчи нурланиш, ултрабинафша нурлар таъсир қилиш, кимётерапия, шунингдек, p53-индукцияли апоптоз натижасида келиб чиқадиган апоптозни олдини олади.

Бундан ташқари, нормал сут бези тўқималарида олинган натижалар пролгестинлар ва антиандроганлар апоптоз каскадининг бошқа мақсадлари ифодаси(экспессия)ни модуляция қилишни кўрсатди, масалан, p53 (даража кўтарилиш) каспаза 3 (даражага кўтарилиш), эстеродиол эса бу оқсиллар даражасига тескари таъсир кўрсатади (Gompel A., 2000; Somal S., 2003). Бундан ташқари, бу оқсиллар сут безининг баъзи ҳужайра линияларида стероидлар учун нишондир. Муаллифлар мутатцияга учраган p53 ва T47-Dни ўз ичина олган, проапоптотик хусусиятга эга бўлмаган сут бези саратони хужайраларини ўргандилар. Муаллифларнинг маълумотларига карши баъзи шаклларни топилиши хайратланарли эди, уларда эстеродиол ўзининг пролифератив таъсири билан бирга p53 ни келтириб чиқаради ва прогестинлар ва антиэстерогенлар уларнинг экспрессиясини бостиради (Kandouz M., 1999; Gompel A., 2000). Прогестинлар нормал хужайраларда ва мутацияга учраган p53 билан қарамакарши таъсирга эга, бу сут бези саратони олдини олиш учун зарурдир, чунки СБС нинг 30-40%и ва баъзи гиперплазия холатлари p53 мутацияси фонида содир бўлади деб қаралади.

Максименко А.Н.(2006) сут бези гиперпластик жараёнларида антиапоптотик омил MCL–1 нинг ифодаланишини ўрганган. Гистологик ва иммуногистохимик текширувлар ёрдамида ўртача ёши 30.56ни ташкил этган 17 нафар аёлда сут бези фиброаденомаси резекцияси операциясидан кейинги биопсия материаллари бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатганки, ФА 3,69±2,976да MCL -1 эгаллаган майдон улиши ўсимтани ўраб турган тўқималарда 1,69±0,47 дан сезиларли даражада ошиб кетган p <0,001.

Шундай қилиб, антиапоптотик омил MCL -1 сут бези тўқималарида апоптозни тартибга солишда иштирок этади, бу унинг иммуногистокимёвий тадқиқот усули ёрдамида ифодаланиши билан исботланган. ФА да MCL -1 экспессияси сут безининг тўқима кантактларига караганда сезиларли даражада ошади. Ўсимта билан кантактда бўлаган сут бези тўқималарида MCL -1 экспрессия даражаси уларнинг холатига боғлиқ. Фиброаденоматознинг продуктив шаклларига хос бўлган сут бези тўқималаридаги ўзгаришлар антиапоптотик MCL -1 омилининг кўпайиши билан бирга келади.

Хулоса. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сут бези онкологик касалликларининг консерватив, эпидемиологик ва жаррохлик усулида даволаш борасида қатор ишлар бажарилган, буларга: лимфокинларнинг сут бези саратонини ривожланишидаги ўрнини асосланган (Л.Т.Алимходжаева, 2008); сут бези саратонини эпидемиологик тарқалишни асослаган (Г.Ф.Мирюсупова, 2018); ўсма ҳужайраларини молкуляр-генетик башорат қилиш омилларини p53 индуктор апоптози ва Ki-67 маркер пролиферацияси исботланган Д.М.Низамов (2012); каби тадқиқотлар олиб борилган, сут бези саратонини башоратлашда клиник морфологик ва молекуляр генетик усуллар орқали стратегик ташхислаш ва даволаш воситаларнинг самарадорлиги (А.Ж Каххаров 2019), уч карра салбий сут бези саратони касаллигини ташхислаш ва даволаш тизими (Д.М.Алмурадова 2019), шунга карамасдан хали кўп мауммолар ўз ечимини кутмоқда, жумладан сут бези ўсма олди жараёнларининг ривожланиши, хавф омиллари, дисгорманал ўзгаришларга боғлиқлиги ва бу айни қуйи орол бўйи худудида яшовчи аёллардаги учраш частотаси хақидаги муаммоларни ўрганиш онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва эрта даволашга замин яратади.

Адабиётлар:

1. Беспалов В.Г. Лечение мастопатии и первичная профилактика рака молочной железы. Лечащий врач 2007;(5):88–9.
2. Васильев Д.А., Зайцев А.Н., Берштейн Л.М. Маммографическая плотность молочных желез и определяющие ее факторы в свете повышенного онкологического риска. Опухоли женской репродуктивной системы 2011;(3):15–22.
3. Высоцкая И.В., Погодина Е.М., Гладилина И.А. и др. Клиническая маммология (практическое руководство). Под ред. М.И. Давыдова, В.П. Летягина. М., 2010. С. 54–56
4. Герштейн Е.С. Биологические маркеры молочной железы: методологические аспекты и клини-

ческие рекомендации / Е.С. Герштейн, Н.Е. Кушлинский // Маммология. - 2005.-№ 1. - С.65-69.
5. Злокачественные новообразования в России в 2013 году (заболеваемость и смертность). Под ред. А.Д. Каприна, В.В. Старинского, Г.В. Петровой. М., 2015. 250 с.
6. Зотов А.С., Белик Е.О. Мастопатии и рак молочной железы. М., 2005. 112 с.
7. И.В. Высоцкая [и др.] // Опухолевые маркеры рака молочной железы / Маммология. - 2005. -№ 1. - С.61-65.
8. Канцерогенез. Под ред. Д. Г; Заридзе. М., 2005
9. Коган И.Ю., Мясникова М.О. Диагностика и лечение мастопатии. СПб., 2010. 32 с
10.Летягин В.П. Факторы риска развития рака молочной железы / В.П. Летягин, И.В. Высоцкая, Е.А. Ким // Маммология. - 2006. -№4. - С.10-13.
11.Любченко Л.Н. Генетическое тестирование при наследственном раке молочной железы. Практическая онкология 2014;15(3):107–17.
12.Меских Е.В., Рожкова Н.И. Применение прожестожеля при диффузных формах мастопатии. Опухоли женской репродуктивной системы 2012;(1):57
13.*М.В. Мнихович, Л.М. Соломатина, Е.В. Купова* Апоптоз в патогенезе гиперпластических 2008
14.Мустафин Ч.К., Кузнецова С.В. Дисгормональные болезни молочной железы. Под ред. Е.Г. Пинхосевича. М., 2009. 126 с.
15.Пашов А.И., Коренев С.В. Доброкачественная дисплазия молочной железы в практике акушера-гинеколога. Калининград, 2015. 48 с.
16.Практическая маммология / под ред. акад. М.И. Давыдова, проф. В.П. Летягина. - М.: Практическая медицина, 2007. - 458с.
17. Рожкова Н.И., Меских Е.В., Бурдина Л.М. и др. Лекарственная патогенетическая коррекция доброкачественных заболеваний молочной железы. Опухоли женской репродуктивной системы 2008;(2):48–54.
18.Семиглазов В.Ф., Семиглазов В.В., Клецель А.Е. Неинвазивные и инвазивные опухоли молочной железы. СПб., 2006. С. 6–60.
19.Сметник В.П. Половые гормоны и молочная железа / В.П. Сметник // Гинекология. - 2000. -№ 2. - С.133-135.
20.Фрейдлин И.С. Клетки иммунной системы: в 4-х т. / И.С. Фрейдлин, А.А. Тотолян.- СПб.: Наука, 2001. - Т.3. - 390с.
21.Чистяков С.С., Сельчук В.Ю., Гребенникова О.П. и др. Опухоли женской репродуктивной системы. Под ред. С.С. Чистякова. М., 2011. С. 53–83.
22.Abdel-Moneim I., Melamed M.R., Darzynkiewicz Z., Gorczyca W. Proliferation and apoptosis in solid tumors. Analysis by laser scanning
23.Anderson TJ. Pathological studies of apoptosis in the normal breast// Endocr Relat Cancer. -1999.- V. 6, № 1.- P. 9-12.
24.Aroner S.A., Collins L.C., Connolly J.L. et al. Radial scars and subsequent breast cancer risk: results from the Nurses' Health Studies. Breast Cancer Res Treat 2013;139(1):277–85.
25.Ashbeck E.L., Rosenberg R.D., Stauber P.M., Key C.R. Benign breast biopsy diagnosis and subsequent risk of breast cancer. Cancer Epidemiol Biomarkers Prev 2007;16(3): 467–72.
26. Barrat J., de Lignieres B. , Marpeau L. et al. Effet in vivo de l'administration locale de progesterone sur l'activité mitotique des galactophores humains. J Gynecol Obstet Biol Reprod (Paris) 1990;19(3):269–74.
27.Colditz G.A., Bohlke K., Berkey C.S. Breast cancer risk accumulation starts early: prevention must also. Breast Cancer Res Treat 2014;145(3):567–79.
28.Darzynkiewicz Z, Bedner E. Analysis of apoptotic cells by flow and laser scanning cytometry// Methods Enzymol. - 2000.- V. 322.- P. 18-39. Gonzalez-Campora R, Galera Ruiz MR, Vazquez Ramirez F, Rios Martin JJ, Fernandez Santos JM, Ramos Martos MM, Gomez Pascual A. Apoptosis in breast carcinoma// Pathol Res Pract. - 2000.- V. 196, № 3.- P. 167-74.
29.F. Dario Cuello-Carrion, Daniel R.Ciocca. Improved detection of apoptic cells using a modified in situ Tunel techique// The Journal of Histochemistry and Cytochemistry. -1999.- V. 47, № 6.- P. 837-839.
30.Friedenreich C., Bryant H., Alexander F. et al. Risk factors for benign proliferative breast disease. Int J Epidemiol 2000;29(4):637–44.
31.Goldacre M.J., Abisgold J.D., Yeates D.G., Vessey M.P. Benign breast disease and subsequent breast cancer: English record linkage studies. J Public Health (Oxf) 2010;32(4):565–71.
32.Guray M., Sahin A.A. Benign breast diseases: classification, diagnosis, and management. Oncologist 2006;11(5):435–49.
33.Hartmann L.C., Sellers T.A., Frost M.H. et al. Benign breast disease and the risk of breast cancer. N Engl J Med 2005;353(3):229–37.
34.Hornberger J., Chen S.C., Li Q. et al. Proliferative epithelial disease identified in nipple aspirate fluid and risk of developing breast cancer: a systematic review. Curr Med Res Opin 2015;31(2):253–62.
35.Jorgensen T.J., Helzlsouer K.J., Clipp S.C. et al. DNA repair gene variants associated with benign breast disease in high cancer risk women. Cancer Epidemiol Biomarkers Prev 2009;18(1):346–50.
36.Lewis J.T., Hartmann L.C., Vierkant R.A. et al. An analysis of breast cancer risk in women with single, multiple, and atypical papilloma. Am J Surg Pathol 2006;30(6):665–72.

37. Meads C., Ahmed I., Riley R.D. A systematic review of breast cancer incidence risk prediction models with meta-analysis of their performance. Breast Cancer Res Treat 2012;132(2):365–77.
38.Michels J.J., Duigou F., Marnay J. Flow cytometry in primary breast carcinomas. Prognostic impact of proliferative activity// Breast cancer Res. Treat. - 2000 - V. 62, № 2. P. 117-26.
39.Nassar A., Visscher D.W., Degnim A.C. et al. Complex fibroadenoma and breast cancer risk: a Mayo Clinic Benign Breast Disease Cohort Study. Breast Cancer Res Treat 2015;153(2):397–405.
40.Schondorf T, Gohring UJ, Becker M, Hoopmann M, Schmidt T, Rutzel S, Rein DT, Ulrich U, Fechteler R, Bersch A, Mallmann P, Valter MM. High apoptotic index correlates to p21 and p27 expression indicating a favorable outcome of primary breast cancer patients, but lacking prognostic significance in multivariate analysis// Pathobiology. - 2004.- V. 71, № 4.- P. 217-22.
41.Sitruk-Ware R., Sterkers N., Mauvais-Jarvis P. Benign breast disease I: hormonal investigation. Obstet Gynecol 1979;53(4):457–60.
42.Socolov D., Anghelache I., Ilea C. et al. Benign breast disease and the risk of breast cancer in the next 15 years. Rev Med Chir Soc Med Nat Iasi 2015;119(1):135–40.
43.Talieri M, Diamandis EP, Katsaros N, Gourgiotis D, Scorilas A. Expression of BCL2L12, a new member of apoptosis-related genes, in breast tumors// Thromb Haemost. - 2003.- V. 89, № 6.- P. 1081-8. Mark C. Willingham. Cytochemical methods for the detection of apoptosis// The Journal of Histochemistry and Cytochemistry.-1999.- V. 47, № 9.- P. 1101-1109.
44.Tice J.A., Miglioretti D.L., Li C.S. et al. Breast density and benign breast disease: risk assessment to identify women at high risk of breast cancer. J Clin Oncol 2015;33(28):3137–43.

ФАКТОРЫ РИСКА И МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ ПРЕДРАКОВОГО ЗОБАЛЕВАНИЯ МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ

Юлдашев Б.С., Хаджимуратова М.Х.

Резюме. *В статье обсуждается этиология фиброзно-кистозной болезни (ФКБ) или мастопатии, доброкачественной дисплазии молочной железы (ДДМЖ), фиброаденомы (ФА) и рака молочной железы (РМЖ) из предраковых состояний, а также связь факторов риска с повышенным риском рака молочной железы, более подробно описаны патогенез и морфогенез, механизмы развития факторов апоптоза в клетках молочной железы. ФКБ и РМЖ имеют общую этиологию, большинство факторов риска являются одинаковыми для них. Множественные факторы риска нарушают гормональный баланс в организме женщины, вызывают гиперэстрогению и гиперпролиферацию эпителия в ткани молочных желез, что приводит к развитию ФКБ, а при наличии врожденных или приобретенных повреждений генов – к развитию РМЖ. Решающим в оценке степени риска РМЖ у больных ФКБ является морфологическое исследование ткани молочных желез, полученной при биопсии. Риск РМЖ не повышается или является минимальным при непролиферативной форме ФКБ. При пролиферативной форме ФКБ без атипии риск РМЖ возрастает в 2 раза, с атипией – в 4 раза. Риск развития РМЖ при ФКБ с протоковой или дольковой карциномой in situ является максимальным и может увеличиваться в 12 раз.*

Ключевые слова: *рак молочной железы, предраковое заболевание, мастопатия, дисгормональные заболевания, апоптоз, фиброаденома.*

УДК: 612.1:612.2:612.8:616-008:616-099:663.938

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР. ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИНГ АЛОҲИДА КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИ

Юсупова Наргиза Абдикодировна, Орипов Фирдавс Суръатович
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЕ НАПИТКИ. СОСТАВ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ И ВЛИЯНИЕ НА ОРГАНИЗМ ИХ ОТДЕЛЬНЫХ КОМПОНЕНТОВ

Юсупова Наргиза Абдикодировна, Орипов Фирдавс Суръатович
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ENERGY DRINKS. COMPOSITION OF ENERGY DRINKS AND INFLUENCE ON THE BODY OF THEIR INDIVIDUAL COMPONENTS

Yusupova Nargiza Abdikodirovna, Oripov Firdavs Suratovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: nargiza-yusupova-87@mail.ru

Резюме. *Мақолада энергетик ичимликлар, энергетик ичимликлар таркиби ва алоҳида компонентларга таъсири ҳақида умумий маълумотлар келтирилган. ЭН нинг ножўя таъсири ҳақида адабиётларда жуда кам маълумотлар нашр этилган ва уларга хозирда ноёб ҳисобот кодлари тайинланган, шунинг учун эндиликда уларнинг токсиклигини кузатиш имконияти мавжуд. Хусусан, кофеинли энергетик ичимликлар ва уларнинг таркибий қисмлари истеъмол қилиш, кайфият ва неврологик ҳолатга таъсир қилиши, юрак-қон томир касалликларини ривожланишига ва ошқозон-ичак трактида ҳамда организимда сезиларли метаболик таъсирга олиб келадиган ўзгаришларни келтириб чиқариши исботланган.*

Калит сўзлар: *энергетик ичимликлар, кофеин, таурин, гуаран, L- карнитин, Б гуруҳ витаминлар.*

Abstract. *The article presents general ideas about energy drinks, the composition of energy drinks and the effect on individual components. There is little published literature on the side effects of EN and they have recently been assigned unique reporting codes so their toxicity can be monitored. In particular, consumption of caffeinated energy drinks and their ingredients have been shown to influence mood and neurological conditions, contribute to the development of cardiovascular disorders, and cause changes in the gastrointestinal tract leading to significant metabolic effects.*

Keywords: *Energy drinks, caffeine, taurine, guarana, L-carnitine, B vitamins.*

Энергетик ичимликлар (энерго- тониклар, энергетик ичимликлар) алкогол, тамаки ва гиёҳванд моддалар билан бир қаторда зарарли одатларнинг янги бренди хисобланади. Ана шу тарихий кетма-кетликда бу ичимликлар инсоният ҳаётига кириб келди. Энергетик ичимликлар ва уларнинг инсон организмига таъсир қилиш механизми хозирги вақтда етарлича ўрганилмаган. Австриялик тадбиркор осиёга ташриф буюриб, энергетик ичимликларнинг саноат ишлаб чиқаришини очишга қарор қилади ва улар бозорда XX асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўлди.

Биринчи оммавий ишлаб чиқарилган энергетик ичимлик Red Bull эди. У Coca-Cola ва Pepsi билан бир қаторда истеъмолчилар орасида тезда машҳур бўлди, уларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳам дарҳол ўзларининг энергетик ичимликлари, “Burn” ва “Adrenalin Rush” версияларини бозорга чиқардилар [1]. Энергетикларнинг ҳақиқий дунё буми 2000- йилларнинг ўрталарида бошланган. Шундай қилиб, 2006 йилда дунёда 500 га яқин янги брендлар рўйхатга олинди ва бу ичимликлар сони ўсишда давом этди.

Мисол учун, АҚШда 2008 йилдан 2012 йилгача бўлган 5 йил давомида энергетик ичимликлар савдосининг ўсиши 60 фоизни ташкил этди ва унинг савдо айланмаси йилига 12,5 миллиард долларни ташкил этди. Яқин вақтгача илмий адабиётларда "Энергетик ичимликлар" нинг стандарт таърифи мавжуд емас эди. Улар кофеин, витаминлар ва организмнинг иш фаолиятини ошириш учун мўлжалланган бошқа фойдали моддаларни

ўз ичига олган алкоголсиз ичимликлар сифатида қабул қилинди. Энергетиклар аста-секин бозорни забт этиб, субмаданиятнинг бир қисмига айланди.

Шу сабабли, ЖССТ (2014) маълумотларига кўра, ёшлар ўртасида энергетик ичимликларни кўп истеъмол қилиш хавфи ва уларнинг олимлар ва жамоатчилик томонидан эътиборга олинмаётган узоқ муддатли оқибатлари келажакда жиддий бўлган соғлиқни сақлаш муаммосига айланиши мумкинлиги таъкидланди [2, 3]. Агрессив реклама, ёркин қадоқлаш туфайли янги ичимликлар, айниқса, ёшлар орасида тезда урфга айланди ва бу муҳитда энергетикларни спиртли ичимликлар билан аралаштириш одат тусига кирди. Алкоголли энергетик ичимликлар ҳам пайдо бўлди.

Европа озиқ-овқат хавфсизлиги бошқармаси (EFSA) маълумотларига кўра, 2011 йилда европа иттифоқининг 16 мамлакати бўйича катта (18 ёшдан катта) ларнинг қарийб 30 фоизи, ўсмирларнинг 68 фоизи (10 ёшдан 18 ёшгача) ва 10 ёшгача бўлган болаларнинг 18 фоизи энергетик ичимликларни доимий истеъмол қилувчилардир [4,5,6]. Ичимликлар янги турининг ёш авлод ўртасида бу қадар тез тарқалиши, уларнинг соғлиқ учун хавфсизлиги ҳақидаги таъкидлар ҳам жаҳон илмий ҳамжамиятида, ҳам кенг жамоатчиликда хавотир уйғотди.

Бу қўрқувларни вақти-вақти билан оммавий ахборот воситаларида пайдо бўладиган ўсмирларнинг, эҳтимол, юқори консентрацияли кофеинли, алкоголли шунингдек, энергетик ичимликларни алкогол билан аралаштириб истеъмол қилгандан кейин, тоъсатдан ўлим ҳақидаги хабарлар билан тасдиқлади [7]. Бугунги кунда олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари иккига бўлинади: баъзилари энергетик ичимликларни оддий газланган сувга ўхшаш мутлақо зарарсиз деб билишса, бошқалари аксинча, энергетик ичимликлар гиёҳванд моддалар каби таъсир кўрсатиши ва қарамликни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлайдилар [8,9,10]. Маркетологлар энергетик ичимликлар ишлаб чиқаришнинг ортаётганлигини таъкидламоқдалар [11,12,13,14]. Ушбу бозорда тобора кўпроқ ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлиши ва рақобат кучайиб бораётгани сабабли, энергетик ичимликлар ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини таъм хусусиятларига кўра фарқланишига эътибор қаратмоқда. Кўпгина ишлаб чиқарувчилар фойдали, функционал ва юқори протеинли ичимликлар ишлаб чиқариш учун ушбу ичимликлар таркибига зардоб, сут ва сояни киритмоқдалар [15].

Илгари энергетик тоникларининг асосий истеъмол аудиторияси маълум бир қизиқиш доираси ва дам олиш услубини намойиш этадиган ёшлар эди. Аммо сўнгги пайтларда бу гуруҳга талабалар, ҳайдовчилар, спортчилар, савдо компаниялари раҳбарлари ва бошқалар қўшилди [16,17,18].

2018 йил ҳолатига кўра, дунёда энергетик ичимликларнинг 500 дан ортиқ савдо номлари мавжуд бўлиб, улар ўз таркибига кўра сезиларли даражада фарқланади. Шу билан бирга, ўзига хос бренддан қатъи назар, барча бундай ичимликларнинг умумий хусусияти улар таркибидаги юқори рағбатлантирувчи- тоник таъсирга эга бўлган (кофеин, гуарана, таурин, жиншен, глюкуронолактон, L- карнитин, В гуруҳ витаминлари ва бошқалар) моддалар ва бирикмалар сақлайди. Энергетик ичимликларнинг асосий таркибий қисмларидан бири энг кенг тарқалган психоактив модда кофеиндир. Энергетик ичимликларда кофеин чой ёки қаҳвадан фарқли ўлароқ, синтетик алкалоид шаклида бўлади. Енгил психостимулятор таъсирга эга бўлган кофеин дунёдаги энг кўп қўлланиладиган психофаол моддадир. У алкоголсиз ичимликлар, қаҳва, чой, какао, шоколад ва бир қатор рецептли ёки рецепциз дори воситаларида мавжуд. Кофеин ошқозон-ичак трактидан сўрилади ва тезда барча тўқималарга тарқалиб, плацента тўсиғига осонгина кириб бора олади. Энергетик ичимликлардаги кофеин миқдори бошқа ичимликлардан жуда катта фарқ қилади, 100 мл маҳсулот 32 мг дан 130 мг гача сақлайди.

Бироқ, қаҳвадаги кофеиннинг салбий таъсири одатда иссиқ, узоқ вақт ва кичикроқ ҳажмда ичилиши билан бартараф этилади. Бундан ташқари, қаҳва таркибида кофеиннинг юрак-қон томир ва овқат ҳазм қилиш тизимига салбий таъсирини камайтирадиган антиоксидантлар мавжуд [41]. Кофеиннинг кўпгина таъсирини аденозин рецепторларига рақобатлашувчи антагонистлиги билан изоҳлаш мумкин. Аденозин трифосфат (АТФ) ва нуклеин кислоталарнинг бир қисми бўлган аденозин марказий нерв тизимидаги бир қатор метаболик функцияларга таъсир қилувчи нейромодулятор сифатида таъсир қилади. Аденозин марказий нерв тизими фаолиятини сусайтиради, шу сабабли аденозин рецепторлари антагонистлари (масалан, кофеин) қўзғатувчи таъсирга эга. Кофеиннинг хавфсиз кунлик истеъмол миқдори Россия ва ғарб кўрсатмаларига кўра фарқ қилади. Бу Россияда 150 мг/сутка, ғарбда еса 400 мг/кунлик миқдорни ташкил қилади [19,20]. Ушбу дозалар соғлом ёш ва ўрта ёшдагилар учун қўлланилади, ҳомиладорлик ва лактация давридаги аёллар бундан мустасно [21]. Болаларда ҳам чекловлар мавжуд, ҳозирда уларнинг максимал рухсат этилган дозасини камайтириш кўриб чиқилмоқда [22]. ЖССТ нинг Эстония бўлими мутахассислари "Frontiers ин Public Health" (2014) журналида тадқиқот натижаларини эълон қилдилар, унга кўра Европада катталарнинг 1/3 қисми, ҳар бешинчи бола ва ўсмирларнинг 2/3 қисми энергетик

ичимликлар истеъмол қилади. Катталар кофеин истеъмолининг 8 фоизини энегетиклардан олсалар, болаларда бу кўрсаткич анча юқори - 43 фоиз. Шу сабабли, олимлар кофеин билан заҳарланиш хавфи ҳақида огоҳлантирмоқдалар, бу катталарга қараганда болаларда кўпроқ намоён бўлади. Бундан ташқари, 18 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшларнинг 70 фоизи энергетик ичимликларни алкогол билан аралаштириб ёки алкоголли энергетик ичимликлар истеъмол қиладилар [23]. Кофеин кексалар, айниқса юрак-қон томир ва бошқа сурункали юқумли касалликларга чалинганлар учун хавфли бўлиши мумкин [24,25]. Кофеин мия ярим шарларида қўзғалиш жараёнларини рағбатлантиради, харакат фаоллигини, ақлий ва жисмоний фаолиятни, чидамлиликни оширади. Бундан ташқари, чарчоқ ва уйқучанлик туйғусини камайтириш билан бирга, диққатни, хотирани, реакцияни вақтинчалик кучайтиради. Кофеин кўплаб спортчиларнинг рационининг ажралмас қисмидир, чунки кофеиннинг ўртача дозалари чидамлиликни ошириши мумкин. "Кофеин тадқиқотлари" натижаларини кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, ҳар бир килограмм тана вазнига 3 мг кофеинни истеъмол қилиш интенсив ҳаракат қилаётган спортчининг чидамлилигини 20-50% га ошириши мумкин. Кофеин спорт оламида ўзига хос ўринни эгаллайди. Дарҳақиқат, 1 кг тана вазнига 3-6 мг кофеин дозаси Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) томонидан рухсат етилган допинг чегарасидан ошмаган ҳолда организмнинг иш фаолиятини яхшилайди [26]. ХОҚ бўйича кофеиннинг рухсат этилган дозаси мавжуд, унинг сийдикдаги миқдори 1 мл учун 12 микрограммдан юқори боўлса, допинг ҳисобланади. Шундай қилиб, кофеин чидамлиликни оширишнинг қонуний ва хавфсиз воситаси [27]. Кофеиннинг организм фаоллигини ошириши таъсирининг учта асосий назарияси мавжуд: 1. Марказий нерв тизимини рағбатлантириши. Кофеин нерв импулсларини узатиш тезлигини ва мушак толаларининг қисқаришини оширади бу еса мушакларни ишлашини осонлаштиради. 2. Мушакларнинг қисқариш кучини ошириши- кофеин ҳужайрада ион транспортига таъсир қилиб, ишлаётган мушакларга натрий ва калий оқимини ва уларга кальцийнинг ўтишини яхшилайди [27]. 3. Кофеин липидлар утилизациясинини ошириши ва углеводга эхтиёжни камайтириши мумкин. Бу дам олиш вақтида ҳам, жисмоний машқлар пайтида ҳам қонда адреналин даражасининг ошишига олиб келади, бу мушакдаги триглицеридлардан ва ёғ тўқимасидан эркин ёғ кислоталарини қонга сафарбар қилади. Эркин ёғ кислоталарининг кўпайиши углевод истеъмолини, жигар гликогенининг парчаланишини камайтиради, гликоген захирасини ушлаб туради ва шу билан чидамликни оширади [28].

Бироқ, кофеин ишлаш махсулдорлигини яхшилаши сабабли ундан фойдаланиш бўйича спорт этик қумитасида саволлар мавжуд. Жисмоний фаолликни ошириш учун машғулотдан бир соат олдин тавсия этилган доза 3-6 мг / кг [29]. Бироқ, кофеин қонуний дозаларда қўлланилганда ҳам, у допингнинг бир шакли сифатида қабул қилиниши мумкин, бу еса спорт кўрсаткичларининг яхлитлигини шубҳа остига қўяди. Шунинг учун Америка спорт тиббиёти коллежи, Америка қўшма штатлари олимпия қўмитаси ва Америка диетологлар Ассоциацияси спортчилар кофеиндан фойдаланишини тақиқлайди [30,31].

Чарчоқни, уйқучанликни камайтириш, ақлий ва жисмоний иш фаолиятини яхшилаш - буларнинг барчаси кофеиннинг вақтинчалик таъсири бўлиб, бу кейинчалик янада кўпроқ чарчоқ билан алмашади. Агар организмга етарлича дам бермасдан, яна бир чашка қаҳва ёки қора чой ичилса, бундай ҳолатда кофеиннинг рухсат этилган дозаси сезиларли даражада ошиб кетиши мумкин, чунки у танадан аста-секин чиқарилади [32,33]. Кофеин катта ёшли соғлом одамнинг танасидан 5-7 соатдан кейин, чекувчининг танасидан 3 соат кейин, ҳомиладор аёлдан - 18-20 соат, янги туғилган чақалоқдан - 30 соатдан кейин бутунлай чиқарилади. Кофеиннинг токсиклиги паст, лекин катта дозаларда ва мунтазам истеъмол қилишда психомотор қўзғалиш, асабийлашиш, уйқусизлик, тахикардия, аритмия, қон босими ортиши, кўнгил айниши, қусиш кабиларга олиб келиши мумкин. Кофеин болаларда ривожланаётган асаб тизимига зарар етказиши мумкин. Болада инжиқлик, безовталик, тез чарчаш кузатилади, кундузги ва тунги уйқуси бузулади. Юрак-қон томир касалликларига мойил бўлган одамларда кофеинли энергетик ичимликларни ҳар куни истеъмол қилиш жиддий муаммоларига олиб келиши мумкин, жумладан, қон босимини оширади, юрак уришини тезлаштиради ва баъзиларида аритмия ривожланишига олиб келади [34]. Кофеин эпилепсия, руҳий қўзғалувчанликнинг кучайиши, уйқусизлик, артериал гипертензия, юрак ритми ва ўтказувчанлигининг бузилиши ва глаукома билан оғриган шахсларга тақиқланади [35,36].

Таурин- аминокислота систеиннинг ҳосиласи. Таурин кўпчилик энергетик ичимликларда кофеин каби учрайди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу бирикма инсон танаси учун табиий хисобланади, чунки у организмда синтезланади ва мушакларда, жигарда кўп миқдорда сақланади. Инсон танаси тауринни ташқаридан гўшт, сут ва денгиз маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали олиши мумкин. Тауринни қўллашда аниқ салбий таъсирлар кузатилмаган, аммо тауринни кўп миқдорда истеъмол

қилишнинг салбий таъсири ҳақида маълумотлар мавжуд. Таурин спиртли ичимликлар таъсирининг салбий таъсирини камайтириши мумкинлигини кўрсатадиган экспериментал далиллар ҳам мавжуд [37]. Таурин ўт суюқлигининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, ҳайвонлар ва одамларнинг турли тўқималарида, асосан, мушакларда кам миқдорда мавжуд. Таурин асаб, иммун ва бошқа баъзи тизимларнинг нормал ишлаши учун зарурдир, ёғ ва калций алмашинувини тартибга солишда иштирок этади, ҳужайралар озиқланишини яхшилайди. У организмда етарли миқдорда синтезланади (баъзи туғма касалликлар бундан мустасно). Сичқонлар устида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, таурин узоқ муддатли жисмоний машқлар пайтида мушакларнинг чарчашинии камайтириши мумкин [18]. Энергетик ичимликлар таркибидаги ушбу моддаларнинг юқори дозаси таъсири одамларда ўрганилмаган. Антиоксидант таъсирга эга ва метаболик жараёнларда фаол иштирок этувчи таурин қондаги қанд миқдорини барқарорлаштиришга, холестеринни парчалашга ёрдам беради ва шу билан юрак-қон томир касалликларининг олдини олади [30]. Шу муносабат билан у кўпинча биологик фаол озиқ-овқат қўшимчалари таркибига киради [31, 32]. Тауриннинг токсиклиги масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда, бироқ унинг кофеин билан биргаликда энергетик ичимликларда кўп миқдорда мавжудлиги марказий асаб тизимини ҳаддан ташқари қўзғатиши, метаболик жараёнларни кучайтириши ва тормозланиш жараёнларини камайтириши билан организмга таҳдид солади. Дозани ошириб юбориш ҳолатлари - қорин оғриғи; - ошқозон ярасининг қўзғалиши; - гастрит; - аритмия; - юрак фаолиятидаги узилишлар; - аллергик реакцияларга сабаб бўлиши мумкин. Таурин айниқса болалар ва ўсмирлар учун хавфлидир, чунки 3 г ёки ундан ортиқ дозада у таурин индусирияли токсик энсефалопатияга олиб келиши мумкин [29, 30]. Энергетик ичимликлардаги яна бир кенг тарқалган таркибий қисм гуарана ёки гуарана экстрактидир (унинг асосий фаол моддаси гуараниндир). Гуарана Бразилияда тарқалган тропик ўсимлик бўлиб, табиий психостимулятор сифатида ишлатилади. У кўплаб органик моддаларни ўз ичига олади, уларнинг асосийси кофеин бўлиб, бу стимулловчи таъсирни белгилайди. Фармакологик хусусиятларига кўра гуаранин кофеинга ўхшайди. Бу гуарана ва кофеинни ўз ичига олган энергетик ичимликлар икки томонлама стимулловчи таъсирга эга бўлиши мумкинлигини англатади. Стимуляторларнинг бундай дозаси энергетик ичимликларнинг инсон организмига салбий таъсирини кучайтириши мумкин [13].

Женшен - энергетик ичимликларнинг стимулловчи таъсирини кучайтирувчи табиий кўп қиррали модда хисобланади. Одатий дозаларда у чарчоқ туйғусини камайтиради, ақлий ва жисмоний фаолликни оширади. Бироқ, уларнинг ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиниши безовталик, уйқусизлик ва қон босимининг кўтарилишига олиб келади. Женшен табиий адаптоген бўлиб, унинг экстракти моддалар ва энергетик алмашинувини, ҳужайра фаоллигини ва ҳужайралар томонидан кислороднинг ўзлаштирилишини кучайтиради.

Энергетиклар таркибидаги углеводларга биринчи навбатда сахароза ва глюкоза, фруктоза киради. Бу моно - ва ди- сахаридлар организмга озиқ-овқат билан кирадиган ёки полисахаридларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган асосий озиқ моддалардир [19]. 250 мл энергетик ичимликда сахароза, глюкоза ва фруктоза шаклидаги углеводлар 35 г гача мавжуд. Оддий шакарни (2000 ккал учун -32 г) кунлик истеъмол қилиш бўйича жорий тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, битта энергетик ичимликдаги шакар миқдори тавсия этилган кунлик истеъмолдан 2-3 баравар кўпроқдир. Энергетик ичимликлар таркибида кўп миқдорда шакар ва кислоталар мавжуд бўлганлиги сабабли, уларни тез-тез истеъмол қилиш оғиздаги кислота-ишқор мувозанатини, шунингдек, тиш эмалини бузади, кориес ривожланишига ҳисса қўшади. Энергетик ичимликлардаги шакарнинг юқори миқдори ошқозон ости безининг эндокрин қисми функциясини зўриқтиради. Натижада, қандли диабет ривожланиш хавфини айниқса, ирсий мойиллик ва ортиқча вазн фонида оширади.

Теобромин ҳам тузилиши ва таъсири бўйича кофеинга ўхшаш моддадир, лекин тахминан 10 баравар камроқ психостимуляция таъсирига эга, какао ва какао маҳсулотлари, масалан, шоколадда мавжуд.

Глюкуронолактон -Д-глюкуронид-гамма-лактон (ДГЛ), инсон организмидаги глюкозанинг табиий метаболитларидан бири бўлиб, бириктирувчи тўқималарнинг муҳим таркибий қисмидир. У ҳеч қандай "Энергетик" хусусиятига эга эмас ва организмдан заҳарли метаболик маҳсулотларнинг чиқарилишини бироз яхшилайди. Оддий озиқ-овқат махсулотларида- дон, қизил шароб, баъзи ўсимлик қатронлари. Буларда ДГЛ кам миқдорда ва табиий шаклда мавжуд. Винода глюкуронолактоннинг максимал миқдорда мавжуд бўлиб, 1 литр ичимлик 20 мг гача сақлайди. Оддий рационал овқатланишда организм глюкуронолактонни етарли миқдорда олади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ДГЛ тез сўрилади, метаболланади ва сийдикда глюкарат кислотаси, ксилит ва L - ксилулоза шаклида чиқарилади. Агар ичимликдаги таурин миқдори 1000 мг / л, глюкуронолактон - 2400 мг / л бўлса, у ҳолда 500 мл сиғимли ичимликнинг биттаси мос равишда 500 ва 1200 мг уш-

бу моддаларни ўзида сақлайди, бу ҳолатда табиий кунлик истеъмол нормасидан ошади. Бундай дозаларнинг таъсири, шунингдек энергетик ичимликлардаги бошқа компонентлар билан бу модданинг ўзаро таъсири ҳали ўрганилмаган [29].

L- карнитин - бу организмда лизин ёки метионин аминокислоталаридан синтез қилинадиган моддадир. Гўшт ва сут маҳсулотлари, ёнғоқлар, баъзи мева ва сабзавотларда мавжуд. Бу ёғларнинг нормал сўрилиши ва парчаланиши учун зарурдир. Скелет мушакларидаги ёғ миқдорини камайтириші орқали L- карнитин ортиқча тана вазнини камайтиради. Шу билан бирга, у гликогендан тежамкор фойдаланишга ва унинг жигар ва мушаклардаги заҳираларини кўпайтиришга ёрдам беради. У нейротрофик таъсирга эга, апоптозни ингибирлайди, зарарланган ҳудудни чеклайди ва асаб тўқималарининг тузилишини тиклайди. L- карнитин сут ва пируват кислоталар даражасини пасайтириб, чидамлиликни оширишга ёрдам беради, шунингдек, харакат фаоллигини ва жисмоний машқлар толерантлигини оширади. Организмда L- карнитин ишлаб чиқарилиши ва озиқ-овқат орқали тушиши туфайли қўшимча манба керак емас. Катталар учун L- карнитиннинг тавсия этилган суткалик дозаси 300 мг гача, 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар учун 100-300 мг. Ақлий, жисмоний ва руҳий стресснинг кучайишида, кўплаб касалликларда, ҳомиладорлик ёки эмизишда L- карнитинга бўлган эҳтиёж бир неча марта ошиши мумкин: Ортиқча вазнга қарши курашишда ёки иммунитетни оширишда - 1500-3000 мг гача, ОИЦ, юрак-қон томир тизими, жигар ва буйраклар касалликлари, ўткир инфекцияларда - 1000-1500 мг гача. - интенсив спорт билан шуғулланишда - 1500-3000 мг гача, оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган ишчиларда - 500-2000 мг гача талаб ошади. Ушбу модданинг юқори дозаларининг таъсири ҳали ўрганилмаган [1, 26].

В гуруҳ витаминлар ва D-рибоза организмга керак, аммо биринчиси озиқ-овқат билан тушади, иккинчиси эса организмда мустақил равишда синтезланади. В гуруҳ витаминлар - организмга кўплаб биокимёвий реакциялар учун зарур бўлган моддалардир; нормал рационида етарли миқдорда мавжуд. Бу моддалар "Энергетик" хусусиятіга эга емас, АТФ синтезида қатнашмайди. Уларни ҳаддан ташқари кўп ёки узоқ муддат истеъмол қилишда кузатилади: Д-рибоза мушакларда ҳаддан ташқари қўзғалиш ва оғриқларга олиб келиши мумкин; - сунъий равишда синтез қилинган D6, B12, C витаминлари ошқозон-ичак трактининг зарарланишига, С витамини эса аллергияга олиб келиши мумкин [18, 24, 35]; Пиридоксин (вит. B6) агар суткалик дозадан ошиб кетса, уйқусизликка, оёқ-қўлларда босилиш ҳисси - "Пайпоқ" ва "Қўлқоп" белгиси пайдо бўлишига олиб келиши мумкин;

Цианокобаламин (B12) нинг ножўя таъсири қон ивишининг кучайиши, тахикардия, юракдаги оғриқ, бош оғриғи, бош айланиши билан номоён бўлади; Аскорбин кислота капиллярларнинг ўтказувчанлигининг ва гистогематологик тўсиқнинг пасайишига, тўқималар трофизмининг ёмонлашишига, протромбинемияга, қон ивишининг кучайишига, эритроцитопенияга, нейтрофилли лейкоцитозга, буйракларнинг гломеруляр аппаратига зарар етказилишига, сийдик йўлларида тошларнинг шаклланишига, мис ва рух алмашинуви, уйқу бузилиши шу жумладан метаболик касалликларга олиб келиши мумкин. [30]. Женшен ва гуарана кичик дозаларда фойдали бўлган табиий стимуляторлардир. Ичимликларда бу моддалар турли нисбатларда аралаштирилади. Уларсиз замонавий озиқ-овқат саноатини тасаввур қилиб бўлмайди: консервантлар, кислоталиликни регуляторлари, стабилизаторлар, бўёқлар ва бошқа озиқ-овқат қўшимчаларини таркибига киради. Улар озиқ-овқат махсулотларини сақлаш муддатини кўпайтириши, тақдимотни яхшилаш учун ишлатилади. [11, 22]. Ҳозирда озиқ-овқатга қўшилган қўшимчалар ва озуқавий манбалар бўйича илмий панел (Scientific Panel он Фоод Additives анд Nutrient Sources added to food) экспериментал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилди ва қуйидаги хулосаларга келди [33]. 1. Озиқ-овқат бўйича европа илмий қўмитаси (Scientific Committee on food), энергетик ичимликлар ва уларнинг таркибий қисмлари, шу жумладан глюкуронолактон хавфсизлиги бўйича европа комиссиясининг ҳужжатларини чуқур ўрганиб, организмда бу бирикмаларнинг токсикокинетикасини ва унинг таъсирини кўриб чиқиб, шундай хулосага келди: 1."Компонентлар ва уларнинг метаболитларининг кимёвий табиати, уларнинг сўрилиши, тарқалиши, метаболизми ва чиқарилишида турли жараёнлар иштирок этиши бўйича экспертларнинг фикрига кўра, ҳатто бирон бир компонентнинг юқори дозада истеъмол қилинишида ҳам ҳеч қандай токсикокинетик ўзаро таъсирлар кутишга асос йўқлигини таъкидламоқда [23]. 2. Каламушлар устида олиб борилган экспериментал тадқиқотларда таурин ва спиролактоннинг юқори дозаларининг мутаген, тератоген ва онкоген таъсири аниқланмаган. Улар каламушларнинг репродуктив функциясига таъсир қилмайди [13].

Энергетик ичимликлар ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотлари энергияни оширувчи, диққатни жамлашга ёрдам берувчи ва соғлиқ учун зарарсиз бўлган табиий ингрэдиентларни ўз ичига олишини таъкидлайди. Лекин шу билан бирга, бутун дунё тиббиёт ҳамжамияти тобора кўпроқ қайд этилаётган "Энергетик ичим-

ликлар" айниқса, ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш билан боғлиқ салбий таъсирлардан хавотирда [18].

Хулоса. Энергетик ичимликлар истеъмолида қуйидагилар: - ичимликларни ҳаддан ташқари кўп миқдорда истеъмол қилиш; - болалар томонидан истеъмол қилиниши, чунки ҳисоб-китоблар катталарнинг тана вазнига асосланган; - алкоголли ва алкоголсиз энергетик ичимликларни алкогол билан биргаликда фойдаланиш тавсия қилинмайди.

Адабиётлар:

1. Zucconi S, Volpato C, Adinolfi F, Gandini E, Gentile E, Loi A, et al. Gathering Consumption Data on Specific Consumer Groups of Energy Drinks. Parma: Supporting Publications; 2013: EN-394;
2. Nomisma SpA, Areté Srl. 190s. http://www.efsa.europa.eu/
3. Breda JJ, Whiting SH, Encarnação R, Norberg S, Jones R, Reinap M, Jewell J. Energy drink consumption in Europe: a review of the risks, adverse health effects, and policy options to respond. Front Public Health. 2014 Oct 14; 2:134. doi: 10.3389/fpubh.2014.00134. 3. World Health Organization. WHO Basic Analytical Toxicology (2005). Available from: http://www.who.int/ipcs/publications/training_ poisons/basic_analytical_tox/en/index.html
4. European Food Safety Authority (EFSA) Science Strategy 2012—2016. http://www.efsa.europa.eu/en/corporate/pub/sciencestrategy12 39c.
5. EFSA (European Food Safety Authority), 2011a. Scientific report on the Evaluation of the FoodEx, the food classification system applied to the development of the EFSA Comprehensive European Food Consumption Database. EFSA Journal. 2011;9(3): 1970:27. doi: 10.2903/j.efsa.2011.1970.
6. EFSA (European Food Safety Authority), 2011b. Guidance of EFSA on the use of the EFSA Comprehensive European Food Consumption Database in Intakes Assessment. EFSA Journal. 2011;9(3): 2097:34. doi: 10.2903/j.efsa.2011.2097
7. Burgess Shelly FDA probes link between 5-hour Energy caffeine shot drink and 13 deaths Dailynews от 16/11/12 http://www.nydailynews.com/news/ national/fda-probes-energy-drink-related-deaths-article-1.1203113
8. Babu K, Church R, Lewander W. Energy drinks: the new eye-opener for adolescents. Clin Ped Emerg Med. 2008; 9:35-42. doi: 10.1016/j.cpem.2007.12.002.
9. Arria AM, O'Brien MC. The «high» risk of energy drinks. JAMA. 2011;305(6):600-601. doi: 10.1001/jama.2011.109.
10. Карпентер Мюрей «На кофеине. Полезная вредная привычка» М. 2014. ISBN: 978-5-00057-251-9.
11. Российский рынок безалкогольных напитков [Электронный ресурс]: исследования Euromonitor International, 2012. http://www.unipack.ru.
12. Жилнова Л. Знак четырех. Продвижение продовольствия. 2012; 7:47. 16. Экспертиза качества безалкогольных энергетических напитков. Маркетинговая компания Академия Сервис. http://www.asmarketing.
13. Агентство политических новостей (АПН)10.10.14 Энергетические напитки вне закона? http://www.apn.ru/news/article32471.htm.
14. Фудуральное агентство по техническому регулированию и терологии. Национальный стандарт Российской Федерации. ГОСТ Р 52844- 2007.
15. Buxton C, Hagan JE. A survey of energy drinks consumption practices among student-athletes in Ghana: lessons for developing health education intervention programmes. J Int Soc Sports Nutr. 2012;9(1):9. doi: 10.1186/1550-2783-9-9.
16. Bulut B, Beyhun NE, Topbaş M, Can G. Energy drink use in university students and associated factors. J Community Health. 2014. doi: 10.1007/s10900-014-9849-3.
17. Seifert SM, Schaechter JL, Hershorin ER, Lipshultz SE. Health effects of energy drinks on children, adolescents, and young adults. Pediatrics. 2011;127(3):511-528. doi: 10.1542/peds.2009-3592
18. Brown IJ, Stamler J, Van Horn L, Robertson CE, Chan Q, Dyer AR, et al. Sugar-sweetened beverage, sugar intake of individuals, and their blood pressure: international study of macro/micronutrients and blood pressure. Hypertension. 2011;57(4):695-701
19. Информация национального фонда защиты потребителей по итогам реализации экспертно-аналитического проекта «Анализ рисков потребления кофеинсодержащих пищевых продуктов, представленных на потребительском рынке РФ» 2014;17. http://liptorg-cp.ru/opasnyjkofein/.
20. Reissig CJ, Strain EC, Griffiths RR. Caffeinated energy drinks – a growing problem. Drug Alcohol Depend. 2009;99(1-3):1-10. doi: 10.1016/j.drugalcdep.2008.08.
21. Greenwood DC, Alwan N, Boylan S, Cade JE, Charvill J, Chipps KC, et al. Caffeine intake during pregnancy, late miscarriage and stillbirth. Eur J Epidemiol. 2010;25(4):275-280. doi: 10.1007/s10654-010-9443-7
22. Schneider MB, Benjamin HJ. Sports drinks and energy drinks for children and adolescents: are they appropriate? Pediatrics. 2011;127(6):1182-1189. doi: 10.1542/peds.2011-0965.
23. Breda JJ, Whiting SH, Encarnação R, Norberg S, Jones R, Reinap M, Jewell J. Energy drink consumption in Europe: a review of the risks, adverse health

effects, and policy options to respond. Front Public Health. 2014 Oct 14; 2:134
24. Cheng M, Hu Z, Lu X, Huang J, Gu D. Caffeine intake and atrial fibrillation incidence: dose response meta-analysis of prospective cohort studies. Canadian Journal of Cardiology. 2014; 30:448-454.
25. Driessen MT, Koppes LL, Veldhuis L, Samoocha D and Twisk JW. Coffee consumption is not related to the metabolic syndrome at the age of 36 years: the Amsterdam Growth and Health Longitudinal Study. European Journal of Clinical Nutrition. 2009; 63:536-542.
26. Warren GL, Park ND, Maresca RD, McKibans KI, Millard-Stafford ML. Effect of caffeine ingestion on muscular strength and endurance: A metaanalysis. Med Sci Sports Exerc. 2010; 42:1375-1387.
27. Armstrong LE, Casa DJ, Maresh CM, Ganio MS. Caffeine, fluid-electrolyte balance, temperature regulation, and exercise-heat tolerance. Exerc Sport Sci Rev. 2007;35(3):135-140.
28. EFSA Panel on Dietetic Products, Nutrition and Allergies (NDA). Scientific Opinion on the substantiation of health claims related to caffeine and increased fat oxidation leading to a reduction in body fat mass (ID 735, 1484), increased energy expenditure leading to a reduction in body weight (ID 1487), increased alertness (ID 736, 1101, 1187, 1485, 1491, 2063, 2103) and increased attention (ID 736, 1485, 1491, 2375) pursuant to Article 13(1) of Regulation (EC) No 1924/2006. EFSA Journal 2011b; 9(4): 2054:29. doi: 10.2903/j.efsa.2011.2054.
29. EFSA Panel on Dietetic Products, Nutrition and Allergies (NDA), 2011a. Scientific Opinion on the substantiation of health claims related to caffeine and increase in physical performance during short-term high-intensity exercise (ID 737, 1486, 1489), increase in endurance performance (ID 737, 1486), increase in endurance capacity (ID 1488) and reduction in the rated perceived exertion/effort during exercise (ID 1488, 1490) pursuant to Article 13(1) of Regulation (EC) No 1924/2006. EFSA Journal. 2011;9(4): 2053:24. doi: 10.2903/j.efsa.2011.2053.
30. Doering T, Fell J, Leveritt M, Desbrow B, Shing C. The effect of a caffeinated mouth-rinse on endurance cycling time-trial performance. International Journal of Sport Nutrition & Exercise. 2014;24(1):90-97.
31. Nelson N. Does Caffeine consumption enhance endurance performance. American College of sport medicine (AMSM)`s certified news. 2014;24; 3:6-7.
32. Уинстон П. Нервно-психические эффекты кофеина. Достижения в психиатрической помощи. 2005;11; 6:432-439. doi: 10,1192/apt.11.6.432.
33. Branth S, Hambraeus L, Piehl-Aulin K, Essén-Gustavsson B, Akerfeldt T, Olsson R, Stridsberg M, Ronquist G. Metabolic stress-like condition can be induced by prolonged strenuous exercise in athletes. Ups J Med Sci. 2009;114(1):12-25.
34. Azagba S, Langille D, Asbridge M. An emerging adolescent health risk: caffeinated energy drink consumption patterns among high school students. Prev Med. 2014; 62:54-59. doi: 10.1016/j.ypmed.2014.01.019.
35. Lee S, Hudson R, Kilpatrick K, Graham TE, Ross R. Caffeine ingestion is associated with reductions in glucose uptake independent of obesity and type 2 diabetes before and after exercise training. Diabetes Care. 2005;28(3):566-572. doi: 10.2337/diacare.28.3.566.
36. Kerrigan S, Lindsey T. Fatal caffeine overdose: two case reports. Forensic Sci Int. 2005;153(1):67-69. doi: 10.1016/j.forsciint.2005.04.016
37. Uozumi Yoriko, Ito Takashi, Hoshino Yuki, Mohri Tomomi, Maeda Makiko, Takahashi Kyoko, Fujio Yasushi and Azuma Junichi. Myogenic differentiation induces taurine transporter in association with taurine-mediated cytoprotection in skeletal muscles Biochem J. 2006; 394:699-706.

ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЕ НАПИТКИ. СОСТАВ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ И ВЛИЯНИЕ НА ОРГАНИЗМ ИХ ОТДЕЛЬНЫХ КОМПОНЕНТОВ

Юсупова Н.А., Орипов Ф.С.

Резюме. *В статье представлены общие представления об энергетических напитках, составе энергетических напитков и влиянии на отдельные компоненты. Существует мало опубликованной литературы о побочных эффектах ЭН. В частности, было продемонстрировано, что потребление энергетических напитков с кофеином и их ингрэдиенты влияют на настроение и состояние нервной системы, способствует развитию сердечно-сосудистых нарушений, вызывает изменения в желудочно-кишечном тракте, приводящие к значительным метаболическим эффектам. Сегодня мнения ученых и специалистов разделяются: кто-то считает энергетики вполне безобидными, подобными обычной газировке, другие, напротив, утверждают, что энергетические напитки могут действовать как наркотики и вызывать привыкание и зависимость.*

Ключевые слова: *Энергетические напитки, кофеин, таурин, гуарана, L- карнитин, витамины группы В.*

САМИЕВ УТКУР БАСИРОВИЧНИНГ ХОТИРАСИГА
(1952-2022)
тиббиёт фанлари номзоди, доцент
МАРҲУМ УСТОЗИМИЗНИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИНИ ЭСЛАБ

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш тизими ҳамда Самарқанд Давлат тиббиёт Университети жамоасида оғир йўқотиш бўлди. Бевақт ўлим қадрдон устозимиз ҳақиқий етук шифокор, тажрибали педагог, эл юрт таниган олим, ташкилотчи раҳбар, ватанини севган, беназир хулқли инсон, СамДТУ ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Самиев Уткур Басировични орамиздан олиб кетди. Оллоҳнинг иродаси экан устозимиз 70 ёшида бу дунёни тарк этди.

Уткур Басирович Самиев 1952-йилда Самарқанд тумани Хаймари қишлоғида туғилган. Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

Устознинг умр йўллари:

У.Б. Самиев 1970-1976-йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университети талабаси. 1976 - 1978 - йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университети клиник ординатори, 1978-1979-йилларда Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси врач терапевти бўлиб ишлаган. Уткур Басирович 1980-1983-йилларда институт аспирантурасида таҳсил олди. 1983-1987- йилларда институт асистентлиги лавозимида иш фаолиятини бошлаб, 1986-йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1987-1993-йилларда даволаш факультети декани ўринбосари сифатида иш фаолиятини давом эттирди. У.Б. Самиев 1993-1998-йилларда институт 1-сон ички касалликлари кафедраси доценти лавозимида, 1998-2006-йилларда институт маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатиб, ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб институт ва вилоят жамоаси ўртасида улкан мувофаққият қозонди. У.Б. Самиев 2006-йилдан 2011-йилгача ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири ва 2011-йилдан бугунгача мазкур кафедра доценти лавозимида фаолият кўрсатиб магистр ва талабаларга сабоқ бериб келди.

Ўз умрини тиббиётни ривожлантириш борасидаги илмий фаолиятга бағишлади, янгиликлар яратишга интилди, тиббиётда кардиология соҳаси йўналиши ривожланиши учун катта ҳисса қўшган олим эди. Устоз томонидан 220 дан ортиқ илмий ишлар, 3 та монография, 15 та ўқув услубий қўлланмалар чоп этилган, 14 та ихтирога патент олинган. Европа давлатлари ва республика ҳамда МДҲда ўтказилган кўплаб нуфузли конференцияларда иштирок этган.

Уткур Басирович кўп йиллик самарали меҳнати ва 1979-1980-йилларда Афғонистонда жангларда хизмат қилгани учун 1989-йилда “Афғон халқи номидан миннатдорлик” кўкрак нишони ҳамда 2001-йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги” кўкрак нишони, шунингдек, вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг “Фахрий ёрлиқ” лари билан тақдирланган.

Жуда катта илмий ва амалий моҳирликка эга терапевт-кардиолог эди, минглаб беморларни соғайиб кетишлари учун сабабчи бўлиб, оғир бемоларларни ҳаётга қайтариш учун жонини аямаган тиббиётнинг фидокор инсони эди. Ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасидаги фаолияти давомида университет 1-сон клиникаси кардиология бўлимига келган беморлар дардига малҳам бўлишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди.

Оилада ҳам ажойиб оила бошлиғи, меҳрибон ва жонкуяр ота, икки фарзандни вояга етказиб, илмли, билимли қилиб тарбиялаб, ҳаёт йўлларида тўғри йўл кўрсатиб, ўз ўринларини эгаллаши учун тинмай меҳнат қилганлар ва бу ниятларига тирикликларида эришган. Иккала фарзандлари ҳам оталарининг йўлларидан бориб, шифокорлик касбини эгаллашга муваффақ бўлишди.

Умрлари қиска бўлса-да, устозимизнинг ёркин хотираси қалбимизда бир умр қолади!

Иймон келтирган қалблар ила узоқ йиллардан буён қадрдон, меҳрибон устозимнинг вафотлари муносабати билан бутун университетимиз жамоаси номидан, кафедра жамоаси номидан, барча ёру биродарлари номидан оила аъзоларига чуқур таъзия билдирамиз.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорати,
СамДТУ ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ходимлари,
“Тиббиёт ва биология муаммолари” журнали таҳририяти,
шогирдлар ва ҳамкасабалар.

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЕЙ

Для направления статьи в редакцию необходимо представить:

Сопроводительное письмо от учреждения, в котором выполнена работа.

Распечатанный вариант статьи в одном экземпляре.

Электронный вариант статьи.

ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ

На первой странице статьи должна быть виза руководителя и печать направляющего учреждения, на последней странице - подпись всех авторов с указанием фамилии, имени и отчества, ученой степени, звания, почтового адреса, контактного телефона и адреса электронной почты для переписки.

В начале статьи указывают: название статьи, фамилия, имя, отчество автора (авторов) полностью, место работы каждого автора, контактная информация (e-mail) и фото (3×4 на светлом фоне) каждого автора, наименование учреждения(й), где выполнена работа (на русском, узбекском и английском языках).

К статьям необходимо приложить аннотации и ключевые слова на русском, узбекском и английском языках. Текст аннотации объемом не более 150 слов должен отражать основные положения статьи. Необходимо что бы было УДК.

Текст печатается на одной стороне листа А4, шрифт Times New Roman, размер 14, с двойным интервалом между строк, ширина полей 2 см, в текстовом редакторе MS Word 2007.

Плагиат и вторичные публикации. Недопустимо использование недобросовестного текстуального заимствования и присвоение результатов исследований, не принадлежащих авторам подаваемой рукописи. Проверить статью на оригинальность можно при помощи сервисов https://www.antiplagiat.ru/ (для русскоязычных текстов) и http://www.plagiarism.org/ (для англоязычных текстов). Редакция оставляет за собой право проверки поступивших рукописей на плагиат. Текстовое сходство в объеме более 20% считается неприемлемым. Нельзя направлять в редакцию работы, напечатанные в иных изданиях или отправленные в иные издания.

Структура оригинальной статьи должна быть следующей: введение, материалы и методы, результаты и их обсуждение, заключение или выводы, список цитируемой литературы.

Таблицы должны иметь заголовок. В тексте следует указать ссылку на таблицу, не допускается повторение данных, приведенных в ней.

Иллюстрации (фотографии, рисунки, схемы) должны быть контрастными и четкими. На обороте фотографии обозначают верх и низ, ставится номер рисунка, фамилия автора и название статьи. Допускается оформление иллюстраций в формате JPEG.

Формулы (физические, математические, химические) визируются авторами на полях.

Сокращения, кроме общепринятых (физических, химических и математических) величин не допускаются. В статье должна использоваться система единиц СИ. Аббревиатуры в названии статей не допускаются, а в тексте они должны расшифровываться при первом упоминании.

Библиографический список литературы (только на языке оригинала) не более 20 работ (за исключением обзорных статей), перечисляются в алфавитном порядке (сначала на русском, затем на иностранных языках) опубликованных за последние 5 лет. Ссылки на авторов в тексте приводятся в квадратных скобках с указанием их порядкового номера, согласно списка. Ответственность за правильность и достоверность данных, приведенных в списке литературы возлагается на авторов. При составлении списка литературы указываются: для книг - фамилия, инициалы авторов, название книги, место, издательство, год издания, количество страниц; для журнальных статей - фамилия и инициалы авторов, название статьи, название журнала, год, номер, страницы (от - до); для статей из сборников - фамилия и инициалы авторов, название статьи, название сборника, место и год издания, страницы (от - до); для авторефератов диссертаций - фамилия и инициалы автора, название диссертации, докторская или кандидатская, место издания, год, количество страниц.

Объем статей для рубрик “Клинические исследования”, “Экспериментальные исследования”, “Обзор литературы” и “Лекции” не должен превышать 10-15 страниц, включая таблицы, иллюстрации и список литературы. Для рубрик “Обмен опытом” и “Случай из практики" - не более 8-10 страниц.

Редколлегия оставляет за собой право редактировать, исправлять и сокращать статьи, без искажения их сути. Статьи, ранее опубликованные или направленные в другие журналы не принимаются. Статьи, не соответствующие настоящим требованиям рассмотрению не подлежат. Рукописи авторам не возвращаются. Отправка статей по электронной почте допускается в порядке исключения - только по согласованию с редакцией.